

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШОИРА АҲМЕДОВА

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ЖАНРЛАРИ

ТОШКЕНТ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

“Фан” нашриёти

2008

Адабий танкид ўзига хос ижод тури бўлиб, у ҳам адабиёт каби факат аниқ шаклларда ўзини намоён этади. Унинг ўзига хослиги, моҳияти такриз, таҳлилий мақола, обзор мақола, адабий портрет, эссе, адабий суҳбат, мактуб каби катор жанрлари орқали очилади. Ўз навбатида бу жанрларнинг ҳам тарихий тараққиёти, ички кўринишлари, маҳорат муаммолари мавжудки, уларни тадқиқ этиш адабиёт илмининг долзарб вазифалари каторида туради.

Монографияда ўзбек адабий танкидчилигининг жанрий таркиби, келиб чиқиш асослари, ҳар бир жанрнинг ўзига хос табиати, белгилари, ички кўринишлари хусусида мулоҳаза юритилади.

Китоб адабиётшунослар, филолог-талабалар, аспирантлар, маънавият ва маърифат муаммолари мутахассислари, ижтимоий фанлар билан шуғулланувчилар, шунингдек, инсон ва бадий сўз масалалари билан қизиқувчи китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

ЎзРФА академиги Б.А.Назаров

Такризчилар:

филология фанлари докторлари,
профессорлар А. Расулов, О.Сафаров

С Ўзбекистон
Республикаси ФА “Фан”
нашриёти, 2008 йил.

I S B № 978 – 9943 -09- 431- 4

Ушбу китобни эҳтиром ила
падари бузрукворим Неъмат
Аҳмедовнинг 75 йилликларига бағишлайман.

КИРИШ

XX аср ўзбек адабий танқидининг бой ва ранг-баранг, огир ва мураккаб, айни вақтда самарали изланишлар йўлидан иборат тарихи ўзбек адабиёти илми тизимида ўзига хос ўрин тутди. Ўзбек адабий танқидининг асосини ташкил этувчи жанрлар факат мақола, тақриз адабий портрет, эсселардангина иборат бўлмай, ҳар бири бир неча ички шакллارни ўзида мужассам этган ва яхлит бир тизимни ҳосил қилади. Адабиётда, адабий жараёнда улар ўзига хос бадий-эстетик, илмий-назарий ва ижтимоий моҳият касб этиб, муайян, аниқ вазифаларни бажариб келади. Шу эҳтиёждан келиб чиқиб, ўзбек адабий танқидининг жанрий таркиби ва табиатини, генезисини, илмий-назарий ва бадий моҳиятини, ўзига хос жанрий хусусиятларини, тузилиши ва қурилишини, адабиёт ривожда, ёзувчи ижоди ва унинг тараккиётида, мунаққидлар ижодида, китобхонлар дунёқарашининг шаклланишида, шунингдек, жамият эстетик тафаккури тараккиётида тугган ўрнини, бошқа жанрлар билан муносабатини ўзаро боғлиқликда тадқиқ этиш долзарб илмий муаммо эканлигини таъкидлаш жоиз. Шундай экан, мумтоз адабиётшунослик илдизларидан ўсиб чиқиб, жаҳон адабий илми таъсирида шакллана борган ва ўз ички қонуниятлари асосида тараккиёт йўлига кирган ўзбек адабий танқиди, унинг жанрлари, таркиби, ички турларини алоҳида, муфассал ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис ўзбек адабий танқиди жанрлари таркибини аниқлаштирувчи ва жанрий табиатини очиб берувчи, улар ҳақида яхлит илмий тасаввур уйғотувчи махсус гаджикотлар яратиш давр талабларидан бўлиб қолмоқда.

XX асрда янги ўзбек адабиётининг вужудга келиши унинг руҳига мос янги мазмун ва шаклга эга адабий танқидни тақозо этди. Аср бошлари адабиёти, адабиётшунослиги ва танқидчилигининг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, янги давр Фитрат, Чўлпон, А.Қодирий, С.Айний каби кўплаб адиблар зиммасига бадий ижод билан деярли баб-баравар адабий

танкидчилик соҳасида ҳам фаоллик кўрсатишни юклади. Замон, аynи вақтда янги руҳдаги мунаққидларни ҳам шакллантириб борди. Уларнинг адабий-танкидий меросини ўрганиш ишлари аллақачон бошланган эса-да¹, танкидчилик жанрлари нуктаи назаридан ҳозиргача яхлит тадқиқ этилмаган. Ҳолбуки, баъзи танкидчилик жанрларининг вужудга келиши ва шаклланишида танкидчилар билан бир қаторда ёзувчиларнинг ҳам роли катта бўлган. Масалан, Фигратнинг ўзи тақриз, портрет-мақола, муаммоли мақола, танкидий-биографик очерк ва бошқа жанрларда самарали ижод этган, Чўлпон эса тақриз жанрини, айниқса, театр тақризларини ривожлантирган.

Кейинги даврларда ҳам ёзувчи ва шоирлар томонидан бу анъана давом эттирилди, жумладан, А.Қодирий, Ойбек, М.Шайхзода, Ҳамид Олимжон, Ғ.Ғуллом, А.Қаҳҳор, П.Қодиоров каби адиблар ижодида ёрқин кузатилади. Улар адабий танкидга хос тақриз, илмий-биографик тадқиқот, рисола, адабий-танкидий мақола, адабий портрет, танкидий-биографик очерк, рисола каби жанрларнинг шаклланиши ва таракқиётида сезиларли из қолдирдилар. Аммо ҳозиргача уларнинг адабий танкидчилик жанрларини ривожлантиришдаги маҳорати алоҳида ўрганилган эмас. Шу боис мумтоз адабиётшунослик илдизларидан ўсиб чиққан ўзбек адабий танкиди жанрларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш зарур масалалар қаторида туради.

Бунинг устига ҳали В.Маҳмуд, А.Саъдий, Олим Шарафиддинов, О. Ҳошим, Сотти Ҳусайн, Р.Мажидий каби олимларнинг илмий-танкидий ишлари ҳам, кейинги давр мунаққидлари ва адабиётшунослари яратган ишар ҳақида айрим тадқиқотлар яратилган бўлса-да, бу бой ва ранг-баранг мерос жанрлар муаммоси нуктаи назаридан шу вақтгача деярли ўрганилмаган ва илмий жиҳатдан етарли тадқиқ этилмаган.

Умуман, танкидий асарларнинг жанрий хусусиятларини ўрганиш долзарблигича қолмоқда. Ўз-ўзидан, бу бой адабий-танкидий материални умумлаштириш, илмий тадқиқ этиш, ёзувчи ва мунаққидлар ижодини шакл жиҳатидан – адабий танкид жанрлари нуктаи назаридан яхлит ҳодиса сифатида киёсий

¹ Шарафиддинов О. Чўлпон, Отажон Ҳошим. “Истиқлол фидойилари”. Т.: Шарқ, 1993; Болтабоев Ҳ. XX аср бошлари ўзбек адабиётшунослиги ва Фиграт илмий мероси. Докт. дис. Т., 1993; Каримов Б. Жалид мунаққиди Вадуд Маҳмуд. Т., 2000.

ўрганиш зарурати туғилади. Хуллас, XX асрда яратилган бой адабий-илмий меросни танқидчилик жанрлари нуктаи назаридан ўрганиш давр талабларидан биридир.

Адабий танқид илмий-эстетик тафаккур маҳсули сифатида дунёга келиб, шаклланиш ва ривожланиш қирган ҳодисадир. У жамият тараққиётида, адабиёт ривожда мустақил ва мустаҳкам мавқега эга. Адабий танқидчилик жанрларининг кўпчилиги халқимизнинг бой мероси - мумтоз адабиёт ва адабиётшунослик бағрида шаклланди, илдиз отди. Уларнинг генезисини ўрганиш орқали илмга катта масъулият билан қараган алломаларнинг адабий-танқидий қараши, бадий асарни талқин этишдаги ўзига хослиги, адабий-танқидий фикрнинг тадрижий тараққиётини тадиқ этиш имкони яралади.

Танқидчилик тарихида жанрлар масаласи рус¹, қирғиз², қозок³, арман⁴, озарбайжон⁵, тожик⁶; туркман⁷; белорус⁸, украин⁹, ғарб (немис ва инглиз)¹⁰ адабиётшунослигида бир қадар ўрганилгани кузатилади.

¹ Егоров Б. О мастерстве литературной критике. Л.: Советский писатель, 1980; Гречнев В.Я. Жанр литературного портрета в творчестве М.Горького. М.: Наука. 1964; Барахов В.С. Литературные портреты. М., 1983; Баранов В.И., Бочаров А.Г., Суровцев Ю.И. Литературно-художественная критика. Учебное пособие. М.: Высшая школа,

² Джолдошев Т., Токомбоев А. и др. О Киргизистане. О литературе и критике. (Интернет), 2005; Рысалиев К. Становление и развитие киргизской советской литературной критике. АДК, Фрунзе, 1971.

³ Кекишев Т. Целенаправленность критики. // Писатель и время. Кн.1. Алма-ата, 1973.

⁴ Мнацаканян Л.Г. Из истории армянской реалистической литературной критики конца XIX в. Ереван, 1974; Эдоян Г.А. Вопросы реализма в армянской литературной критике и эстетике начала XX в. Ереван, 1974.

⁵ Толибзода К. Озарбайжон адабий танқидининг тарихи. Боку., 1984.

⁶ Маниёзов А. Тожик совет адабиётшунослиги шаклланиши ва тарққиётининг асосий босқичлари. Тож. ФА нашр., 1977; Сатторов А. Из истории персидско-таджикской литературно-эстетической мысли (X-XV вв.). АКД Душанбе, 1972; Ҳакимов А. Адабий танқид ва адабий жараён // Садои Шарқ. 1975, 1-сон.

⁷ Клычдурдыев А. Современное состояние литературной критике в Туркменистане. «Известия АН ТССР». Серия общ. наук. 1974, № 6.

⁸ Мушинский М.И. Белорусская критика и литературоведение (20-30 ые гг.). АДД. Минск., 1977.

⁹ Зельдович М.Г. Уроки критической классики. Харьков., 1976.

¹⁰ Нефедов Н.Т. История зарубежной критики и литературоведения. М., 1988.

Ўзбек адабиётшунослигида адабий танқиднинг жанрий таркиби, таснифоти, унга алоқадор жанрларнинг табиати, келиб чиқиш асослари, бадийяти, асосий жанрий хусусиятлари, лисоний белгилари, қурилиши, уларнинг тақдирида мунаққидлар ижодининг ўрни масаласи билан боғлиқ муаммолар ҳали ўзининг муайян ечимини топган эмас.

Мумтоз адабиётшуносликда жанрлар масаласи А.Ҳайитметов тадқиқотида қисман¹, академик Б.Валихўжаев тадқиқотида атрофлича тадқиқ этилган². Ўзбек адабий танқиди тарихига бағишланган икки жилдлик китобнинг иккинчи жилди бошида “адабий танқиднинг мўл материали асосида танқидчиликнинг жанр жиҳатидан хилма-хиллиги” таҳлил этилиши кўзда тутилган бўлса-да, адабий-танқидий жанрлар махсули бўлган асарлар таҳлиliga эътибор қаратилган, аммо жанрлар назарияси, таркиби каби муаммолар очик қолган³. Демак, ўзбек адабий танқидчилигининг жанрий таркиби, генезиси, ўзига хос ички қурилиши, табиати каби масалалар адабиётшунос ва танқидчилар томонидан махсус тадқиқ этилмаган бўлса-да, Б.Назаров, С.Содиқов, Ҳ.Умуров, А.Расулов, А.Улуғов, Ҳ.Болтабоев, Б.Йўлдошев, Р.Тожибоевларнинг тадқиқотларида бу ҳақда кимматли мулоҳазалар учрайди. Кейинги йилларда бу муаммоларга қизиқиш бир қадар ортганлигини эътироф этмоқ лозим. Адабий танқидчилик жанрларига бўлган қизиқишнинг кучайганлиги номзодлик диссертацияларида, айрим мақолаларда ёрқин сезилади. Уларда, асосан, адабий танқидчиликдаги баъзи жанрларнинг табиати, хусусиятлари, вазифалари, тараққиёти ҳақида фикр юритишга ҳаракат қилинади. Бу фикр-мулоҳазалар ўзбек адабий танқидчилигининг шаклланиш ва тараққиёт босқичларини белгилашда, ўзига хос табиатини, мумтоз адабиётшунослик билан боғлиқ қирраларини аниқлашда, бадийят намуналарининг илмий ва бадий талқин қилиниши тамойилларини ўрганишда, жанрларнинг генезисини очишда ва уларнинг турли кўринишларини тадқиқ этишда яқиндан ёрдам

¹ Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. Т.: 1959

² Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. Т.: Ўзбекистон. 1993.

³ Ўзбек совет адабий танқиди тарихи. Икки томлик. 1 ва 2-т., Т.: Фан, 1987.

беради.

Адабий танкид жанрлари алоҳида бир тизим сифатида яхлит ўрганилмаганлиги, жанрлари назариясининг тўлиқ яратилмаганлиги адабиётшуносликда қоришиқликни, жанрларга баҳо беришда ноаниқликни келтириб чиқаради. Такризни мақола, танкидий-биографик очеркни адабий портрет, этюдни эссе деб қараш ҳоллари ана шундан келиб чиққан. Танқидчилик жанрларини алоҳида тизим сифатида илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиш бундай чалкашликларнинг олдини олишга ёрдам бериши шубҳасиз.

Ўзбек адабий танкиди жанрлари табиатини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиш, генезисини аниқлаш, унинг жанрларини, ҳар бирига хос ички турларни белгилаш, бадииятини, композицион хусусиятларини илмий асосда ёритиб бериш тадқиқотнинг асосий мақсадини ташкил этади. Яна ишдан кўзда тутилган асосий мақсад – ўзбек адабий танқидчилиги жанрлари, таркибини аниқлаш, таснифотини амалга ошириш, танқидчилик жанрлари табиатини тавсифлаш ва уларнинг тараққиётида мунаққидлар ижодининг ўрни ва аҳамиятини белгилашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги ўзбек адабий танқидчилиги жанрларининг биринчи марта яхлит тизим ҳолида монографик йўсинда тадқиқ этилаётганлиги билан белгиланади. Ишда XX аср ўзбек адабий танқидчилигининг шаклий жиҳатлари биринчи марта кенг қўламда ўрганилди, туб шаклий ўзгаришлар шунчаки схематик жараён, турли танқидчилик экспериментлари натижаси бўлмай, адабий танқиднинг туб мазмунидан, муайян тарихий давр, шароит адабий танқид олдига қўйган вазифалардан, адабиётнинг тадрижидан келиб чиқадиغان жараён эканлиги асослаб берилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги ўзбек адабий танқидчилиги жанрларининг генезиси; шаклланиш жараёнининг илмий-назарий нуқтаи назардан ёритилганлиги; ўзбек адабий танқидчилигининг жанрий таркиби биринчи марта изчил тасниф қилинганлиги; адабий танқид жанрларининг табиати, ўзига хос хусусиятлари бой далилий материаллар асосида агрофлича кўрсатиб берилганлиги; адабий танқид жанрларининг композицион хусусиятлари тадқиқ этилганлиги билан белгиланади.

Ишда ўзбек адабий танқидчилигига яхлит бир тизим сифатида қаралди ва унга қарашли тақриз, адабий- танқидий мақола, портрет-мақола, адабий портрет, танқидий-биографик очерк, эссе, адабий-танқидий суҳбат, адабий-танқидий мактуб каби жанрлар кенг миқёсда ўрганилди, уларнинг келиб чиқиши, табиати, тараққиётига оид хусусиятлар ойдинлаштирилдики, булар ишнинг муҳим илмий янгилликларидир.

Ўзбек адабий танқидчилиги жанрларини яхлит тизим сифатида тадқиқ этишга бағишланган ушбу тадқиқот жанрлар назариясини чуқур ўрганиш ва илмий таҳлил қилишда, ички турларини аниқлаш ва хусусиятларини тадқиқ этишда, уларнинг баднийати, мунаққидлар ижоди юзасидан тадқиқотлар олиб боришда назарий манба бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз Зеро, Ўзбек адабий танқидчилиги жанрларини ўрганиш адабиёт ривожини ва юксалишига, миллий адабий танқидчиликнинг жаҳон танқидчилиги минбарига кўтарилиши, адабий-танқидий эстетик тафаккур тараққиёти, адабий танқид жанрларини белгилашда аниқ мезонларга таяниш ва мунаққидлар ижодини ҳар томонлама ўрганишга ёрдам беради. Шу орқали адабий танқид жанрларининг ривожланиш йўллари, тараққиёт тамойилларини чуқурроқ тадқиқ этишга имкон яралади.

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИНИНГ ЖАНРИЙ ТАРКИБИ ВА ГЕНЕТИК АСОСЛАРИ

Ўзбек адабий танқидчилиги жанрларининг юзага келиши, шаклланиши ва тараққиёти XX аср бошлари адабиёти билан боғлиқ. Чунки янги адабиётнинг туғилиши, уни англаш, моҳиятини китобхонга тезроқ етказиш зарурияти турли адабий-танқидий шаклларда ифодалашни тақозо этди. Натижада тақриз ва мақолалар вақтли матбуотда эълон қилиниб, яратилган бадиий асарлар ҳақида маълумот бера бошлади. Демак, вақтли матбуот ва миллий уйғониш даври адабиёти адабий танқиднинг ранг-баранглиги, хилма-хил ифода шаклларининг юзага келишига замин яратди.

Адабий танқид ўзига хос ижод тури бўлиб, у ҳам фақат жанрларда ўзини намоён этади. Танқид деган тушунча тақриз, мақола, адабий портрет каби аниқ жанрларда ўз амалий ифодасини топади. Демак, адабиётда ҳар бир адабий тур аниқ жанрда намоён бўлгани сингари, ижод тури ҳисобланган адабий танқид ҳам ўзига хос жанрларда намоён бўлади. Обзор мақола, адабий портрет, эссе, мактуб каби ўзбек адабий танқидчилигининг ўндан зиёд жанри мавжуд. Адабий танқиднинг моҳияти, ўзига хослиги, фақат жанрлари табиатида очилади. Ўз навбатида бу жанрларнинг ҳам ички кўринишлари мавжудки, уларни тадқиқ этиш адабий танқиднинг юксалишига хизмат этиши шубҳасиз.

Адабий танқидда жанр ҳодисаси а) яхлит тизим тарзида намоён бўлиши; б) махсус вазифаларга эгаллиги ва ижтимоий-эстетик моҳиятга йўналганлиги; в) ёзувчи ва адабиёт билан узвий алоқадорлиги; г) у ёки бу адабий ҳодисанинг адабий жараёндаги мавқеини белгилаб баҳолашига қараб белгиланади.

Ўзбек адабий танқидчилигида мавжуд жанрларнинг мажмун тарихан, шу билан бирга, замонавий мақсадлар асосида вужудга келган яхлит тизим бўлиб, хилма-хил шаклдаги танқидий асарларнинг мураккаб ва ўзигагина хос алоқалари ҳамда ўзаро таъсири замирида бунёдга келди. Бинобарин, жанрлар тизимининг шаклланиши ва мавжудлиги танқид тараққиётининг энг муҳим қонуниятларидан ҳисобланади.

Ўзбек адабий танқидчилигининг жанрлар тизими: биринчидан, улардаги илмий-бадиий принциплар ва мақсадлар

умумийлигига; иккинчидан, улардан баъзиларининг тарихан тараккий этган ўзаро муносабатларига; учинчидан, жанрлар тақдиридаги умумийликка (муштаракликларга) боғлиқ ҳолда вужудга келди.

Ҳар бир жанр ўзига хос хусусиятларга эга бўлишига қарамай, уларда муштарак хусусиятлар ҳам мавжуд. Худди шу умумийлик уларни ягона тизимга бирлаштиради. Бунинг моҳиятини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

- адабий танқиддаги жанрлар моҳиятан ўзаро алоқадор ва муштаракдирлар. Уларнинг барчасида асарнинг ўзига хослиги, бадий қимматини очиш, адабиётнинг ривож, баркамоллиги, юксак бадийлиги учун кураш, китобхоннинг эстетик онгини юксалтириш вазифаси асосий ўринда туради, бунинг устига уларнинг барчасида сўз санъатига самимий муҳаббат ифодаланади. Шунинг ўзиёқ уларни ягона мақсадга йўналтирилган илмий-бадий тизимга бирлаштиради;

- ўзбек адабий танқидчилиги жанрлари орасидаги ўзаро алоқа уларнинг бадий адабиётни юксалтириш учун курашдаги кўпқиррали вазифаларининг муштараклигида ҳам кўринади: ҳар бир жанрнинг вазифаси - бадий асар, ёзувчи ижодининг ўзига хосликларини кўрсатишдан иборатдир. Маълум бир гуруҳга оид жанрлар бадий асарларнинг ёзилиши ва нашр этилишига алоқадор ташвиқотчилик характериға эға: тақриз, адабий - танқидий мақола, адабий-танқидий мактуб жанрлари, асосан, ана шундай вазифани бажаради. Бошқа бир гуруҳ жанрлар ёзувчи ҳаёти ва ижодини умумлаштириб ўрганишни кўзлайди: портрет-мақола, адабий портрет, танқидий-биографик очерк, эсселар шу мақсадда ёзилади. Шу тариқа барча жанрлар ўзига хос илмий-эстетик тафаккур воситаси сифатида адабиётнинг юксалиши учун курашади, ижодкор ва унинг асари ҳақида хулосалар чиқаришга хизмат қилиб, яхлит илмий-бадий тизимни вужудга келтиради;

- адабий танқидчилик жанрларидаги илмий моҳиятнинг, шунингдек, «сўз ҳақидаги сўз» (Ролан Барт)ни ифодалашдаги вазифасининг муштараклиги уларда мавзу, сюжет (ёзувчи асари ҳақида адабий мақола ҳам, тақриз ҳам; эссе ҳам ёзиш мумкин) ва объект (ёзувчи, шоир ижоди)нинг, адабий жараённинг ўхшашлиги ва умумийлигини юзга келтирган.

Тақризлардаги ташвиқотчилик руҳидан мақолалардаги

объектлар умумийлигига, шунингдек, адабий портретлардаги публицистик руҳдан эсселардаги бадийликнинг ўхшашлигига - ҳаммасида адабий танқид бадий адабиёт материални умумлаштириб, ягона тизимга айланади. Бу ҳол бадий асарлар, ёзувчилар ижоди, адабий жараён, ижодкорлар образлари умумийлиги ва шунинг билан бирга ўзига хослигини юзага келтиради;

- адабий танқид асарлари учун адабиёт, адабиёт назариясининг эстетик тамойиллари ҳам умумийдир, тилдаги соддалик, илмий ва образли тафаккурнинг намунаси эканлиги, илмий хулосаларнинг лўндалиги, умумлаштириш характериға эғалиги ҳам шунга хизмат қилади;

- адабий танқид жанрлари бадий-илмий тафаккур йўналишидаги усулий воситалар тизимининг умумийлиги билан ҳам ўзаро алоқадордир: композицион ўзига хослик (ғоя, мавзу бирлиги, ўзаро структурал боғланиш в.х.) ва ўзгачаликлар ҳам муайян тизимни ташкил этади.

Доимий тараққиётда бўлган бу тизим ўзбек адабиёти, маданияти, тили, илмий-бадий тафаккуриға хос хусусиятларни, миллий ўзига хосликларни ёрқин ифода этади. Шу мантиқдан келиб чиқиб, вазифаларининг турли-туманлиги, кўламдорлиги, бадий асарға баҳо бериш талаблари нуктаи назаридан адабий танқид жанрларини уч гуруҳға бўлиш мумкин:

Шу мантиқдан келиб чиқиб, олдига қўйган вазифаларининг турли-туманлиги ва кўламдорлиги, бадий асарға баҳо бериш талаблари нуктаи назаридан адабий танқид жанрларини уч гуруҳға бўлиб ўрганишни лозим топдик:

1. *Фаол ва ҳозиржавоб жанрлар*. Бу каторға такриз, обзор ва муаммоли адабий-танқидий мақола сингари адабий танқид жанрларини киритиш мумкин.

2. *Тарихий-биографик ёндашув тарзида ёзилган жанрлар* сифатида портрет-мақола, танқидий-биографик очерк, адабий портрет, эссе кабиларни кўрсатиш мумкин.

3. Адабий мулоқотға асосланган адабий-танқидий мактуб ва адабий-танқидий суҳбат жанрлари алоҳида гуруҳни ташкил этади.

Танқид назарияси ҳақида фикр юритар экан, У.Тўйчиев шундай ёзади: "Бадийлик ва образлиликдан фойдаланиш, асосан, баҳоланмаган асарни баҳолаш, оммага мўлжалланганлик,

оперативлик адабиётшуносликка эмас, танкидга хос. Адабиётни тарихан текшириш, академизм, мутахассисларга мўлжалланганлик, эстетикани фикран кўпроқ бойитиш, асосан, танкид илгари баҳолаган асарларни қайта, чуқур кўриш адабиётшунослик учун хос”¹. Шунинг учун мақола, суҳбат, монография каби жанрлар адабиётшуносликка ҳам, адабий танкидга ҳам хос. Ҳозирги адабий жараён билан боғлиқ ҳолда яратилиши ҳисобга олинса, улар ўз-ўзидан ёрқин ажралиб туради. Уларни тасниф этишда эса бу жиҳатлар ҳисобга олиниши зарур.

Ишда мавжуд материалдан келиб чиқиб, ўзбек адабий танкидчилиги жанрлари адабий танкиднинг оперативлиги, тарихий-биографик ёндашув асосида яратилганлиги, адабий мулоқотга асосланганлиги мезон қилиб олиниб, тадқиқ этилди. Бу жанрларнинг барчаси бадиий асарга баҳо бериш талабларига таяниб иш қўради.

Адабий танкид жанрларининг ўзаро муносабатлари - гоёат мураккаб жараён, у ўзаро таъсир, бир-бирига мувофиқлашиш ва бир-бирини бойитиш тарзида кечади. Жанрлар алоқаси хилма-хил шаклларга эга. Бу алоқалар адабий танкидда сезиларли ўзгаришларни юзага келтиради. Чунончи: а) жанрлар ўртасидаги алоқа. Адабий танкиддаги баъзи жанрларнинг юзага келишида иккинчиси бирининг манба вазифасини ўташи генетик алоқанинг асосий хусусияти ҳисобланади. Масалан, адабий портрет жанрининг юзага келишида мумтоз адабиётдаги ҳолатлар, маноқиблар манба вазифасини ўтаган бўлса, тақризларнинг юзага келишида мумтоз адабиёт ва адабиётшуносликдаги; таъкирлардаги у ёки бу асарга; унинг айрим қисмига оид изоҳ ва лўнда баҳоларнинг таъсири беқийс. Аммо шуниси ҳам борки, адабий танкид жанрларининг кўпи янги замон, янги жараён ва матбуот билан боғлиқ; б) бир жанрга мансуб асарда бошқа жанр хусусиятларининг учраши. Айтайлик, таъкирларда тақризларга хос хусусият, адабий портрет унсурларининг ёки адабий портретларда тақриз, шарҳ, эссега хос унсурларнинг учраши; в) жанрлар тақдиридаги муштараклик каби. Адабий танкид

¹ Ўзбек совет адабий танкиди тарихи. Икки томлик. 1 – ва 2-том. Т.: Фан, 1987. 2-том. 98-б.

жанрлари бирданига ва бир вақтда юзага келмаган, албатта. Адабий танқиднинг мумтоз жанрлари адабий-танқидий мақола, адабий-танқидий мактуб, бадиъ бўлса, кейинги босқичда тақриз, адабий портрет, адабий-танқидий суҳбат, баҳс кабилар пайдо бўлди.

Адабий танқид жанрларининг юзага келиши, шаклланиши ва тараққиётидаги муҳим омил - ижтимоий ва эстетик эҳтиёждир. Чунки воқелик бадиий адабиётда акс этар экан, адабий танқид олдига унинг ғоявий-тарбиявий ҳамда эстетик моҳиятини очиш ва қай бир шаклда ифодаланишини заруриятга айлантирган. Мумтоз адабиётшуносликда асарга қисқа баҳо бериш – бадиий асарлар таркибида унсур шаклида келиб, тақризнинг матбуот асосида алоҳида жанр сифатида шаклланишига замин яратди.

Танқид жанрларининг барчаси ижодкорлар фаолияти билан у ёки бу даражада боғлиқ бўлиб, бадиий асар яратилиши, ёзилиши, нашри, оммалашуви ҳам маълум даражада таъсир кўрсатди. Умуман олганда, адабий танқидчилик жанрларини белгилайдиган асосий тамойиллар сифатида қуйидаги мезонларга асосланиш мумкин: 1. Жанрларнинг анъанавийлиги ёки оригиналлиги. 2. Мазмуннинг эстетик моҳият таҳлилига қаратилганлиги. 3. Поэтик тасвир ифодаларидаги умумийликлар. 4. Вазифалари.

Аммо "ижод жараёни шу қадар мураккаб, бу жараён ҳосилалари шу қадар ранг-барангки, муайян назариялар билан уларни камраб олиш, умумий маҳражлар остига бирлаштириш мушкул".¹ Бу фикрни ўзига ҳос ижод тури ҳисобланган адабий танқидчилик жанрларига нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Шундай жанрлар борки, улар табиатида кўра ҳам у гуруҳга, ҳам бу гуруҳга мансуб ёки жанрлардаги қоришиқлар тадқиқ этилганда ҳам бу қарашга таяниш мумкин. Умуман олганда, М.Бахтиннинг фикрича, жанр бу санъатнинг хотирасидир. Табиийки, нафақат хотиранинг ўзи, балки унга қизиқиш дунёни бадиий акс эттиришнинг илк босқичларидаёқ «уйғонганлиги» назарда тутилса, ўзбек танқидчилигида жанрлар масаласи ечимининг бунчалик орқада қолиб кетишининг туб сабаблари нимадалиги

¹ Афокова Н. Ўзбек жалид адабиётида шеърини шакллар тараққиёти тамойиллари. Док. дис. Т., 2005. 256-б.

аёнлашади.

Адабиётда бўлгани каби адабий танкид жанрлари ҳам ўз тузилиши, мақсад ва вазифалари, келиб чиқиши, табиати, шаклланиш ва тараққиёт тамойилларига кўра муайян тизимни ҳосил қилади ва ўз навбатида, маълум ички гуруҳларни ташкил этади. Ҳозирги ўзбек адабий танкиди ўзининг шаклланиш ва тараққиёт жараёнида жанрий, композицион, услубий ранг-баранглиги ва маҳорат даражаси муттасил такомиллашиб бори. Табиийки, танкидий маҳоратга эришишда мумтоз меросга таяниш, анъаналарни эгаллаш катта аҳамиятга эга. Бунда бой ва турли-туман, ўзига хос ғоя ҳамда шаклларга эга XX аср ўзбек танкидчилиги ўзининг ютуқлари, шу билан бирга камчиликлари билан бир қанча тадқиқотларга материал бера олиши жиҳатидан ажралиб туради. Шуниси аниқки, ўтмишдаги маънавий бойликларни ўрганмай туриб, ҳодиса ва усулларни бир даврдан бошқа даврга механик равишда ўтказиш мумкин эмас. Академик А.Н. Веселовский адабий жанр тарихини текширишнинг энг яхши йўли – унинг назариясини пухта ўрганиш дея таъкидлайди. Шу тамойилга амал қилиниб, ишда адабий танкид жанрлари табиати, унинг назарий асослари тадқиқ этилди.

Бадий ижод тажрибасидан маълумки, адабий жанрларнинг шакл белгилари мазмунга нисбатан жуда секин ўзгарувчандир. В.Г.Белинскийнинг мазмунда нимаики бўлса, шаклда ўзифодасини топади деган фикрларига таянса-да, лекин кўп ҳолларда “адабий шаклларнинг мазмунга нисбатан устуворлиги, доимийлиги ва консервативлиги қонуният”и ўз кучини кўрсатади¹. Бадий асардаги мазмун билан адабий танкиддаги мазмун масаласи ўртасида фарқлар мавжуд бўлса-да, адабий танкидда ҳам жанрлар доимийдир. Шундай экан, жанрларнинг тарихий тараққиёт йўлларини белгилашга киришганда ҳар бир тарихий давр уларнинг мазмун сифатига кўпроқ ўз муҳрини босишини назардан соқит қилмаслик керак. Адабий танкидчилик жанрларини белгилашда бу ҳолатнинг қоришиқ ҳолда намоён бўлганлиги кўринади.

Ўзбек танкиди тарихини жанрлар томонидан ўрганганда ифода воситаларининг бой хазинага эгаллиги, ранг-барангликка

¹ Адабиёт назарияси. Икки томлик. 2-том. Т.: Фан. 1979, 305-б.

интилиш кўзга ташланса-да, бироқ бошқа халқлар танқидчилиги билан қиёслатганда, ўзбек адабиётшунослигида жанрлар хилма-хиллиги у қадар кузатилмайди. Аммо шу пайтгача танқидчиларнинг жанрларда намоён бўлувчи маҳорати ва шунинг натижасида адабий танқидда зоҳир бўлувчи ўзига хосликлар жуда кам ўрганилди. Аввало, танқидчилик жанрлари ҳақидаги ишлар кам. Умуман, танқид назарияси бўйича назарий-танқидий тадқиқотлар яратиш га эндигина эътибор берилаяпти.

Шу жиҳатдан қараганда, бошқа халқлар танқидчилигида бу масалага эътибор анча олдин бошланганини кузатиш мумкин. Рус адабиётшунослигида бу муаммони биринчилардан бўлиб ўрганган Л.П. Гроссман танқидчилик жанрларининг қуйидаги 17 турини фарқлайди: адабий портрет, эссе (фалсафий тажрибалар), импрессион этюд, трактат мақола, ташвикий-кўрсатма мақола, танқидий фелъетон, адабий обзор, тақриз, танқидий хикоя, адабий мактуб, танқидий диалог, пародия, ёзувчига памфлет, адабий параллел, академик тақриз, танқидий монография, шарҳ-мақола кабилар ана шу силсилани ташкил этади¹. Бу жанрлардан ўндан зиёди ўзбек танқидчилигида ҳам турли даражада мавжуд. Аммо бу таснифда қоришиқлик кўринади: академик тақриз тақризнинг, трактат мақола, ташвикий кўрсатмали мақола, шарҳ мақола адабий-танқидий мақоланинг ички хиллари эканлиги инобатга олинмай, ҳар бири алоҳида ҳодиса сифатида эътироф этилган.

М.Я.Поляков, И.В.Попов, Ю.Мани каби олимлар ҳам жанрларни турли принциплар асосида тасниф қилганлар. И.Попов танқид табиатига кўра адабий танқид жанрларини декабристлар даври бадий ижодида кўра уч гуруҳга бўлиб ўрганишни тавсия этади: 1) шахсий танқид; 2) тақриз характеридаги танқид; 3) мунозарали (полемик) танқид. Албатта, танқид жанрларининг бошқа хиллари ҳам бўлиши мумкин. Масалан, танқидчи идеалига яқинлиги бўйича ёки тақриз қилинаётган объект(асар)га симпатия ё антипатия руҳидаги танқид жанрлари мавжуд: ижобий тақриз, бетараф мақола, ҳажвий тақриз, сатирик пародия каби. Аммо буларни жанр дейиш унчалик тўғри эмас, чунки уларда жанр белгилари у даражада

¹ Егоров Б. О мастерстве литературной критике. Л.: Советский писатель, 1980. С.14.

намоён бўлмайди, уларда ҳам бир ҳодисанинг ички турлари кўшиб юборилган ўринлар учрайди, масалан, ижобий тақриз, ҳажвий тақриз ва ҳ.к. Бир доирага мансуб бошқа жанрларнинг қандайдир белгилари бўйича қарама-қарши турадиган танкидий подделка (пастиш- ясама танқид) каби жанрлар ҳам бўлганлигини Б. Егоров юқоридаги асарида таъкидлайди.

Қозоқ олими Т.Какишевнинг ёзишича, қозоқ адабий танкидининг шаклланиши матбуот билан чамбарчас боғлиқ. У адабий танкиднинг қуйидаги жанрларини кўрсатади: 1.Реклама танқид. 2. Аннотация. 3.Ўқувчиларнинг хат-мақолачалари. 4.Тақриз 5.Мунозарали мақолалар. 6.Муаммоли мақолалар.7. Обзорлар¹. Бу таснифда барча жанрлар намоён бўлмагани кўриниб турибди.

XX аср бошлари адабий танкидида ўша давр материалидан келиб чиқиб, шарҳ, тақриз, мақтуб, мақола, баҳс ва мунозара каби жанрлар кўрсатилади². Ҳ. Умутов “ўзбек танқидчилигида тақриз, обзор, мақола, адабий портрет, монография жанрларининг “ривожланганлигини, бу жанрларнинг ички турлари ажралиб чиқаётганлигини айтиб ўтади³.

Б.Назаров ўз тадқиқотларида тақриз, мақола, адабий портрет, очик хат каби жанрларни ўрганиш долзарблигини таъкидлаб ўтади⁴.

А.Расулов адабий танқидчиликнинг тақриз, адабий обзор, муаммоли мақола, адабий портрет, эссе, илмий-оммавий, танкидий-биографик тадқиқот каби жанрларини ажратиб кўрсатади. Бунда, назаримизда, танқидчиликнинг адабий-танкидий мақтуб, адабий-танкидий суҳбат, баҳс, каби бир қанча жанрлари эътибордан четда қолган. Бунинг устига улар таснифотида баъзи жанрлар ўзаро қориштириб юборилган.

¹ Кўчирма Р.Тожибоевнинг “XX аср бошлари ўзбек адабий танкиди тарихидан” номли номзодлик диссертациясидан олинди. Т., 1993. 80-б.

² Р. Тожибоевнинг юқорида кўрсатилган диссертацияси.

³ Умутов Ҳ. Таҳлил санъати. Т. Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Т., 1973.

⁴ Назаров Б. Ўзбек адабий танқидчилиги методологик асосларининг таркиб топиши ва тараккий этиши. Фил.фандокт....дис. Т., 1983.


Илмий-биографик тадқиқот, танқидий-биографик очерк, илмий-оммавий, адабий портрет каби жанрларга ажратишда маълум бир принципларга таяниш кераклиги сезилади. Шунинг таъкидлаб ўтиш лозимки, олимнинг тадқиқотларида биринчи марта танқид жанрларининг умумлаштирилган манзараси кўзга ташланади, танқидчиликнинг тақриз, адабий обзор, танқидий-биографик очерк каби жанрлари ҳақида фикр юритилади¹.

Б.Йўлдошев 60-70-йилларда тақриз, адабий обзор, мемуар, адабий портрет, тақриз-мактуб, тақриз-баҳс, тақриз-монография, мақола-диалог, мақола-суҳбат, адабий ўйлар каби адабиётшунослик ва адабий танқидчиликнинг жанр ва турларини ривожлантириш борасида ҳам изланишлар олиб борилганлигини айтиб ўтади, аммо уларнинг табиати, хусусиятлари ҳақида алоҳида тўхталмайди. Кўринадики, бу ишларда адабий танқид жанрлари номи айтилади, аммо алоҳида тасниф берилмайди.

Адабий танқид жанрлари уларда намоён бўлувчи танқидчи маҳорати, айтилаётган фикрнинг зўрлиги, ёзувчи ва ўқувчига таъсири ва кўтарилаётган муаммолар, таҳлиллар, асар ўзига хослигини очиб бериш ва ҳоказолар нуқтаи назаридан қимматлидир. Шу боис уларни шунчаки санаб ўтиш эмас, ҳар бирини алоҳида ва чуқур ўрганиш уларнинг ўзига хослигини очиб беради.

Барча санъат намуналарида бўлгани каби адабий танқид асарларининг ўз тузилиши, илмий-бадий хусусиятлари, қўлланиш ўрни ва бажарадиган вазифалари мавжуд. Шу хусусиятларига кўра улар муайян гуруҳларни ташкил этади. А.Расулов юқорида номи кўрсатилган дарсликда танқидчилик жанрларини шартли равишда икки қисмга- адабий жараёни ҳамда ёзувчининг ҳаёти, ижоди масалаларини ёритувчи жанр ва шаклларга ажратиш мумкин, "аммо мазкур бўлиниш ўта шартли, чунки адабий жараёни ёритувчи «соф» жанрлар бўлмаганидек, фақат ижодкор ҳаёти, ижодини очишга хизмат қиладиган жанрлар ҳам йўқ", -деб ҳисоблайди. Ҳақиқатан ҳам, танқидчилик жанрлари, қайси шаклда бўлмасин, бевосита адабий жараён билан боғлиқ ҳолда ижодкор ва унинг асари ҳақидаги фикрдан иборат бўлади. Тўғри, адабий танқид жанрларининг айримлари бадий

¹ Худойбергенов Н., Расулов А. Ўзбек совет адабий танқидчилиги. Т. Ўқитувчи, 1990.



асарнинг ёзилиши ва босилиб чиқиши билан, айримлари эса ижодкорларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотларга боғлиқ. Аслида эса, танқидчилик жанрларига бошқа жиҳатдан, яъни қандай муаммоларни камраб олиши ва вазифалари нуктаи назаридан ёндошилса, тўғрироқ бўлар эди. Шу жиҳатдан, уларни икки йирик гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Такриз, обзор ва муаммоли мақола, адабий-танқидий мактуб, адабий - танқидий суҳбат, мунозара, адабий-танқидий фелъетон жанрлари асарнинг мазмун-моҳияти, адабий жараёндаги ўрни, бадияти каби бир қанча муаммоларни ўрганиб, бадиий асарнинг яратилиши ва унга баҳо бериш нуктаи назаридан бир майдонга бирлашади;

2. Адабий портрет, портрет-мақола, эссе, танқидий-биографик очерк, сингари жанрлар ёзувчи ижодини умумлаштириб ўрганиш жиҳатидан бир майдонни ташкил этади. Улар ижодкор шахси, муҳити, истеъдодининг шаклланиши сингари муаммоларга ойдинлик киритади.

Танқидчилик жанрларини объектига кўра тасниф қилиш мумкин: такризда битта асар объект қилиб олинса, обзор мақолада маълум бир даврдаги бир неча асар; муаммоли мақолада максадидан келиб чиқиб, баъзан бир, баъзан бир неча асар белгиланган муаммо доирасида таҳлилга тортилиши мумкин. Адабий портретнинг объекти бир ёзувчи ёки шоир ва унинг ҳаёти, ижоди; танқидий-биографик очеркда битта ёзувчининг кўпроқ ижоди; эсседа баъзан ёзувчи ҳаёти ва ижоди, баъзан асар ҳақидаги эркин мулоҳазалар; адабий-танқидий суҳбатнинг объекти максадидан келиб чиқиб, бир ёзувчи ижоди ёки унинг бир асари ёнки ёзувчининг бир неча асари ва ҳ.к.: адабий-танқидий мактубда эса улардан фарқли ўлароқ аниқ объект ва субъектнинг иштироки ва аниқ бир ёки бир неча асар ҳисобга олинади.

Адабий танқид жанрларини ўз олдига қўйилган вазифасига кўра тасниф этиш мумкин: такризнинг вазифаси янги асар ҳақида маълумот ва унга баҳо бериш; обзор мақолада асарларни умумлаштириб баҳо бериш; муаммоли мақолада аниқ бир муаммони ҳал этиш; адабий портретда ёзувчининг индивидуал, ижодий кифасини яратиш; адабий-танқидий суҳбат ёзувчи ижодхонасига кириб, ижодини чуқур таҳлил этиш; адабий-

танкидий мактубда мурожаат оркали аниқ бадий асарга, унинг муаллифига симпатия ёки антипатия билдириш оркали асарни таҳлил қилиш кўзда тутилади.

Адабий танкид жанрлари объектга муносабат нуктаи назаридан қараганда 3 хил: а) самимийлик, хайрихоҳлик руҳидаги жанрлар: адабий портрет, адабий суҳбат, эссе; б) хайрихоҳлик ва баъзида инкор руҳи мавжуд бўлган жанрлар: тақриз, мақола; в) бутунлай инкор руҳидаги жанрлар: адабий-танкидий фелъетон, очиқ хат, салбий тақриз каби.

Адабий танкид жанрлари генезиси. Мумтоз адабиёт тарихи ҳозирги адабиётнинг пайдо бўлишида муҳим замин бўлгани сингари мумтоз адабиётшунослик ҳам ҳозирги замон адабий танкидчилиги жанрларининг пайдо бўлиши ва шаклланишида асосий омиллардан биридир. Мумтоз адабиёт тарихида, адабиётшуносликка оид асарлар, адабий жараён ҳақида маълумот берувчи тазкираларда тақризга хос айрим унсурларни учратиш мумкин. Ўтмиш адабиётшунослигида адабиёт ва адабий танкид масалаларидан баҳс юритувчи асарлар гуруҳига: тазкира, манокіб, ҳолотлар, аруз, қофия ва шеърӣ санъатларга бағишланган рисоалар киритилган. Умуман, адабий-танкидий қарашлар ўтмиш адабиётшунослигида қоришиқ тарзда намоён бўлган. “Шу туфайли ўтмишда адабий-танкидий қарашлар, шеър ва шоирлик ҳақидаги мулоҳазалар тарихий ёдномаларда, эсдалик типидagi асарларда, девонларга ёзилган дебочаларда, манокіб-ҳолотларда, кичик лирик жанрдаги асарларда, дostonларнинг махсус бобларида, тазкираларда, аруз, қофия, бадоеъ ва саноеъга доир рисоаларда, баъзан эса умуман илми адаб деб аталмиш илмлар туркумига бағишланган китоб ва луғатларда баён этилган”¹. Бу хилдаги асарларда бадий адабиётга баҳо бериш, у ҳақда мулоҳаза юритиш хусусияти ўз-ўзидан аён. Демак, тақриз уларнинг таркибига кирган унсур сифатида намоён бўлади. Баъзида эса бадий асарга оғзаки ёки ёзма равишда жуда қисқа баҳо берилган. Бу далиллар ўтмиш адабиётшунослигида тақриз алоҳида жанр сифатида шаклланмаганлигини кўрсатади. Аммо шу қисқа баҳолар таъсирида XX аср адабиётшунослиги ва адабий танкидида тақриз шаклланди ва таракқий топди.

¹ Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. Т.: Ўзбекистон, 1993. 9-б.

Адабий-танкидий мақолаларнинг генетик илдиzlари қадимга бориб такалади. Ўзбек мумтоз адабиётида мақола жанри ўзининг келиб чиқиши жиҳатидан бир неча асрлик тарихга эга. Бу жанрнинг илк намуналарини X асрда Абу Наср Форобий ижодида учратиш мумкин. Унинг “Шеър китоби” асари муаммонинг кўйилиши ва хал этилиши жиҳатидан муаммоли мақолани эслатади. Ҳатто китоб изоҳларида унинг номланиши ҳақида: “Бу ерда “китоб” сўзи ҳозирги тушунчамиздаги китоб маъносида эмас, балки китобат қилинган- ёзилган нарса (том маъноси билан битик), рисола, мақола демакдир”¹, дейилади. Ёки “Шоирлар санъати қонунлари ҳақида” рисоласининг бошида “ал-қавл” сўзи қўлланган. Бунинг ҳам изоҳини ўқиймиз: “Матнда ал-қавл – сўз маъносида келган. Лекин бу ерда ва бундан кейинги ўринларда ақовил сўзини Форобий “фикр”, “мулоҳаза” маъносида ишлатади”. Қўринадики, Форобий бу истилоҳни мақоланинг моҳиятини тўғри тушунган ҳолда ишлатган.

Низомий Арузий Самаркандийнинг илмий-бадний, мемуар характердаги «Чаҳор мақола» асарида ҳозирги мақолаларнинг унсурлари кўринади. Унда ўша давр шеърини қонунлари ҳақида фикр юритилади, асарнинг «Мақолати даввум дар моҳияти илми шеър ва салоҳияти шоир» деган қисми муаммоли мақола турига киради². Асар мазмунини, ифодалаш ва унда олға сурилган фикрлар, унинг «мақола» деган номига ҳам мос тушади.

Шарқ адабиётидаги бошқа мақолотлар, шунингдек, Алишер Навоий мақолотининг ҳам матбуотдаги, адабий танкидчиликдаги мақолаларга анча яқинлиги бор. Буни, аввало, мақолотнинг гоёвий мазмуни ва бадийлиги, образлилигидагина эмас, балки композицион тузилишида ҳам кўриш мумкин. «Ҳайрат ул-аброр» достонидаги ҳозиржавоблик, замонавийлик, мантиқийлик, гуманистик пафос, адабий-танкидий қарашлар ва бошқа хусусиятлар Навоий мақолотлари билан ўзбек танкидчилигидаги мақолалар ўртасида муштараклик, шу билан бирга фарқли

¹ Абу Наср Форобий. Шеър санъати. Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1979.22-б.

² Низомий Арузий Самаркандий. Нодир ҳикоятлар. Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986.

жиҳатлар борлигини кўрсатади.

Танкидий-биографик йўсиндаги жанрлар генезисига назар солинса, ўтмишда адабиётшунослик ва адабий танкидий фикрлар “адабий хотира ва мемуарлар ёзиш формасида” учрашини кўриш мумкин: “Айрим адабиёт вакилларининг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги хотираларни тўплаш, бу ҳақда мемуарлар яратиш – бу ҳам адабиётшуносликнинг бир формаси эди. Бунда махсус бир ёки бир нечтагина киши ҳақида маълумот берилар ва шу киши ҳақида гапиришга имконият ҳам таъкирдагига қараганда кенг бўлар эди... Абу Тохир ал-Хотунийнинг “Маноқиб уш-шуаро”си шу характердаги асар эди. Бундай хотира ва ёдномалар подшолар, давлат арбоблари ва бошқалар ҳақида ҳам яратилган”¹.

Ўз даврида Навоий замондошларининг ҳаёти ва ижоди билан яқиндан қизиққан, уларнинг ижодий камолоти учун кўлидан келганича ёрдам беришга интилан. Навоийнинг замондошлари ҳақидаги танкидий фикрлари унинг адабий танқидчилигининг энг характерли ва муҳим қисмини ташкил этади. Навоий даврининг талантли ва кўзга кўринган кишилари билан жуда яқин муносабатда бўлган, улар ҳақида ҳатто яхлит ва йирик эсдаликлар ёзган. “Хамсат ул-мутаҳаййирин”, “Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер” каби асарлари бунга мисол. Улар ҳозир биз назарда тутган танкидий-биографик ёндашув асосида яратилган асарлардир.

Адабий портрет унсурларини ўзбек адабиётида яратилган таъкира, мемуарларда учратиш мумкин. Бу ҳақда илк мулоҳазаларини билдирган Ойбекнинг қарашлари диққатга сазовор². Таъкира билан адабий портрет орасидаги боғлиқлик ва ўхшашлик ҳам анчагина. Ҳатто «таъкиралар бош мақсадига кўра Шарқ классик адабиётида айнан адабий портретларга хос вазифани бажарган» деган мулоҳазаларда ҳам жон бордай кўринади³.

Адабий портретга хос айрим белгилар «Мажолис ун-нафоис»да учрайди, Навоий бу асарда адабиёт ривожини учун қайғурувчи, образли фикрга, эҳтиросга бой мунаққид,

¹ Хайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танкидий қарашлари. Т.: 1959, 26-б.

² Ойбек Асарлар. Ўн жилдлик 3-жилд. Т., 1974. 151-б.

³ Азимова Х. Таъкира ва адабий портретларнинг типологик хусусиятлари // ЎТА. 2002, 2-сон, 21-б.

портретнавис сифатида кўринади. Жумладан, тилга олинаётган шоирнинг ҳаёти, ижоди, табиатига оид қайдлар, унинг ўша давр адабий жараёнида тутган ўрни, ижодидан намуналар берилиши, унга муносабат билдирилиши кабилар шулар жумласидандир.

«Мажолис ун-нафоис» ихчам портретлар мажмуасидир. Султон Ҳусайннинг «Хўл ашъори ва марғуб ҳаёти»га бағишланган 8-мажлисни истисно қилганда, Навоий етти мажлис давомида ҳар бир шоирни 2-3 жумлада таърифлайди, феълдаги етакчи белгини айтиб ўтади, тақдири ҳақидаги зарур маълумотларни беради, шеърятидан намуна келтиради. Унда адабий портретга хос белгилар: шоир ҳақида маълумот, унинг шахсига, ижодига баҳо бериш кабилар учрайди. Қисқа бўлса-да, умумлаштириш хусусиятига эгаллиги ҳам жанрнинг хусусиятларидан ҳисобланади. Бу ҳақда Максуд Шайхзода белгиллаган хусусиятларнинг барчаси реал шахс образини яратиш асосини ташкил этган адабий портретларга хосдир¹. Адабий портретга чизгилар бу жанрнинг ибтидоий шаклланиш жараёнини намоён этади.

«Мажолис ун-нафоис» гарчанд тазкира жанрида ёзилган бўлса-да, унда синкретиклик - портретга, эссега, мақолага хос унсурлар қўшилиб кетган. Навоий тазкираси билан замондошлари хотираларини абадийлаштирди. Кўринадики, тазкирада портрет унсурлари, қисқа адабий портретлар учрайди. Аммо уларда ҳақиқий адабий портретнинг жанр имкониятлари чегараланади. Шунинг учун мумтоз адабиёт вакиллари мемуар шаклларнинг бошқа турларига ҳам мурожаат қилганлар. Навоийнинг «Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер» асари мемуар-биографик характерда бўлиб, унда навоийшунос С.Ғаниева тўғри қайд этганидек, «Хирот маданий адабий ҳаётининг кўркам вакили бўлган кенг кўламли билимлар эгаси, шоир ва гўзал инсоннинг маълум даражада ижодий портрети яратилган ҳамда муаллифнинг унга бўлган беҳад ҳурмати, самимий муносабати ўз аксини топгандир»². Ҳақиқатан ҳам бу асарда адабий портретнинг белгилари: аниқ инсоннинг қайта яратилган бадий образи, унга ҳурмат билан қараш, хайрихоҳлик туйғусининг баландлиги,

¹ Шайхзода М. Тазкирачилик тарихидан. // Навоийга армуғон. Т.: 1968. 50-б.

² Навоий Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. 12-том. Т.: Фан, 1998. 12-бет.

жонли хотиралардан фойдаланиш, шахснинг инсоний ва ижодий қиёфасини яхлит ҳолда бериш ва ҳ.к.лар ўз аксини топган. Бу хусусият “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” да ҳам яққол намоён бўлган. Шу боис улар ХУ аср портретнавислигининг ёркин намуналари дейиш мумкин, айни чоқда уларда эссе унсурлари қоришиб келганлигини ҳам айтиб ўтиш лозим.

Шарқ адабиётида эссе бадиа дейилган, унинг тарихи анча қадимдан бошланган. Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино (“Донишнома”), Махмуд Қошғарий ижодида бадианинг илк унсурлари учраса, Алишер Навоий ва Бобур ижодида етук намуналари мавжуд. Улар манокіб, ҳолот, хотира шаклларида синкретик тарзда кўзга ташланади. Ўтмишда адабиёт вакилларининг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги хотираларни тўплаш, бу ҳақда мемуарлар яратиш – адабиётшуносликнинг бир шакли бўлган. Бундай хотира ва ёдномалар яратишда ҳам Алишер Навоий фаолдир. Навоий ўз даврининг истеъдодли кишилари ҳақида яхлит ва йирик эсдаликлар ёзган. Б.Валихўжаев уларни “манокіб-ҳолотлар” деб атайдди. “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин” асарида портретга, танқидий-биографик очеркка, эссега ҳос синкретиклик белгилари учрайди. Баъзи асарларида эссе жанри хусусиятлари устун. Бу асар Жомий таржимаи ҳолини тўлдиришда, унинг бир бутун қиёфасини яратишда катта аҳамиятга эга. Унда Жомийнинг қисқача таржимаи ҳоли, китоб муаллифи ва Жомийнинг ҳар хил хотиралари, икки шоир орасида юз берган адабий, илмий, сиёсий суҳбатлар ва ёзишмалар ҳамда бошқа жуда кўп адабий унсурлар мавжуд. Шу жиҳатдан унда эссега ҳос хусусиятлар кўпроқ.

“Манокіб ва ҳолотлар ўз замонасининг шоир ва ёзувчилари ҳақидаги рисолага ўхшаш асарлардан саналади. Манокіб-ҳолотлар, одатда, бирор-бир машҳур адиб вафотидан сўнг ёзилиб, уларда мазкур шахснинг ҳаёти, ижодий фаолияти, шахсий фазилатлари ёритилади. Шу туфайли уни баъзан мутаваффиёт деб атайдилар”¹. Худди шу хусусиятларини ҳисобга оладиган бўлсак, улар ҳозирги адабий портретларга мос келади. Аммо уларни эссега яқинлаштирадиган белгилар кўпроқ: манокіб-ҳолотларда шоир ёки адибнинг таржимаи ҳоли, ижоди ҳақида маълумот

¹ Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. 26-бет.

келтириш билан бирга шахсияти, замондошлари билан муносабати, ижтимоий фаолиятига доир ҳикоя ва ривоятларнинг киритилиши, илмий - ижодий далилларнинг бадиийлик билан коришуви мумтоз бадиаларнинг намунасига айлантирган.

Холисона тарзда ёзилган маноқиб-ҳолотлар фақат адабий-танкидий қарашлар тарихинигина эмас, балки умуман адабиёт тарихини ўрганиш жиҳатидан ҳам муҳим аҳамият касб этади. Навоийнинг юқорида номлари зикр этилган асарлари ва Хондамирнинг “Мақорим ул-ахлоқ” маноқиб-ҳолотлари ана шундай асарлар сирасига киради.

А.Хайитметов ўтмишда адабиётшунослик, хусусан, адабий танкидчиликка оид фикрлар олти хил шаклда учраши ҳақида фикр юритади ва уларнинг биринчи шакли, сифатида “адабий мажлислар, адабий мунозара ва суҳбатлар”ни кўрсатади. “Адабий мажлислар, адабий мунозара ва суҳбатлар ўрта асрларда адабиётшунослар, шоирлар ва адабиётга яқиндан қизиқувчи барча кишилар учун адабий ижод устида фикр алмашиш учун энг қулай восита эди. Фикр алмашиш учун матбуот бўлмаган замонларда адабиёт тараққиётида бундай йиғилишларнинг аҳамияти жуда катта бўлди...”

Адабий танкидчиликнинг бу формаси, шубҳасиз, халқ оғзаки ижодчилари тўпланган жойларда ҳам мавжуд бўлган ва уларнинг бир-бирларининг ижодий юксалишларига ёрдам берган”¹.

Ҳақиқатан ҳам Алишер Навоийнинг «Хамсат ул-мутаххайрин», «Мажолис ун нафоис», Али Сафий ибн Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Латоиф ут-тавоиф», Хондамирнинг «Мақорим-ул-ахлоқ», Восифийнинг «Бадое ул-вақоеъ» каби асарларида мазкур масалага доир қимматли фикрлар келтирилади. Айтайлик, Салмон Соважий ва Убайд Законий ўртасидаги мutoйиба, ўзбек шоири мавлоно Лутфий ва Абдурахмон Жомий орасидаги мусохабалар, Мавлоно Лутфий ва ёш Алишер Навоий ўртасидаги суҳбатлар ана шундай далиллар силсиласини ташкил этади². Демак, ёзма адабиёт вакилларининг у ёки бу асар, шеър ва байт тўғрисида мушоара ва анжуманларда, суҳбат ва учрашувларда оғзаки баён этган мулоҳазалари анча тўғри ва

¹ Хайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танкидий қарашлари. 20-бет

² Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиғи тарихи. 8-бет.

фойдали экани маълум бўлади. Афсуски, бундай мушоара ва суҳбатлар ҳамма вақт ҳам қоғозга туширилиб, тарих ва авлодлар учун сақланган эмас. Шунинг учун бу масалага дахлдор ҳар бир далил қимматли ва мўтабардир. Навоийнинг “Муҳокамат ул-лугатайн”, “Мажолис ун-нафоис”, “Мезон-ул-авзон”, “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин” каби асарларининг яратилишида унинг дўстлари, устозлари, шогирдлари билан олиб борган адабий суҳбат, мунозара, баҳслари катта аҳамиятга эга бўлган. Бундан аён бўладики, у суҳбатдошнинг “хушмуҳовара” эканлигига ҳам керакли даражада диққат қаратган.

Суҳбат адабий танқиднинг энг қизиқарли жанрларидан бири сифатида кўп асрлик анъаналарга эга, унинг тарихий илдиэлари Суқрот, Афлотун суҳбатлари ривожланган қадимги юнон адабиётига бориб тақалади.

Фаранг мутафаккири Дени Дидро илмий-эстетик меросида суҳбатнинг турли хиллари учрайди ва улар файласуфнинг эстетикасида катта ўрин тутати. Унинг “Никоҳсиз туғилган ўғил” ҳақида суҳбатлар” (“Суҳбатлар”-“Дорваль билан суҳбатлар”) асари ўз даврида жуда машҳур бўлган ва юқори баҳо олган¹. Суҳбатда эстетика, драматургия, сахна асарлари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритилади. Суҳбат Д.Дидро ва унинг суҳбатдоши Дорваль иштирокида олиб борилади. Бу ҳам суҳбатларнинг адабий-танқидий йўсин касб эта борганлигидан далолат беради.

Обзор характеридаги бошқа бир асарида тасвирий санъатга оид картина ҳақида фикр юритар экан, файласуф унда ҳам суҳбатдан фойдаланади. Обзор ичида суҳбатнинг берилиши асарга самимийлик, табиийлик бахш этган ва унинг ўқимишли чиқишига ёрдам берган. Умуман олганда, файласуф Дидронинг кўпчилиқ асарлари қурилишининг турли-туманлиги билан ажралиб туради. Масалан, “Салонларда” асарида хат шаклидан, диалогдан, суҳбат ва очеркдан фойдаланилган.

Инглиз ёзувчиси ва танқидчиси Роберт Пен Уоррен ижодида учрайдиган суҳбатларнинг ўзига хослиги шундаки, уларда битта танқидчи эмас, икки ва ундан ортиқ танқидчилар иштирок этишади. Масалан, «Қочоқлар учрашуви»даги суҳбатда Уоррен,

¹ Дени Дидро. Эстетика и литературная критика. М.: Художественная литература, 1980.

Тейт, Рэнсон, Элиот кабилар катнашадилар. Аммо суҳбатда кўпроқ Уоррен етакчилик қилади¹.

Ёзувчининг «Бадий наср санъати ҳақида суҳбат»ида уч шахс: Эллисон, Уолтер ва Уоррен иштирок этадилар. Суҳбат эркин, самимий тарзда олиб борилади. Суҳбатда фақат Уорренга савол бериш билан чекланилмайди. Уорреннинг ўзи ҳам уларни суҳбатга чорлайди. Унда юмор элементлари яққол кўриниб туради. Худди шу суҳбат орқали характернинг муҳим белгилари очилади. Шунинг учун маърифий, илмий-назарий характердаги бундай суҳбатлар суҳбатдошларнинг қиёфасини очибгина қолмай, уларнинг тафаккур даражасини ҳам намоён этади.

Рус адабиёти ва адабиётшунослигида ҳам суҳбат фаол бўлган. Танқидчи В.Г.Белинский бу жанрга тез-тез мурожаат қилинган. У бошида бу жанрни жуда ёқтирган, кўпгина мақолаларини суҳбат шаклида ёзган. Масалан, «Рус адабиёти 1814-йилда» йиллик обзорини ёзишда суҳбатдан фойдаланган. Танқидчи ва шоир Кольцов эса Белинскийнинг суҳбат шаклидан фойдаланганига қарши чиқади. «Танқид тўғридан-тўғри бир шахс томонидан айгилиши керак ва у буйруқ каби таъсир қилиши лозим»,²-деб ҳисоблайди.

Белинский бир мақоласида “ мунаққид ва халқ – икки суҳбатдош”, дейди. “У деярли барча мақолаларини иккинчи шахсга – халққа мурожаат қилиб туриб ёзади; шунинг учун уларда мурожаат, баҳс, фикрлашиш, мушоҳада қилиш, суҳбат оҳанги устун, шунинг учун ундов, савол, мурожаат, тасдиқ оҳанглари билан алмашилиб туради”. Ҳақиқатан ҳам танқидчининг суҳбат жанридан эмас, унсурларидан фойдаланиб, асарларини ўқишли қилишга интиланганини англаш мумкин.

А.С.Пушкин эса бу жанрга катта эътибор билан қарайди. Чунки адабий-танқидий суҳбатда ҳам бадий асарнинг гўзалликлари ва нуқсонларига диққат қаратилади. Пушкин қаерда санъатга муҳаббат бўлмаса, у ерда танқид ҳам бўлмайди, деб ҳисоблайди. Адабий-танқидий суҳбатларнинг асосида ҳам адабиётга муҳаббат, уни кадрлаш хусусияти биринчи ўринда туради. Унинг «Танқид ҳақида суҳбат» асари адабий-танқидий

¹ Роберт Пенн Уоррен. Как работает поэт. М.: Радуга, 1988.

² Егоров В. О мастерстве литературной критики. Л.: 1980., С.

сухбат жанрининг энг ёркин намунасидир. Пушкин сухбатдошларидан бирининг номини А, иккинчисини В деб белгилайди, сухбатдошлардан бири Пушкин қарашларини, иккинчиси ўша даврдаги бошқа бир ижодкор фикрини ифода этади. Сухбатда ўз фикрини очиқ-ойдин айтиш, бир-бирига қарши фикр юритиш руҳи кучли бўлса-да, Пушкиннинг ўша давр адабий танқидчилигига берган баҳосини аниқ билиб олиш мумкин. Аммо замондошларининг фикрича, Пушкиннинг бу сухбати тугалланмай қолган.

Рус классик адабиётида Б.Сумароков ижодида бу жанр фаол. Л.П.Гроссманнинг аниқлашича, Сумароков ижодида мунозарали мақола, панетерик, муҳокама, диалог, аналитик хат, назарий эпистол, филологик ва грамматик этюд, сатира, памфлет, танқидий ҳикоя, шарҳ, монографик тақриз, пародия, фельетон, адабий параллел кабилар орасида сухбатларнинг кўплиги, албатта, эътиборни тортмай қўймайди.

XIX аср бошларидаги рус танқидчилигида сухбат В.Жуковский ижодида учрайди. Унинг «Танқид тўғрисида» асари тўлиқ диалог-сухбат шаклида ёзилган. Юқорида бир асар таркибида бир неча жанрга хос унсурларнинг қўшилиб келишини таъкидлаган эдик. Бундай хусусият Жуковский асарларида ҳам кўп учрайди. Унинг «Танқид тўғрисида» асари «Европа хабарчиси» ноширларига хат» шаклида ёзилган. Унинг мурожаат билан бошланиши, ичида ҳам мурожаатлардан фойдаланиш, тугалланмаси, умуман, композицияси мактуб жанрига хос. Хатда адабиёт ҳақида фикр борар экан, сухбат бошланади. Хат муаллифи (яъни Жуковский) китобни яхши кўрадиган, ўқимишли таниши билан сухбатини ифодалайди¹.

Кўринадики, рус олимлари кўпрок сухбатнинг диалог шаклига эътибор қаратганлар. Уларнинг кўпчилиги фалсафа, санъат, адабиёт ҳақидаги мулоҳазаларини диалогда ифодалаб, ўз асарларининг жозибали чиқишини, китобхон диққатини торта оладиган даражага эришишини таъминлай олганлар. Улар кўпрок сухбатни фикрни баён этиш усули деб ҳисоблаганлар.

Шарк ва Ғарб адабиётида тилга олиб ўтганимиз намуналар сухбатнинг баъзан диалог шаклида, баъзан бадий асарлар

¹ В.А. Жуковский – критик. М.: Сов. Россия, . 1985. - С. 31.

таркибида, баъзан алоҳида жанр сифатида учрашини кўрсатди. Замонавий ўзбек танқидчилигидаги суҳбатлар аниқ икки суҳбатдошнинг адабий мулоқоти тарзида намоён бўлади. Баъзан бир неча суҳбатдошлардан иборат давра суҳбатлари ҳам учрайдики, уларнинг ўз мақсади, вазифалари мавжуд, шунга кўра удар икки суҳбатдош суҳбатидан фаркланади. Шу боис суҳбат адабиётда даврнинг илғор эстетик қарашларини, реалистик санъат учун қурашини ва унинг юқори социал, ахлоқий пафосини аниқ акс эттира олган адабий танқид жанрларидан биридир.

Адабий- танкидий мактублар ҳам хатнинг илмий-эстетик тафаккурга йўғрилган намунасидир. Уларда бадий адабиётга оид муҳим илмий муаммолар ва хат ёзувчи-мунаққид, ижодкор, китобхоннинг уларга муносабати, қайфияти ифодаланади. Уларда, энг аввало, муаллифнинг адабиётга, адабий ҳодисаларга, бадий асарга муносабати акс этади. Унда ҳам, масалан, бирор бадий асар ҳақида гап кетса, муаллиф-танқидчининг муносабати, қечинмалари аниқ сезилиб туради. Ўзбек танқидчилигида адабий-танкидий мактубнинг бир неча хил ички кўринишлари мавжуд. Масалан, ёзувчи мактуби, танқидчи мактуби, китобхон мактуби ва х.к.¹

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан қуйидаги хулосалар келиб чиқади:

1. Ўзбек адабий танқидчилиги жанрларини тасниф этишда мақсад ягоналиги ва вазифаларининг турли-туманлиги, бадий асарни баҳолаш талаблари, объекти ҳисобга олиниши зарур. Шунга кўра уларнинг ҳар бири ўзига хос табиатга, тузилишга ва вазифаларга эга.
2. Ўзбек адабий танқидчилиги ўзига хос яхлит тизимни ташкил этади. Мавжуд материалларга асосланиб, унинг жанрий таркибини ташкил этувчи тақриз, адабий-танкидий мақола, портрет мақола, адабий портрет, танкидий-биографик очерк, эссе, адабий-танкидий суҳбат, адабий-танкидий мак-туб каби жанрлар адабиётга бевосита алоқадорлиги, унга боғлиқ тарзда тараккий этиши, ўзига хос усуллари ва вазифаларига эгаллиги билан эътиборлидир.

¹ Бу жанр ҳақида "Мактубот ва адабий танқид" рисоласида атрофлича фикр юритганмиз. Т.: Фан, 2005.

Бундан ташқари шу тизим таркибида бўлган ва ўрганилиши зарур мунозара, баҳс, фельетон, монография каби танқид жанрлари ҳам мавжудки, улар алоҳида тадқиқотни талаб қилади.

Кузатишларимиз ўзбек адабий танқиди жанрларининг илдири мумтоз адабиёт ва адабиётшуносликка бориб тақалишини яққол кўрсатди. Адабий танқид жанрлари тарихини чуқурроқ ўрганиш, уларнинг генетик асосларига назар ташлаш орқали аجدодларимизнинг адабиёт ҳақидаги қарашларини билиб олиш мумкин.

Адабий танқиднинг бир қанча жанрлари маълум тарихий тараққиёт босқичини босиб ўтган. Уларнинг генетик илдизлари адабий танқиднинг шаклланиши ва тараққиёти билан боғлиқ. Бу жанрлар кўпинча қоришиқ ҳолда яратилган бўлса-да, аجدодларимизнинг адабиёт ҳодисаларини нозик фаҳмлаб, англаб баҳо беришлари уларнинг адабий-танқидий қарашлари ривож топганлигидан далолат беради. Мумтоз адабиётшуносликдаги жанрлар адабий-эстетик тафаккурнинг тадрижий тараққиёти маҳсули сифатида кўзга ташланиб, уларнинг пайдо бўлиши, тараққий топишида шоир ва адибларнинг асарлари, дунёқарашлари самарали таъсир кўрсатган. Мумтоз адабиётшуносликка доир жанрлар мазмунан ўша давр адабий ҳаётини, шоирлар ижодини акс эттира олиши жиҳатидан аҳамиятлидир. Улар баъзан унсурлар (тақриз, мақола), гоҳида эса алоҳида жанр (бадиа, адабий суҳбат, адабий-танқидий мактуб) тарзида намоён бўлиб, адабий-танқидий фикр ифодаси сифатида адабиёт юксаклиги учун курашиб келган ва муосир адабий танқид жанрларининг шаклланиши, тараққий этиши учун муҳим замин бўлиб хизмат қила олган.

ТЕЗКОРЛИККА АСОСЛАНГАН ЖАНРЛАР ТАБИАТИ

Тақриз жанри. Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида тақриз ҳақида, айрим мулоҳазалар учраса-да¹, унинг илмий-эстетик моҳияти яхлит ҳолда таърифланган эмас.

Тақриз адабий танқиднинг *ҳозиржавоб ва тезкор, энг фаол* жанрларидан ҳисобланади. Шу хусусияти билан адабий танқиднинг бошқа жанрларидан фарқ қилади. Тақриз асарни кўпинча қисқа ва лўнда таҳлил этувчи, мунаққид услубини намоён қилувчи энг фаол жанрдир. Тақриз - ҳозиржавоб эстетик баҳо ва бадийят оламига "разведка" воситасидир. "Тақризнинг вазифаси у ёки бу жанрдаги бадий асарнинг таҳлили орқали унинг адабий жараён ва ёзувчи ижодиётидаги ўрнини аниқлаш, ютуқ ва камчиликларини кўрсатиш, исботлаш ва баҳолашдан иборат"². Бунга қўшимча қилиб яна шуни айтиш лозимки, тақриз "у ёки бу жанрдаги" ҳар қандай бадий асарнинг эмас, балки адабий жараёнда янги пайдо бўлган, "оҳори тўкилмаган" адабий асарни объект қилиб олади. Демак, тақриз *янги* адабий асарнинг таҳлили орқали унинг адабий жараён ва ёзувчи ижодиётидаги ўрнини аниқлаш, ютуқ ва камчиликларини кўрсатиш, исботлаш ва баҳолашдан иборат тезкор жанрдир. Тақриз адабиёт майдонига энди кадам қўйган ёки узок даврдан бери қалам суриб келаётган бирор ёзувчи, шоирнинг янги бадий асари ҳақида ёзилган танқидий асардир.

Адабий жараёнда пайдо бўлган янги асарни биринчи бўлиб баҳолайдиган, ҳозиржавоб адабий тақриз жанри кенг халқ оммасига қарата ёзилади (илмий тақризлар эса мутахассисларга мўлжалланади). Чунки тақризда илмий - эстетик таҳлил ихчам, синкиқ шаклда, оммага тушунарли тарзда ўз ифодасини топади. Шунинг учун тақриз айрим танқидчилар айтаётганидек, фақат "кутиб олувчи жанр" эмас, балки биргина асар таҳлили орқали адабий жараёндаги янги тамойилларни баҳолай оладиган эстетик хусусиятга эга.

¹ Назаров Б. Ўзбек адабий танқидчилиги. Т.: Фаң, 1979; Худойбергенов Н., Расулов А. Ўзбек совет адабий танқидчилиги. Т., Ўқитувчи, 1990; Улуғов А. Современная узб. повесть в интерпретации литературной критики 70-80 годов. АКД. 1988.

² Умунов Х. Таҳлил санъати. Т.: Ф.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1978.38-6.

Демак, тақризнинг танқид шаклларида бири сифатида куйидаги жанрий белгилари мавжуд: асарга биринчи бўлиб баҳо бериш, унинг ёзувчи ижоди ва адабий жараёндаги ўрнини кўрсатиши; баҳолашдаги фаоллиги ва ҳозиржавоблик; ташвиқий моҳиятга эга эканлик: китобхонга янги асар ҳақида маълумот бериш, унинг эстетик тасаввурини бойитиб, ўша асарни ўқишга даъват қилиш. Тақриз учун биринчи ўринда қисқа таҳлил, сўнгра эса асар ва унинг моҳияти ҳамда бадиияти ҳақидаги мулоҳазалар асосийдир. Ҳар бир давр тақризчилигига хос хусусиятлар алоҳидалик касб этади. Унинг эстетик тафаккур тараққиётида ўрни катта бўлиб, Чўлпон, Вадуд Маҳмуд, Ойбек, М.Шайхзода каби ижодкорларнинг тақризлари бунинг далилидир.

Чўлпон, Фитратлар анъанасини давом эттирган Ойбек ижодида адабий танқиднинг тақриз, адабий-танқидий мақола ва унинг обзор, муаммоли ва баҳо характеридаги турлари, портрет-мақола, илмий-биографик мазмундаги асарлар, йирик монографик тадқиқот каби жанрлар мавжуд. Гарчанд Ойбекнинг адабий-танқидий қарашларини ўрганиш 70- 80-йиллардан бошланган бўлса-да¹, унинг адабий-танқидий меросини жанрлар нуқтаи назаридан тадқиқ этиш бугунги кунда ойбекшунослик олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Бу эса улкан адибнинг шахс ва ижодкор сифатидаги бир бутун қиёфасини тасаввур этиш имконини беради.

Ойбек фаол мунаққидлардан бири сифатида Фитратнинг "Адабиёт қоидалари" қўлланмасига биринчилардан бўлиб тақриз ёзган эди. Бу тақризда жанрнинг қатор белгилари намоён бўлган: ҳозиржавоблик, ихчамлик, асарга ҳолисона муносабат орқали унинг ютуқ ва камчиликларини кўрсатиш, адабий жараёндаги ўрнини белгилаш кабилар. Ойбек тақризда ушбу ўқув қўлланмасининг зарурлигини тўғри кўрсатади. У китобни "ҳозирги адабий ҳаётимизнинг султони даврида муҳим бир нарс", - деб баҳолайди. Ундаги материаллар системали тузилганини, қоидаларни тушунтиришга ҳозирги замон шоирларининг асарлари билан чекланмай, салафларимиз асарларидан ҳам мисоллар берилганини маъқуллайди. Асарнинг яна бир хусусияти - "адиб

¹ Шарафиддинов О. Истеъдод жилолари. Т.: 1983; Назаров Б. Ҳаётийлик- безавол мезон. Т.: Ёш гвардия, 1983.

Фитратнинг жозиб, гўзал услуби" эканини таъкидлайди. Кейин "китобнинг кўпгина камчиликлари"га тўхталади. Бироқ Ойбек Фитратнинг санъатга оид таърифидаги жиддий нуқсон "санъат ва адабиётга бу кунги кўз билан (марксчиларча) қарамаган"ликда, марксистча ижтимоий таҳлил йўқлигида" деб танқид қилади. Бу фикр тақриз ёзилган ўша давр руҳига тўғри келса-да, мустақиллик мафкураси Фитратнинг тўғри йўлдан борганлигини кўрсатди. Бунда тақризчини айблаш бирёқламаликка олиб келади, албатта. Чунки адабиётга синфийлик нуқтани назаридан баҳо бериш ўша давр учун хос бўлиб, барқарорлашаётган "фазилат"га айланаётган эди. Ойбек тақризининг ўша давр учун ҳам, бугунги кун учун ҳам аҳамияти шундаки, унда Фитрат китобининг ижобий томонлари, ютуқлари тўғри баҳоланиб, тақризга хос сиқиклик билан ихчам шаклда баён этилади.

Ойбекнинг адабий танқидда энг кўп мурожаат қилган жанрлари тақризлар ва мақолалардир, У бу жанрларнинг талабларини яхши билган ҳолда қалам тебратади. Тақризлар адибнинг адабий жараённинг сергак кузатувчи ва иштирокчиси бўлганлигини тасдиқлайди. Шу боис уларни ёзилган даври ва моҳияти, мазмунига кўра икки гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Ўз даврида муҳим аҳамият касб этган эса-да, бугунги кунда ўша даврни ўрганишгагина манба бўлган тақризлар.
2. Ўз даврида ҳам, ҳозир ҳам аҳамиятини, замонавийлигини йўқотмаган, долзарблиги, қўйилган муаммонинг илмий ва аниқ ҳал этилиши билан ажралиб турувчи тақризлар.

Биринчи гуруҳга мансуб тақризлардаги қарашлар моҳиятан эскирган бўлса-да, Ойбекнинг танқидчилик маҳоратини ўрганишда ҳали хануз хизмат қила олади. Чунончи, Хусайн Шамснинг «Хуқук» романига бағишланган тақриз жанр талаблари асосида ёзилган: ҳажман қисқа, янги асарга берилган баҳонинг аниқлиги ва ҳолислиги, ҳозиржавоблиги, тузилишидаги мукамаллик билан диққатга сазовор. Тақризда асарнинг ғояси тўғри кўрсатилади, асосий образларга баҳо берилади. Асарнинг бадий салмоғи беш қисмга бўлинган ҳолда очиб кўрсатилади, камчиликлари очик баён этилади. Бу романни нашр этилишидан олдин Ойбек тақризчи қилиб белгиланган шекилли, асар камчиликлари тузатилгач, нашр этиш мумкин, деган тавсия берган. Ойбекнинг талабчанлиги шунда кўринадики, асар

муаллифи кўрсатилган камчиликларнинг кўпчилигини тuzатади, бунини қайтиб кўргандан кейин ҳам, у асарни «сиёсий ва адабий жиҳатдан жуда асосли қилиб тахрирдан ўтказиш»ни, кейингина нашр этишни тавсия қилади. Такризда Ойбек романга давр нуқтаи назаридан келиб чиқиб баҳо беради, унинг югуқ ва нуқсонларини кўрсатади, асарнинг савиясини ошириш учун ёзувчига ҳам маслаҳатлар беради. Бу эса Ойбекнинг такризи ўз вазифасини бажарганлигини ёрқин намойён этиб турибди.

Фитратнинг «Адабиёт қоидалари» ва Адҳам Раҳматнинг «Ўзбекистон асл фарзандлари» асарларига ёзилган такризлар ҳам шу гуруҳга мансуб.

Иккинчи гуруҳга мансуб такриزلардан бири М.Шайхзоданинг «Жалололдин» драмаси ҳақида бўлиб, уни Ойбек Ғ.Ғулом билан биргаликда ёзган. Драма ҳақидаги такризда Ойбекнинг илмий-бадий тафаккури ниҳоятда кенглиги, самимийлик, фикрнинг ҳис ва туйғуга бой эканлиги китобхон диққатини ўзига тортиб, такризни ўқишли қилишга ёрдам берган. Шу билан бирга такриз ижодкорларнинг ҳассос қалбини кўрсата олишнинг, ҳақиқий бадий асардаги гўзалликни ҳис эта билиш истеъдодининг, уни сўзда намойён этиш талантининг ёрқин намунасидир.

Тарихга назар солиш орқали такризда Жалололдин Мангубердиннинг тарих олдидаги буюк хизматларига баҳо берилади. Такриз драманинг сахнага қўйилиши муносабати билан ёзилган. Унда драматургнинг маҳоратига тан берилади. «Шоир Шайхзода ўз драмасида қаҳрамонлик таронасини куйлайди. Бу қаҳрамонлиkning жонли руҳи- Жалололдин». Драмадаги фикрлар бадий бўёққа ўраб берилганлиги, жозибаси билан кишини ўзига мафтун қилади. Шунинг учун бу такриз бадий асар каби ўқилади. Унинг тили содда, шу билан бирга нафис ва халқчил, самимий. Унинг жозибадорлигини оширган фазилатлар: а) ўтмиш билан муқояса қилиш орқали тарихий ҳақиқатнинг бадий ҳақиқатга айланганлигини очиб беришда; б) драмани тўғри ва холис баҳолашда; в) драманинг сахнага қўйилиши ва унинг муваффақиятидан мамнунлик ҳисси билан тўлалигида кўринади. Шунинг учун бу такриз ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотмаган. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, «Жалололдин» ҳақидаги такриз ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатдан

жуда юкори савияда ёзилган.

Такриз таснифи. Такризнинг ички хилларини фарқлаш, аслини олганда, Л.П.Гроссман таснифидан бошланган. У адабий танқидчиликнинг мустақил жанрлари деб ҳисоблаган такриз ва академик такриз ягона адабий-танқидий ҳодисанинг ички кўринишларидир. Такризнинг ички кўринишларини фарқламай, ҳар бирини алоҳида ҳодиса сифатида баҳолаш И. Попов таснифида ҳам учрайди. У ижобий такриз ва салбий такриз тарзида эътироф этган ҳодисалар ҳам аслида унинг ички сифат кўринишлари ҳисобланади.

Баҳо бериш, бадиий жихатдан юксак асарнинг яхши томонларини, бўш, саёз асарларнинг қусурли томонларини очиб беришдан иборат вазифани адабий танқиднинг барча жанрлари қатори такриз жанри ҳам ўзига хос шакллар, воситалар орқали бажара олади. Ўзбек танқидчилиги ҳам бу соҳада маълум тажрибалар тўплай олди, натижада такризнинг хилма - хил ички кўринишлари пайдо бўлдики, уларни чуқур ва батафсил ўрганиш танқидчиликда жанрлардаги қоришиқликларнинг олдини олишга ёрдам беради. Бизда такризни мақола, мақолани такриз, мактубни такриз деб номлаш, баъзан оддий этюдларни эссе деб бериш каби ҳолатлар шунчалик кўп учрайдики, жанрларни ички дифференциациялаш бу камчиликларнинг олдини олади. Биргина мисол: адабиётшунос олим Ҳ. Умуоров такризнинг қуйидаги "хиллари"ни қайд этади: 1. Такризнинг энг кўп учрайдиган хили. 2. Такризнинг "кам" тарқалган хили. 3. Такризнинг жонли хили, аммо охиргиси эмас¹. Аммо бу таснифда такризнинг ички турлари номлари кўрсатилмаган. Бунинг устига бу тасниф ўзбек танқидчилигида фақат салбий, муваффақиятсиз такриزلар бўлган экан деган хулосага олиб келади, ҳолбуки, ўзбек танқидчилиги хазинасида такриз жанри талабларини ўзида тўла акс эттира оладиган намуналар ҳам кўплиги юкорида кўрсатилди.

А. Расулов такризнинг шакллари, турлари ҳақида гапириб, унинг такриз-мактуб, такриз-баҳс, такриз-монография каби оралик турлари мавжудлигини эътироф этса-да, бироқ уларнинг моҳияти, ўзига хос ва фарқли хусусиятлари, белги-аломатларини очмайди, умумлаштирмайди. Бу тасниф қандай принципларга

¹ Умуоров Ҳ. Таҳлил санъати. 64-бет.

асосланганини ойдинлаштирмайди.

Кўринадики, танкидчиликда тақриз жанрининг бундай ички шакллариининг хусусиятлари назарий жиҳатдан ҳали ишлаб чиқилмаган. Бу мулоҳазалар қуйидаги ҳақли саволларни туғдиради: Тақризнинг шакли қандай бўлиши керак? Маълум асарга тақриз ёзганда бир хил шаклдан фойдаланиш мумкинми? Йўқ, албатта, тайёр, бир хилдаги қолипларни қўллаш мумкин эмас, чунки шакл мазмунлидир. Демак, ҳар бир асар ўзича айрим бир дунё экан, унга қараш йўллари ҳам ўзига хосдир. Бинобарин, ҳар хил асарга ёзилган тақризнинг шакли ҳам ранг-баранг бўлиши табиийдир. Тақризда ҳам сюжет, композиция, бадиий тасвирий воситалар каби узвлар асар яхлитлигини таъминлаши зарур. Мазмун чуқур, шакл мукаммал бўлгандагина, уларнинг узвий мутаносиблиги таъминлангандагина-маҳорат намоён бўлиб, мазмуннинг тўла гавдаланишига замин яратилади. Шу маънода тақризни ҳам муайян даражада санъат асари деб қараш мумкин. У кишига таъсир этиши, уни руҳлантириши, ўйлантиши, ишонтириши, унда янги фикр туғдириши лозим. Бунга, шубҳасиз, шу жанрда ижодий изланиш, тинмай меҳнат қилиш орқалигина эришиш мумкин.

И.Султон, Ҳ.Ёқубов, М. Қўшжонов, О.Шарафиддинов, С.Мамажонов, Н.Каримов, Н.Худойберганов, У.Норматов, И.Ғафуров, А.Расулов сингари танкидчиларнинг шу хилдаги тақриزلарини ўқиганда қалбингизда уларга нисбатан ҳурмат уйғонади. Демак, асардаги ютуқ ва камчиликларни, асарнинг ҳаққонийлигини кўрсатувчи жанр бўлган тақризда ҳам масъулият билан амалга оширилган таҳлил зарур. Шундан келиб чиқиб, танкид тарихида тақризчиликнинг ички кўринишларини турлича тасниф этиш мумкин. Масалан, расмий- ижтимоий вазифасига кўра, нашрга тавсия этиш учун, диссертация ҳимоя қилиш учун, маълум бир мукофотларга тавсия қилиш учун ички ва ташқи тақризлар, салбий тақризлар ёзилади. Гарчанд барчасининг асосида баҳо бериш каби ягона мақсад ётса-да, уларнинг мақсад ва вазифалари орасида фарқ катта, Адабий танкиддаги тақризлар, биринчидан, **энг фаол** илмий-образли тафаккур ҳосиласи сифатида намоён бўлади. Иккинчидан, уларда муаллифнинг қалби, ҳис-ҳаяжони, “мен”и ярқ этиб кўриниб

туради. Учинчидан, уларда, айниқса, энг юксак намуналарида шакл жиҳатидан оригиналлик, қолипларга мослашмаслик хусусияти кўзга ташланади. Буни рус адабиётида Жуковский ижоди оркали кўрсатиш мумкин. Унинг “Кичикроссияга саёҳат” ҳақида” деб номланган тақризи сентименталист ёзувчи П.Шаликовнинг нашрдан янги чиққан “Кичикроссияга саёҳат” китобига бағишланган. Муаллиф уни қониқиш билан ўқиб чиққанлигини ва ўқиш жараёнида ўзида туғилган фикрларни ўртоқлашмоқчи эканлигини айтади. Тақриз жуда самимий, жонли ва ҳис-ҳаяжон билан ёзилганлиги жиҳатидан киши эътиборини тортади. Тақризчи риторик сўроқлардан кўп фойдаланади (Ҳиссиёт кимга таъсир этмайди? каби). Кейин худди фикр алмашмоқчи бўлгандай тез-тез китобхонга мурожаат қиладики, бу ҳам тақризнинг табиий, жозибали чиқишини таъминлаган. Унда асарнинг ютуқлари, китобнинг ўша давр адабий жараёнидаги ўрни кўрсатилади. Тақриз яна китобхонга мурожаат билан тугайди: “А ты мой любезный читатель...”¹

Тақризлар аксарият ҳолларда янги бадиий ва илмий асарларга муносабат шаклида ёзилади. Шулардан қай бирига қаратилганлигига қараб тақризни икки гуруҳга бўлиш мумкин: 1) бадиий асарларга ёзилган тақризлар (илмий ва образли тафаккур намуналари ҳисобланади); 2) илмий асарларга ёзилган тақризлар (асосан илмий услубда бўлади). Бундай тақризлар танқидни танқид йўналишида бўлади. Уларнинг ўзи ҳам қандай услубдаги асарга ёзилишига қараб турлича бўлади. Р.Тожибоев илк ўзбек тақризларидан бири деб тақдим этган асар шу гуруҳга мансуб. У “Тошкентлик муаллим С.Саидазизовнинг “Устои аввал” дарслиги чоп этилиши муносабати билан ёзилган. “Муаллифи кўрсатилмаган мазкур тақризда дарсликнинг фазилатлари, таркибий қисмлари (“мазкур китоб уч тақсимгача бўлингандир”), ҳар бир қисмнинг мазмуни, аҳамияти ҳақида анча батафсил фикр юритилади”². Назаримизда, у биз тадқиқ этаётган илмий ва бадиий тафаккур намунаси бўлган тақриз эмас, балки иккинчи гуруҳга мансубдир.

Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида яратилган

¹ Жуковский – критик, БРК. М.: Советская Россия, 1985. С.28.

² Тожибоев Р. XX аср бошлари ўзбек адабий танқиди тарихидан. Номзодлик дис. Т., 1993.

мавжуд тақризларни мақсади ва моҳиятига кўра қуйидагича гуруҳлантириш мумкин.

Янги бадий асарга ёзилган ҳозиржавоб тақризлар. Кўпинча тарғибот, ташвиқот характерида бўлади, улар бадий асарга “разведка” вазифасини бажаради. Адабий танқидда бундай тақризлар кўп учрайди. Унинг гўзал намунасини ҳассос мунаққид Вадуд Маҳмуд ижодида кўриш мумкин. У Чўлпон шеърятини тўғри талқин этган мунаққид сифатида тарихда қолган. “Туркистон” газетасининг 1923 йил 10 декабрь сониди В. Маҳмуднинг Чўлпоннинг “Булоқлар” тўпламига ёзган тақризи босилиб чиққан. “Бу кун ўзбек адабиётига яна янги тўн кийгизилди. Чўлпоннинг “Булоқлар” отлиг янги шеърлар тўплами босилиб чиқди. Чўлпон ўзбекнинг янги шоирдир, шунинг учун ўзбек элини бугунги руҳи, холи, сезгиси “Булоқлар”да қайнайди, ўзбек тили, ўзбек оҳанги “Булоқлар” да сайрайди.

“Булоқлар”да сайрайди, ўқийди. Ўзбек руҳи тўлқинлари бунда кўпирадир, кўклар томон учадир, кўтариладир. “Булоқлар”да ўзбек сезгиси янграйдир, сизлайди, титрайди, шунинг учун бу тўн шундай бир тўндирки, ўзбек руҳидан, жонидан битгандир. Унинг баданини асрамоқ, қўримоқ учун ўз бағрига босқондир”¹. Бу юксак баҳо “Булоқлар”га берилган аввалги баҳолардан тубдан фарқ қилади. Ўзининг таъсирчанлиги, жозибадорлиги, ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатидан юксаклиги, мунаққиднинг қалбини, асардан олган ҳис-ҳаяжонини намоён эта олиши билан ўз аҳамиятини йўқотмайди. Мунаққид тақризда ўз олдига қўйган асарга баҳо бериш ва уни тарғиб қилиш мақсадига эришган. Демак, янги асарга ёзилган тақризларда қисқалик, асарга берилган баҳонинг сиқик ва лўндалиги, асарни ташвиқ қилишга қаратилганлиги, оперативлиги унинг ўзига хос табиатини белгиловчи хусусият ҳисобланади.

Бадий асарни эстетик баҳоловчи монографик тақризлар ҳажми ва шу билан бирга нашр этилиши (яъни ҳозиржавоблик хусусиятининг камлиги) жиҳатидан ҳам юқоридаги гуруҳдан фарқ қилади. Уларда асар монографик йўл билан, яъни йирик ва

¹ Чўлпон ва танқид. Т., 2004. 34-бет.

кенг кўламда, чуқур тадқиқ этиш йўли билан баҳоланади. Мунаққид услуби ярк этиб кўринадиган ўлмас тақризларни, шох асар шухратини, авлоддан-авлодга етказадиган етук тақризларни рус революцион-демократлари ижодида кўриш мумкин. В.Г.Белинский ("Замонамиз қаҳрамони", "Ақллилик балоси"), Н.Г.Чернышевский ("Камбағаллик айб эмас", "Губерния очерклари"), Н.Н.Добролюбов ("Зулмат дунёсида нур", "Ҳақиқий кун қачон келади?") сингари мунаққидлар ўз қарашларини, ҳис-ғуёғулари ва эстетик дидларини монографик тақризларда кўрсатганлар. Уларнинг бу ўлмас асарлари тақриз жанрига мансуб бўлиб, "қимматбаҳо узукка қўйилган бебаҳо кўз вазифасини ўтади" (А.Расулов). Бу танқидчилар ҳақида гап кетганда, аввало уларнинг худди мана шу монографик тақризлари ёдга тушади.

Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида монографик тақриз ёзиш аъёниси XX асрнинг 20- йилларидан бошланган. Сотти Ҳусайннинг "Ўткан кунлар" романи муносабати билан ёзилган асарини А.Расулов "монографик тақриз", "тадқиқот-тақриз" деб номлайди¹, шу билан бирга диссертациянинг кейинги саҳифаларида "тақриз-рисола" истилоҳини ҳам қўллайди.

Кейинги йилларда монографик тақриз ёзиш кўпроқ М.Қўшжонов ижодига хосдир. Жумладан, унинг "Синчалак" деб номланган тақризи ғоявий-эстетик жиҳатдан бир бутунлиги ва ҳажмининг катталиги билан эътиборни тортади. У асарга ёндашишнинг ўзига хос йўналишида ёзилган, шунинг учун унда тамоман бошқача услубга дуч келамиз.

Танқидчи О.Шарафиддиновнинг изчил таҳлилга асосланган, "Синчалак" қа бағишланган "Келажакка чорловчи қисса" тақризи уч қисмдан иборат бўлиб, монографик тақриз сирасига киради. "Синчалак" нашр этилгандан кейин матбуотда у ҳақда ўнлаб тақризлар босилди, улар ҳар бир тақризчининг ўзига хос услуби, изланишлари турличалиги билан бир-биридан ажралиб туради. Бироқ тақризлар орасида М.Қўшжонов ва О.Шарафиддинов қаламларига мансублари ҳамон ўз қимматини йўқотган эмас. Шу ўринда М.Қўшжоновнинг бир хил шаклдаги

¹ Расулов А. Ҳозирги ўзбек танқидчилигида таҳлил ва талқин муаммоси. Докт. дис. Т., 2002. 154-бет.

тақризларга муносабатини ифодаловчи куйидаги фикрларини келтириш фойдадан холи бўлмас: " Кўп тақризлар бир хилда, бир схема асосида ёзилган бўлиб, баёнчиликдан нарига ўтмайди. Баъзан ғоявий-бадий хусусиятлари бир- биридан тамоман фарқ қилувчи асарлар шу тахлитда тақриз қилинадик, ўзбек ёзувчилари бир- биридан кўчириб олмаётганмикан, деган таассурот туғилади!". Монографик тақризларда ана шу камчилик кўзга ташланмайди. Уларда асар кенг ва чуқур таҳлил этилиб, унинг ўзига хослиги очиб берилади.

Шарҳ - тақризлар. Асарнинг мазмун-мундарижасини тушунтириш асосий мақсади бўлган шарҳ-тақризларнинг тарихий илдизи мумтоз адабиётшуносликка бориб тақалади. У алоҳида жанр сифатида Форобийнинг Арастуға шарҳларидан бошланган. "Форобий юнон олимлари, жумладан, Аристотель "Поэтика"сидан қанчалик илҳомланмасин, уларга шарҳлар ёзмасин, барибир юнон олимлари фикрларини айнан такрорламайди, балки уларни Шарҳ халқлари бадий ва илмий тафаккури билан бойитади...

Тўғри, бу фикрлар адабий асар таҳлили ёки маълум бир давр адабий муҳити умумлашмаси жараёнида айтилган эмас. Шундай бўлса-да, замонасидаги бадий жараён хусусидаги кузатишларнинг назарий хулосаси бўлмиш мазкур мулоҳазалар ҳар жиҳатдан диққатга сазовордир. Бунинг устига Форобийнинг шеър қонун-қоидалари, Аристотель "Поэтика"сига ёзган шарҳи, трагедия, комедия...ва бошқалар тўғрисида фикр билдиргани эътиборга олинса, унда Форобийнинг адабиётшуносликдаги хизматлари намоён бўлаверади"¹.

Баъзан адабий шарҳлар атамаси ишлатилади². Р.Тожибоев масалага чуқурроқ ёндошади: "Ўзбек классик танқидчилигининг яна бир кўриниши шарҳларда намоён бўлади. Шарҳлар ўтмишда кўпинча устоз Шарҳ шоирлари асарларини, замондош ижодкорлар абётини оддий ўқувчига тушунтириш, шоирларнинг мураккаб шаклларда ва мажозлар ёрдамида айтмоқчи бўлган фикрларини изоҳлашга эҳтиёж заминиди дунёга келган"³.

Озар олими К.Толибзода фикрига кўра, шарҳлар ёзувчи билан

¹ Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. 44-бет.

² Расуловнинг кайд этилган дис.си. 242-бет.

³ Тожибоевнинг юкорида кайд этилган дис.си. 26-бет.

ўқувчи орасида англаштирувчилик, алоқа яратувчилик мақсадида яратилади¹. Олим бадий асарларни шарҳловчиларни “ўз даврининг машҳур филологлари эдилар”, деб таърифлайди.

Ўзбек адабиётида шарҳлар махсус рисола, мақола тарзида эмас, балки қўлёзма девонлар, маснавийларнинг хошияларига ёзиш шаклида тарқалган. Мумтоз адабиёт ва адабиётшуносликда олимлар улуғ шоирларнинг қўлёзма асарлари хошияларига шоирнинг шеърдан кузатган аниқ мақсадини, байтнинг маъносини шарҳлаб кетганлар. Бундай шарҳчилик анъанаси ХХ аср бошларигача давом этган. Фуркатнинг бир рус шоири шеърига ёзган шарҳ-такризига асосланиб, Б.Назаров “танкидчилигимиздаги дастлабки рецензиялар асарга ёзилган шарҳ сифатида майдонга келди”,- деб хулоса чиқаради². Бундан ташқари, олим ўша асарида ХХ аср бошларида шеъринг такризлар ҳам яратилганлигини кўрсатиб ўтади. Хислатнинг “Армуғони Хислат” тўпламининг босилиб чиқиши муносабати билан матбуотда эълон қилинган Мухсинийнинг “Тавсифи Хислати Эшон” шеъри ана шундай тарздадир. Шеър Хислат тўпламини ўқиш туфайли туғилган туйғуларни ва умуман, шу китобча ҳақидаги фикрларни баён қилиш асосига қурилган, уни шартли равишда шеъринг такриз дейиш мумкин. Кейинроқ олим уни “такриз-шарҳ” деб атади³. Кўринадики, шарҳ-такризларнинг пайдо бўлишида шарҳларнинг роли катта бўлган. Ҳозирги кунда мумтоз шоирларнинг машҳур ғазалларини ёки айрим байтларни шарҳлаш анъанаси ривожланиб бормоқдаки, бу- алоҳида ўрганилишга молик муаммодир.

Макгуб-такризлар. Ўзбек адабиётшунослигида шундай асарлар учрайдики, уларда икки жанрга хос белгилар қоришиб келади. Уларнинг жанрини белгилашда ана шу жиҳатлари ҳисобга олиниши лозим. Жумладан, “Бошқа китоблари қатори Зулфиянинг “Водопад” (“Шалола”) шеърлар тўплами ҳам танкидчи ва такризчиларнинг диққат-эътиборларини торган. Шу такризлар қаторига ўзбек адабиётининг билимдони, катта таржимон Л.М.Пеньковскийнинг шоирага юборган мактубини ҳам қўшиш ўринли бўлар эди. Хатда жумладан бундай фикрлар

¹ Толибзода К. Озарбайжон адабий танкидининг тарихидан. Боку. 1984. 10-бет.

² Назаров Б. Ўзбек адабий танкидчилиги. 15-бет.

³ Шу асар. 42-бет.

билдирилган: “Мен Сизнинг “Шалола” нгиздаги биринчи шеърдан сўнгисига қадар тўла ўқиб чиқдим, кўпларини эса ҳатто такрор-такрор ўқидим. Менимча, - етарли даражада ҳаққоний фикр юрита оламан, деб ўйлайман, - бу китобча поэтик қизиқиш уйғотади...”¹. Келтирилган парчадаги мисолнинг ўзиёқ унинг такриз эмас, мактуб жанрида ёзилганлигини кўрсатиб турибди. Ёки уни мактуб-такриз деб аташ ўринлидир. И. Ғафуровнинг О. Матжон, Тўлан Низомга ёзган мактуб-такриزلари ҳам шу сирага мансубдир.

Хабар-такриزلарнинг бош мақсади кўпинча хабар бериш ва қисқа баҳолашдан иборат. Ҳажми ҳам жуда қисқа. Н. Каримов Усмон Носир ҳақидаги китобида шундай лавҳани келтиради: “Қурултой иши давом этаётган кунларда “Ёш ленинчи” рўзномасида босилган М. Давроннинг “Атлас” деган хабар-такризида бундай сўзларни ўқиймиз: “Ўтган кунларнинг бирида, Ўзбекистон ёзувчилари жамиятида ёзувчи Усмон Носирнинг “Атлас” номли пьесаси ўқилди...”

Бу пьеса ўзининг танлаган мавзуи, кашф этган қаҳрамонлари ва қўйган проблемаси томонидан анчагина янги бир нарсадир. Пьесани ўқиш кун иштирок этганларнинг кўпчилиги пьесага мусбат фикрлар бердилар. Сўзловчилардан бири: “Мен бу пьесани ўқиб эшитганимдан сўнг қачон қўйилар экан, тезроқ қўйилса, бир кўрар эдик... деган фикрга келдим”, - деди.

Пьеса тил жиҳатидан ҳам анча яхши ишланган...”². Ҳажман жуда қисқа бу такризда драмадаги образлар - иштирок этувчилар ҳақида маълумот берилади. Шу билан бирга такризда драмадаги нуксонлар ҳам кўрсатилади: “Усмон ҳар учала типни асосий тип қилиб бўрттириб беришга уринган. Лекин учови ҳам у қадар бўртмаган. Чунки, автор уч тарафга бирдан қўл узатган. Натижада пьесанинг олдига қўйилган масаласи хираланиб қолган, ягона ва яққол тип яратилмаган...”.

Хабар-такриз муаллифи асарнинг “пьесада ҳозиргача драматургиямизда кўрилмаган янги бир мавзунини кўтариб чиққани учун” алоҳида аҳамиятга эга эканлигини қайд этади. Сўнгги такризни яна бир хабар: “пьесанинг ишчи ёшлар театрсига

¹ Султонова М. Ижод саҳифалари. Т.: Фаъ, 1975 123-бет.

² Каримов Н. Усмон Носир. 91-бет.

берилганлиги, тез кунда томошабинлар ҳам ўз фикрларини” айтишлари мумкинлигини қайд этиш билан тугатади. Демак, бундай тақризларнинг асосий хусусияти хабар беришда, ташвиқ этишда намоён бўлади. Ҳозир ҳам газета ва журналлар, айниқса, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси саҳифаларида янги нашр этилган асарлар ҳақида хабар-тақризлар жуда кўп босилмоқда.

Оғзаки тақризлар. Аслини олданда оғзаки танқид халқ оғзаки ижоди дан бошланган. Халқнинг ўз бахшисига “йиғлоқи дostonлар эмас, балки охиғи ғалаба билан тугайдиган дostonлар айтиб беришни”¹ сўрашида ҳам шу дoston ҳақида мулоҳаза, унинг қайсидир жиҳатини баҳолаш хусусияти намоён бўлади. Мумтоз адабиётшуносликдан ҳам маълумки, шоирлар ўз асарларини мухлисларга, халққа, устозларига ўқиб берганлар ва уларнинг фикрларини, баҳоларини кутганлар. Мавлоно Лутфийнинг Алишер Навоийнинг бир байтига берган баҳосида ҳам оғзаки тақриз (қиска ва лўнда мулоҳаза) унсурлари кўринади. Бу жараён адабиёт ривожини билан бирга давом этиб келмоқда.

XX асрнинг бошларида, айниқса, тақризнинг оғзаки хили кучайди. Масалан, драматургиянинг кириб келиши билан оғзаки театр танқиди ва шу асосда театр тақризларининг пайдо бўлиши каби. Бундай тақриз намунасини Усмон Носир ҳақидаги тадқиқотда кўриш мумкин². Унда тақризга хос бир хусусият – асарнинг камчилиги ва унга муносабат тўғрисида оғзаки баҳо берилган, фикр юритилган. Бу ҳам оғзаки тақризнинг белгисидир.

Тақриз жанри ҳақидаги фикрларимизни қуйидагича умумлаштириш мумкин: 1. Тақриз адабий жараёнда пайдо бўлган янги асарни биринчи бўлиб баҳолайдиган, илмий-эстетик таҳлил орқали ихчам, сиқик тарзда унинг илк баҳосини оммага етказадиган ҳозиржавоб жанр бўлиб, унинг вазифаси янги адабий асарнинг таҳлили орқали унинг а) адабий жараёндаги; б) ёзувчи ижодидаги ўрнини кўрсатиш; в) ютуқ ва камчиликларини таҳлил этиб, исботлаш, баҳолаш г) шу орқали китобхонга асар ҳақида илк маълумот беришдан иборат. Ўзбек танқидчилигида тақризларнинг илдизи халқ оғзаки ижоди, мумтоз адабиёт ва адабиётшуносликка

¹ Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослигини тарихи. 4-бет.

² Каримов Н. Усмон Носир. Т.: “Истиқлол филойилари” серияси, 1995. 92-бет.

бориб такалади. Халқнинг дostonларга оғзаки баҳо бериши ва адабиётшунослик асарлари бағрида унсурлар сифатида мавжуд бўлган тақриз матбуот пайдо бўлиши билан жанр сифатида шакллана борди.

2. Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида тақриз ривож, шаклланиши ҳар бир даврда ўзига хос кечди. Тақризларда XX асрнинг 20-йиллар ўрталаригача бутун танқидчиликдаги умумий хусусият-объективлик кучли бўлган бўлса, кейинроқ шўро мафкураси таъсири остида субъективизмга қараб бориш тамойили кучайди. Турғунлик йилларида эса тақризлар мадҳияга, қасидага айланиш даражасига етди. Шу боис унга муносабатда турли қарашлар пайдо бўлди.

3. Ўзбек ёзувчиларидан Чўлпон, Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Вадуд Маҳмуд, М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, С.Мамажонов каби мунаққидлар ижодида бу жанрнинг намуналари кўплаб учрайди. Масалан, Ойбек тақризларига хос ихчамлик, шакл ва мазмуннинг уйғунлиги, илмийлик ва бадийликнинг ўзаро омухталиги, тилининг жозибадорлигидан ёш адабиётшунослар, танқидчилар бугун ҳам, келажакда ҳам кўп нарсани ўрганадилар ва баҳра ола билдилар.

4. Тақризнависликдаги мавжуд материаллар ўзбек танқидчилигида унинг турли хилдаги ички шакллари: қисқа ва ихчам ҳозиржавоб тақриз; монографик тақриз; шарҳ-тақриз; мактуб-тақриз, хабар-тақриз ва оғзаки тақризлар мавжудлиги кўринади. Асарга баҳо бериш уларнинг муштарақ томони бўлса, ҳажми, мақсади, моҳияти (бирида шарҳлаш, бирида хабар бериш ва ҳ.к.)га кўра бир-биридан фарқланиши кузатилади.

5. Тақризларда бадий асарда бўлгани каби мазмун ва шаклнинг диалектик уйғунлиги таъминланиши зарур. Шундагина адабий танқиднинг энг кичик ва лўнда жанрларидан, адабиёт учун, бадий асар учун ҳамиша зарур жанрларидан саналувчи тақризлар санъат намунаси бўла олади.

6. Тақризнинг бошқа жанрлардан фарқ қилиб турувчи яна бир хусусияти унинг “танқиднинг тиконли гули” эканлигида кўринади, чунки унда асарнинг камчиликлари очиб берилади. Бошқа жанрларда бу хусусият ярқ этиб кўзга ташланмайди.

Демак, тақриз ўзбек адабий танқидчилигида фаол ва сермахсул жанрлардан бўлиб, ўзбек адабиётшунослиги ва

танкидчилигида унинг ривож ва шаклланиши ҳар бир даврда ўзига хос кечди. Такризнинг шартли равишда ўзбек танкидчилигида етти хилдаги ички шакллари тасниф этилди. Такризнинг бу кўринишлари учун муштарак хусусият сифатида асарга баҳо беришни кўрсатиш мумкин. Фарқли томонлари эса қуйидагича: янги асарга ёзилган такриزلар лўнда, қисқа ҳажми ва ҳозиржавоблиги; монографик такриزلар асарни чуқур ва атрофлича ўрганиб, баҳо бериши жиҳатидан, ҳажмининг йириклиги; шарҳ-такризда асарнинг моҳиятини шарҳлаб бериш хусусиятининг юқори бўлиши; хабар - такризда хабар бериш ва ташвиқот руҳининг етакчилиги, мактуб-такризда ҳам мактубга, ҳам такризга хос хусусиятларнинг жамланиши; оғзаки такриз баҳо ва баённинг оғзаки тарзда ифодаланиши.

Адабий танкиднинг энг кичик ва лўнда жанрларидан, адабиёт учун, бадиний асар учун ҳамиша зарур жанрларидан саналувчи такризнинг бошқа жанрлардан фарқ қилиб турувчи яна бир хусусияти “танкиднинг тиконли гули” (И.Ғафуров) эканлигида кўринади, чунки унда асарнинг камчиликлари очиб берилади. Бошқа жанрларда бу хусусият ярқ этиб кўзга ташланмайди.

Адабий –танкидий мақола жанри. Мақола мавзу, мазмун ва моҳиятига қараб, сиёсий руҳга йўғрилгани билан ажралиб турувчи мақола, илмий мақола, публицистик мақола каби ички кўринишларга эга. Адабиёт соҳасидаги тадқиқотларга тааллуқли мақола адабий-эстетик қарашлар ифодасидан таркиб топади. Бундай мақолаларда у ёки бу асар, у ёки бу адабий муаммо таҳлил қилиниб, шу жараёнда келиб чиққан илмий-эстетик ҳулосалар баён этилган бўлади. Шу хусусиятига кўра бу хилдаги мақолалар адабий-танкидий мақола ҳисобланади. Дастлаб публицистик характерда бўлган мақолалар аста-секинлик билан ихтисослаша борди. XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб, ўзбек танкидчилигида бу жанрни ривожлантиришга Фитрат, Чўлпон, А.Қодирий каби ижодкорлар билан бирга А.Саъдий, Олим Шарафиддинов, В.Махмуд каби мунаққидлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Адабий-танкидий мақоланинг композицион таркиби ва таснифи. Матбуотда босиладиган мақолалар кириш, исбот ва уни

тавсифлаш, хулоса каби уч қисмдан ташкил топади¹. Мақолаларда олдин олинган объект таърифланади, сўнг масаланинг мазмун ва моҳияти назарий асосда исботланади ва охирида фикрлар умумлаштирилади. Шу нуқтаи назардан караганда, адабий-танқидий мақолалар ҳам шундай тузилишга эга. М.Қўшжоновнинг мақолалари кўпинча монографик характердалиги, ҳажман катталиги билан ажралиб туради. О. Шарафиддиновнинг «Ҳақиқатга садоқат» китобига киритилган адабий-танқидий мақолаларида композицион жиҳатдан бир хиллик кўзга ташланмайди, баъзилари обзор шаклида бўлса («Шеър кўп, аммо шоир-чи?»), айримлари монографик характерда («Иккинчи чўққи»); бошқалари портретга чизгилар шаклида («Чўлпоннинг ижодий йўли»); баъзилари эса тақриз характерида («Ҳаққуш ҳикматлари»)дир.

Адабий-танқидий мақоланинг таснифи. Ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқидчилигида адабий-танқидий мақоланинг илмий-назарий хусусиятлари алоҳида ўрганилмаган бўлса-да, уларни тасниф этиш ҳаракати анча илгари бошланган. XX асрнинг 20-30- йиллари адабий жараёнида адабий танқиднинг шаклланиши натижасида унинг барча асосий жанрлари фаол қўлланилганлигини таъкидлар экан, Ҳ.Болтабоев “адабий-маданий соҳаларга бағишланган” матбуотда чоп этилган мақолаларни уларнинг ички мундарижасидан келиб чиққан ҳолда тасниф этади: 1. Адабий-назарий масалаларга бағишланган “танитув” мақолалари. 2. Муаллифга замондош бўлган адиблар ижодига бағишланган адабий портрет тарзидаги мақолалар. 3. Мумто адабиёт вакиллари ҳақидаги мақолалар. 4. Давр адабиёти ҳақида. 5. Тақризлар². Бироқ шу ўринда мақола билан тақризни аралаштирилиб юборилгани кўринади.

Ўзбек танқидчилигида адабий-танқидий мақола тадқиқот объектига муносабат жиҳатидан, асосан, уч турда кенг тарқалганини кузатиш мумкин: 1.Обзор характеридаги адабий-танқидий мақола. 2. Муаммоли адабий-танқидий мақола. 3.Портрет-мақола.

¹ Хусанов М. Ўзбек совет бадий публицистикаси. Т.: Фан, 1978. 36-б.

² Болтабоев Ҳ. XX аср бошлари ўзбек адабиётшунослиги ва Фиграт илмий мероси. ДД. Т., 1993.256-бет.

Обзор характеридаги адабий-танқидий мақолада

ўрганилаётган адабий ҳодисага умумий қарашлар баён этилади, ўша адабий ҳодисага дахлдор адабий далиллар, изчил амалий-эстетик мантқиқ асосида умумлаштирилиб, маълум ҳулосаларга келинади. Бундай умумлаштириш обзор шаклида кечгани боис мақода ҳам адабий-танқидий обзор тусини олади ва шундай ном билан эътироф этилади.

Обзор сўзига лугатда шундай таъриф берилади: «Адабиётшуносликда у ёки бу халқ, давр ҳақида ёхуд бирор ёзувчи ижоди юзасидан умумий маълумот берувчи материал»¹. Атама сифатида эса “сан’ат ва адабиёт соҳасида бирор воқеа ёки ҳодиса таҳлилидан иборат кичик мақола” деб эътироф этилади. А.Расулов уни шарҳ мақола деб атаб, О.Шарафиддиновнинг “Йиллар ва йўллар” обзорини илмий - назарий шарҳ деб ҳисоблайди². Бизнингча, шарҳ мақола дейилса, унинг имкониятлари чегаралангандай, чунки бу хилдаги мақолаларда шарҳдан ташқари илмий-назарий ҳулосалар чиқариш, умумлаштириш ва бошқа хусусиятлар борки, шарҳ сўзи “обзор мақола” атамасининг маъносини ўзида мужассам эта олмайди, шу боис муаммони тўлиқ қамраб олувчи адабий- танқидий обзор мақола истилоҳини ишлатиш макбулдир.

Ўзбек адабий танқидчилиги тарихида А.Зоҳирийнинг "Олти йиллик ўзбек адабиётига бир қараш", А.Саъдийнинг "Олти йил ичида ўзбек шеърӣ адабиётӣ" сингари мақолаларини дастлабки адабий-танқидий обзор мақолалар сирасида қайд этиш мумкин. В. Маҳмуднинг “Бу кунги шеърларимиз ва санъаткордаримиз” мақоласи ҳам обзор йўсинидадир.

Обзор мақола баъзи томондан тақризга ўхшаб кетса-да, аммо ундан фарқ қилади. Бу унда маълум бир даврда ёзилган бир канча асарлар таҳлил қилинишида аёнлашади. Уни ёзиш учун аниқ бир давр ва ўша даврда яратилган асарлар ҳисобга олинади. Ёхуд у ёки бу адабий жанрдаги тадрижий жараёнга хос хусусиятлар ҳам ўрганилиб умумлаштирилиши—обзор қилиниши мумкин. Тақризда биргина асар хусусида гап кетса, обзор мақолада бутун бир давр ёки аниқ бир адабий тур ёхуд жанрга

¹ Хотамов Н., Саримсоков Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изохли лугати. Т.: Ўқитувчи, 1979. 218- б.

² Расулов А. Истеъдод ва эътикод. Т.: Шарқ, 2000. 37-бет.

мансуб асарларга муносабат билдириш устунлик қилади. Бинобарин, обзор мақолани ёзиш учун давр ҳисобга олиниши зарурий шартдир. Масалан, М.Қўшжоновнинг "Маъно--маҳоратнинг бош масаласи" обзор мақоласида 1972 йилда яратилган насрий асарлар хусусида фикр юритилади.

Обзор мақоланинг ўзи ҳам вақт ва мавзуга муносабати, характери ҳамда ижтимоий-эстетик табиатига кўра бир неча кўринишга эга: а) маълум йиллар (даврлар)да яратилган бадиий асарлар давр контекстида ундаги ижтимоий --эстетик муносабатлар фонида адабий жараёнга хос тамойилларни умумлаштиришни назарда тутган хронологик обзор, б) илмий таҳлил, тадқиқ этилаётган асарларга ҳар томонлама, санъат мезонлари доирасида баҳо бериш, назарий хулосалар чиқариш хусусиятлари устувор турган илмий-назарий обзорлар. Ўзбек танқидчилигида яна шундай обзорлар борки, уларда алоҳида мавзу асос қилиб олинади, масалан, уруш мавзусида ёзилган ҳикоялар ёки романлар таҳлиliga бағишланади, аммо бундай обзорлар кам учрайди. М.Қўшжонов, У.Норматов каби танқидчилар обзор мақолаларининг кўпчилиги наср тадқиқига бағишланган, шеърят тадқиқи билан шуғулланган танқидчилар орасида О. Шарафиддинов, И. Ҳаққул, Я.Қосим, Б.Акрам каби танқидчиларнинг мақолалари ўзида жанрнинг моҳиятини жамлаганлиги билан ажралиб туради.

Рус олими Б.Бурсов "адабий- танқидий мақолаларнинг композицион қурилиши, энг аввало, танқиднинг баён этиш принципи ва аниқ мазмундаги уч элементга боғлиқ"лигини таъкидларкан, булар ижтимоий-сиёсий муаммоларнинг қўйилиши, асарнинг бадиий фазилатлари таҳлили ва жамият олдида турган вазифалар билан боғлиқ китобхонларга мурожаатидан иборат деб қарайди¹. Назаримизда, обзор мақолаларда ижтимоий- сиёсий муаммоларга нисбатан адабий-танқидий, илмий-назарий муаммоларга эътибор қаратиш зарурдай кўринади. Адабий-танқидий обзор мақолалар мавзуси, мақсади, табиатига кўра бир неча ички: хронологик обзор, илмий-назарий обзор, мавзувий обзор каби турларга бўлинади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, обзор характеридаги

¹ Бурсов Б. Мастерство Чернышевского – критика. М.: 1956, С.167.

адабий-танкидий мақолаларда изчил таҳлил, хулоса чиқариш, умумлаштириш, нуктаи назарни аниқ ва далиллар асосида ифодалаш ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Ҳар бир мақола чуқур мантикий илдизга эга бўлиб, асосли, мулоҳаза ва муҳокамалари илмий-назарий жиҳатдан пухта бўлмоғини давр такозо этмоқда. Адабий танқидда адабиёт тараққиётига, адабий жараёнга таъсири юқорилиги жиҳатидан адабий обзорлар алоҳида ўринга эга. Обзор мақолалар адабий ҳаётнинг қайсидир бир даври таҳлиliga бағишланса (мавзули обзор ёки кейинроқ пайдо бўлган адабий жанрлар, турлар ҳақидаги), муаммоли мақола назарий- адабий муаммоларни аниқ материаллар асосида ҳал этади. Баъзан бир мақолада иккаласининг қўшилиб кетиш ҳолатлари ҳам учрайди. Шуниси муҳимки, ҳар икки хил мақола ҳам замоннинг руҳи ва таҳлил усулларига доим аниқ жавоб бера олади.

Муаммоли адабий-танкидий мақола танқидчилик ва адабиёт-шуносликнинг таянч ва асосий жанри ҳисобланади. Унда илмий-назарий моҳият, тадқиқотчининг концепцияси муҳим аҳамият касб этади. Муаммоли адабий-танкидий мақоланинг илк намунаси Абу Наср Форобий ижодида учрайди¹. Юқорида айтиб ўтганимиздек, аниқ бир муаммонинг қўйилиши (шеър ва шоирлик), масалани ҳал этиш йўллари (кўпроқ киёсий таҳлилдан фойдаланиш), аниқ умумлашма асосида хулосалар чиқариш каби хусусиятлар, шунингдек, ҳажмидан келиб чиқиб, Форобий асарининг жанрини муаммоли мақола деб белгилаш мумкин.

Муаммоли адабий-танкидий мақола ҳар бир миллий танқидчиликнинг киёфасини, имкониятларини кўрсатувчи моҳиятга эга, бўлиб, унда теран илмий-назарий муаммолар, танқидчиликнинг метод ва методологияси ҳал қилинади. Ҳар бир мунаққиднинг адабий-тарихий жараёндаги мавқеи долзарб илмий-муаммоли масалаларни қўя олиши, уларни ҳал қилишга киришиши билан белгиланади. Муаммоли мақолаларда бирор муаммо: композиция, сюжет, образлар ва ҳ.к. ўртага ташланади ва таҳлилга тортилади. Унда илмий далилларга асосланган хулосалар берилади, адабиётда номаълум бирор масалани текширишлари натижасида аниқ деб топилган ечим ўртага

¹ Абу Наср Форобий. Шеър санъати. Т.: Адабиёт ва санъат, 1979. 18-бет.

ташланади. Бундай мақолалар бирор асар поэтикасига бағишланиб, кўзланган илмий ҳодисани монографик характерда, бадиий ижод эстетикаси асосида ёритувчи илмий-назарий баҳс шаклида бўлиши мумкин. Шу фазилатига кўра улар ҳам икки хил: тадқиқот-мақола, баҳс-мақола кўринишида кенг тарқалган. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, ўзбек танқидчилигида турли шаклларни қўшиб юбориш ҳоллари ҳам учрайди. Жумладан, танқидчи Б.Назаровнинг И.Ғафуровнинг "Адабий қаҳрамонларга хатлар"и ўзбек танқидчилигидаги тамомила янги кўринишдаги мақоладир",- дейди, ҳолбуки бу асар танқидчиликнинг адабий-танқидий мактуб жанрида ёзилган.

Портрет-мақола жанри. Ўзбек адабиётшунослиги тарихини кузатар эканмиз, айнан портрет характеридаги фикр-мулоҳазалар академик Б.Валихўжаев таъкидлаганидек, билвосита жанрлар ичида ҳам, бевосита жанрлар ичида ҳам учрайди. Масалан, "адабий-танқидий қарашларни ифода этувчи, адабиёт тарихини, маълум давр шоирлари ҳаёти ва ижодини ўрганишга бағишланган" тазкираларда шоирларнинг таржимаи ҳоли ва ижодига оид қайдларнинг учраши¹ фикримизга далил бўла олади. Аммо шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, мумтоз адабиётшуносликда бир жанрдаги асар ичида бир неча жанрларнинг қоришиқ келиши унинг учун устун хусусиятлардан биридир. Шу боис тазкираларда тақризларга, обзор мақолага, адабий портретларга, ҳатто эссега ҳос хусусиятлар синтезлашган ҳолда намоён бўлади. Бинобарин, уларнинг бирортаси ўтмиш адабиётшунослигида танқидчиликнинг алоҳида жанри сифатида кўринмайди, уларнинг шаклланиш ва ривожланишини, асосан XIX асрнинг охири ва XX аср бошлари, янада аниқроғи, матбуотнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ ҳолда ўрганиш керак.

Ўзбек адабиётшунослигида портрет йўсинидаги мақолалар XX асрнинг бошларидаёқ пайдо бўлганлиги маълум. Ибрат таҳаллуси билан ижод этган Исҳоқхон тўранинг фаолияти ҳақида ёзилган мақоласида Иброҳим Даврон унинг бутун Ўрта Осиёга машҳурлиги ҳақида фикр юритади. "Исҳоқхоннинг серқирра ижтимоий фаолияти билан бир қаторда адабий фаолиятига ҳам юқори баҳо берган муаллиф, умуман, ижодкор ҳақида маълумот

¹ Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. 20-бет.

беришнинг баъзи бир ўзига хосликлари ҳақида ҳам гапириб ўтади. Исҳоқхон тўра ҳақида газетада бу ёзаётганларимдан мақсадим, дейди Иброҳим Даврон, уни “элга танитмоқ ёки хушомад қилмоқ эмас”, балки “маданият ҳурмати учун”дир”¹. Мақолада шоир ижоди ҳақидаги умумлаштирувчи маълумотлар берилганлиги боис уни дастлабки портрет-мақолалардан бири сифатида кўрсатиш мумкин.

1913 йилда Рожий томонидан тузилган Дилшод Барнонинг “Мунтахаб ул- ашъори Барно” шеърӣй тўпламида иккита мақоладан иборат сўзбоши мавжуд. Биринчи мақола “Ал ахбор ул- муаллифин” деб номланган. “Тазкираи Барно” сарлавҳали иккинчи мақолада Рожий шоира биографияси ва ижоди ҳақида кизиқарли маълумотлар келтирилади. “Рожийнинг бу мақолалари бир томондан ўзбек тазкиранавислигининг Навоӣй бошлаб берган анъаналари таъсирида ёзилган бўлса, иккинчи томондан ўзбек адабиётшунослигида янгича йўналиш - адиб ижодининг конкрет фактларга асосланган илмӣй биографиясини бошлаб берди дейиш мумкин. Бизнингча, бу мақолаларнинг салмоғи ҳам шу жиҳатлари билан ўлчанади”². Бу мулоҳазалар портрет-мақолаларнинг жанр сифатида ўз тараққиётини бошлаганлигини кўрсатади.

Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида «20-йиллар адабий жараёнида портрет характеридаги маълум бир ижодкорнинг шахси яшаган даври, асарлари билан таништирувчи мақолалар» кўп учраши ҳақидаги фикрларга³ таянмасликнинг иложи йўқ. Ҳақиқатан ҳам, портрет мақолалар яратилиши ва тез тараққӣй этиши даврнинг талаби эди: ҳаёти ва ижоди кам ўрганилган ёзувчи ва шоирлар, улар ҳақидаги маълумотларнинг тарқок ҳолда мавжудлиги танқидчилик учун портрет-мақолалар ёзиш заруриятини келтириб чиқарган. Бинобарин, бундай портрет-мақолаларнинг намуналари Фитрат, Чўлпон, Вадуд Маҳмуд каби адиб ва мунаққидлар ижодида кўп учраши табиӣй эди. Чунки улар адабиёт тарихида ҳаёти кам ўрганилган классиклар ижодини тадқиқ этишга эътибор бера бошладилар. Шу тарзда ўзбек танқидчилигида портрет-мақолалар, кейинчалик

¹ Кўчирма Б.Назаровнинг “Ўзбек адабий танқидчилиги” китобидан олинди. 25-бет.

² Тожибоев Р.ХХ аср бошлари ўзбек адабий танқиди тарихидан. Фил.фан ном. дис. Т., 1993. 42-бет.

³ Каримов Б. Жалил мунаққиди Вадуд Маҳмуд Т., 2000.34-бет.

улар асосида ёки алоҳида тарзда адабий портретлар яратиш анъанавий тус ола борди.

«Адабий портрет ёзувчининг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги очерк», - деб ёзади рус олими Б.Егоров¹. Портрет-мақолада ҳам ёзувчининг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берилади, бироқ улар ҳажман ва материални кенг қамраб олиши жиҳатидан бири-биридан фарқ қилади. Портрет-мақолада маълум бир ёзувчининг ҳаёти ва ижоди, яшаган даври, асарлари ҳақида умумлаштирувчи маълумотлар берилади, ижодкорнинг ҳаёти ва ижоди тор қамровда ўрганилади. Баъзи ҳолларда адабий портрет яратишга замин ҳозирланади. Адабий портретда эса унга объект бўлган ёзувчи ёки шоирнинг таржимаи ҳоли, маънавий, шахсий, ижодий кифоиси бир бутун ҳолда кенг ва батафсил монографик йўсинда тадқиқ этилади.

Портрет —мақола, асосан, икки хил йўл ва икки мақсад билан яратилади:

1.Портрет-мақолада қисқа ҳолда бўлса-да, ёзувчи ижоди ва ҳаёти ҳақида ҳар томонлама маълумот берилади. Бунга Фитрат, В.Махмуд, Ойбек каби ижодкорларнинг портрет-мақоалари ёрқин мисол бўла олади.

2.Ижодкор портретига оид чизгилар яратилиб, кейинчалик тўлиқ адабий портрет яратишга замин ҳозирланади. Бундай ижодий изланиш кейинги даврларда қарор топиб, такомиллашаётир. Жумладан, О. Шарафиддинов адабий портретларининг кўпчилиги шу тарзда яратилган. Шу боисдан адабиётшунос олим А.Расулов О.Шарафиддиновга бағишланган китобида «мақола-портрет», «мақола-эскиз» сингари атамаларни ишлатган.

Ўтган асрнинг 20-йилларида яратилган жанрнинг илк намуналари - портрет-мақоалар мукамаллиги билан ажралиб туради. Энг аввало, адабий портрет-мақоаларнинг аксарияти кўпроқ ижодкорлар (Фитрат, Чўлпон) ва ҳассос мунаққидлар (В.Махмуд) қаламига мансуб. Шунинг учун уларда илмийлик билан бир қаторда эҳтирос ва жозиба кучи ўзаро синтезлашган. Иккинчидан, портрет-мақолага манба бўлган ижодкорлар ҳақидаги маълумотларни яхлит ҳолда беришга интилиш кучли.

¹ Егоров Б. О мастерстве литературной критике. Л., 1980.

Учинчидан, асосий мақсад: а) тилга олинаётган ижодкорнинг таржимаи ҳолини ойдинлаштириш; б) у яшаган муҳитни ўрганиш ва унинг шоир ижодига таъсирини кўрсатиш; в) ёзувчи ёки шоир ижодини тадқиқ этиб, асарларини таҳлил этиш орқали ўзига хос қирраларини кўрсатиш; г) уларнинг адабий жараёндаги ўрнини аниқлаш каби масалаларга урғу қилинган. Жумладан, Вадуд Маҳмуднинг «Турк шоири Ажзий», «Алишер Навоий», «Фузулий Бағдодий» каби мақолалари шундай хусусиятлари билан эътиборни тортади.

«Турк шоири Ажзий» портрет-мақоласи Ажзий ижоди ҳақида умумлаштирувчи маълумот бериш хусусиятига эгаллиги билан қимматли, чунки ўша даврда бу шоир ижоди ҳақидаги маълумотларнинг камлиги портрет-мақоланинг давр талаби асосида яратилишига сабаб бўлган. Буни муаллифнинг ўзи мақоланинг кириш қисмида махсус таъкидлаб ўтади¹.

Портрет-мақола ўзига хос тузилишга эга: у аниқ мақсад қўйилган сарлавҳали кичик қисмларга бўлинган. Унда шоир яшаган давр, таржимаи ҳоли ҳақида фикр юритилади, асарларининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил этилади. Мунаққид мақолани шоирона бир кайфият билан, эҳтиросли қилиб ёзган. Ундаги образлиқ, жозибadorлик, шоирнинг ошиқлиги, маъшукнинг халқ, миллат эканлиги ҳақидаги қайноқ сатрлар ўқувчи диққатини ўзига тортмай қўймайди. В.Маҳмуд Ажзийнинг ижодкор сифатида шаклланишига ҳисса қўшган омиллар ҳақида, шеърятда анъана масаласи хусусида ҳам фикр юритади. Танқидчи услубидаги етакчи хусусият шуки, у шоир қалбининг ҳароратини, Ватан ишқи деб уришини ишонарли акс эттира олган.

В.Маҳмуднинг Алишер Навоийга бағишланган портрет-мақоласи ҳам бир неча бўлимлардан ташкил топган. Дастлабки бўлимларда «Навоийнинг муҳити ва асрининг буюкликлари» ҳақида фикр юритилади. Кейинги қисмларда Навоийнинг мутасаввуфлиги асарларининг таҳлили жараёнида очиқ берилади, шоирнинг форс-тожик тилига муносабатига тўхталади. Шоир ижодига назар ташлар экан, мунаққид унинг муҳити ва дунёкарашида устуворлик килувчи фалсафий мезонларга

¹ Вадуд Маҳмуд. Турк шоири Ажзий // ЎзАС. 1989, 10 ноябрь, 46-сон.

асосланган ҳолда ўша давр ўқувчисига мухтасар маълумот бера олган. Портрет - мақола Навоий ҳақидаги йирик адабий портретлар, монографик тадқиқотларга манба бўла олганлиги жиҳатидан диққатга сазовор.

Мунаққиднинг буюк озар шоири Фузулий ҳақидаги портрет-мақоласида ҳам шу йўналишнинг таъсири аниқ сезилади. Бу мақола ҳам ўша даврда ўзбек ўқувчисини Фузулий ҳаёти ва ижоди билан таништирувчи дастлабки манбалардан бири сифатида кимматлидир.

Тилга олиб ўтганимиз учала портрет-мақоланинг адабий портретдан фарқ қилувчи асосий хусусияти яна шунда кўринадики, уларда ёзувчи ёки шоирларнинг ижодига кўпроқ диққат қаратилади, шахси, рухий-маънавий дунёси кенг очиб берилмайди. Адабий портретларда эса бу жиҳатларга алоҳида эътибор берилади.

Портрет-мақолалар Фитрат ижодида ҳам анчагина. «Ўзбек шоири Турди», «Муҳаммад Солиҳ» каби мақолалар портрет йўсинида ёзилган бўлса, «Аҳмад Яссавий», «Форс шоири Умар Хайём», «Машраб» каби тадқиқотлар адабий портрет ва танқидий-биографик очерк жанрига мансубдир. Бу асарлар мумтоз адабиёт вакиллари ижодига бағишланганлиги нуқтаи назаридан кўпроқ адабиётшунослик жанрларига мансубдир. Аммо ўша даврда адабиётшунослик билан адабий танқиднинг қоришиқ ҳолда келганлиги сабабли жанрнинг назарий жиҳатларини белгилашда биз шу асарларга таяндик.

«Ўзбек шоири Турди» мақоласи А.Мажидийнинг шоир ҳақидаги мақоласини тўлдириш мақсадида ёзилган. Шу боис ўзидан олдинги мақола моҳиятини Фитрат «уч модда»да кўриб чиқади. Портрет-мақола шу хусусдаги изоҳлар билан бошланади. Фитрат Турдининг «эли, юрти, кимлиги» ҳақидаги маълумотларни шоирнинг ўз асарларидан топишга ҳаракат қилади. «Унинг шеърлари орасида таржимаи ҳоли учун ярарлик моддаларни» беш қисмга бўлиб тадқиқ этади ва шоирнинг таржимаи ҳолини тиклайди. Портрет сўзи чизиклар, уларнинг ўзаро уланиб кетишидан келиб чиққанлигини назарда тутадиган бўлсак, мунаққид шоир ижодининг беш қиррадан иборат чизгиларини беради ва шу асосда у ҳақда яхлит тасаввур уйғота олувчи мақола яратади.

Фитрат шоир асарларида келтирилган далилларни аниқ тарихий далиллар билан муқояса қилган ҳолда, ўзига хос илмийлик ва аниқлик йўлидан бориб мушоҳада юритади. Мақоланинг охирида «Турдининг шоирлиги» ҳақида ўз мулоҳазаларини илғари суради: «Турди бошқа шоирлар каби «май, ишқ, савдо» йўлларида оз шеър ёзган. Унинг шеърлари ўзининг Субҳонқулихон саройидаги рақиблари билан бўлган курашни акс эттирган»¹.

Муҳаммад Солиҳ ҳаёти ва ижодига бағишланган мақола Фитратгача ўзбек адабиётшунослигида бу хусусда махсус мақола ёки тадқиқот амалга оширилмаганлигини кўрсатади. Шунинг ўзиёқ бу портрет-мақоланинг аҳамияти ва қадри юқори эканлигини намоён этади. Муаллиф келтирилган маълумотларни бир неча тарихий манбаларга қиёслаган ҳолда фикр юритадики, бу унинг кенг мушоҳадали, синчков олим бўлганлигини намоён этади. Портрет-мақола ўзига хос тузилишга эга бўлиб, икки қисмдан иборат. Биринчи қисмда шоирнинг таржимаи ҳолини мунаққид манбаларга таяниб тиклайди. Иккинчи қисмда Муҳаммад Солиҳнинг шоирлигига баҳо берилади. Фитрат Алишер Навоий ва Бобур ёзиб қолдирган шоир ҳақидаги маълумотларга асосланиб, «унинг кучли бир шоир бўлганини қабул қиламиз» дейди, «Шайбонийнома» дostonи таҳлилига кенг тўхталади. «Бу китобнинг энг яхшилиги унинг содда бир тил билан ёзилган»лигини таъкидлар экан, асарнинг камчиликларини ҳам ҳолис кўрсатади. «Бироқ китобда биз талаб қилган даражада санъат унсurlари йўқ»лигини айтар экан, бу ҳақдаги Бобурнинг фикрларига тўла қўшилишини изҳор этади. У дostonнинг муваффақиятсизлиги сабабларини излаб, уларни икки қисмдан иборат ҳолда кўрсатади. Дoston вазнининг мос тушмаганлигини Навоийнинг «Искандарнома»си билан қиёслаб исбот этади.

Портрет-мақолада муаллиф М.Солиҳ асарининг ХУI асрдан кейинги адабий тилни соддалаштиришдаги хизматларини тўғри баҳоланган. Фитратнинг бу мақоласи икки жиҳатдан қадрли: биринчидан, М.Солиҳ ҳаёти ва ижоди ҳақида кам тасаввурга эга ўқувчилар оmmasига мухтасар маълумот беради. Иккинчидан, Фитратнинг танқидчи ва адабиётшунос сифатидаги қиёфасини

¹ Фитрат А. Танланган асарлар. 3 жилдлик. 2-жилд. Т.: Маънавият, 2000, 126-бет.

очишга хизмат қилади: холислик, илмий ва образли фикр юритишнинг омухталиги, ҳар бир адабий ҳодисага ўз муносабатини вазминлик билан ифодалаш усули бугун ҳам илм йўлида машаққат чекувчилар учун намуна бўла олади.

О.Шарафиддинов ўзбек танқидчилиги Чўлпон мақолалари билан бошланган деган фикрни ўртага ташлайди, унга қўшимча қилиб, яна шуни айтиш мумкинки, Чўлпон аср бошларида адабий танқидчиликда тақриз ва адабий портрет жанрларини ҳам бошлаб берган, ривожлантирган мунаққид сифатида кўринади. Бу мулоҳазамизни унинг тақриزلари ҳамда ихчам адабий портретлари исботлай олади.

Чўлпон ижодида турли мазмундаги портрет-мақолалар учрайди. У ўз халқини Европа адабиётининг энг мумтоз намуналари билан таништиришга ҳаракат қилиб, Карло Госси ва унинг "Маликаи Турондот" асари ҳақида, буюк француз драматурги, классицизм оқимининг асосчиси Мольер тўғрисида мақолалар ёздики, булар Чўлпоннинг билим қамрови нақадар кенг мунаққид эканлигидан далолат беради. Адиб бир қанча адабий-танқидий мақолалари орқали ўзбек китобхонини жаҳон адабиёти билан таништириш вазифасини кўзлаган. Бунда у Шарк ва Ғарб адабиётини яхши билишини намоян этиб, уларнинг мумтоз намояндалари ҳақида тўлқинланиб ёзган.

Турк шоири Тавфиқ Фикрат, озар шоири Фузулий ҳақидаги мақолалари бунга мисол бўла олади. Тавфиқ турк шеърятининг асосчиси бўлиб, ажойиб романтик шеърларида маърифатпарварлик ғояларини, инсонпарварлик қарашларини олға сурган эди. Чўлпон шарқ мамалакатларида шуҳрат қозонган Тавфиқ Фикрат лирикасининг хусусиятларини очиб беради. Мақоладан Чўлпоннинг турк адабиётини, турк шеърятини жуда чуқур билгани ва унга теран бир ҳурмат билан қарагани билиниб туради.

Чўлпоннинг 20-йилларнинг бошида босилган "Имом Фузулий" мақоласи ҳам диққатни тортади. "Бу - ўзбеклар ўртасида ҳам ғоят машҳур бўлган, шеърятда Алишер Навоий анъаналарини давом эттирган, ғазаллари халқ ўртасида ҳозиргача ардоқланиб келадиган Фузулий ҳақида ўзбек адабиётшунослигида

ёзилган илк мақолалардан биридир",¹ - деб ёзди О.Шарафиддинов. Ҳақиқатан ҳам бу мақола Фузулий ҳақидаги илк мақола бўлиши билан бирга портрет йўсинига эга эканлиги, ҳажман қисқа бўлса-да, мазмунан юқори савияда эканлиги билан кадрлидир.

Чўлпон мунаққид сифатида янги ўсиб келаётган ҳар бир талантни қўллаб-қувватлашни, рағбатлантиришни ўзининг бурчи деб билади. Айниқса, ўзбек аёлларидан етишиб чиққан санъаткорлар Чўлпонга завқ, мамнуният бахш этар, улар тўғрисида тўлиб-тошиб мақолалар ёзарди. Умуман олганда, Чўлпоннинг театрга, санъаткорларга бағишланган барча асарлари санъатга катта муҳаббатидан дарак бериб туради.

Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигининг кейинги тараққиётини кузатар эканмиз, XX асрнинг 20-йилларидан кейин портрет-мақолаларнинг яна бошқача мақсадлар билан ва ўзгача йўсинда яратилиши кўзга ташланади. Шу жиҳатдан уларни ёзилиш мақсадига кўра турлича тасниф этиш мумкин:

1. Шоир ёки адибнинг юбилейи муносабати билан;
2. Шоир ёки адибнинг ўлими муносабати билан;
3. Ижодкорнинг бирор китоби нашр этилиши муносабати билан сўзбоши шаклида ёзилган портрет-мақолалар.
4. Портрет-хотира мақола каби турларга бўлинади.

Кейинги даврларда бу жанр Ойбек ижодида ҳам кенг ўрин олди. Унинг адабий-танқидий меросида бир қанча портрет-мақолалар ҳам мавжудки, улар ўз даврининг аниқ бир ижодкори, адабий жараёни ҳақида, шу билан бирга ўз муаллифининг илмий-ижодий қиёфаси ҳақида тўлиқ маълумот бера олади.

Ойбекнинг «Ғафур ҳақида» деб номланган портрет-мақоласида шоирнинг ҳаёти, таржимаи ҳоли ҳақида маълумот берилмаса-да, Ғ. Ғуломнинг ўзбек адабиётидаги муносиб ўрни тўғри белгиланади. Унда шоирнинг тўпламларига баҳо берилади, ижодидаги ўзига хос фазилатлар таъкидланади. Ойбек Ғ.Ғулом насрига ҳам тўхталиб, ҳикояларини чуқур таҳлил қилиб, адибнинг маҳоратини очиб беради. Ойбек Ғ.Ғулом ҳикояларининг тилига ҳам объектив баҳо беради. Тўғри, Ғ.Ғулом ижоди баъзан ўзи

¹ Чўлпон. Адабиёт надури? Адабий-танқидий мақолалар Т., 1993.126-бет.

яшаган давр нуктаи назаридан ўтказилади¹. Портрет-мақола ҳажман қисқалиги, шоир ижодига умумлаштирувчи тарзда баҳо бериши жиҳатидан XX асрнинг 20-йиллардаги портрет-мақолалардан фарқ қилади.

Ҳамид Олимжон ижодига бағишланган портрет-мақола «Оташтин ватанпарвар ва талантли шоир» деб номланган бўлиб, у шоирнинг вафотидан кейин ёзилган. Мақоланинг сарлавҳасиданок шоир ижодига самимий муҳаббат яққол кўриниб туради. Мақола бошидаёқ Ойбекнинг эхтиросга бой, Ҳ. Олимжон ижоди ва шахсиятига нисбатан меҳрга тўлиқ қалбидан қайноқ сўзлар отилиб чиқади. Унда Ойбек, ўзи таъкидлаганидек, шоир ижодининг «инкишоф йўлларининг баъзи хусусиятларини умумий тарзда кўрсатибгина ўтилади». Ойбек Ҳ.Олимжон ижодиётининг «жуда илк баҳори» - «Кўклам»га объектив баҳо беради.

Мунаққид Ҳ.Олимжон¹ шеъриятидаги «формал-стилистик ўзгаришлар»ни таҳлил қилади, унинг шеърӣй шаклда, вазнда янгиликка интилишини қўллаб-қувватлайди. Ҳ.Олимжоннинг машҳур «Ўрик гуллаганда» шеърига Ойбек берган баҳо бугун ҳам ўқувчи диққатини ўзига торта олади, уни ҳассос шоир ижодига ошно қила олади. Ойбек Ҳ.Олимжоннинг уруш йилларида яратилган асарларини ҳам эхтирос билан таҳлил қилади. Шу тариқа портрет-мақола ўқувчида Ҳамид Олимжон ижоди ҳақида яхлиг тасаввур бера оладиган қимматли асарга айланади.

Ойбекнинг Ҳасан Пўлат ижодига бағишланган мақоласи, гарчанд шоирнинг «Танланган асарлар»ига сўзбоши тарзида ёзилган бўлса-да, портрет- мақола йўсинидалиги билан эътиборни тортади.

Ойбек ижодида рус адабиёти намояндаларидан Пушкин ижодига бағиш- ланган «Пушкин- рус халқининг улуғ шоири» деб номланган портрет-мақола учрайди. Унда Пушкин ижодига кенг ва умумлаштирилган баҳо бериладик, бу ўзбек ўқувчиси учун Пушкин ижодига киришдай вазифани ўтаган.

Мунаққиднинг «Улуғ дўстимиз» (Н.Тихоновнинг 70 йиллиги муносабати билан ёзилган), «Ҳурматим чексиз» (М.Горький ҳақида), «Ҳамиша яловбардор, ҳамиша устоз» (М.Горькийнинг

¹ Ойбек. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 14-том. Т., 1979. 234-бет

100 йиллиги муносабати билан), «Устоз санъаткор» (Лев Толстой ижоди ҳақида) каби мақолалари ҳам ҳажман қисқа бўлишига қарамай ижодкорлар ҳаёти ва ижодига оид портрет чизикларидан иборат. Шунинг учун уларни қисқа, этюд портрет- мақолалар сирасига киритиш тўғривроқ бўлади.

Ойбек ижодида Ҳамза, Ғ.Ғулом, Ҳ.Олимжон ҳақидаги хотира - мақолалар ҳам учрашини айтиб ўтиш лозим.

Портрет-мақолалар яратиш кейинги даврларда ҳам давом этди. Адабиётшунос олимлар ва мунаққидлар ижодида бу жанр турли хусусиятларга эга ҳолда яратилди. Адабиётшунослик ва адабий танқид соҳасида олим В.Зоҳидовнинг портрет-мақола жанрига мансуб асарлари анча бўлиб, уларда "Шарқ тарихида кўп асрлар бадалида тараққий этиб борган ижтимоий-фалсафий, адабий-бадний, сиёсий-эстетик тафаккур тарихининг ёрқин картинаси ва бу тафаккур ривожига конкрет ўрин тутган буюк сиймолар қиёфаси гавдаланади"¹. Шу фикрнинг ўзиёқ уларнинг жанрини аниқлашга ёрдам беради. Гарчанд олимнинг Пошшоҳўжа, Огаҳий, Ҳувайдо, Гулҳаний, Фуркат ижоди, рус ёзувчилари - Пушкин, Островский, Л.Толстойлар ижоди ҳақидаги мақолалари ҳам шу йўсинда яратилган бўлса-да, улар адабиётшунослик маҳсулидир.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, В.Зоҳидовнинг кўпчилик мақолалари ёзувчиларнинг юбилейлари муносабати билан майдонга келган. "Юбилей мақолалар танқидчиликнинг ўзига хос жанрларидан биридир. Бундай мақолаларда ихчам ўринда мазкур ёзувчининг бутун ижодига аниқ ва конкрет баҳо берилади, адабиётнинг тараққиётига қўшган ҳиссаси ёритилади, адабиёт тарихида тутган ўрни, унинг ижодкор сифатидаги ўзига хос фазилатлари кўрсатиб берилади"². Назаримизда, бу портрет мақолаининг турли кўринишларидан биридир. Аммо бу хилдаги мақолаларнинг кўпайиб кетиши танқидчиликда бир қанча нуқсонларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Танқидчи Ў.Ўтаев 70-йилларда яратилган адабий портрет ва портрет-мақолаларни таҳлил қилар экан, шундай хулосага келади: "...сўнгги йилларда шу хилдаги далилсиз, таҳлилсиз адабий

¹ Назаров Б. Ўзбек адабий танқидчилиги и. 127-бет.

² Мамажонов С. Воҳид Зоҳидов. Адабий портрет. Т.: Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1976. 50-бет

портретлар, бирон бир ижодкорнинг юбилейи баҳонасида ёзилган мадхиялар, календарь мақолалар анча кўп ёзилаёпти...

Бу билан юбилей баҳонасида ёзилган адабий портрет ва мақолалар саёз, мадҳу санодан иборат, деган хулосага келмаслигимиз керак¹. Олим баъзи адабий портрет ва мақолаларда, “Бизнинг календарь” сериясидаги кўпчиликлари мақола ва тўйхатларда ёзувчининг ҳаёти ва ижодига тегишли барча саналарни хронологик қайд этиш, асар мазмунини ҳис-ҳаяжонсиз қайта баён қилиш нуксонлари учрашини мисоллар асосида кўрсатиб ўтади. Шу билан бирга танқидчи И.Султоннинг А.Қодирий ва С.Айний, Ҳ.Ёқубовнинг Ш.Рашидов, М.Қўшжоновнинг Ойбек, И.Султон ва О.Ёқубов, О.Шарафиддиновнинг А.Қаххор, Зулфия, А.Мухтор, И.Ғафуровнинг Данте ва П.Қодиоров, П.Шермухаммедовнинг Қ.Муҳаммадий ва Қ.Ҳикмат юбилейи муносабати билан ёзган мақола ва портретлари янгича шаклда яратилганлиги, янгича нуқтаи назар, нозик кузатиш ва хулосаларга бойлиги билан ажралиб туришини алоҳида кўрсатиб ўтади.

Танқидчи баъзан мақола, портрет, танқидий-биографик очерк жанрини аралаштириб юборади. Чунончи, “Л.Қаюмовнинг “Замондошлар”, “Қардошлар” китобига кирган адабий портретлар хилма-хил формаларда, ёниқ эҳтирос билан ёзилган. Айниқса, М.Ю.Лермонтов, Р.Тагор, Ҳамза, Зулфия, Ў.Умарбеков, Э.Воҳидов ҳақидаги портретлар катта қизиқиш билан ўқилади”. Ҳолбуки, уларнинг аксарияти портрет талабига жавоб бермайди. Биринчидан “Замондошлар” китобининг бошида “мақолалар тўплами” деб қўйилган. Иккинчидан, танқидчи портрет санаган асарларнинг баъзилари қисқалиги, шоир ёки ёзувчи ижоди ҳақида чизгилар тарзида маълумот беришидан келиб чиқилса, “С.Айний”, “Ҳамид Олимжон”, “Собир Абдулла”, “Уйғун”, “Комил Яшин”, “Иззат Султон”, “Эркин Воҳидов” каби ўнлаб тадқиқотлар адабий портрет эмас, портрет-мақола жанрига мос келади. Масалан, Э.Воҳидов ижодига бағишланган портрет-мақолада шоирнинг асарлари, адабиётда тутган ўрни ҳақида қисқagina фикр юритилади. Унда шоирнинг ижодий, рухий, маънавий кифаси тўлиқ яратилмаган, бу эса уни портрет дейишга монелик қилади.

¹ Ўтаев Ў. Танқид ва услуб. Т., 1978. 78-бет.

Ёки олим Зулфия ижодига бағишланган асарни ҳам портрет деб ҳисоблайди. Холбуки, Л.Қаюмовнинг ўзи унинг сарлавҳасидаёқ жанрини тўғри белгилаб берган: “Зулфия. Инсон ва хижрон”. Мақолани ёзишдан мақсади уруш йилларида шоира ижодининг бориши, шу даврда яратилган асарларининг таҳлилидир. Демак, унда аниқ бир муаммо қўйилган, фикр-мулоҳазалар шу муаммо атрофида айланади. Бу хусусият эса унинг муаммоли мақола эканлигини яққол кўрсатади.

Л.Қаюмовнинг “Қардошлар” китобига кирган мақолаларнинг шакли турличадир. Гарчанд улар умумий тарзда “мақолалар” номи остида берилган эса-да, унинг “Қардош сиймолар” бўлимидаги барча мақолалар портрет характерида. М.Лермонтов, А.Герцен, Н.Некрасов, Лев Толстой, Т.Шевченко, Р.Тагор, А.Тўқай каби қардош ёзувчи ва шоирларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ўзбек китобхонига қисқа, умумлаштирувчи тарзда маълумот берилгани назарда тутилса, уларнинг барчасини ҳажми, материални қай даражада қамраб олганлиги, ифода услубига кўра портрет-мақола жанрида ёзилган деб белгилаш мумкин.

Баъзи портрет-мақолаларда жонли хотираларга ўрин берилиши, муаллифнинг объект билан шахсан танишлиги уларнинг бадий жihatдан жозибали чиқишини таъминлаган. “Т.Жалоловнинг “Яшасин табассум” тўпламидан ўрин олган портрет-мақолаларини ҳаяжонсиз ўқий олмайсиз..Уларнинг ютуғи фақатгина жонли хотиралар асосида ёзилганлигидамас, балки форма ранг-баранглигида”¹. Ҳақиқатан ҳам бу фикрда жон бор. Т.Жалоловнинг “Паҳлавон Маҳмуд” портрет-мақоласи муаллифнинг ўзи шохид бўлган, шоир изларини излаш мақсадида Хоразмга бориши ҳақидаги хотиралар билан бошланадики, бу усул биринчидан, ўқувчи диққатини ўзига тортса, иккинчидан, китобхоннинг беихтиёр шоир ижодига қизиқишини уйғотади. Мақола тузилишига кўра уч қисмдан иборат. Иккинчи қисмда шоирнинг таржимаи холи, кейин эса рубойлари таҳлили берилади. Умуман олганда, шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида қисқа, умумлаштирувчи характерга эга маълумотларнинг берилишига кўра у портрет-мақола жанрига мансуб.

Танқидчининг М.Шайхзода ижодига бағишланган “Яшасин

¹ Ўтаев Ў. Танқид ва услуб. 72-бет.

табассум” портрет–мақоласи шоир образини ҳар томонлама тасвирлаши билан диққатга сазовор. Портрет-мақола тузилишини қисмларга бўлиниши жиҳатидан Фитрат, Вадуд Маҳмуд портрет-мақолаларини эслатади. Унинг муқаддимасида шоирнинг таржимаи холи ҳақида фикр юритилади. Унинг бошқа мақолалардан фарқи шундаки, танқидчи М.Шайхзоданинг мухлисларидан келган мактублардан намуналар келтириб, шоирнинг киёфасини тўлиқроқ очишга муваффақ бўлган. Беш қисмдан иборат портрет-мақоланинг кейинги қисмларида шоир шеърятининг моҳияти очилади. Албатта, портретда эскирган нуқталар йўқ эмас, айниқса, унинг иккинчи қисми ўша давр мафқураси руҳида ёзилган. Шунга қарамай, портрет-мақола М.Шайхзоданинг ҳаёти ва ижоди ҳақида умумлаштирувчи маълумот берибгина қолмай, унинг тўлиқ портретини яратиш учун асос бўла олади.

Т.Жалолов ижодида яна шундай портрет характеридаги асарлар учрайдики, уларни портрет-мақтуб ёки мактуб-портрет тарзида номлаш мумкин. Танқидчининг “Қўнғир мавжлар куйчиси” асари бир адабиёт мухлисининг дўсти хатига жавоб тарзида ёзилган. Дўсти қорақалпоқликлар нинг Миртемир ижодига қизиқишлари боис шоир ижоди ҳақидаги бир неча саволларни ойдинлаштириш учун Т.Жалоловга мурожаат қилади. Жавоб мактубда шоир ижодига қисқача назар солиниб, унинг ўзбек адабиёти, шеърятда тутган ўрнига муносиб баҳо берилади, шоирнинг портретига чизгилар яратилади. Мактубда танқидчининг дўстига мурожаат қилиб туриши, хотираларга берилиши, шу асосда шоир шеърятини ҳақидаги мулоҳазаларини таъкидлаб бориш хусусияти кучли: “Азизим, нафис шеърларни жайдари сўзлар билан бировга уктириб бўлмайди. Яхшиси, Миртемир куйга солган оғир бир ҳисни унинг ўз созида тинглайлик.”¹ Асарда портрет –мақола билан мактубнинг хусусиятлари қоришиқ ҳолда келади, аммо мактубнинг жанрий белгилари кучли бўлганлиги боис уни портрет-мақтуб деб номлаш мақсадга мувофиқдир. Демак, портрет-мақтуб портрет-мақоланинг бир кўриниши бўлиб, агар унда портрет белгилари кучли бўлса- портрет-мақтуб; агар мактуб белгилари кучли бўлса-

¹ Жалолов Т.Нафосат оламида. Т.: Адабиёт ва санъат, 1974. 258-бет.

мактуб-портрет деб аташ мақсадга мувофиқдир.

Портрет-мақолалар мақола-портретида М.Юнусовнинг “Устоз Шайхзода” портрет-хотираси алоҳида ажралиб туради. Ихчамгина портрет-мақолада М.Шайхзода ижодининг ўзига хослиги, унинг инсон ва ижодкор сифатидаги характери, айрим асарларининг ёзилиш тарихи ҳақида умумлаштирувчи маълум тасаввурга эга бўлиш мумкин. “Умрининг сўнгги дамларигача олим Шайхзода билан шоир Шайхзода бир-биридан кейинда қолмаган эса-да, ҳар ҳолда унинг вужудида шеърят ғалаба қилиб турарди. Шеърят унинг жону дили бўлса, фалсафа у эркин ҳаракат қиладиган майдон эди”¹. Шайхзода ижодининг бутун моҳиятини ўзида акс эттирган, мунаққид қалбидан отилиб чиққан, шоир шахсига катта бир ҳурмат ҳисси сезилиб турган мақолани ўқиганда ўқувчининг шоир ижоди ва шахсига қизиқиши янада ортади.

Бундай фазилят М.Юнусовнинг Т.Жалоловга бағишланган “Истеъдод чашмаси” портрет-мақоласида ҳам ёрқин кўринади. Унда олим ҳаёти ва ижодининг асосий босқичлари умумлаштирилган, инсоний қиёфаси жонли хотиралар асосида чизилган.

Демак, адабий танқидчиликнинг кичик жанрларидан саналувчи портрет-мақоланинг асосий жанрий белгилари сифатида 1) тарихий-биографик ёндашув асосида ёзувчи ҳаёти ва ижодига оид маълумотларнинг берилиши; 2) қисқача бўлса-да, адабиёт ва адабий-тарихий давр тадқиқ этилиши ҳамда ундаги жараёнда ўша ижодкор мавқеини белгилаш; 3) ижоди ўрганилаётган санъаткорга нисбатан хайрихоҳлик туйғусининг кучли бўлиши; 4) энг муҳими, умумлаштирувчи хусусиятга эгалигини таъкидлаб кўрсатиш мумкин.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, адабий-танқидий мақола оммавий, фаол жанрлардан ҳисобланиб, ўз олдида қўйган вазифаларни ўзига хос йўллар билан ҳал этиб, турли ички кўринишларга эга. Обзор ва муаммоли мақола адабий танқиднинг таянч жанрлари сирасига киради. Адабий-танқидий мақола танқидчиликнинг асосий ва фаол жанрларидан бири бўлиб, келиб чиқиши жихатидан мумтоз адабиёт ва адабиётшуносликка бориб тақалади. Матбуотнинг юзага келиши унинг дастлаб публицистик,

¹ Юнусов М. Устоз Шайхзода. Тошкент, 1980. 133-бет.

кейинчалик адабий-танқидий шаклдаги хилларини ривожлантирди. Танқидчилик ривожланиб бориши натижасида адабий-танқидий мақолалар ҳам мазмунан, ҳам шаклан бойиб, сифат ўзгаришларига учради. Унинг мазмунида давр билан боғлиқ муаммолар акс этса-да, бу жанр юксак адабиёт учун кураш олиб боришдаги энг кулай шакллардан бири бўлиб қолди.

Муаммонинг қўйилиши ва ечилиши, мақсади ва вазифаларига кўра уларнинг асосан уч хили кенг тарқалган. **Обзор характеридаги адабий-танқидий мақолада** а) маълум чегарадаги ўрганилаётган адабий ҳодисага умумий қарашлар баён этилади; б) ўша адабий ҳодисага дахлдор адабий далиллар изчиллик билан (йиллар, даврлар, мавзулар, ғоялар ва ҳ.к. асосида) илмий-эстетик мантиқ, чуқур таҳлиллар асосида умумлаштирилади; в) аниқ илмий-назарий умумлашма хулосаларга келинади.

Муаммоли мақолалар эса адабий танқидчиликнинг таянч жанрларидан бири бўлиб, уларда бирор бир аниқ адабий муаммо қўйилади ва мунаққиднинг фикр-мулоҳазалари шу муаммони ечишга қаратилади. Бунда ҳам танқидчининг маҳорати асосий ўринда туради. У қиёслаш ва аналитик таҳлил асосида бадний асар ҳақида ўзига хос хулосаларни ўртага ташлайди. Ҳар бир муаммоли мақолада янги фикр, янгича қарашлар ўз аксини топиши лозим.

Портрет-мақолалар ёзувчи ва шоирлар ижодини тор камровда умумлаштириб ўрганиши жихатидан танқидчилик жанрлари тизимида, танқидий-биографик ёндашувнинг ҳажман қисқа шаклларида бўлиб, адабий жараёнда ҳам, ёзувчи ижодида ҳам муҳим аҳамият касб этиб, йирик жанрларнинг яратилишига манба бўла олади. Бу кичик жанрда XX асрнинг бошларида ёзувчилар Фитрат, Чўлпон, танқидчилардан Вадуд Махмуд, О.Шарафиддинов қабилар ижод этган бўлсалар, унинг кейинги тараққиёти Ойбек, С.Айний, М.Шайхзода, И.Султон, М.Қўшжонов, Т.Жалолов каби ижодкорлар номи билан боғлиқ. Бу жанрнинг тараққиёти унинг кейинги йилларда, айниқса, 70-80 йилларда ўсиб, тўлдирилиб, улар асосида адабий портрет жанрида танқидий асарлар яратилиш жараёни бошланганини кўрсатади.

Адабий-танқидий суҳбат жанри. Адабий-танқидий суҳбат мулоқотнинг энг ихчам шаклларида бири бўлганлиги учун

адабиёт ва адабий танқид ривожда маълум даражада аҳамиятга эга. Сухбатнинг ўнлаб намуналари яратилган, баъзи мунаққидлар ижодида етакчи шакллардан бири бўлиб келмоқда. Уларни тадқиқ этиш ҳам бу соҳадаги илк уринишдир. А. Ҳайитметов ўтмиш адабиётшунослигида адабий танқидчиликка оид фикрлар “адабий мажлислар, адабий мунозара ва сухбатлар” шаклида учрашини кайд этиб ўтади¹.

Кузатганимиз мавжуд материаллар, ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида бу жанр анча ривожланган бўлса-да, баъзан уни бошқа жанрлар, масалан мунозара билан аралаштириб юбориш ҳоллари учрайди². Ҳолбуки, сухбат икки шахснинг – ёзувчи ва танқидчининг ёки ижодкор билан ижодкорнинг бадиий ижод сирлари ҳақидаги, адабиёт ҳақидаги эркин мулоқотидир. Мунозара эса (сўзнинг асл маъносидан келиб чиқадиган бўлсак, тортишув) бир муаммо ҳақида бир неча (улар 5-6, баъзан 10 дан зиёд бўлиши мумкин) шахснинг баҳсидир. Мунозара давра сухбатига ўхшаб кетса-да, моҳияти жиҳатидан ундан фарқ қилади. Баъзида икки киши ҳам мунозара қилиши мумкин, унда қарама-қарши фикрлар бўлиши табиий. А. Мухторнинг “Чинор” романига бағишланган Н. Худойберганов билан Ҳ. Ёқубов ўртасидаги мунозарада қарама-қарши мулоҳазалар асосий ўринни эгаллайди. Сухбатда эса баъзида сухбатдошларнинг фикри иккинчисига тўғри келмаса-да, кўпинча, сухбатлар бир-бирини тушуниш, бадиий ижод сирлари ҳақида мулоҳаза алмашиш асосига қурилади.

Адабий-танқидий сухбат ўз вазифаларига, ўз моҳиятига, ўзининг маълум мақсадига эга жанр бўлиб, танқидчиликнинг бошқа жанрларидан фарқли ва энг асосий хусусиятларидан бири шуки, биринчидан, унда икки ва ундан ортқ аниқ киши иштирок этиши мумкин, иккинчидан, унда **турли** нуқтан назарни рўй-рост ифодалаш асносида сухбатдошлар фикр-мулоҳазаларини ўртага ташлайдилар, муҳокама қиладилар. Шунинг учун ҳам сухбатдошлар нима ҳақда мулоқот олиб бормасинлар, тезда қўйилган муаммони биргаликда ечишга ҳаракат қиладилар.

Ўзбек танқидчилигида адабиётни ривожлантириш, бадиий

¹ Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. 19-бет.

² Қайюмов Л. Аср ва наср. Т.: Ғ. Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. 254-бет.

асарнинг юксаклиги учун курашишда суҳбатлар адабий жараёнда муҳим бўлиб, ўз ўрнига эга. Шунга кўра адабий-танкидий суҳбат намуналарининг олти хили мавжудлиги кузатилди. 1. Адабий суҳбат (ёзувчи билан танкидчи суҳбати). 2. Танкидий- биографик суҳбат (танкидчи билан танкидчи суҳбати). 3. Мунозарали суҳбат. 4. Ижодкорлар суҳбати (шоир билан ёзувчи ёки ёзувчи билан драматург). 5. Мумтоз суҳбатлар. 6. Китобхон суҳбати (мунаққид билан китобхон суҳбати). 6. Давра суҳбати.

Суҳбатлар мақсади, қаерда ва қандай шаклга (икки танкидчининг суҳбати, ёзувчи билан танкидчи суҳбати, давра суҳбати ва ҳ.к.) эга бўлишидан қатъи назар, юксак адабиёт учун курашади.

Масалан, **адабий суҳбат** (*ёзувчи билан танкидчи суҳбати*)ни олиб кўрайлик. Адабий-танкидий суҳбатнинг бу тури, асосан, 70-йилларда ривожланди. Бу суҳбатлар бадиий ижоддаги муаммоларни қамраб олишга ҳаракат қилинганлиги, адабиётнинг юксалиши учун курашишга қаратилганлиги нуқтани назаридан катта аҳамиятга эга. Адабий-танкидий суҳбатнинг бу хилини ривожлантиришга У.Норматов, О.Шарафиддинов, И.Ҳаққулов, М.Саъдий, Н.Худойберганов каби мунаққидлар ўз хиссаларини қўшдилар.

Бу жиҳатдан танкидчи У.Норматовнинг фаоллигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Унинг «Талант тарбияси» китоби кичик бир тажриба бўлиб, шакл жиҳатидан ҳам ўзига хос кўринишга эга. У ҳозирча ўзбек танкидчилигида нашр этилган бадиий маҳоратга доир китобларнинг биронтасига ҳам ўхшамайди: унда танкидчи ижод, маҳорат сирлари ҳақида бевосита ижодкорларнинг ўзлари турли авлодга мансуб ёзувчилар билан адабий суҳбат олиб боради. Шу йўл билан адибларнинг «дахлсиз» дунёсига ижод лабораториясига кириб боради, уларнинг тажрибаларини умумлаштиради, улардан ёш ижодкорлар учун ибратли сабоқ-хулосалар чиқаради; аynи пайтда китобда ёш, истеъдодлар тарбияси, ижоди, умуман, ҳозирги адабий жараён билан боғлиқ муҳим масалаларни ёритишга ҳаракат қилинади. Чунончи, шоир Э.Воҳидов билан олиб борилган суҳбатнинг асосий мавзуси китобнинг сарлавҳасидаёқ акс этиб турган «талант тарбияси» ҳақида. Шу боис танкидчи суҳбатни ҳам «Талант тарбияси» деб номлаган. Танкидчини, аввало, талант, истеъдод, уларни

тарбиялаш, ҳозирги кунда талантли ижодкорларга муносабат каби масалалар кизиктиради. Шоир билан шу масалаларда суҳбатлашади. Суҳбатда эслаш, хотиралардан фойдаланиш устувор.

Суҳбатдош олдиға савол қўяр экан, уларнинг жавобига ҳам муносабат билдиради. Танқидчи суҳбатни жонли ва кизгин олиб боради. Демак, суҳбатда суҳбатни олиб бораётган танқидчининг синчковлиги, масалаға ҳар томонлама ёндашиш йўлларида фойдаланиши ҳам муҳим. Шундан кейин суҳбат композициясидаги ўзига хослик танқидчининг лирик чекиниш қилиши унинг кизикарли ва образли бўлишини таъминлаган: Ойбек билан Максуд Шайхзода ижодиға тўхталиш, мавзун кенгрок олиш суҳбат моҳиятининг ёрқин очиб берилишини таъминлаган. Суҳбатдош - шоир шу суҳбатда «аруз ҳимоячиси» сифатида қўринаётган бўлса-да, аслида шеърятда хилма-хиллик, услубий ранг-баранглик тарафдори эканлигини уқтирадики, бизнингча ҳам, бу жуда тўғри йўлдир. Бундай суҳбатлар адабий танқиднинг ўсишиға, тараққиётиға ижобий таъсир кўрсатади.

Ёзувчи А. Мухтор билан олиб борилган «Ижодкорнинг «дахлсиз» дунёси» деб номланган суҳбатда сарлавҳа код вазифасини ўтаб, бутун суҳбатнинг моҳиятини ўзида акс эттира олганки, бу ҳам танқидчининг ўзига хос услубий маҳоратидан далолатдир. Танқидчи суҳбатни ёзувчи билан китобхон муносабати масаласидан бошлайди. Китобхонларнинг ҳар бир асарнинг ёзилиш жараёни, ижод психологияси билан кизикишлари, ёзувчи номиға хатлар ёзиши, юзма-юз учрашув, конференциялар савиянинг ўсиб бораётганини кўрсатади. Ижод психологияси ҳақидаги турли қарашлар, баҳсларға ёзувчининг муносабатини фикрини билмокчи бўлади. Ёзувчи, энг аввало, адабиётнинг бадий юксаклигидан, ғоявийлигидан, ҳаққонийлигидан манфаатдор бўлган китобхонлар ҳақида гапириб, уларнинг барча кизикишларини маъқуллайди. Суҳбат мавзуи ҳақиқий маънодаги ижод психологиясига бориб такалади. Бу адабий суҳбатда танқидчи билан ёзувчи адабиётдаги баъзи муаммолар: ижод психологияси, наср билан назм муносабати, ҳаётий далил ва тўқима, традиция ва новаторлик, ёзувчи билан китобхон муносабати каби масалалар ҳақида фикр алмашдилар.

Умумлаштириб айтганда, бу хилдаги адабий суҳбатлар

1) биринчи навбатда, ижодкорлар учун, иккинчи ўринда, китобхонлар учун маълум аҳамиятга эгадир. Шунинг учун бундай суҳбатларни уюштириш адабий жараён ва адабиёт ривожини учун зарурдир; 2) ижодкорнинг ижод лабораториясига кириб, унинг бадиий ижод сирларидан воқиф бўлиш ва уни китобхонга кўрсатиш имконияти суҳбатда кўпроқдир; 3) шоир билан танқидчи суҳбати эркин савол-жавоб, бир-бирини тушуниш руҳида қурилганлигини унинг ўзига хос композицион тузилишга эга эканлигини кўрсатади; 4) адабий суҳбатнинг бадиийлигини, жонли ва қизиқарлилигини турли хотиралардан мисол келтириш таъминлаган ва унинг илмий-бадиий тафаккур намунаси эканлигини кўрсатади; 5) бу суҳбат адабиёт мухлислари, бошловчи ижодкорлар учун илмий-маърифий аҳамиятга эга; 6) суҳбатларда танқидчининг шеърини чуқур тушуниб, атрофлича таҳлил қила оладиган қиёфаси, услуби ҳам яққол кўринади.

Хулоса қилиб шуни айтиш лозимки, адабий-танқидий суҳбатлар суҳбатдошларнинг кимлигини, қалби ва ижодий қиёфасини ҳам чуқурроқ англаб олиш учун китобхоннинг ёрдамчиси вазифасини ўтай олади, ўқувчини адабиётнинг назарий масалалари билан, ёзувчи ижоди билан чуқурроқ таништиришда ҳам маълум роль ўйнайди. Шунинг учун уларнинг аҳамияти улкандир.

Адабий суҳбатларнинг адабий жараёндаги ўрни шуниси билан эътиборга моликки, бунда суҳбатдош-танқидчи ўзининг асар ҳақидаги кескин ҳукмини чиқармайди, балки суҳбатдоши билан фикр алмашади, унинг ижод сирлари билан қизиқиб, уларни китобхонга очиб беради, бевосита мулоқотда бўлади. Адабий-танқидий суҳбатларда танқидчиларнинг қиёфаси, услуби, илмий-адабий тафаккурининг кучи у ёки бу даражада намоён бўлган. Адабий-танқидий суҳбатлар ҳар бир танқидчининг миллий қиёфасини кўрсата олиш хусусиятига эга: суҳбатдошлар ўзаро ошкоралик, юмор, бир-бирига киноя қилиш орқали характерларини аниқ кўрсатиш, ҳақ гапни рўй-рост ифодалашга ҳаракат қилганлар, ўзбек танқидчиларининг суҳбатларида эса ўзбекона маданият, андиша, бир-бирига эҳтиром кўрсатиш фазилатлари устуворлигини қиёслашларда яққол кўринди.

Танқидий асар ҳам ёзувчига, ҳам китобхонга, ҳам адабиёт ҳақидаги фанга хизмат этиши лозим. Шу жиҳатдан қараганда,

адабий-танқидий суҳбатлар ана шундай уч томонлама таъсир кучига эътибори билан эътиборни тортади. Адабий –танқидий суҳбатлар, айниқса, ижодкор-шоир, ёзувчининг калби, инсоний фазилатлари, ижод сирларига ҳам китобхонни ошно этиши жиҳатидан ўрганишга лойиқ.

Ёзувчининг ўз замондош танқидчиси, кўнглини яқиндан билган, кўнглидагини бевосита ҳис этган одам томонидан берган баҳоси муҳим. Айниқса, бу баҳо юзма-юз туриб айтилганда унинг кучи кутилгандан ҳам зиёда бўлади. Масалан, М.Қўшжонов Ойбек ва А.Қаҳҳор билан кўп йиллар ҳамфикр, ҳамсуҳбат бўлмаганида, уларнинг шахсиятини яқиндан билмаганида, эҳтимол, улар ҳақидаги тадқиқотлари бу қадар чуқур, нафис ва самимий чиқмас эди. Самимиятни қўлдан бермаган, адабий танқиднинг юксак вазифасини юракдан ҳис этган танқидчи адабий танқиднинг қайси жанрида бўлмасин, энг яқин ёзувчи дўстига ҳам ҳақ гапни дангал айта олади.

ТАРИХИЙ – БИОГРАФИК ЁНДАШУВ ХАРАКТЕРИДАГИ

АДАБИЙ ТАНҚИД ЖАНРЛАРИ

Тарихий-биографик ёндашув адабий танқидчиликнинг етакчи йўналиши бўлиб, у танқидчи зиммасига алоҳида олинган ҳолда ёзувчининг ҳаёти ва ижоди, асарларини ўз даври ва муҳити билан уйғун ҳолда ёритиш вазифасини қўяди. Ғарб ва Европа танқидчилиги тарихида бу усул XIX аср бошларидан фаол қўрина борди. Тарихий-биографик ёндашув борасида Ш.Сент-Бьёв, А.Веселовский, А.Моруа, М.Бахтин, М.Храпченко, Л.Тимофеев, И.Андронников сингари олимлар бой илмий-ижодий тажриба тўплаганлиги маълум. Бой меросга эга ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги тарихига назар солинса, унинг бу силсиладаги тажрибалар анча илгари - ХУ аср ва ҳатто ундан ҳам олдин пайдо бўлганлиги ҳақида аниқ далиллар мавжуд.

Тарихий-биографик усулда ижодкор ҳаёт йўлига муносабат қўлаи муҳим роль ўйнайди. Қай бирида бу қўлам ғоят тор - биографик далиллар айрим тахлилий унсурларга едирилса; қай бирида қўлам бир қадар кенг, лекин биографик далиллар тизими устувор ва яна қай бирида қўлам кенг, биографик далиллар ижодкор шахси ва муҳит ҳамда замон билан уйғунликда таҳлил қилинади. Бунда хотиралардан ҳам, саргузаштлардан ҳам асарнинг ёзилиш сабаби ва тарихига оид мулоҳазалардан ҳам, айрим асарларнинг таҳлилидан ҳам фойдаланилади. Шу хусусиятларига қўра бу йўналишдаги танқидий асарлар **тур** жанр кўринишида намоён бўлади:

1. Адабий портрет 2. Танқидий - биографик очерк. 3. Эссе .

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш зарурки, ҳар уч жанрда ҳам илмий –тарихий-биографик ёндашув асос қилиб олинган. Бу уларнинг ўзаро муштараклик белгисидир. Биографик усул эса «адабиётшуносликда адабиётни ўрганиш воситаси бўлиб, ёзувчининг таржимаи ҳоли ва шахсиятига ижоднинг алоҳида жараёни сифатида қарайди»¹. Тарихий-биографик йўналиш эса биринчи ўринда объектга олинган шахснинг – ёзувчининг

¹ Литературный энциклопедический словарь. М.: Советская энциклопедия., 1987.С.127.

таржимаи ҳолига тарихий нуктаи назардан ёндошади. “Маълумки, ҳаётий далил ва назарий умумлашма масаласи тарихий - биографик ёндошувдаги адабий-танкидий асарларнинг туб моҳиятини ташкил қилади. Чунки танкидчиликдаги таникли ёзувчилар ҳаёти ва ижодининг илмий биографиясини яратиш, адабий-танкидий очерklar, монографик мақолалар ва ижодий портретлар яратишда орттирилган тажрибалар умумлаштирилиб, улардан илмий-биографик тадқиқотлар яратишда унумли фойдаланилади”¹.

Ҳақиқатан ҳам тарихий-биографик ёндашувда ҳаётий далил ва илмий-назарий умумлашмалар ёзувчи ва шоирлар ижодий эволюциясини тўғри англаш, бадий ижоднинг ўзига хос томонларини ҳаққоний таҳлил этиш, ёзувчи ҳаёти ва ижодининг кадри, адабий жараёнда ва халқ ўртасидаги ўрни юзасидан тўғри хулосалар чиқаришда муҳим ўрин тутиши ва унинг илмий биографиясига оид янги тарихий-маърифий кузатишлар ва қарашларнинг илгари сурилишида асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Тарихий-биографик йўналиш табиати адабий-танкидий асарларда ёзувчи илмий-биографиясига оид далил ва илмий хулосаларнинг изчиллиги ҳамда тадрижий жараённинг мукаммаллашиб боровини тақозо этади. Бу сирадаги илмий-биографик асарларда жаҳон ва рус, қардош халқлар назарий тафаккурининг тажрибаларидан унумли ижодий фойдаланиш маҳорати устида баҳс юритиш мазкур йўналишнинг ўзбек адабий танкидчилиги тарихида тутган ўрнини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Ва бу тажрибалар ўзбек танкидчилигидаги тарихий-биографик йўналиш тараққиётига баракали таъсир этганлигини инкор этиб бўлмайди. Ўзбек адабиётшунослиги ва танкидчилигида бу йўналишга, Б.Йўлдошев айтганидек, 30-йиллардан эмас, балки XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб жиддий эътибор берилган бошланди. Матбуотнинг юзага келиши унинг тараққиётини тезлаштирди². Ўзбек олимлари ичида биографик метод муаммоларини А.Расулов, Б.Каримов, У.Жўрақулов, Б.Йўлдошев сингари тадқиқотчилар алоҳида тадқиқ

¹ Йўлдошев Б. Танкидчи маҳорати ва адабий жараён. Т.: Фаъ., 2002. 123 - б.

² Назаров Б. Ўзбек адабий танкидчилиги. Т.: Фаъ., 1979. 18-бет.

этганларини қайд этиб ўтиш лозим.

Биографик методга француз мутафаккири Шарль Сент-Бьёв асос солган. “Бу методга кўра бадиий асарда ёзувчи биографиясига тааллуқли кўп масалалар мавжуддир. Аввало, асар ғоясининг, концептуал асосининг пайдо бўлиши ёзувчи ҳаётидаги бирон масала билан боғланиб кетади. Иккинчидан, ёзувчи билибми, билмайми (ғайри шуурий ҳолда) юраги қаъридаги туйғуларни, хотирасига сингиб қолган воқеа, шаклларни асарига кирита бошлайди. Учинчидан, асарнинг ёзилиши жараёнидаги ҳолатлар, манзаралар, ҳодисалар табиий ҳолда асар структурасига сингиб боради”¹. Бу ўринда А.Расулов ёзувчилар ижодидан келиб чиқиб, бу ҳодисани шарҳлайди. Биз эса танқидчиларнинг адабий портретларида худди шундай ҳолат (юраги қаъридаги туйғулар, хотирасига сингиб қолган воқеалар, шакллар) ҳақида фикр юритишга уринамиз. Чунки адабий портретда хотираларга ўрин берилиши унинг жанрий белгиларидан биридир.

АДАБИЙ ПОРТРЕТ ЖАНРИ. Адабий портрет жанри табиати ҳақидаги баъзи фикрлар Б.Назаров, С.Содиқ тадқиқотларида², ўзбек адабиётшунослигида яратилган баъзи адабий портретлар таҳлили ҳақидаги ишларда³ баъзи мулоҳазалар учрайди. Танқидчи Ў.Ўтаев ўзбек танқидчилигида яратилган адабий портретларни таҳлил қилиб чиқади, аммо жанрнинг назарий жиҳатларига алоҳида эътибор қаратмайди. Шунинг учун бўлса керак, мақола, портрет ва танқидий-биографик очеркни баъзан ўзаро қориштириб юборади. Адабиётшунос А.Расулов ҳам адабий портретга адабий танқиднинг алоҳида жанри сифатида қарайди⁴ ва шу фикрларини ривожлантириб, О.Шарафиддинов, Ў.Ҳошимов адабий портретларини яратиш мисолида далиллайди.

Адабий танқидчиликнинг жанрларидан бири адабий портрет

¹ Расулов А. Тунда чакнаган юлдуз. // Жаҳон адабиёти. 2005, май. 17-б.

² Назаров Б. Ўзбек адабий танқидчилиги методологик асосларининг таркиби топиши ва тараққий этиши. Фил.фан.док....дисс. Т., 1983; Содиков С. Абдулла Қаҳҳор ижоди ва адабий танқид. Филол. фанлари докт....дис. Т., 1997.

3. Ўтаев Ў. Танқид ва услуб. Т.1979.

4. Худойберганов Н., Расулов А. Ўзбек совет адабий танқидчилиги. 146-бет.

бўлиб, унда ижодкорнинг бир бутун қиёфасини яратишга катта аҳамият берилади. Адабий портрет жанри адабиётшуносликдаги танкидий-биографик ёндашувнинг маҳсули бўлиб, XX аср ўзбек танкидчилигида етакчи ва фаол жанрлардан бири даражасига кўтарилди. Илмий-биографик тадқиқотнинг кенг тарқалган жанрлари ичида адабий портрет энг фаолдир. Портрет сўзи кўп маъноли. Шу сабабли изоҳни талаб этади. Портрет французча «*portrait*»- тасвир сўзидан олинган бўлиб, луғавий маънода аслини тасвирлаш , *trait pour trait*- “чизикқа чизик, чизма-чизик” деган маънони билдиради. Сўзнинг илдизи “*protrahere*”- юзага чиқармоқ, кўрсатмоқ, кейинчалик “тасвирлаш, портрет чизиш” феълларидан олинган¹. Демак, портрет сўзи чизиклар, уларнинг ўзаро уланиб кетишидан келиб чиққан. Истилоҳий маънода эса уч ҳодисани ифодалайди:

1. Адабий асарда кишининг ташқи кўриниши, қиёфаси, кийим-кечаги, ўзини тутишини англатади. Портрет бадий образ яратишнинг муҳим шартларидан биридир.

2. Айрим ёзувчи, шоир, жамоат арбоби, санъаткор ёки олимнинг ҳаёти ва фаолиятини илмий-эстетик жиҳатдан умумлаштирувчи, унинг яхлит образини яратувчи танкидий асар турини билдиради.

3. Тасвирий санъатда эса инсоннинг мойбўёқ, хайкалтарошлиқ, фотография ва хоказолардаги тасвири.

Баъзи адабий жанрларнинг келиб чиқишини тушуниш, таҳлил қилиш кийин, чунки уларнинг илдизлари инсоният тарихининг қадимий замонларига бориб тақалади. Жанрнинг пайдо бўлиши эса кейинги даврларга тўғри келади, бу эса, табиийки, уларнинг шаклланиш ва ривожланишини ўрганишни кийинлаштиради, тадқиқотчиларни узоқ ўтмишга қайтишга, кенг тарихий-адабий манбалардан фойдаланишга ундайди. Адабий портрет ҳам ана шундай жанрлар сирасига киради.

Адабий портрет атамасининг кенг қўлланилиши унинг оммабоплигидан дарак беради. Лекин айни шу ҳолат мазкур жанрга имкон қадар аниқ таъриф беришни талаб қилади. Чунки кўпинча танкидий-биографик очеркка ҳам, эссега ҳам, адабий-танкидий мақолага ҳам, қисқа репортаж, маълумотномаларга ҳам ,

¹ Барахов В.С. Литературные портреты. М., 1983. С.13.

агар у аниқ, реал инсоннинг тавсифига бағишланган бўлса, адабий портрет атамасини ишлатадилар. Атама бундай кенг талқин этилса, ундан ҳаддан зиёд эркин фойдаланилса, адабий портретнинг адабий танқидга хос жанр сифатидаги моҳияти, тасаввури йўқолади. Кўпинча чалкашликлар бу жанрнинг туб маъносини англамасликдан келиб чиқади. Баъзан шундай ҳолатлар бўладики, ёзувчиларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги қисқача маълумотномаларни ҳам адабий портрет деб номлаш урфга кирди. Масалан, С.Мирвалиевнинг “Ўзбек адиблари” китоби “жажжи портретлар” остида нашр этилган. Ҳолбуки, у ёзувчи ва шоирлар ҳаёти ҳақидаги биографик маълумотномадан иборат, ҳолос. Бу эса ҳалигача адабий портрет жанри ҳақида аниқ тасаввур йўқлигининг белгисидир. “Қисқача адабий энциклопедия”да ҳам адабий портрет жанрига етарлича таъриф берилмаган: “Адабий портрет - бу “қаҳрамон” билан суҳбат ёки қаҳрамон ҳақида қисқача мемуар очерк асосида яратилган бўлиб, ёзувчи, рассом, атоқли жамоат арбоби ва бошқалар ҳақида ёзилган ҳужжатли очеркдир”¹. Бу фикрга эътирозимиз шуки, жанр адабий қурилишини очишга ҳаракат қилинмай, унга шунчаки очерк сифатида қаралган. Фикримизча, “адабий портрет” инсоннинг эстетик моҳиятини ифодаловчи алоҳида жанр ҳисобланиб, шу моҳиятнинг ўзига хос томонларини тавсифлайди. Агар жанрларнинг одат бўлиб қолган таърифларига мурожаат қилинса, адабий портретни номлашда унинг ўзига хос жанр эканлигини доимо эътиборга олиш керак бўлади.

Рус адабиётшунослигида бу жанрда аниқ инсоннинг алоҳида поэтик кўриниши ҳақида баъзи танқидчи ва адабиётшунослар баҳслашадилар. Масалан, М.Т.Мезенцев “Қисқача энциклопедик луғат”дан кўчирма келтириб, шундай ёзади: “Бу ерда бошқа нашрлардаги каби мутлақо ҳақли равишда таъкидланадики, адабий портрет- бу ҳужжатли очерк. Адабий портрет қуроли эса инсон ва унинг фаолияти ҳисобланади”. Албатта, портретнинг очерк билан ўхшашлиги аниқ, аммо жанрнинг эстетик имкониятларини чегараламаслик керакка ўхшайди. Шу боис кейинги йилларда кенг тарқалган “адабий портрет” атамасидан кўпинча жанрнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмай туриб

¹ Краткая литературная энциклопедия. Т.5. М., 1968. С.895

фойдаланилганини эътироф этишга тўғри келадик, бу мазкур масаланинг илмий-назарий жихатдан тўлиқ ишлаб чиқилмаганидан далолат беради. Рус олими В.Барахов адабиётшуносларнинг бадий-хужжатли ва мемуар адабиётнинг тарихи ва назарияси (Д.С.Лихачёв, Л.Я.Гинзбург ишлари), портрет жанрида адабиёт ва рассомчиликнинг қиёсий таҳлили (М.И. Андроникова, К.В.Пигарёв ишлари) даги умумий масалаларни ишлаб чиқишда тўплаган тажрибасидан келиб чиқиб, мавжуд бўшлиқни тўлдиришга ва адабий портрет ҳақидаги мулоҳазаларини асослаб беришга ҳаракат қилади. Бунда у адабий портретни уч йўналишда намоён бўладиган ҳодиса сифатида тушунтиришга уринади: 1) адабий портрет- роман, кисса, хикоя ва бошқаларда бирор шахс сиймосини яратиш воситаси сифатида; 2) адабий портрет–анча мураккаб жанр қурилишидаги таркибий қисм сифатида (Герценнинг “Ўтмиш ва ўйлар”, Фединнинг “Горький бизнинг орамизда” асарлари); 3) адабий портрет мустақил жанр сифатида (Короленко, Горький, Чуковский, Паустовский ва бошқа ёзувчиларнинг эсдаликлари)”¹.

Бу кўринишларни бир-бири билан алоқадор ҳисоблаб, Барахов портрет таҳлилининг мемуар-биографик насрнинг мустақил жанри сифатида қаралишига тарафдорлик қилади. Бу эса унга адабий портретнинг эстетик-маърифий имкониятларини аниқ инсон шахсиятини тушунишнинг ўзига хос усули сифатида кўрсатиш имконини беради. Назаримизда, рус адабиётида мавжуд намуналар, бунинг устига адабий портретларнинг кўпчилиги ёзувчилар томонидан яратилгани сабабли олим уларни мемуар-биографик насрнинг мустақил жанри сифатида қарайди. Биз ўзбек адабиёти ва адабиётшунослиги, танкидчилигида яратилган адабий портретларни адабий танкид жанри сифатида қараб чиқамиз. Бунинг учун, биринчидан, уларнинг кўпчилиги танкидчилар (И.Султон, М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, С.Мамажонов, Л.Қаюмов, Ў.Ўтаев, И.Ғафуров ва ҳ.к.) томонидан яратилгани, ёзувчилар томонидан ёзилганлари ҳам кўпроқ адабий-танкидий йўсинда, иккинчидан, энг муҳими, уларда адабий, илмий- бадий тафаккурнинг устунлиги, учинчидан, ушбу адабий портретларнинг кўпчилиги илмий услубда (рус адабиётида

¹ Барахов В. Литературные портреты. С. 10-11

кўпроқ ижодкорлар: ёзувчи ва шоир лар томонидан яратилиб, жонли хотираларга таянилади ва бадийлик жуда кучли ифодаланади) ёзилганлигидан, хотиралардан кам фойдаланганлигидан келиб чиқиб, уларни мемуар-биографик наслнинг эмас, балки адабий танқидчилик намуналари деб қараш йўлидан борамиз.

Адабий портретнинг моҳиятини тушуниш учун, бизнингча, реал инсоннинг оригинал ва аниқ мақсадга қаратилган кифасини ифодаловчи образли ўзига хос хусусиятларини очиш керак бўлади. Лекин бунинг учун, албатта, адабий портрет жанри назариясининг пухта ишлаб чиқилганлиги талаб қилинади. Ҳозирги пайтда бунга катта эҳтиёж сезилаётти.

Сўзга асосланган портретнинг ўзига хослиги, авваламбор, унинг **аниқ бир шахснинг** алоҳида хусусиятларига тўғридан-тўғри мурожаат қилишида кўринади. Аниқлик, ёки одатда айтилишича, айнан ўхшашлик жанрнинг етакчи хусусияти ҳисобланади. Бу ўхшашлик образнинг асл нусхасига (оригиналига), жонли кифасига мувофик қайта тикланаётганлигида кўринади ва у ёзувчи томонидан бадий яхлитлик, сўз санъатининг образлилиги учун мустақил ва тугалланган “сюжет” сифатида қабул қилинади. “Айнан инсоннинг индивидуаллигини бутунлигича тасвир этишда асл “киёфа”сининг такрорланмаслиги, унинг табиатида, ўзини тутишларида, тилида ва шунингдек, таржимаи ҳолида, ижодий фаолиятида, ўзига хос маънавий шароитнинг турли-туманлигида, қайта яратилаётган шахснинг маънавий дунёсини акс эттирадиган тафаккури намоён бўлади ва бунда адабий портрет жанрининг эстетик моҳияти очилади”¹.

Бу муаммони Х асрда Форобий маълум даражада умумлаштирилган ҳолда аниқ баён этган эди: “Биз яна шундай деймиз: бу санъат аҳли билан (уйга) нақш берувчи рассом санъати ўртасида қандайлир муносабат бор. Булар иккаласининг санъатдаги моддаси, турли-туман бўлса ҳам, аммо шаклда, яратилиш ва мақсадларда бир-бирига мос келади. Ёки айталик, ўша иккала яратилган нарсада, улар шаклларида ва мақсадларида бир-бирига мувозанат, ўхшашлик бор. Бу шундайки, шеър

¹ Барахов В. Литературные портреты. С. 14.

санъатини безайдиган нарсалар сўз-мулоҳазалар бўлса, рассомлар санъатини безайдиган нарса- бўёқлар саналади. Буларнинг иккови ўртасида фарқ бор, аммо иккаласи ҳам одамлар тасаввури ва сезгиларида бир мақсадга - тақлид қилишга йўналган бўлади”¹. Кўринадики, адабий портрет эстетик қурилиши жихатидан мураккаб ҳодиса бўлиб, асл нусханинг ташки ўхшашлигига бутунлай эришиб бўлмайди, чунки унда инсоннинг бадий билими ўзига хос воситалар ёрдамида юзага чиқади. Бу нафақат рассом ёки танқидчи танлаган натурани ёинки киёфани билиши, балки портрет ижодкорининг ўз-ўзини билиши ҳамдир.

Адабий портрет тушунчасининг ўзи агар унга нафақат бадий асарнинг “тузилиш унсури”, роман, кисса, ҳикоялардаги образ яратиш воситаси, балки мустақил жанр сифатида қаралса, келиб чиқишига кўра кўп жihatдан рассомчиликдаги портретлар билан боғлиқ, шунинг ўзи уларнинг бир-бири билан ажралмас эканлигидан далолат беради. Ҳақиқатда аниқ инсон образини яратишда рассомчиликдаги портретларнинг пешқадамлиги кўринади. Сўз санъатига асосланган портрет яратувчилар улардан ўрганадилар, расмлардан, портретлардан, ҳайкаллардан олган таассуротларини сўз билан қайта яратадилар. (Герценнинг, Короленконинг ёдномалари). Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, адабиётдаги портрет тасвирий портретга нисбатан жанрининг хилма-хиллиги ва кўпмаънолиги билан ажралиб туради.

Демак, портрет сўзи юқорида кўрсатиб ўтганимиз каби, аслини тасвирлашдир. Атаманинг келиб чиқишида шу тариқа унинг моҳияти ва қўлланилиши – асл нусхани, инсонни “айнан тасвирлаш”и сабаб бўлган. Кенг маънодаги портрет сўзи - аниқ, реал инсон образи бўлиб, у нафақат адабиётда, балки тасвирий санъат, ҳайкалтарошлиқ, графика, фотографияда ҳам кенг қўлланилади. Бироқ портретнинг тарқалиш донрасини адабиёт ва санъат билан чегаралаб қўйсак нотўғридир, негаки, бошқа ижтимоий фанларда ҳам ундан фойдаланилади, уларда реал инсон образи махсус муаммоларни қўйиш ва ҳал қилиш воситаси сифатида хизмат қилади, турли шакл ўзгаришларида намоён бўлади (масалан, лингвистикада - нутқ портрети, ҳуқуқда-оғзаки портрет, социологияда-ижтимоий портрет ва бошқалар каби).

¹ Абу Наср Форобий. Шеър санъати. Т., 1979. 39-бет.

Ижтимоий фанларда портрет санъатга, бадий ижод далилларига дахлдор эмас, балки бир-бири билан боғлиқ, кўмакчи вазифаларда келади ва мазкур фанларнинг умумий масалалари билан алоқадорликда кўриб чиқилади.

Тарихий-биографик ёндашув асосида яратилган асарларнинг, жумладан, адабий портретларнинг илдизи мумтоз адабиётшуносликда ҳолот ва маноқибларга бориб тақалади, чунки ҳолот ва маноқибларда ҳам ижодкорлар, авлиёлар, машҳур шахслар ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот берилади. Шунинг учун бу жанр тадрижий такомиллашув йўлида а) тазкиралардаги ихчам ва лўнда маълумотномалардан; б) таржимаи ҳол, ҳолот ва маноқиблардан ўсиб чиққанлигини кузатиш мумкин.

Ўзбек мумтоз адабиётшунослигида маноқиб ва ҳолотлар ўз замонаси-нинг шоир ва ёзувчилари ҳақидаги рисолага ўхшаш асарлардан саналиши ҳақида Валихўжаев юқорида тилга олинган асарида фикр юритган эди. Кўринадики, рус адабиётига нисбатан ўзбек адабиётида бу жанрнинг моҳияти анча аниқ тушунилган. Шунинг учун адабий портретнинг дастлабки намуналарини мумтоз адабиётшуносликдан излаш тўғрироқ бўлади.

Бу жанрнинг рус адабиётидаги асосчиси Карамзин эди. У рус китобхонига яна бир танқидий жанр – адабий портретни, яъни ёзуви ҳаёти ва ижоди ҳақидаги очеркни тақдим этди. Ўзининг янги журнали “Европа ахборотлари”да “Богданович ва унинг асарлари ҳақида” деб номланган танқидий мақоласини нашр эттирадики, у ўтмишдаги ёзувчиларнинг қисқача адабий портретлари олдинги туркуми – “Пантеон россиялик муаллифлар” типига эди. Адабий портрет жанридаги ўзига хослик, шахсият, индивидуаллик мавжудлиги унинг сентиментал метод билан чуқур боғланганини кўрсатади. Карамзин жанрнинг биринчи намуналарини яратишданоқ унинг хусусиятлари ва талабларини чуқур англаб етган ҳолда Богдановичга энг аввало инсон сифатида қараб, муфассал тавсиф беради. Бунда у нафақат ижодга, балки ёзувчининг яқинларининг хотираларига, фикрларига таянади: “Айтишларича, ёзувчининг ҳаёти ва характери унинг ижодидан кўриниб туради; шундай бўлса ҳам биз кейинги хабарларни севсак-да, доимо муаллифни шахсан

билган биринчи кишилардан у ҳақда сўраймиз”¹. Бу фикр адабий портрет жанрида хотираларга таяниш унинг белгиларидан бири эканлиги ҳақидаги мулоҳазаларимизни яна бир бор тасдиқлайди.

Портрет –бу инсонни англашнинг шундай ўзига хос соҳасики, у бевосита аниқ, реал инсон образи билан нафақат маъмун жиҳатидан, балки шакл томонидан ҳам боғланади. Шу икки томоннинг бирлигида адабиёт ва санъатдаги муҳим муаммолардан бири сифатида портретнинг ҳақиқий моҳияти очилади.

Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида Б.Назаров адабий портретнинг асосий моҳиятини, баъзи кирраларини тўғри талқин этади: “Бадий ижод хусусиятларидан фойдаланиш, илмийликдан чекинмаган ҳолда бадий талқинга эътибор портрет жанрида ижод қилувчининг доимий диққат марказида бўлади. У типиклаштириш приёмига мурожаат эта олади ва маълум даражада санъаткорнинг илмий айна вақтда бадий киёфасини яратади”².

Тадқиқотчи Н.Зиёдуллаева биография билан адабий портрет ўртасидаги фарқни қуйидагича кўрсатади: “Биография ижодкорнинг таржимаи ҳолини кенг қамровда батафсил ўрганадиган илмий тадқиқот ҳисобланади.

Адабий портрет эса ижодкорнинг жисмоний, маънавий ва ижодий жиҳатдан бир бутун киёфасини яратишга, тасвир этишга ёки унинг ҳаётининг қисқа вақт оралиғидаги маъно моҳиятини илмий талқин этишга ҳаракат қилади”³.

Кўринадики, XX асрнинг 70- йилларда айtilган бу фикр-мулоҳазалар ва XXI аср бошларида берилган таърифлар қанчалик тўғри бўлишига қарамай, адабий портрет яратувчилар доим ҳам уларга риоя қилмаганлар. Шунинг учун ўзбек адабиётшунослигида яратилган адабий портретларнинг савияси ҳар хил, кўпчилиги жанр талабларига жавоб бера олмайди.

Адабий-танқидий портретнинг табиати. Портрет, демак, ўзининг шакл-шубҳасиз махсус хусусиятлари кучи билан бутунлай

¹ Игоров Б. О мастерстве литературной критики. С.32

² Назаров Б. Ўзбек адабий танқидчилиги методологик асосларининг таркиб топиши ва тараққий этиши. Фил.фандок.....дис. Т.,26-бет.

³ Зиёдуллаева Н. Ўзбек адабиётшунослиги ила ижодкор биографиясини ўрганиш муаммолари НДА. Т., 2000.18-бет.

инсонга мўлжалланган, унда нафақат тасвир объекти инсон, балки субъекти - унинг ижодкори, яратувчиси ҳам санъаткор сифатида қатнашиб, санъат ва адабиётда алоҳида ўрин эгаллай-ди. Бу муносабат, энг аввало, санъаткор портрет яратишга киришар экан, тасвирланаётган шахсни энг кўп нима ҳаяжонга солиши, у ҳақда нималар билиши, бошқа одам ҳақида энг муҳимини айтиш, сўзлаб беришни кўзда тутишида кўринади. Шу билан боғлиқ фикрларга кўшилиш мумкин: “Портретда биринчилик, мустаҳкамлик, катъият мавжуд, у ҳолда, у ўзига хос кисса ёки инсоннинг инсон ҳақидаги маълумотидир”¹.

“Инсоннинг инсон ҳақидаги маълумоти”- бу муваффақият билан топилган таърифда - адабиёт ва санъатнинг ўзига хос тури сифатида портретдаги энг жиддий, мустаҳкам хусусият қайд этилади. Юқоридаги таърифни тўлиқ қабул қилган ҳолда, биз ҳам шу вақтнинг ўзида портретда шу шахс ҳақида хабар бериш, муаллифга маълум маълумотларни узатиш эмас, балки унинг **бадий образини қуриш** бош мақсад эканлигини қайд этишимиз керак. Портретга хос реал инсон шахсига бевосита мурожаат қилиш адабий портретни бошқа кўплаб асарлар қаторида оддий бадий асарга айлантирмайди, балки портретли ўхшашлик муаммоларини ўзида жамлаган эстетик англашнинг шундай ўзига хос соҳасига айлантирадики, унда кўп тадқиқотчилар эътибор қаратган реалистик санъатнинг марказий муаммоси тўла ҳолда ўзини намоён этади.

Адабий портретни тақриз жанри билан солиштириш бу икки жанрга хос хусусиятларни очишга кўмаклашади. Тақриз таҳлил қилувчи ва тарғиб қилувчи характерга эга, у кўпинча янги чиққан асарларга бағишланиб ёзилади. Адабий портрет жанри ўзининг ҳажми, таҳлил доирасининг кенглиги билан тақриздан фарқ қилади. Яна адабий портрет ижодкорнинг деярли ҳамма асарларига диққат қилишни тақозо этиб, уларга муносабат билдиради. Бундан ташқари адабий портретлар адабиёт майдонида узок вақт хизмат кўрсатган, ўз асарлари билан китобхонларга манзур бўла олган ижодкорлар ҳақидагина ёзилади. Адабий портретда ижодкорга нисбатан хайрихоҳлик очик сезилиб туради. Тақризларнинг айримлари эса ижодкорнинг

¹ Кўчирма Барахоннинг юқорида кўрсатилган китобидан олинди. С.29.

янги асарларини аёвсиз танқидга дучор қилиши мумкин. Шу нуктаи назардан қаратганда, аниқ инсоннинг шахсиятини англашнинг ўзига хос усули сифатида адабий портретларнинг имкониятлари жуда катта.

Адабий портрет муаллифининг асосий мақсади санъаткорнинг ўзига хос ҳис этилган, қалбидан ўтказилган алоҳида шахснинг дунёси, унинг ҳаёти, таржиман ҳоли асосида бадиий образ яратишдир. Портрет – бу доимо, А.А.Сидоровнинг ёрқин таърифидан фойдаланиб айтсак, портретнавис тили билан айтилган “инсоннинг инсон ҳақидаги қиссаси”дир. Портретнависнинг асосий мақсади “у ёки бу одамнинг образини абадий-лаштириш”га ҳаракат қилиш ҳисобланади. Ўз вақтида Чернишевский инсоннинг “шаклланмаган” қиёфасидаги камчиликларни “тузатиш” учун мўлжалланган портретда санъатни кўр-кўрона субъектив тушунувчилар билан мунозара қилади. Ўзининг юқорида тилга олганимиз трактатида ёзади: “Портрет ҳаётдаги тирик одамнинг кирралари бизни қониктирмаганлиги учун ёзилмайди, балки уни кўришга муяссар бўлмаган одамларга у ҳақда бир канча тушунча бериш, бизнинг кўз ўнгимиздан кетган ҳаётдаги одам ҳақидаги хотираларимиз билан ёрдам бериш учун ёзилади”¹. Шу билан бирга унинг ўзи инсонни англашнинг ўзига хос усули сифатида портретнинг ҳақиқий қимматини таъкидлайди. Асосий ниятни амалга ошириш йўли адабий портрет муаллифида ва портрет яратувчи рассомда ҳар хил. Агар рассом бу мақсадга инсоннинг ташқи қиёфасини, унинг юзи, қомати, ҳаракатлари ва ҳ.к. бизнинг кўзимиз кўрадиган ҳамма нарсани қайта яратиш воситасида эришса, адабий портрет муаллифи эса унинг фикрларидан, ҳаракатлари, мулоҳазаларидан фойдаланади ва шу билан унинг образини яратиш учун қўшимча имкониятларга эга бўлади.

Портретнавис, насрнавис ва рассомлар сингари ўйлаб чиқарилган образни эмас, балки реал инсон образини яратади, ўзининг бош вазифаси унинг ўзига хосликларини ва характерли кирраларини бадиий тўлиқ шаклда акс эттириш деб ҳисоблайди. Бу мақсад учун бошқа ҳужжатли манбалар ва ўз хотирасидаги бойликлардан фойдаланади. Шунинг учун рассомчиликда ҳам,

¹ Чернишевский Н. Танланган адабий-танқидий мақолалар. Т., 1966. 100-бет.

адабиётда ҳам портретни тасвирланаётган киёфани узоқ ўрганиш учун умумлаштириш, аниқ шахсга тўлиқ тавсиф бериш сифатида қабул қиламиз.

Портрет – инсонни тасвирлаш ва шу билан бирга унга баҳо беришдир. Аммо сўз орқали ифодаланган портретда санъаткор ижод ва биография далилларига бевосита мурожаат қилар экан, унга тўғридан- тўғри муаллиф тавсифини беради. Унинг шахсий “мен” и муаллиф тасвирланаётган замондошга суҳбатдош, фаолият кўрсатаётган шахс сифатида кўринадиган адабий портретларда, айниқса, ёрқинлик ва аниқлик билан ҳис этилади. Б. Назаров ҳам ўзбек адабиётшунослигидаги бу янги йўналиш ҳақида шундай дейди: “Ёзувчи ижодини унинг шахсияти билан чамбарчас боғланишда текшириш сўнгги йиллар адабий танқидчилик ва адабиётшунослигимизда кўзга ташланаётган ижобий тенденциялардан биридир. Санъаткорнинг ҳаёт йўли, табиати, ёшлиги, қизиқишлари, орзуларини ўрганиш унинг асарларидаги маҳорат сирлари ва бадиий эстетик принципларини кўрсатишда бир очкич вазифасини ўтайди”. Бу хусусиятлар адабиётшунос олим С. Мамажоновнинг “Ғайратий”га бағишланган адабий портретида яққол кўринади. Унинг композицион хусусиятлари ҳам бошқа адабий портретлардан фарқ қилади. Мунаққид дебеча ўрнида хотиралар ва шоир билан суҳбатни келтиради. Портретда шоирнинг тўлиқ ижодий киёфасини кўриш мумкин. Унинг жонли ва ҳаётний, ўзига хослигини таъминлаган омиллардан бири-шоирнинг ўзи билан бевосита суҳбат, савол-жавобнинг асар моҳиятига едирилиб юборилишидир. Шоирнинг ҳаёти, асарларининг таҳлили тадрижийлик асосида тадқиқ этилади, шунга боғлиқ ҳолда баъзи масалаларни аниқлаштириш учун мунаққид шоирнинг ўз иқдорларидан фойдаланади. Бу усул адабий портретнинг ўқишли бўлишини ҳам таъминлаган. Адабий портретда ўша ёзилган даври мафкураси билан боғлиқ хатолар бўлса-да, у шоирнинг ҳаёти ва ижодини, даврини, муҳитини ўрганишда аҳамиятга эга.

Адабий портретнинг жанрий хусусиятлари. “Адабий портрет яратиш- бу доим ижод акти ҳодисаси, ёзувчи хотирасида яширинган, кўпинча кўринмайдиган бўлиб ўтадиган бадиий умумлаштириш ҳодисасидир; аммо бу доимо инсоннинг кучайтирилган ва диққат-эътиборли баёни, муаллифнинг образли

тавсифни тўлиқ тушунишга кириб борадиган объект сифатида танланган бошқа инсон ҳақидаги баёни; бу доимо танлаб олиш, яхлит, ягона таассурот ва қисмлари чала мозаик кузатишларнинг жойлаштирилиши ва қўшилишидир ¹.

Муаллифнинг асосий ниятига боғлиқ ҳолда адабий портретнинг ранг-баранг, бир-бирига бутунлай ўхшамайдиган турларини учратиш мумкин, у ёки бу замондошлар (Фединнинг “Горький орамизда” китоби, ўзбек адабиётшунослигида “Замондошлар хотирасида” сериясидаги асарлар) ҳақидаги мулоҳаза ва эсдаликларнинг бутун мажмуасидан Лидин, Воронский, Луначарскийларнинг мақолалари ва эсдаликларидаги “сияуетлар”(шарп)гача, портретга чизгиларгача учратиш мумкин. Аммо бу ҳолда ҳам, бошқа ҳолатда ҳам адабий портретни такрорланмас “шахс”нинг, унинг образини “кўрадиган” қилиб ҳис этиш, ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги тасаввурларни кенгайтирадиган, тавсифланаётган арбобнинг биографиясини тўлдирадиган ҳодиса сифатида қарашга ҳақлимиз. Бу “шахс”нинг қирраларини, аниқ қиёфанинг алоҳида белгиларини адабий портрет муаллифи нафақат инсоннинг ташқи қиёфасидан, балки унинг фикрлаш тарзи, биографияси, ижодий фаолиятдан топади. Бу шахсиятдаги ҳар бир қирра ўзида инсоннинг ўзигагина хос ҳолатда намоён бўлади ва шунинг учун санъаткор танлаб олган далиллар маълум шахснинг фарқли хусусияти бўлиб қоладики, у бошқаларга ўхшамайдиган, такрорланмаслигини ҳис этишни яратадиган белги бўлиб шаклланади. Инсоннинг шунга ўхшаш ташқи қиёфасидаги ифодали ўзига хосликлар унинг ташқи кўриниши, жисмоний қиёфаси, биографиясидан маҳорат билан танлаб олинган чизиклар ҳақида тасаввур беради, унинг ижоди ва жонли қиёфасини шахсан ҳис этишнинг натижаси ҳисобланган хулосалар ва кузатишлар адабий портретнинг қирраларини қайта яратишга хизмат қилади. У ҳолатда ҳам ёки бошқа ҳолатда ҳам портретнавислар унинг ягоналигига хос характерли белгиларни топадилар. Бу унинг ҳаётий кайфияти, биографияси эпизодларида, турмушда, бошқа одамлар билан муносабатида, шу билан бирга ижодининг такрорланмаслиги, асарларининг тили, услуби, қурилиши ва ҳ.к.ларда ўзини кўрсатади. Адабий портрет

¹ Барахов В. Литературные портреты. С. 32

муаллифи шахсий кузатишлари ва таассуротларидан фойдаланиб, ўзининг асосий максadini тасвирланаётган шахснинг ягоналигини очишда, инсоннинг ташки ва ички гармониясининг мувофиқлигини акс эттиришда кўради. Табиийки, бу гармонияга эришиш, ягоналик, айниқса, санъат, фан, адабиётдаги таникли арбобларнинг характери, асарларининг ҳақиқий моҳиятига чуқур кириш маҳоратини эгаллаган, уларнинг индивидуаллигини икки-уч чизикда чизиш, аниқ топилган силуэтни белгилаб олиш фақат ҳақиқий санъаткорларгагина насиб этади. Бундай маҳоратга Луначарский Горький портретини чизиш орқали эришган эди. Шунинг учун унинг улуғ ёзувчига баҳолари доимо ифодали, пластик, бу сўзнинг аниқ маъносиди портретлидир. Рухий гўзаллик ва уйғунликни Луначарский Станиславскийга бағишланган портретда ифодалашга ҳаракат қилади¹.

Портретнавис учун бу “мувофиқлик” муҳим аҳамиятга эга, чунки бадий бутунлик шахснинг ички ва ташки намоён бўлишини яхлитликда инсонда акс эттиришга имкон беради. Санъаткор томонидан англашган нарсани — тасвирланаётган одамнинг рухий дунёси чизиқларини белгилаш имконини беради, унинг характеридаги ва ижодидаги алоҳида қирраларни белгилайди. Шунинг учун Луначарский Станиславскийнинг ташки қиёфаси тавсифини унинг театр санъатига қарашлари билан тўлдиради ва бунинг натижасида унинг ички моҳияти ва биографияси тўлиқ очилади.

Адабий портрет, шубҳасиз, биографиянинг ажралмас бўлаги сифатида қаралади, шунинг учун балки тавсифланаётган шахс ҳақидаги маълумотларни тўлдиради, аммо жанрий моҳиятига кўра, унда ўзига хос шаклда *инсонни ҳеч кимга ўхшамаган индивидуаллиги* билан англаш амалга оширилади.

Ўзбек адабиётшунослигида худди шундай фазилатларга эга адабий портретлар кам. Шоира Зулфиянинг адиба Ойдин ижодига бағишланган мўъжазгина портрегиди бундай яхлитликни кўриш мумкин. 50-йиллар маҳсули бўлган бу асар “Ойдин Собирова” “очерк” номи билан нашр этилган. Унда Зулфия реал тарихий инсон ва унинг муҳити, у яшаган тарихий давр, маънавий ҳаётини

¹ Луначарский А. Силуэты. М., 1965. С. 337.

тадқиқ этиб, адиба ҳаёти ва ижоди ҳақида фикр юритади, хотираларга кўпроқ таянади. У кириш қисмиданок қизиқарли ҳикоя қаби киши диққатини ўзига тортади, бадийлиги кучли. Очеркда Ойдин ёзувчи, шоира, жамоат арбоби сифатида кўз олдингизда намоён бўлади. Бу ҳақда шоира ижодини ўрганган олима Ғ.Мусина шундай ёзади: “ Очерк қаҳрамонининг ҳаёт йўли турмушдан ажратилган ҳолда олинмайди, балки унинг оила ичидаги “майда-чуйда” характерли моментларидан тортиб, уни кўзга кўринган жамоат арбоби ва ёзувчи қилиб етиштирган шароит, уни ўраб олган кишилар...ҳаётий қилиб тасвирлаб берилган”¹. М.Султонованинг мулоҳазалари ҳам шунга яқин: “ Ойдин ижодини яхши билган, у билан кўп йиллар ҳамкорликда ишлаган Зулфия биринчи ўзбек ёзувчисининг реалистик образини (таъкид бизники – Ш.А.) яратди.

Зулфия О. Собировага бағишланган очеркида биринчи ўзбек адибаси Ойдиннинг ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилиш усулидан фойдаланади. “Очеркда Ойдин ижоди учун аҳамиятли моментларга, ҳаётидаги ижтимоий аҳамиятга эга бўлган фактларга урғу беради”². Шу хусусиятига кўра бу асар адабий портретга яқин, аммо уни адабий портрет дейишга монелик қиладиган томони ҳам бор, унда Ойдин инсон, аёл, она сифатида ёрқин кўринмайди. Н.Владимированинг “Ойдин ижоди” танқидий-биографик очерки Ойдин ижоди ҳақида. Асарнинг бошида унинг таржимаи холи қисқача берилиб, отаси билан боғлиқ хотиралардан парчалар ҳам келтирилади.

Ойдин ҳақидаги яна бир тадқиқот адабиётшунос С.Мирзаев каламига мансуб бўлиб, “Ойдин”. “Адабий портрет” руқни билан берилган. Бу асарни ижодий портрет дейиш мақсадга мувофиқ, чунки муаллифнинг ўзи ёзганидек: “ Бу ўринда Ойдиннинг ҳаётий ва ижодий йўлини баён этишга, адиба асарларини ғоявий ва бадий жихатдан таҳлил қилишга, ёзувчининг ижодий эволюциясини кўрсатишга ҳаракат этилади. Ойдин асосан ҳикоянавис бўлгани учун асосий эътибор ана шу томонга қаратилади”³. Шу эътирофнинг ўзиёқ бу асар жанрини адабий портрет эмас, ижодий портрет сифатида белгилашни тақозо этади.

¹ Мусина Ғ. Зулфиянинг ижодий йўли. Т., 1961. 73-бет.

² Султонова М. Шоира Зулфия. Т., 1962. 23-бет.

³ Мирзаев С. Ойдин. Адабий портрет. Т., Бадий адабиёт нашриёти, 1965. 56-бет.

Адабий портрет муаллифининг кузатиш майдони чегараланмаган, бу то-мондан рассомчиликдаги портретнависга нисбатан имкониятлари бирмунча кенг, чунки унинг тасарруфидан адабий танқидчи, хотиранавис, насрнавислар образли воситаларининг қарийб ҳаммаси жой эгаллайди. Аммо “вақт” адабий портретда рассомдан фарқли равишда муҳим омил сифатида қатнашади. Агар рассомчиликдаги портрет- бу доимо қандайдир дақиқани вақтинча тўхтатиш бўлса, сўзга асосланган портрет инсонни “фаолият” ва “ҳаракат”да, унинг таржимаи ҳоли ва ижодининг турли “вақт”ларига тегишли бўлиши билан тавсифланади. Портрет жанри табиатининг ўзи унинг номланишида акс этади- чизикма-чизик (қиррама-қирра) – сўзга асосланган портретда образни абадий сақлаб туриш вақти талаб этилади. Унинг бадий қурилиши ўзига хос бўлиб, бу сўз санъати қурилиши портретнависга ижодий ташаббус ва тасаввур учун, вақт ва маконда индивидуал образни ривожлантириш ва ҳаракатлантириш учун катта кенглик беради. Зулфия ҳам сўзга асосланган портретида сўз орқали ўз қаҳрамонини ҳаракатда, фаолиятда кўрсатиб, унинг турли “вақт”ларини абадийлаштиради.

Адабий портрет адабий танқидчилик олдида турган мақсад ва вазифаларни тарғиб қилишда, амалга оширишда энг қулай, самарали жанр ҳисобланади. Адабий портрет туб моҳияти билан ёзувчининг таржимаи ҳолига ҳам, асарнинг ғоявий-бадий хусусиятлари, ёзувчи ижодининг маърифий аҳамиятига дахл қила оладиган жанрдир. Уни санъаткор ҳаёти ва ижодининг асосий фазилатларини акс эттиришдангина иборат деб талқин этиш-бу жанрнинг асосий хусусиятларини бир ёқлама тушунишдир. Бинобарин, унинг жанрий табиатини белгилашда қуйидаги мундарижага эга бўлиши муҳимдир. Зеро, адабий портретда: 1) сўз санъаткорининг шаклланиш жараёни ва бунда давр ҳам муҳитнинг таъсирини очиш; 2) даврнинг асосий йўналишлари ва унинг санъаткор ижодида тутган ўрнини ойдинлаштириш, ижодкор сифатида шаклланишида замон ва муҳит таъсирини кўрсатиш; 3) уни намоён этишда ёзувчи, ижодкор индивидуал услубининг ўзига хос қирраларини кўрсатиш; 4) санъаткорнинг инсон ва шахс сифатидаги фазилатлари, нуқсонлари ва бу фазилатлару нуқсонларнинг ўз шахсий ҳаёти ва ижодий йўлида тутган ўрнини асослаш; 5) ёзувчи шахси ва ижодининг муҳим

босқичлари, босқичга бўлиниш сабабларини очиб, ҳар бир босқичга ҳос хусусиятларини умумлаштириш асосий ўринда туришини академик Б.Назаров 70- йиллардаёқ таъкидлаб ўтган эди. Буларнинг барчаси адабий жараёндан узилмаган ҳолда, адабий жараённинг шу санъаткорга таъсири, ўз навбатида, ижодкорнинг жараёнга қўшган ҳиссасини белгилашни тақозо этади.

Шуниси эътиборлики, адабий портретда текширилаётган санъаткор-нигина эмас, балки унинг ижодини таҳлил қилаётган танқидчининг ҳам ўзига ҳос қиёфаси бўй кўрсатиб туради. Адабий портретда публицистик руҳ танқиднинг бошқа жанрларига нисбатан бир кадар бўртиб кўринади. У мутахассислардан кўра, кенг оммага тушунарли бир услубда баён этилади. Бадий ижод хусусиятларидан фойдаланиш, илмийликдан чекинмаган ҳолда бадий талқинга эътибор бериш адабий портрет жанрида ижод килувчининг диққат марказида туради. У маълум даражада ёзувчининг бадий қиёфасини яратади. «Яхши портретни яратиш осон иш эмас. Бу санъаткорликни талаб қилади», - деб ёзади Гладков¹.

Адабий портретларнинг тузилиши танқидчи мақсадига мувофиқ, қисман бўлса-да, бир-биридан фарқланиши мумкин. Чунончи, кўпчилик адабий портретлар қуйидагича ички тузилишга эга:

а) тўпланган ҳамда чоп қилинган материаллар асосида ижодкорнинг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади. Бунда тўпловчи, асосан, ижодкорнинг меҳнатсевар ва қудратли шахсини ёрқин акс эттирувчи ҳаётий далилларга таянади;

б) ёзувчи асарларининг таҳлилига кенг ўрин ажратилади;

в) асарлардан келтирилган парчалар асосида унинг ғоявий ва бадий маҳорати кўрсатилади;

г) муаллифнинг ёзувчига тилаклари, марҳум бўлса хотирлаш мазмунидаги фикрлари баён қилинади.

Одатда, назариётчилар адабиётга таъриф берганда, уни воқеликнинг образли инъикоси деб атайдилар. Бу таъриф туб моҳияти билан тўғри, албатта. Аммо унда адабиёт учун ижодкор шахсининг роли қанчалик муҳим аҳамиятга эгаллиги ҳақида ҳеч

¹ Гладков Ф. Полн. собр. соч. в 8 томах. Т.7. М.: 1959.С. 487.

нарсa дейилмаган. Аслида эса воқеликни акс эттириш ўз-ўзича содир бўлмайди, балки санъаткор воқеликдан олган таассуротларини ўз онги қатлаמידан ўтказиб тасвирлайди. Воқеанинг бош қахрамони ижодкор инсон бўлиб, унинг меҳнат маҳсули бадий асарга айлангач, бу инсонни санъаткор деб аташ мумкин. Бинобарин, ижод жараёнида санъаткор шахсининг роли муҳимдир.

Ижодкор шахси, унинг онги ва билими, характери ва укуви ижод жараёнининг барча кўринишларига, жумладан, асар мавзуини танлаш, асардаги воқеаларни талқин этиш, шунингдек, бадий асар шаклига тааллуқли кўпгина белгиларни аниқлашда ўз таъсирини кўрсатади. Санъаткорнинг шахси, ижодкорнинг ўзи ким ва у қандай одам эканлиги масаласи адабиётшунос мутахассислар учун ҳам, адабиёт мухлислари учун ҳам ғоят қизиқарлидир. Шу сабабли Пушкин ва Лермонтовларнинг дуэлда ўлдирилганлигини, Чўлпон ва Усмон Носирнинг ўлим тафсилотларини, Ҳамза, Муса Жалилнинг фожиаи ўлимини ва бошқа шунга ўхшаш жуда кўп ижодга бевосита эмас, билвосита алоқадор далилларни биламиз. Зеро, бу шахсий ҳаётдаги тафсилотлар санъаткор ижодини чуқурроқ тушунишга имкон яратади. Бу масалада турли вақтларда кўпгина мунозаралар бўлиб ўтган. Илм тарихида у қадар чуқур из қолдирмаган бир тоифа мутахассислар бизни фақат ёзувчининг ижодигина қизиқтиради, унинг шахси билан ишимиз йўқ деб даъво қилганлар. Шундай фикрнинг таъсири остида бўлса керак, шўро даврида яратилган кўпчилик адабиёт дарсликлари ва мажмуаларида, шунингдек, илмий тадқиқотларда ёзувчининг ўзи ҳақида деярли ҳеч нарсa демаслик анъанага айланди, ёзувчи ижоди унинг ҳаётидан ажратилган ҳолда таҳлил қилинди. Ёзувчи шахси, биографияси, ижтимоий келиб чиқишига ортиқча эътибор берувчи вульгар социологик назариялар ҳам ўша вақтда мавжуд эди. Уларнинг талқинича, гўё инсоннинг ижтимоий шажараси унинг ижоди учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга, санъаткор қайси ижтимоий гуруҳга мансуб оилада туғилиб, тарбияланган бўлса, шу гуруҳ тушунчаси унинг онги учун мангу бўлармиш. Кейинчалик бу икки назария ўзини оклай олмагач, одилона ва холис қараш қарор топа борди. Унга кўра, ёзувчи шахсини тўла инкор қилиш ҳам, унга керагидан ортиқча баҳо бериб бориш ҳам хатоликка олиб келади. Аммо

ижод жараёнида ёзувчи шахсининг роли барибир муҳим. Ихтиёримизда мавжуд адабий портретларни кузатар эканмиз, уларда юқорида таъкидланган назарияга кам амал қилинганлигига гувоҳ бўламиз. Деярли ҳамма портретлар ижодкорнинг болалиги, ўқиш йиллари, оилавий муҳити, ижод поғоналарини ҳикоя қилишдан бошланади. Ижодкор шахси ҳақида баҳс юритиш, ижодий йўлига одилонга назар ташлаш учун, у дунёга келиб, вояга етган оила, ўсиб камол топган муҳитга эътибор қилиш юқори самара беради. Ёзувчининг болалик тарбияси, у вояга етган хонадондаги маърифий муҳит ижодкор шахсини шакллантирадиган, бадий маҳоратининг илдиз отишига кўмаклашадиган муҳим омиллардир. Адабий портретлар муаллифлари камдан-кам ҳолатларда бу омилларни қайта-қайта назардан ўтказиб, хулосалар чиқарадилар. Аммо С. Айний илмий-танқидий меросига назар ташласак, у яратган адабий портретларда бу қусурлар деярли кўринмайди.

С. Айний тадқиқотларининг кўпчилиги илмий-биографик йўсинда бўлиб, улуғ инсонлар киёфасини яратишга бағишланади. Абу Али ибн Сино, Саъдий Шерозий, Бедил ва Алишер Навоий ҳақидаги тадқиқотлар бунга мисол. С. Айнийнинг ҳаёти ва ижоди билан уни ҳамиша ўзига тортиб келган замондоши Аҳмад Донишга бағишланган тадқиқоти адабий портрет жанрида бўлиб, унда олимнинг илмий – ижодий киёфаси яратилган.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, аввал образнинг портрет чизиклари яра-тилган. С. Айний Аҳмад Дониш шахсига бўлган қизиқишларини таржимаи ҳоли ва «Эсдаликлар»ида кўрсатган эди. “Қисқача таржимаи ҳолим”да Аҳмад Донишнинг насрдаги услуби, “Наводирул вақое”нинг содда тилда ёзилганлигини кўрсатиб ўтади¹. “Эсдаликлар”нинг иккинчи қисмида Аҳмад Донишнинг одамлар билан муомаласи, муносабатини очиб беради. «Ажойиб одам», «Аҳмад Махдумнинг ховлисида» деган бобларда Аҳмад Донишнинг шахси, ижоди ҳақида фикр юритиб, адабий портретга хос чизикларни кўпайтиради. Масалан, “У ажойиб одамнинг номи Аҳмад Махдум, унинг адабий таҳаллуси Дониш, илмий таҳаллуси муҳандис (хандасадон)лик ва мунажжимлик (юлдузшунослик) экан. У одамнинг боши ҳаддан

¹ Айний С. Асарлар. 8 томлик. 1-том. Т., 1963 61-бет.

ортиқ катта бўлганидан, унга «Калла» деган лакаб берганлар»¹. Танқидчи бу ўринда Аҳмад Донишнинг мадрасада ой тутилиши билан боғлиқ мулоҳазаларининг талаба ва муллалар орасида турли хилда гап-сўзларга сабаб бўлиши воқеаларини қизиқарли, содда тилда ҳикоя қилиб беради. А.Дониш шахсига, ижодига қизиқиши, ҳурмати туфайли кейинчалик С.Айний «Аҳмад Махдум –Дониш (Аҳмад Калла» деган адабий портретини яратади ва бу асар Аҳмад Дониш ҳақидаги «Қисқача таржимаи ҳолим» ва «Эсдаликлар»даги мулоҳазаларнинг мантиқий давоми сифатида юзага келган., С.Айний «Танланган илмий асарлар»ига киритилган. Бундан аввал портретга чизгилар берилиб, кейин яхлит адабий портрет яра чилган деган хулосага келиш мумкин.

Тадқиқотда Аҳмад Донишнинг маънавий, руҳий ва ижодий жихатдан бир бутун қиёфаси ни яратиш асосий ўринда туради, шу боис уни адабий портрет жаъига мансуб деб ҳисоблаш мумкин. Энг муҳими шундаки, аввало, мунаққиднинг замондошига бўлган катта ҳурмати асарнинг бош фазилатини ташкил этган. Унда Аҳмад Донишнинг инсон ва шахс, ижодкор сифатидаги хусусиятларини кўрсатиш устиворлик қилади. С.Айний жанрнинг талабларини тўғри тушунган зукко мунаққид сифатида Аҳмад Донишнинг мухтасар портретини яратишга киришади ва бунга эришади. Унда таъкидлаганимиз айнан шу фазилат –олимнинг дунёсига чуқур кириб бориш руҳи сезилиб туради. «Эсдаликлар»да ҳам алоҳида қисмни Аҳмад Махдумнинг ҳовлиси тасвирига бағишлайди, шу орқали ҳам унинг инсонийлик фазилатларини очиб беради: муҳандислиги, мунофиқликни ёмон кўриши, босиқ, оғир табиатли инсон эканлигига урғу беради. Адабий портретда эса ўз даврининг донишманд олимнинг бир бутун қиёфасини ўқувчи кўз олдида яққол гавдалантиради.

Адабий портретнинг дастлабки қисмлари обзор йўсинидадир, унда Бухоро адабий муҳитнинг вакиллари: Саҳбо, Шохин ҳақида маълумот берилиб, кейин Аҳмад Донишга ўтилади. Унинг ёшлиги, илм-фанга қизиқишини замондошларининг хотиралари асосида, ўзининг асарларидан мисоллар келтирилиб илмий асосда таҳлил қилиб беради.

¹ Айний С. Асарлар. 5-том. Т., 1965. 205 –бет.

Адабий портрет ўзига хос композицион тузилишга эга: 1. Аҳмад Махдумнинг кундалик ҳаёти. 2. Аҳмад махдумнинг ҳар йили қиладиган саёҳатлари. 3. Аҳмад Дониш вафотининг хабари. 4. Аҳмад Донишнинг йирик асари «Наводир ул-вақое» билан биринчи танишувим» деб номланган қисмлардан иборат. Бу қисмлар бирлашиб, Аҳмад Донишнинг яхлит адабий портретини ҳосил қилади. Унда С. Айнийнинг диққатини «энг кўп жалб этган улуг зот»нинг улуглиги: ўз даврининг зукко билимдони, ҳалол, бировнинг ҳақиға хиёнат қилмайдиган, мунофиқликни ёмон кўрадиган, уста рассом, бинокор, муҳандис, ижодкорлик қиёфасини ўзи кўрганлари, эшитганлари ва хотиралар асосида аққол тасвирлайди.

Адабий-танкидий асарнинг халққа манзур, ўқишли бўлишини таъминлайдиган фазилатлардан бири унинг содда ва ширали тилда ёзилишидир. Бу мунаққиддан катта маҳоратни талаб қилади. С. Айнийнинг адабий- танкидий асарларида мана шу хусусият-тилга эътибор бўртиб туради. Ҳатто унинг ўзи танкидчилар олдиға шундай талаб қўяди¹. Аҳмад Донишнинг «Наводир ул- вақое» асари таҳлили С. Айнийнинг ўз фикрларига қатъий амал этишини кўрсатади. У асарнинг қомусийлик жиҳатларига эға эканлигини таъкидласа-да, кўпроқ мутафаккирнинг ижтимоий, инсонпарварлик қарашларига тўхталади. Ҳатто ўзининг «содда тилда ёзиш фикри» «Наводир ул-вақое» билан танишганида пайдо бўлганлигини очиқ эътироф этади.

Ўзбек адабиётшунослиги ва танкидчилигида адабий портрет яратишнинг турли усуллари мавжуд: ҳикоячи (танкидчи) тилидан баён этиш, суҳбатдан фойдаланиш в.х. Аммо воқеликни «мен» тилидан баён этиш жуда кам учрайди. Танкидчилар ижодкорни ўзлари таниб, у билан суҳбатда бўлган бўлсалар ҳам, бу усулни кам қўллашади. С. Айний моҳир мунаққид сифатида шу усулдан фойдаланиб, ўзи кўрган, гувоҳи бўлган воқеаларни, баъзан турли хотираларни келтириш йўли билан илмий тадқиқотнинг ўзига хос услубини таъмин эта олган. Тўғри, Айний Аҳмад Донишнинг ички дунёси, руҳияти тасвириға кўп ўрин ажратмайди. Бизнингча, бунинг сабаби унинг ўзи билан суҳбатдош бўлолмаганлиги бўлса

¹ Айний С. Танланган илмий асарлар. Т.: Фан., 1978. 338-бет.

керак, чунки танкидчи аниқликни хуш кўрганлиги бошқа тадқиқотларида ҳам кўринади.

С.Айний адабий портретининг аҳамияти бугун ҳам йўқолмаган: 1) С.Айнийнинг Аҳмад Дониш шахсига бўлган самимий ҳурмати, симпатияси аниқ кўриниб турадики, бу илмий-биографик йўсиндаги танкидий асарларнинг бош ва асосий талабларидан биридир, чунки адабиётга меҳр бўлмаган жойда, ҳақиқий асар яратиш жуда қийин; 2) Адабий портрет содда тилда, аниқ, илмий-бадий тафаккурга тўйинган ҳолда яратилган; 3) С.Айний мунаққид сифатида адабий танкидчиликнинг шакллари бийитишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўша олганини биргина шу асар орқали кўриш мумкин.

Ўзбек адабиётшунослиги ва танкидчилигида танкидий-биографик ёндашув асосида яратилган асарлар турли хил: очерк, танкидий-биографик очерк, адабий портрет, ижодий портрет, ижодий портрет эскизлари, портретга чизгилар, адабий-танкидий очерк, замондошлари хотирасида, эссе, эссе-роман номлар билан юритилади. Шуниси ҳам борки, бир ижодкор ҳақида бир неча жанрдаги асарлар яратилиши мумкин. Ўзбек адабиётшунослиги тажрибаси бунни тасдиқлайди. Масалан, шоира Зулфия ҳаёти ва ижодида бағишланган асарларнинг шакл жиҳатдан ранго-ранглиги эътиборни тортади. Зулфия ижоди ҳақидаги илк тадқиқотлардан бири А.Олимжоннинг “Шоира Зулфия” танкидий-биографик очеркида, асосан, шоиранинг ижод йўли кузатилади. Ҳолбуки, танкидий- биографик асарнинг жанр талабларидан энг асосийси унда биография-таржимаи ҳолга асосий эътибор қаратилиши лозим эди. Ғ.Мусинанинг “Зулфиянинг ижодий йўли” асари номиданок кўриниб турибдики, шоира ижоди ҳақидаги тадқиқотдан иборат. Асарнинг жанри, кўрсатилмаган бўлса-да, шоиранинг ижодий йўли кузатилганлигидан келиб чиқиб, уни илмий тадқиқот дейиш мумкин.

М.Султонованинг “Шоира Зулфия” асарини қўйилган вазифалари, ифода тарзи, ҳажми, материални қамраб олишидан келиб чиқиб, портретга чизгилар деб номлаш мумкин. Яна олиманинг “Ижод саҳифалари” асари “Зулфия ижоди ва ҳаёти ҳақида” деган ёнлавлар билан берилган, юқорида кўрсатилган асарни тўлдириш, шоира ижодининг кам ўрганилган томонларига назар ташланганлиги жиҳатидан ўзига хос бўлиб, композицион

қурилиши ҳам шоира ҳақидаги бошқа шундай асарлардан фарқ қилиб туради. Муқаддимадан кейин Зулфиянинг ижодига устозлари, қаламкаш дўстларининг муносабати масаласи ёритилади. Зулфиянинг адабиётга қарашлари, ижодкор бурчи, устозлари ва шогирдлари ҳақида фикр юритганда хотиралар, хатлардан фойдаланилади. Шоира асарларининг яратилиш тарихига назар солинади. Зулфия ижодида бахт муаммосининг талқинларига тўхталиб, жонли хотиралар, учрашувлардан, шоиранинг ўз икромларидан фойдаланиш, бунинг устига оз бўлса-да, инсоний қиёфасини очиб беришга интилиш уни адабий портрет жанрига яқинлаштиради. Бу асар олиманинг олдинги асарига нисбатан мукамаллиги, композицион қурилишининг яхлитлиги билан ажралиб турса-да, ундан шоира ижодининг асосий босқичлари ҳақида тўлиқ маълумот олиш қийин, шунинг учун уни мукамал адабий портрет дейиш мушкул. Олиманинг “Зулфия” асари шоира ижодининг шу пайтгача кам ёритилган саҳифаларини очишга бағишланган. Олима шоира ижодий лабораториясига чуқурроқ кириб, асарларининг қўлёзмаларини, вариантларини қиёслаб ўрганади. Асар қурилишидаги ўзига хосликни шоиранинг ўзи билан ўтказилган жонли суҳбатлар белгиллаган. Шундай бўлса-да, асарда шоиранинг биографияси ҳақида маълумот камлиги боис уни илмий рисола дейиш мумкин. М.Султонованинг тилга олганимиз уч асарида фақат “Ижод саҳифалари” адабий портретга яқинроқ.

Зулфия ижодига бағишланган, адабий портрет даъвоси билан чиққан асарлардан яна бири адабиётшунос Л. Қаюмовнинг “Зулфия” асари бўлиб, у биринчи марта 1965 йилда “Шоира Зулфия” номи билан нашр этилган, кейингиси эса унинг тўлдирилган нашри. Айтиш мумкинки, биринчиси портретга чизгилар бўлса, иккинчиси адабий портрет. Аммо унда кўпроқ шоиранинг ижоди ҳақидаги талқинлар етакчилик қилади, бинобарин, уни ижодий портрет тарзида қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

А.Ақбаровнинг “Қалб куйчиси” деб номланган, жанри кўрсатилмаган асарида ҳам асосан шоиранинг ижоди ҳақида фикр юритилади. Шу олимнинг рус тилида нашр этилган “Зулфия” адабий портрети жанрининг барча хусусиятларини ўзида тўлиқ жамлаганлиги жиҳатидан ажралиб туради. Биринчидан, юкорида

тилга олиб ўтган асарларнинг бирортасида ҳам Зулфия таржимаи холи, оила муҳити, ота-онаси, акалари ҳақида батафсил маълумот учрамайди. Бу портретда эса шоиранинг мактабда ўқиган даври, адабиёт ўқитувчисининг таъсири каби далиллар етарли даражада ёритилади, жонли хотиралардан фойдаланиш адабий портретда далилларнинг ишончли чиқишини мустаҳкамлаган. Шоиранинг Себзордаги педагогика техникумида ўқигани, Ҳ.Олимжон билан учрашувлари ўзининг хотиралари орқали мунаққид томонидан жонлантирилади. Ёки Зулфиянинг Ҳ.Олимжон, А.Қаҳҳор билан биргаликда Ригага борганликлари, сафар таассуротлари ҳам, Зулфия ҳақидаги лавҳа ҳам бошқа асарларда учрамайди. Ҳ.Олимжон билан Зулфия ораларидаги муҳаббат ҳақида Қ.Кулиевнинг хотиралари, Омон туғилган кунда Ҳ.Олимжоннинг ўғлига айтган гаплари, унинг ўлиmidан кейинги Зулфиянинг ҳолати шунчалик аниқ ва ёрқин тасвирланганки, уларни ўқиган китобхон кўз олдида ҳаётдан эрта кетган Ҳ.Олимжоннинг ва садоқат куйчисига айланган шоира Зулфиянинг қиёфаси яққол ва яхлит ҳолда намоён бўла олади.

Адабий портретдаги француз аёли Анн Филиппнинг эрига бағишлаб ёзган китоби тасвирланган саҳифалар таъсирчанлиги, образлилиги билан эътиборни тортади. Шоира шеърларининг ёзилиш тарихи ҳақидаги лавҳалар ҳам мунаққид қаламининг кучини кўрсата олади. Масалан, “Дугонамга” шеърининг ёзилиши ҳақида афсонанинг келтирилиши, шоирага келган хатлардан парчалар, унинг шеърятти ҳақидаги илмий-танқидий мулоҳазалар билан бирлашиб, жанрнинг ўзига хос белгиларини намоён эта олган. Энг муҳими, адабий портретда аниқ, реал инсон, ижодкор, қалби нурга тўлиқ ўзбек аёли–Зулфиянинг бадий образи тўлиқ ва мукамал тасвирланган.

Фаранг файласуфи Сент-Бьёв ўзининг «Адабий портретлар», «Душанба кунларидаги суҳбатлар», «Пор-Рояль» номли асарларида ёзувчининг нафақат ички дунёси, балки ҳатто уй-жой шароитига ҳам чуқурроқ киришга интилади. Унинг фикрича, ёзувчининг кундалик ҳаёти ва одатларига биринчи даражали аҳамият бериш лозим. Чунки ҳар қандай ёзувчи, бошқа оддий инсонлар каби, реал мавжудот бўлиб, унинг ижодида уни ўраб турган одамлар, уларнинг ҳаёти муҳим аҳамият касб этади. Маиший шароит, тасодифий учрашувлар, ўзгарувчи кайфиятлар,

ниҳоят ёзувчи руҳининг хусусиятлари Сент-Бьёвнинг психологик-биографик портретларида у ёки бу ёзувчи ижодидаги адабий-бадий асарларнинг ғоявий-бадий ўзига хосликларини ташкил этувчи омиллар сифатида таҳлил этилади. Масалан, унинг “Дидро” адабий портретида файласуфнинг қиёфаси тўлиқ ва яхлит чизилади. Унинг ижоди, шахсий ҳаёти, хотинига муносабати, болалари, дугоналари ва ҳ.к.гача батафсил тасвирланади. Бу хусусият Дидронинг ўқувчи кўз олдидаги тасаввурини хиралаштирмайди, балки ёзувчининг шахсини чуқур билиш, ўрганишга имкон беради. Шу боис ўзбек адабий портретларида ҳам бундай хусусиятнинг бўлиши фақат самара келтиради, холос. Масалан, Ғ.Ғулом ҳақида адабий портрет ёзганда унинг хотини Мухаррам аяга илиқ муносабатини, эҳтиромини ўқиган ўқувчи кўз олдида Ғ.Ғулом буюк шоир, файласуф сифатида намоён бўлишдан ташқари қалби меҳрга тўлиқ инсонлиги, ички қиёфаси ёрқинроқ очилади ва китобхоннинг янада кўпроқ ҳурматиға кўпроқ сазовор бўлади. Шоирнинг Мухаррам аяга меҳрибонлиги, қайси шаҳарға бормасин, унга деб бир саватда мева-шафтолими, анорми-эринмай кўтариб келиши каби деталлар ҳақида шоирнинг замондошлари хотираларида ёзганлар¹. Адабий портретларда ҳам мана шундай “майда-чуйдалар”нинг акс эттирилиши шоирнинг инсоний қиёфаси чизиқларини батафсил тасвирлаш унга бутунлик бахш этади.

Ёки Ойбек билан Зарифахоним ўртасидаги буюк муҳаббат, ўзаро ҳурмат ҳақидаги лавҳаларни 90-йиллардагина ўқиш бахтиға муяссар бўлди (“Ойбегим менинг”, “Ойбек ва Зарифа” асарлари мисолида). Бу асарларни ўқиган китобхон кўзи олдида Ойбек янада юксаликка кўтарилгандай бўлади. Шунинг учун ёзувчи ижодини унинг шахсидан ажратиб ўрганишға қаратилган йўналишлар ҳеч қачон ўзини оқламаган. Шу билан бирға баъзан шундай ҳолатлар ҳам бўладики, ёзувчининг ижоди эмас, фақат шахси муҳим деб қаралади. ”Ёзувчининг силуетлари” туркумида яратилган ўша даврдаги мақолалардан бирида Мопассан замондош ёзувчиларнинг портретларини олишда ўзининг ниятларини шундай тушунтиради: “Ҳозир репортажлар урфда ва,

¹ Саид Аҳмад. Назм чоррахасида. Т., 1975.

энг аввало, санъаткорнинг шахсияти билан танишишдан олдин одамлар унинг қоматининг ўлчами, юзининг чизиклари қандай, одатлари, майллари қандайлигини билишни истайдилар ва унинг ижодидан кўра биографияси билан кўпроқ кизикадилар: мана шунинг учун мен бир қанча ёзувчиларнинг портретларини нари-бери чизишга уриндим ва уларнинг китобининг мазмуни ва усули ҳақида фақат йўл-йўлакай эслатиб ўтаман”. Аммо бу йўл ўзини оқламаганлигини Мопассаннинг кейинги ижоди яққол кўрсатди. Биринчи даражадаги санъаткор ва ажойиб инсон портретини яратган Мопассан Флобер ҳақидаги очеркида ўзининг ниятларини, айниқса, муваффақият билан мужассамлаштирди. У ўқувчи - публиканинг ва ўша давр танқидчиларининг кўзини очиб, Флобер - инсоннинг ҳақиқий киёфасини кўрсатди ва уларни ўша Флобер - ёзувчига яқинлаштирди. Эсдаликларнинг бир неча саҳифаларида бу улуғ санъаткорда “унинг бошланишидан то бизнинг давримизгача бутун дунё яшади” деб бизни ишонтиришни уddалади, чунки “бу инсон ҳамма нарсани кўрди, ҳаммасини тушунди, ҳаммасини олдиндан хис этди, ҳаммасининг азобларини бошдан кечирди...”¹.

Мопассан Флобернинг образини кичик баёнчилик шаклида – адабий портретда мужассамлаштиришга муяссар бўлди, бунда бадний бутун турли-туман таассуротларни умумлаштиришни билганини ҳам таъкидлаб ўтиш керак, бошқача айтганда, ўзининг тушуниши билан ёзувчининг шахсияти ва ижодини синтезлашгача кўтарди.

Ўзбек танқидчилигида яратилган адабий портретларда бундай фазилатлар тўла бўлмаса-да, баъзан учраб туради, буни бир ёзувчи ва бир олимга бағишланган портрет асосида кўриб чиқиш мумкин. М. Алиевнинг “Туроб Тўла” адабий портрети образлиги, шоир портретини тўлиқ чизишга интилиши жихатидан ўзгача. Адабий портретнинг ички сарлавҳалари ҳам шоирона: “Шоир бўлиб туғилмас одам” –шоирнинг ўз иқроллари асосидаги болалик оламидан адабиётга кириб келиши; “Дилрабо кўшиқлар” да шоирнинг куйга солиб айтиладиган машҳур кўшиқлари таҳлили; “Назмнамо насрлар ҳақида” да Туроб Тўла фаолиятининг бошқа қирраси–танқидчилиги ҳақида сўз боради.

¹ Мопассан Ги де. Полн.соб.соч. В 12 т. Т.11. М., 1958. С.133-384.

Асарда мунаққиднинг шоирнинг ўзига, шахсиятига, асарларига самимий муносабати сезилиб туради. Адабий портретни ўқишли қилган унсурлардан бири – мунаққиднинг образли фикр юритиши, бунинг учун кўпинча инверсиядан фойдаланишидир: “Туроб Тўла мунаққид ҳам. Унинг публицистик тақриз ва таҳлилий ишлари ҳам кам эмас. Шоир шоирона ёндашади бу соҳаларга ҳам. “Нафосат” деб атади назмнамо насрлар тўпламини у”¹. Кўринадики, адабий портретнинг объекти бўлган шоир каби субъект- танқидчининг ҳам қиёфаси очилаёпти – у шоир ижодига шоирона ёндашади. Асарда лирик-публицистик йўналиш кучли, у эҳтирос билан ёзилган. Шоирнинг жонли қиёфасини яратиш учун хотиралардан фойдаланилган. Аммо шу билан бирга адабий портретда бир қанча нуксонлар ҳам учрайди: 1.Туроб Тўланинг “талантли шоир, ажойиб драматург, эҳтиросли мунаққид ва таржимон бўлиш билан бир қаторда олижаноб инсон”лиги таъкидланса-да, хотираларда, шоирнинг фаолиятида кўрсатилса-да, бу хусусият чуқур очиб берилмаган. 2. Мунаққид шоир ижоди ҳақида, асосан, обзор йўсинида фикр юритади, буни ўзи ҳам таъкидлайди: “Афсуски, биз бу санъат арбобининг асарларини атрофлича, чуқур синчиклаб таҳлил қилишга муяссар бўлолмадик. Чунки адабий портрет олдига қўйилган талаб ва бундан кўзда тутилган мақсад чуқур текширишни тақозо этмасди”. 3.(Бу эҳтимол жанр назариясини чуқур билмасликдан келиб чиққан.Ш.А.) Шоир ижодига жуда юқори пафос билан ёндошилган, унинг асарларидаги кусурлар, хатолар кўрсатилмаган. Адабий портретда яратилган даври (60- 70-йиллар)даги мадҳиябозликнинг таъсири сезилиб туради. Шоир ижодига холис, объектив баҳо бериш тамойили яққол кўринмайди. Мана шу кусурлар уни ҳақиқий санъат асари - адабий портрет намунаси дейишга монелик қилади.

Б.Имомовнинг танқидчи ва адабиётшунос Ҳ.Ёкубовга бағишланган адабий портрети 70- йилларда яратилган адабий портретлар ичида ифода воситаларининг турли-туманлиги , ўзига хос қурилиши: мунаққиднинг ўзи билан жонли суҳбат, танқидчини ўзгалар нигоҳи билан тавсифлаб унинг яхлит образини чизишга интилиши бидан ажралиб туради. Унда, энг

¹ Алиев М. Туроб Тўла. Адабий портрет. Т.: Ф.Фулом номидаги АСН, 1969. 84-бет.

аввало, муаллифнинг олим, устоз Х.Ёкубов шахсига, ижодига хайрихоҳлиги яққол сезилиб турадики, бу хусусият адабий портретнинг тўлақонли чиқишини таъминловчи омиллардан бирidir.

Адабий портрет жонли хотиралар билан тўла. Олимнинг илмга муносабатига дўстлари нигоҳидан туриб баҳо бериш, ўзининг иқдорлари, жонли суҳбатлар самимийлик, тилининг соддалиги – булар ҳаммаси бирлашиб асарнинг жозибали ва тўлиқлигини таъминлаган. Олимнинг инсоний фазилатлари: камгап, сермулоҳаза, камтарлигига ҳам эътибор қаратилган.

Б.Назаровнинг Х.Ёкубовга бағишланган “Олимнинг маданияти” адабий портрети ҳам самимий ва кизиқарли услубда ёзилганлигидан ташқари мунаққид ижодининг таҳлили шахсияти билан боғлаб текширилганлиги жиҳатидан китобхон диққатини жалб эта олади. Олим Х.Ёкубов ижодига хос босиқлик, изчил мантиққа суяниш, принципааллик, чуқур самимиятнинг сирини унинг шахсиятидан излайди. Х. Ёкубовни инсон ва олим сифатидаги қиёфасини ҳикоянависнинг содда, раво услубига ўхшатиб баён этади. Натижада ўқувчи кўз олдида ўзбек адабиётшунослигининг қарвонбошиларида бирининг ёрқин ва сидқидилдан қизилган бадиий образи яратилади. Умуман, иккала асарда ҳам танқидчининг бир бутун тўлиқ қиёфасини яратишга ҳаракат қилинганки, шу жиҳатдан улар адабий портрет жанри талабларига жавоб бера олади.

Ёзувчиларнинг адабий портретлари билан танқидчилар яратган адабий портретлар ўртасидаги муштараклик ва фарқлар муаммосини ўрганиш ҳам долзарб вазифалардандир.

Адабий портрет санъати – мураккаб (синтетик) умумлаштириш санъатидир ва бунинг учун биринчи навбатда унинг ижтимоий- эстетик қиммати, аҳамиятига эътибор бериш лозим. Гёте қайд этишича: “...ҳар қандай санъат бутун инсонни талаб этади”¹. Бу фикр биринчи унсури инсон бўлган, рассом, ёзувчи, ҳайкалтарош томонидан бутунлай ягона сифатида англаган ва тушунилган адабий портретга ҳам тўла даражада тааллуқлидир. Портретнавис учун энг муҳими, тавсифланаётган одамнинг турли томонларига тегишли қушатишлар, қизиқлар, аниқ

¹ Гёте В. Статьи и мысли об искусстве. М., -Л., 1936.С. 54.

топилган унсурларни реал одамнинг портретини бадий бутунликда йиғишдир. Бир-бирига яқин жанрларни қайд этиб, А.Моруа ижодининг тадқиқотчиси Ф.Наркирьер ёзади: “У адабий портретни биография каби шундай ёрқинлик билан ёзади. Айниқса, бу жанрлар ғоят яқин. Бошқа таржимаи ҳол (айтиш мумкин, Вольтерники) кенгайган адабий портрет каби ўзини танитади, Моруанинг Тургенев ёки Пруст ҳақидаги китоби эса танқидий тадқиқот гуруҳига яқинлашади”¹. Демак, адабий портретни яратувчи инсон шахсиятини у ҳақда ҳаммасини тўлиқ – бунга унинг таржимаи ҳоли, асарлари, замондошларининг муносабати ва ҳ.к.лар киради – жамиси сифатида тушуниб етганда; адабий портрет фақат шундай ҳолатда умумлаштириш намунаси бўла олиши аниқ. Ва бу монографик очерк ёки хотиралар, эссе, адабий-танқидий шаклдаги адабий портрет ҳақида сўз борадими, бундан катъи назар, ҳақиқий бўлиб қолади ва ишнинг моҳиятини ўзгартира олмайди.

Ў.Ўтаев “сўнгги йилларда ўзбек танқидчилари ижодида яхши бир фазилат – бирон бир ижодкор ижодини унинг шахсияти билан боғлаб текшириш, нурли хотираларга кенг ўрин бериш ҳоллари кўзга ташланмоқда. Бу усул кўпроқ В.Зоҳидов, Ҳ.Ёкубов, И.Султон, М.Қўшжонов, Т.Жалолов, М.Юнусов каби танқидчиларимиз ижодида муваффақиятли қўлланилмоқда. Чунки бу олимларнинг аксарияти Ғ.Ғулом, Ойбек, Шайхзода, Миртемир каби адибларимиз билан баробар ижод йўлини бошлашган, уларнинг ҳаёт ва ижодий камолотининг тирик гувоҳларидир”, – дея ёзади. Тўғри, танқидчи кўрсатган фазилатлар баъзи бир портретларда учраса-да, кўпчилигида бундай хусусият кўринмайди. Ижодкорни шахсияти билан ижодини боғлаб текшириш орқали чуқур умумлашмалар чиқариш ўрнига далилларни қалаштириб келтириш ёки фақат ижодигагина эътибор қаратиш ўзбек танқидчилигида портретнависликка хос умумий камчиликлардан бири бўлиб келди.

“Биз ижодкор асарларини ўрганар эканмиз, – деб ёзади танқидчи Б.Назаров – “Олим маданияти” портретининг муқаддимасида, кўпинча ундаги ғоявий, бадий, илмий савияни таҳлил қилиш ва шулардангина келиб чиқиб унинг муаллифи

¹ Наркирьер Ф. Андре Моруа. М., 1974. С.200.

иктидорини баҳолашга ўрганиб қолганмиз. Бироқ, асарнинг вужудга келишида ижодкор шахсияти ва маънавиятининг тутган ўрни, ижодий муҳитдаги одоби ва ахлоқи, касбдошлари билан мулоқот ва мусохабалари тўғрисида ҳам ўйлаб кўрганмизми? Салоҳиятнинг тамал тоши қўйилувчи ёшлик йиллари ва фикрлаш маданияти ҳақида мушоҳада юритганмизми?”.

Адабий портрет яратувчилар айнан ана шу муаммоларни кўпинча очик қолдириб кетадилар. Ва шу туфайли бу адабий портретлар кемтик, мазкур шахснинг тўлиқ ва яхлит киёфасини оча олмаганича қолиб кетади. Чунончи, У Норматовнинг “Саид Аҳмад” адабий портретида ёзувчининг ижоди таҳлил этилади-ю, унинг инсоний киёфаси, бошидан кечган оғир кунлар ҳақида ҳеч нарса дейилмайди. Л.Қаюмовнинг “Саид Аҳмад” портрет-мақоласида ҳам ёзувчи ҳақида маълумот берилади. 1948 йилда яратган асаридан кейин, дарҳол 60- йилларга ўтилади: “1960 йиллар Саид Аҳмад ижодининг камолот даври, ширага тўлган пайти бўлди...”. Бу сатрларни ўқиган китобхон ёзувчи ижоди силлиқ, бир текисда борганлигига шубҳа қилмайди. Бироқ 50- йилларда адибнинг ноҳақ қамалиши, бир неча йил “халқ душмани” сифатида қамок азобларини бошидан кечириши ва унинг ижодига таъсири ҳақида бирорта асарда ҳам фикр юритилмайди. Бу эса адабий портретларнинг ҳам, мақолаларнинг ҳам бир хил андоза, қолипларга бўйсундирилган даврда ёзилганлигидан далолат беради. Ўқувчилар Саид Аҳмад ижодининг мана шу томонлари билан ёзувчининг “Йўқотганларим ва топганларим” китоби орқали фақат мустақиллик йилларидагина танишиш бахтига муяссар бўлдилар.

Адабий портретнависликдаги киёсий-типологик кирралар. Ўзбек танкидчилигида И.Султон, М.Қўшонов, О.Шарафиддинов, С.Мамажонов, Н.Каримов, У.Норматов, И.Ғафуров сингари мунаққидлар адабий портрет усталари сифатида машҳур. Уларнинг адабий портретлари теран тафаккур соҳиби эканликларини намойиш этади. М.Қўшонов адабий портретларида бошқа жанрдаги асарлари каби бадиий маҳорат масаласига кўпроқ эътибор қаратилганлиги билан ажралиб туради. У адабиётнинг муҳим назарий масалаларини аниқ ёзувчининг айрим асаридаги бадиий маҳоратини текшириш нуктаи назаридан талкин этади.

Шарқ ва Ғарб адабиётларини қиёсан ўрганиш адабиётимизда анъана тусига кириб қолган бўлса-да, адабиётшунослигимиз ва танқидчилигимизда бу усул эндигина фаоллашмоқда. Шу жиҳатдан француз портретнависи А.Моруа ижодини ўзбек мунаққидлари ижоди билан қиёслаш айрича натижаларни берди. XX асрнинг 70-йилларидаги ўзбек адабий танқидчилигини М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов ижодларисиз тасаввур қилиб бўлмагандек, француз адабиёти ва танқидчилигига ҳам Андреа Моруа асарларисиз ҳолисона баҳо бериш мушкул. А.Моруа кўпгина чет эл ижодкорлари каби ўз асарларидаги ғояни ёки ечимни «қоғозга» ўралган ҳолда китобхон эътиборига ҳавола этади. «Сир»ни очиш эса китобхондан тегаран тафаккур ва кўп изланишлар талаб қилади. А.Моруанинг адабий портретларидаги ёзувчи ижодига берилган баҳо, асар таҳлили ўқувчи фикрининг ўсишига, «сир»ларнинг моҳиятини тезроқ очишга ёрдам беради. Унинг «Адабий портретлар» китобида жаҳондаги машҳур ижодкорлардан кўпчилигининг адабий портретлари яратилган.

А.Моруа ўқувчининг асарга бўлган қизиқишини ошириш йўлидан боради. Моруа адабий портретларида ёзувчи ҳақидаги маълумотларни у яшаган давр инсонлари тилидан олиб ёзишга, хотиралардан фойдаланишга интилади. Бу асарнинг табиийлигини таъминлайди. Мунаққид «Энг буюк» деб номланган Л.Толстой фаолиятини ёритувчи адабий портретида асосий диққатини нима учун ёзувчини «энг буюк» деб атаганига қаратади. Шекспир, Бальзак, Гомерларнинг буюклигига тан беради. Аммо Толстой булар орасида энг буюги эканлигини қайта-қайта турли далиллар билан исботлашга ҳаракат қилади.

Моруанинг маҳорати шундаки, адабий портретларда у ёзувчиларнинг ўзлари яратган қаҳрамонларидан ўзларига «қарши» фойдаланади. Толстойнинг «Анна Каренина», «Уруш ва тинчлик» романлари қаҳрамонлари ўз ярагувчиларини қайта кашф этадилар. Моруа асар қаҳрамонларида Толстойнинг характер хусусиятлари акс этганлигини изоҳлайди. Энг муҳими шундаки, Толстой ўзининг қаҳрамонлари сингари рус эртакларидан донишмандликни ўрганади, худди «Анна Каренина»даги Фёдор

каби¹.

Мунаққид ҳатто адабий портретда Бальзак қаҳрамонларининг хусусиятларигача тилга олади. Ва Толстой қаҳрамонларининг ўхшаш ва фарқли томонлари билан солиштирилади. Охир-оқибат Толстой романларининг эскирмаслиги, «Анна Каренина», «Уруш ва тинчлик» ҳеч қачон унутилмаслиги исботланади. Чунки Толстой бошқа ёзувчиларнинг асарларини ўқиб ўрганмаса ҳам уларнинг усулларини ўз асарларида қўллаган. Шундан ҳам Толстойнинг нодир истеъдод эгаси эканлигини сезиш мумкин. У доимо инсонлар орасидаги реал воқеликни аниқ, равшан ёритади. Ҳеч қандай сиёсат ва жамият сарқитига эътибор бермаган ҳолда ёзилган асар, албатта, эскирмайди. Моруа Лев Толстой ижодидаги ана шу хусусиятни ёритаркан, унинг характерини, уй-жой шароитини, оиласи ҳақидаги маълумотларни ҳам узукка кўз кўйгандек ярашиқли тарзда чизади. Моруадаги ана шу фазилат ўзбек танқидчилигидаги портретнависликда у қадар кўзга ташланмайди. Ўзбек мунаққидлари шўро тузуми таъсирида ижодкорнинг шахсига эмас, кўпроқ ижодига баҳо беришга интилганларки, бу кемтикликка энди- энди барҳам берилмоқда.

Тўғри, ўзбек танқидчилари ҳам портретлар яратишда ҳар бири ўзгача олам кашф этди, улар ижодида ҳам камалакдек ранг-баранг товланиш кўзга ташланади. Бироқ кўп ҳолларда такрор услуб қўлланилади. “Уларнинг деярли кўпчилигига шакл жиҳатдан бир хил қолип хос эканлигини айтиш керак. Гўё адабий портрет жанрининг тахминан, ўнлаб-йигирмалаб ўзгармас очик катакчалари бўладики, шуларни танқидчи ҳар бир ёзувчининг ижодидан намуналар ва шу намуналар ҳақидаги шарҳлар, фикрлар билан тўлдириб қўйса бас-вазифа бажарилган бўлади” (Б.Назаров). Ёзувчининг яратган асарларидан мақсад нима эканлигига бир оз тўхталинади-ю, асарнинг яратилишига сабаб бўлган воқеа ёхуд ходиса мавжудлигига эътибор берилмайди. Аслида ёзувчининг маиший ҳаёти ва кундалик одатларига биринчи даражали аҳамият бериш лозим. Чунки ҳар қандай ёзувчи, бошқа оддий инсонлар каби, реал мавжудот бўлиб, ижодида уни ўраб турган одамлар, уларнинг ҳаёти ҳам муҳим

¹ Моруа А. Литературные портреты. Собр.соч. в шести томах. Т.6. М.: Пресса, 1992. С.

аҳамият касб этади. Маиший шароит, тасодифий учрашувлар, ўзгарувчи кайфиятлар, ниҳоят ёзувчи руҳининг хусусиятлари портретларда у ёки бу ёзувчи ижодидаги адабий-бадний асарларнинг ғоявий-бадний ўзига хосликларини ташкил этувчи омиллар сифатида таҳлил этилади.

Шу жihatдан Андре Моруа яратган портретлардан кўп жihatларни ўрганиш мумкин. А Моруа оддий бир сўз ёки гап таъсирида ёзилган асар доирасида фикр юритиб, шундан ижодкор ҳақида тўлиқ маълумот берувчи адабий портретлар ёзади. Қизиғи шундаки, ижодкор вақтини аямай, шу оддий детални излайди ва мақсадга эришади. Унинг Стендалга бағишланган адабий портретида «Қизил ва қора» романининг ёзилиш сабаблари, адибнинг ички дунёси, туйғулари, асарни ёзишга туртки бўлган воқеа, ёзувчининг оиласидаги шароитини ҳам бирма-бир очиб берадики, бундан китобхон Стендаль ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлади. «Қизил ва қора» асарини ёзишга ундаган ҳодиса нима эди? Портрет тўғридан-тўғри асарнинг яратилишига сабаб бўлган воқеа билан бошланади. Бу ўринда матндаги нарратив (хабар коди) код асосий ролни ўйнайди. Мана шу икки далил орқали ёзувчи тафаккурининг шаклланиши, эхтирослари китобхонга ижодкорнинг ҳаёт йўлидан, ўй-кечинмаларидан сабоқ беради.

Китобхон Моруанинг услубига хос ёрқин фазилат - портретларини ўқиганда борган сари кизиқувчанлиги ортиб бораётганлигини ҳис қилиб туради. Энг муҳими шундаки, Моруа ўз портретларининг бадний салоҳиятини ошириш учун ёзувчи билан боғлиқ энг кичик нуқтадаги воқеа-ҳодиса, ички кечинмадан ҳам кўз юмиб ўтолмайди. Бундай услуб адабий портрет жанрининг ўзига хос хусусиятларидан саналади.

Академик М.Қўшжонов ижодида, айниқса, адабий портрет жанри етакчи ўринлардан бирини эгалласа-да, унинг портретнавислиги чуқур ўрганилмаган. Аслини олганда ўзбек адабиётшунослигида М.Қўшжонов ижоди ҳақида яратилган тадқиқотлар етарли даражада эмас. Ў.Ўтаевнинг “Адабиётимиз жонкуяри” ижодий портрети ва бошқа айрим адабий очерк, баъзи мақолаларни истисно қилганда ўзбек танқидчилигига Белинский услубини олиб кирган, бадний асар таҳлили ва тадқиқида ўзига хос мактаб яратган йирик олим ҳақидаги илмий кузатишлар ҳали

оз эканлиги аёнлашади. Шу боис олимнинг илмий-танқидий мероси маҳорат, шакл ва мазмун, услуб ва тил жиҳатидан йирик тадқиқотларга манба бўлиши мумкин. Чунки М.Қўшжонов ижодида бу жанрнинг етук намуналари яратилганки, уларни илмий-назарий нуктаи назардан ўрганиш адабий портретни ҳар томонлама тадқиқ этишда қўл келади.

Мунаққиднинг адабий портретлари бадий ва илмий жиҳатдан ўзига хослик касб этган. У ҳар бир асар таҳлилида санъат мезонларига суянади ва адабий асардан теран ҳаётий мазмун билан бирга юксак бадийликни ҳам талаб қилади. Тўғри, истеъдод ўзининг яратувчилик, кашф этувчилик қудратини бирданига кўрсата қолмайди. Ҳатто Белинский билан Добролюбов сингари машҳур танқидчилар ижоди ҳам бир текис ривожланиб, нуқул юксакликларга қўтарилиб борган, дея олмаймиз. Улар ўз истеъдодларининг бошланғич даврида баъзан кучли, баркамол, баъзан ҳатто бир оз заиф мақолалар, тақризлар, кичик адабий портретлар ёзганлар. Фақат камолот босқичига қўтарилгандагина адабий-танқидий кашфиётлар яратганлар. М. Қўшжонов ижоди ҳам камчиликлардан холи эмас. Мунаққиднинг адабий портретларида гоҳида нимадир етишмай қолганини ёки ошиб кетаётганини сезиш мумкин. Баъзан танқидчи айрим мураккаб зиддиятли ҳодисаларнинг ичига кириш ўрнига уларни тавсифлаш билан чекланади. М.Қўшжоновнинг «Машҳур ҳикоянавис» деб номланиб Абдулла Қаҳҳорнинг ижодий мероси таҳлил этилган адабий портретини ўқир эканмиз, мазмунан баркамол, етук асарлар, ҳатто қисса ва романлари таҳлилида ҳам баёнчилик белгилари, шарҳлаш аломатлари кўринади.

Ёки шўро йилларида яратилган адабий портретларда фақат ёзувчининг ижодига хос жиҳатларга қўпроқ эътибор бериш, унинг инсоний фазилатлари, ҳаётидаги драматизм, оиласи, атрофидагилар билан муносабати каби масалаларга эътибор бермаслик каби камчиликлар адабий портретларнинг асосий нуқсонларидан бирига айланганлиги сир эмас. Ҳолбуки, олим Сент-Бёёвнинг фикрича, ёзувчининг кундалик ҳаёти ва одатларига ҳам аҳамият бериш лозим. Чунки ҳар қандай ёзувчи, бошқа оддий инсонлар каби, реал мавжудот бўлиб, унинг ижодида уни ўраб турган одамлар, уларнинг ҳаёти муҳим аҳамият касб этади. Адабий портретлардаги бу фазилат ёзувчи билан ўқувчини

бир-бирига яқинлаштиради. Аммо бу хусусият фақат М.Қўшжонов ижодида эмас, балки бутун ўзбек адабий портретнавислигида умумий етишмовчилик эдики, буни ўша давр билан боғлиқ жиҳат деб караш тўғрироқдир.

М.Қўшжоновнинг Абдулла Қаҳҳор, Абдулла Қодирий, Ойбек ижодида оид портретларини кўздан кечирар эканмиз, унинг бошқа жанрдаги тадқиқотларида ҳам етакчи бўлган - образларни адабиётшунослик йўли билан қайтадан яратиш усулига дуч келамиз. Танқидчи «Ўткан кунлар», «Қутлуғ кон», «Навоий» «Сароб» асарларидаги характерларни худди шу йўсинда, асар қаҳрамонларини бўлакларга бўлиб, таҳлил қилиб, гўё адабиётшунослик йўли билан қайтадан яратади.

“Нафосат шайдоси” адабий портрети Ойбекнинг бир бутун киёфасини яратиш йўлидаги изланишлардан биридир. Ойбек ҳақида жуда “кўп ва хўп” ёзилди, унинг ҳаёти ва ижодида бағишлаб илмий тадқиқотлар, монографиялар, илмий-биографик очерклар, йирик-йирик асарлар яратилди. М.Қўшжонов асарининг улардан фарқли жиҳати шундаки, у Ойбек ҳаёти ва ижоди ҳақида умумлаштирувчи характердаги адабий портретни яратди. Аммо бунда ҳам кўпроқ ёзувчининг ижодий киёфаси ёрқин намоён бўладики, унинг шахсий ҳаёти, севгиси, орзу-армонлари, фарзандлари ва дўсту душманлари ҳақидаги асарлар яратилишига хали анча вақт бор эди.

Олим ёзувчилар ижодининг ўзига хос томонини, асарларининг бадииятини очиб берувчи мухтасар ижодий портретлар яратди. Жумладан, у И.Султон, К.Яшин, Ш.Рашидов, Қудрат Ҳикмат, О.Ёқубов, П.Қодиоров, А.Орипов, Ш.Холмирзаев, О.Мухторовларнинг портретларини яратар экан, ҳар бир ижодкорнинг кўпчиликка номаълум маҳорат сирларини кашф этди. Шунинг учун мунаққид қаламига мансуб деярли барча портретларда таҳлил этилаётган ёзувчи ижодида хос бўлса-да, аммо кўпчилик китобхонларга номаълум қирраларнинг янгича нуқтаи назардан кузатилиши, янгича фикр асосида талқин қилиш фазилатини кўриш мумкин. М.Қўшжонов аввало ёзувчи ижодининг етакчи жиҳатларини аниқлаб, ҳар бир асарнинг адабиётнинг қамолини юксалтиришдаги ўрнини самимий, ҳолисона баҳолашга интилади. Олимнинг Ш.Рашидов, Ҳ.Ғулом, О.Ёқубов, И.Султон, А.Орипов ҳақидаги портретлари шу боис

барчага манзур бўлди.

«Хаёт ва Ватан мадҳи» адабий портретида А.Орипов ижодий индивидуаллигига хос, шу вақтгача адабиётшуносликда кам илганган катор янги фазилатларни топди. М.Қўшжоновики эстетик шиорларидан бири танқиднинг ҳамиша далилларга таянишидир. У адабий портрет яратишда ҳам шунга риоя қилади, ҳар бир ижодкорнинг ҳаёти ва ижодига оид далилларни курук қайд этишдан қўра уни образли ифодалашга, фикрни илмий, мантиқ тили билан эмас, балки жонли хотиралар орқали содда ва равон услубда ёзишга муваффақ бўлган.

Танқидчининг ҳар бир портрети ўқувчи диққатини тезда ўзига жалб этадиган даражада қизиқарли усулда бошланади. Адабий портретнинг биринчи жумласиданоқ ўқувчи эътиборини сирли тугунга ҳавола этади. Натижада у танқидчининг биринчи жумласидаги сирли тезис (код)га эргашиб, адабий портретни ўқиб қўйганини сезмай қолади. Масалан, Ҳ. Олимжон ҳақидаги портретда шоирнинг ўз сўзлари сарлавҳага олиб чиқилган: «Мен ўзбек халқи номидан сўзлайман!», Қудрат Ҳикмат ҳақидаги адабий портрет ҳам «Эшитинг, шеър ўқийман» деган шоирнинг гапи билан бошланади. Ёки сарлавҳаданоқ танқидчи фикр юритаётган ижодкор асарларининг бош концепцияси ярқ этиб кўзга ташланади: «Табиатга мафтун ёзувчи» адабий портрети бутун ижодида шу мавзу бош ўринни эгаллаган ҳоразмлик ёзувчи Раҳим Бекниёзга бағишланган.

М.Қўшжонов ҳар бир адабий портретининг муқаддимасида бирор чиройли деталь, ҳаётий воқеа ёки ибратли лавҳа келтиради. Унинг маҳорати шундаки, ана шу ҳаётий далил ёки лирик лавҳа шунчаки ўқувчи диққатини жалб этиш учунгина келтирилмасдан, кўп ўринларда адабий портрет учун «ўқ илдиз, барча фактларни бирлаштирувчи, умумлаштирувчи» (Б. Назаров) бўлиб хизмат қилган. Адабий портретни ўқиб чиққандагина, танқидчи бу лирик чекинишни бекорга, шунчаки жимжимадорлик учун келтирмаганлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Мунаққиднинг адабий портретлари қизиқарли шаклидан ташқари ҳар бир ёзувчи ижодида танқидчининг ўзига хос нигоҳи, ўз гапи борлиги билан ҳам диққатга сазовордир. Шунинг учун у яратган адабий портретлар янгича нуқтаи назар, нозик кузатиш ва хулосаларга бойлиги билан алоҳида ажралиб туради. Энг муҳими,

танкидчи портрети яратилаётган ижодкорларнинг адабиётда тутган ўрни, ўзига хос услуби, шахсиятига оид энг муҳим жихатларга асосий диққат-эътиборини қаратиб, катрада олам акс этганидек, майда деталлар орқали уларнинг тўлақонли, ёрқин қиёфасини ўқувчи кўз ўнгига ҳаққоний гавдалантиришга муваффақ бўлади.

Олимнинг «Қалб поклиги» портретида О. Ёқубов ижодий йўли ёритилади. «Эски журналларни варақлайман. Мана «Шарқ юлдузи»нинг йигирма йил илгариги сонлари. Улардан бирида О.Ёқубовнинг илк кассаси —«Тенгдошлар» ҳамда «Дадил кадам» деб аталган биринчи китоби тўғрисидаги мақоламга кўзим тушди». Шу тариқа танкидчи адабий портретни хотиралар билан бошлайди, бу эса ўқувчининг қизиқишини орттирувчи бадий унсур сифатида намоён бўлади. Мунаққид ўз фикрларини ёзувчининг асарларига суяниб давом эттиради. Ҳар бир асарни таҳлил қилар экан, унинг ютуғи билан бирга камчилигини ҳам айтиб ўтади. Сўнгра ижод давомида ёзувчининг бу камчиликларини бартараф этганлигини асослаб беради. Асардаги шакл, мазмун, замон ва макон мунаққид эътиборидан четда қолмайди. Асарнинг жанрига келсак, биринчидан ҳажмининг қисқалиги, иккинчидан, адиб ижодининг яхлит манзарасини бера олмаслиги жихатидан бу асарни адабий портрет эмас, портретга чизгилар деб номлаш керак.

Танкидчилар ўзининг одамлар ва дунёни ҳис этиши билан оригинал шахс сифатида тавсифлайдиган ёзувчининг ижодий қиёфасидаги қирраларда такрорланмас ягоналикни топадилар. Ёзувчи ижодида асосий ўринни эгаллаган мавзулар, қаҳрамонлар, сюжетлар ва мотивлар адабий таҳлил объектига айланади. Бу индивидуал қисмларнинг ҳар бирида танкидчилар эскиз тавсифнома шаклида ижодкорнинг мукаммал образини қайта яратишга имкон берадиган ягоналикни акс эттиришга ҳаракат қиладилар. Масалан, А.Моруа учун бу доимо ёзувчи ижодининг сирини ташкил этадиган “арабескалар орасига яширинган алоҳида мотив”дир. Бу “мотив”ни ушлаб олиб, у ёзувчи ижодига чуқур кириб боришга ҳаракат қилади ва шундан келиб чиқиб, унинг портретини яратади¹. Портретнинг бундай кўринишлари шахс ва

¹ Барахов В. Литературные портреты. С. 46.

ижодни умумлаштиришнинг қандайдир даражадаги чегарасини беради, ўзининг воситалари билан ёзувчи қиёфасининг ижтимоий ва эстетик моҳиятини очиб беради. Ва шу билан бирга бу умумлаштириш доимо аниқ, индивидуаллаштирилган, тўлиғича алоҳида инсоннинг реал шахсиятига тегишли бўлади. Бунини М.Қўшжоновнинг П.Қодиров ижодига бағишланган “Бахсларда улгайган ижод” адабий портретида яққол кўриш мумкин. Унда танқидчи бутунлай бошқа йўлдан боради. У портрети яратилаётган ижодкорнинг исми-шарифини яширади, қатор фикрларида инсонга хос олижаноб фазилатларини кўрсатгач, умумийликдан хусусийлик сари чекинади. Яъни хотираларга таяниб, фақат ўша ижодкорнинг шахсияти билан ўртоқлашади: «Студентлик йиллари... Ўша вақтларда катта йиғинларда нутқлар сўзлаб, ётоқхоналарда тарих, адабиёт хусусида бахсларга сабаб бўладиган ўрта бўйли, қорачадан келган, теварак атрофдагиларга доим синчковлик билан назар ташлайдиган битта толиби илмни тез-тез учратиб турардим. Студентлар орасида бу йигит ҳақида ...Ёзувчилар союзида бўлганлиги, Ойбек билган учрашганимиш, А. Қаҳҳор билан гаплашганимиш» деган гаплар эшитилиб турарди»¹.

Танқидчи шу тариқа номаълум йигитча ҳақида гапира-гапира охири сирни очади. Кейин адибнинг биринчи романи ҳақида фикр юритади, қиссаларини таҳлил қилади. Навбат «Эрк» қиссасига етганда, мунаққид ўзига хос услубда ёзувчининг ўзини суҳбатга тортади. Услубдаги бундай ранг-баранглик адабий портретнинг жозибадорлигини таъминлаган.

Ш.Холмирзаев, О. Мухторов ижодига оид портретлар ҳам жонли хотиралар асосида ёзилганлиги билан эътиборга лойиқ.

М.Қўшжонов адабий портрет дея тақдим этган асарларнинг барчаси ҳам шу жанр сирасига кирмайди. Чунки уларнинг баъзиларида танқидий-биографик очерк белгилари устун бўлса (“Икки халқнинг фаҳри”-С.Айний ҳақида, “Машҳур ҳикоянавис”-А.Қаҳҳор ҳақида), баъзиларида асосий диққат фақат ёзувчининг ижодига қаратилганлиги боис ижодий портрет (“Кўламли ижод”-Ҳамид Ғулом ҳақида, “Ҳаётга саёҳат”-И.Шамшаров ҳақида), портретга чизгилар (“Истеъдод кадри”- Саид Аҳмад ҳақида, “

¹ Қўшжонов М. Сайланма. Икки жиллик. Биринчи жилд. Адабий портретлар. Т.: АСН, 1982. 303-бет

Табиатга мафтун ёзувчи”- Раҳим Бекниёз ҳақида), портрет-мақола (“Шоирнинг бурчи”- Шукрулло ҳақида, “Қалб поклиги”- О.Ёқубов ҳақида) га хос белгилар устун.

Кўпинча ижодкорларнинг ўзлари яратган асарлари жанрини белгилаб қўйишлари ҳамиша ҳам ўзини окламайди. Бу энди бизнингча, мавжуд жанрнинг назарияси чуқур ишлаб чиқилмаганлиги билан боғланади. ”Бизнингча, бу каби ҳолатлар ёки шоирларнинг қайдидан қатъи назар, адабиётшунослик ишларида масалага соф илмий-назарий нуқтаи назардан ёндашмоқ муайян асарнинг жанрини белгилашда адабиёт назарияси талабларидан келиб чиқмоқ лозим”¹. Адабий танқидчилик жанрлари соҳасига ҳам худди шу нуқтаи назарни тадқиқ этиш лозим деб ҳисоблаймиз. “Сайланма”нинг иккинчи жилдида “Адабий портретга чизгилар” рукнида берилган тадқиқотларнинг ҳаммаси ҳам шу жанрга мансуб деб айтиш қийин. Масалан, “Ўзаллик шайдоси” деб номланган тадқиқот янги асар ҳақида маълумот бериш мақсадида ёзилган, уни баҳолаш вазифаси, ҳажмининг қисқалиги ва моҳият-мазмунидан келиб чиқилса, тақриз жанридадир. Унда В.И.Тюриков ва Ҳ.Ғулломнинг “Кекса Орол қўшиқлари” китобига баҳо берилган, асарнинг адабий жараёндаги ўрни кўрсатилган, жанри белгиланган, очерк сифатидаги ютуқлари кўрсатилган. Бу белгилар эса тақриз жанрига мансуб.

Шоир Шукруллонинг 60 йиллигига бағишланган “Шоир бурчи”ни ҳам адабий портретга чизгилар дейиш мумкин ва кейинчалик шу асосда тўлиқ адабий портрет яратиш мумкин. Аслини олганда бу асарга шоир ижодига умумлаштириб қисқача баҳо берилиши нуқтаи назаридан портрет-мақола намунаси сифатида қараш тўғри бўлади. Ёки Асқад Мухтор ҳақидаги “Тинимсиз ижод оғушида” портретга чизгилар эмас, балки портрет-мақоладир.

Назаримизда, адабий портретга чизгиларда “Танқидчи портретга шундай чизиклар тортиши лозим эдики, токи улар шоир ижодининг далилларини уюштирсин, портретга ранг-жозоба киритсин. Портретдаги чизиклар бирлиги ҳаётдаги шоир, инсон

¹ Афокова Н. Ўзбек ҳади адабиётида шеърини шакллар тараккиёти тамойиллари. Докт дис. Т., 2005.234-бет.

Ғафур Ғулом билан танқидчи асаридаги қахрамон- характер орасидаги мутаносибликни вужудга келтириши керак эди”¹. М.Қўшжоновнинг баъзи портретга чизгиларида ана шу хусусиятлар тўлиқ бўлмаганлиги сабабли уларни портрет-мақола, баъзан мақсади ва моҳиятидан келиб чиқиб, тақриз деб белгилаш мумкин.

Адабий портретлар яратилишдаги тамойилига кўра, асосан, икки йўналиш кўзга ташланади:

1. Аввал портретга чизгилар берилиб ёки портрет-мақола яратилиб, кейин мукаммал адабий портрет яратилади. Бунга О.Шарафиддиновнинг портрет яратиш тажрибаси мисол бўла олади. А.Расулов унинг портретга чизгиларини эскиз-мақола деб атайдиган, улардан кейин мукаммал портрет яратишга ўтиш усулини Ғ.Ғулом, А.Қаҳҳор каби ёзувчилар ижоди мисолида кўрсатиб беради.

2. Баъзан тўғридан-тўғри адабий портрет яратилади.

М.Қўшжонов ижоди адабий портрет яратишнинг **учинчи йўли** ҳам борлигини тасдиқлайди. Яъни аввал **адабий портрет ёки ижодий портрет яратилиб, кейин уни тўлдириш** ёки бошқа муносабатлар (юбилей, хотира) билан портретга чизгилар берилиши мумкин экан. Олимнинг И.Султон ижодига бағишланган ишлари бунга мисол. М.Қўшжонов 1971 йилда “Олим ва драматург” номли адабий портрет яратди. Аммо уни ижодий портрет дейиш ҳам қийин, чунки унда И.Султоннинг биографияси ҳақида сўз ҳам йўқ. Унинг охириги қисмида олимнинг табиатига хос ишчанлик хусусияти кучли эканлиги айтиб ўтилган, холос. И.Султон ҳақида тасвирланган фикр-мулоҳазалардан мисоллар келтирилган. Демак, бу портретнинг тўлиқ эмаслигини кўрсатади. М.Қўшжонов шу кенгликни тўлдириш мақсадида 1980 йилда “Адабий портретга чизгилар” рукнида “Илмдан драмага, драмадан илмга” деб номланган тадқиқотини эълон қилади. Сарлавҳанинг ўзи олдинги адабий портретнинг узвий давомидай, унга қўшимчадай таассурот қолдирса-да, унда айтарлиқ янги гап йўқ. У умумлаштирувчи хусусиятга эга: олим яратган тадқиқотлар, драматик асарлар қисқа таҳлил этилади. Адабий портретга чизгилар И.Султоннинг 70

¹ Расулов А. Истеъдод ва эътиқод. Т.: Шарқ, 2000. 70-бет.

йиллиги муносабати билан яратилган. Шунинг учун олдинги адабий портретни тўлдиришга хизмат қилмайди.

Мунаққид ижодида юбилейлар баҳонасида яратилган асарлар ҳам оз эмас. Унинг юбилей баҳонаси билан ёзилган, мактов меъёри бир оз ошиб кетган, "пухта таҳлилдан кўра баён етакчилик қилган" (Ў.Ўтаев) "Катта орзулар йўлида", "Сахий истеъдод", "Ҳаётга саёҳат", "Табиатга мафтун ёзувчи" портретлари ижодкорларнинг ўзига хослигини аниқлашда муаммони тўғри қўя билганлиги, ўзига хос ечими билан яхши таассурот қолдиради. Баъзан Қўшжонов ҳам таҳлил объекти бўлган ижодкорнинг асарларини текширишни биринчи ўринга қўйиб, шахсига эътибор қаратмаган жиҳатлар учрайди.

М.Қўшжоновнинг адабий портрет яратишдаги услубига хос хусусиятларни қуйидагича белгилаш мумкин: 1) Адабий портрет яратаётганда мунаққид образнинг тўлиқ қиёфасини, характер хусусиятларини, ижодкор фаолиятини китобхон кўз олдида яққол гавдалантиради. Бу типга Ойбек, А.Қаҳҳор, И.Султон, А.Орипов ҳақидаги адабий портретлари қиради; 2) адабиётшуносларнинг адабий портрети яратилаётган ижодкор ҳақидаги фикрларини йиғиб, ўзининг мулоҳазалари билан омухталаштириб, асар яратади. А.Қодирий ва С.Айний ҳақидаги асарлар шу типга мансуб; 3) ёзувчи ёхуд шоирнинг бутун ижоди ҳақида фикр юритмай, адабий портретга чизгилар яратади. М.Шолохов, Ҳамза, Асқад Мухтор в.х ҳақидаги ишлар; 4) унинг портретларида қиёслаш кучли; 5) мунаққиднинг асарлари жанрини белгилашда синкретиклик қоришиқлик руҳи устивор: адабий портрет деб белгиланган асар ижодий портрет, адабий портретга чизгилар баъзан тақризга, баъзан мақолага ўтиб кетади.

Мунаққид адабий портретларида ёзувчи ва шоирларнинг ижодини юксак ғоявийлик ва бадийлик, мазмун ва шаклнинг бирлиги, мақсаднинг аниқ ва изчиллиги, тилнинг бой ва ифодали бўлиши каби адабиётнинг эстетик мезонлари нуқтаи назаридан текширади ва ҳар бирининг ўзига хос санъати ва муштарак томонларини очиқ беради. Жонли мулоҳазалар, мустақил, эркин фикрлар китобхон диққатини ўзига тортади. Унинг ўз фикрида собитлиги китобхонларни ҳам уйғота олади, уларни ўз фикри ва таҳлилларининг равшан оқимига торта олади.

Адабий портрет таснифи. Адабий портретларни ёзувчи

ижодхонасидан узоқдан туриб ёзиш мушкул. Замондош бўлмаган олиму ижодкорларнинг адабий портретларини яратиш мумкин, аммо бунда шартли манбаларга, хотираларга таянишга тўғри келади. Том маънодаги танқидий портрет ижодкор билан бир макону замонда, бир адабий муҳитда иншо этилиши мумкин. Адабий портрет муаллифи ёзувчининг ижодхонасига йўл топиб, унинг ишлаш манераси, усули, асар ёзиш жараёни турлича ҳаётий воқеалар ичидан далиллар топиб танлаб олиш йўли, ҳаётни кузатиш усули, иш шароити ва пайти, ишлаш жараёнининг ўзига хослигини ўрганиши лозим. Ёзувчи ижодхонасини текшириш унинг асарларининг яратилиш тарихи, иш услуби, ижод қонуниятларини аниқлаш, шунингдек, матн тадқиқотлари учун муҳим материаллар беради. Ёзувчининг асар тили ва бадиийлиги устида ишлаш, ҳаётий воқеалардан, тўпланган маълумотларнинг кераклисини танлаб олиш, асарга бадиий тўқималар киритиш, асар композицияси ва сюжетини аниқлашида ўзигагина хос иш услуби бўлади. Бу ўзига хосликларни аниқлаш танқидчига ёзувчи ижодини тўғри, ҳаққоний баҳолаш, тадқиқ этиш имконини беради. Адабий портрет учун муҳим материал вазифасини ўтайди. Ўзбек адабиётшунослигида яратилган кўпчилик адабий портретлар адабиётшунос олимлар, мунаққидлар қаламига мансуб. Шундай бўлса-да, уларда илмий ва бадиий тафаккурнинг омухталигини сезиш қийин эмас. Уларнинг мақсади ягона – ўзбек адабиётида, адабиётшунослигида ўзига хос ўрин эгаллаган ижодкорларнинг бадиий образларини ҳаёт ҳақиқатига яъни асл нусхага мос ҳолда тасвирлаш. Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигидаги адабий портретларни тасниф қилиш муаммосини 70-йилларда биринчи бўлиб Б.Назаров амалга оширган эди. У адабий портретларни моҳият-эътибори билан шартли равишда икки турга бўлишни таклиф этади: Биринчиси, илмий-тадқиқот характеридаги адабий портрет, иккинчиси, публицистик характердаги портрет-мақола. Бу таснифда коришиқлик намоён, чунки адабий портрет бошқа жанр, адабий портрет-мақола бутунлай бошқа жанр. Уларнинг мақсади, моҳияти, қўйилган муаммони ҳал этиш усуллари бир-биридан фарқ қиладики, юқорида уни таъкидлаган эдик.

Адабий портретларнинг ифода тарзи, аниқ инсон киёфасини яратишдаги восита ва усулларининг турли-туманлиги, объектга

муносабат жиҳатидан ҳар хил даражада ёзилганлиги ва шу жиҳатдан мавжуд материаллар –яратилган адабий портретлардан келиб чикиб, уларни қуйидагича тасниф этиш имконини беради:

1. Портретга чизгилар – номидан ҳам маълумки, шоир ёки ёзувчи, олим ҳақида яхлит тасаввур уйғотмай, унинг ҳаёти ва ижодидан лавҳалар ёки ижодининг асосий босқичлари, энг асосий асарлари таҳлиliga бағишланади. Уларга М.Қўшжоновнинг “Сайланма”сига кирган М.Шолохов, Ҳамза, Ш.Рашидов, Асқад Мухтор, Саид Аҳмад каби ижодкорларга бағишланган ўндан ортиқ чизгилар киради, баъзан “адабий портрет” номи остида берилса-да, улар ҳам портретга чизгилар доирасида қолиб кетган. М.Қўшжоновнинг И.Султон ҳақидаги асари бунга мисол бўла олади. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, И.Султонга бағишлаб М.Қўшжонов аввал портретга чизгилар, кейин адабий портрет ёзган. Бундай хусусият кўпроқ О.Шарафиддинов ижодида учрайди. М.Юнусовнинг “Шокир Сулаймон” асари эса “ижодий портретга эскизлар” деб номланган. О.Сафаров ва Ҳ.Сафарованинг “Навоийга талпинган юрак” асари “Раҳим Жўра ўғли Воҳидов ижодий сиймосига чизгилар” деб тўғри белгиланган. Демак, бу чизгилар етук адабий портретлар яратилган асос бўла олиши билан кимматлидир.

2. Ижодий портретлар – асосий мақсади фақат ёзувчи ёки шоирнинг, олимнинг ижодини тадқиқ этишга қаратилган, биографиясига кенг ажратилмаган портретлар. Уларнинг ўзи қайси тоифадаги ижодкорга бағишланганлигига кўра икки хил : а) ёзувчи ва шоирга бағишланган (60-80-йиллар ўртасида яратилган) О.Икромовнинг “Амин Умарий” ва “Парда Турсун” ; Л.Қаюмовнинг “Зулфия”, У.Норматовнинг “Саид Аҳмад”, Ф.Насриддиновнинг “Мирмуҳсин”, М.Маҳмудов ва Б.Маҳмудовларнинг “Иброҳим Раҳим”, Д.Файзиёвнинг “Ҳусайн Шамс”, Қ.Азизовнинг “Миртемир”, М.Ҳошимованинг “Мамарасул Бобоев”, Б.Назаровнинг “Шукрулло”, О.Тоғаевнинг “Асқад Мухтор”, М.Шариповнинг “Шукур Саъдулла”, О.Сафаровнинг “Болалик куйчиси”, Ш.Убайдуллаевнинг “Назир Сафаров”, А.Абдусаматовнинг “Ҳабибий”, Э.Носировнинг “Рамз Бобожон”, М.Қўшжоновнинг “Йўлдош Шамшаров”, “Қудрат Ҳикмат” каби ўнлаб портретлари, шунингдек, “Адабий портретлар” серияси остида чиккан икки китобга киритилган

портретлар. Буларга хос муштарак қусурлар; 1) уларнинг таржимаи холи бир хил берилади: туғилди, мактабда ўқиди, изланди, ишлади, ёзди ва вафот этди. Бундай шаблон ўқувчини зериктириши билан бирга ҳар бир қиёфанинг индивидуаллигига соя солади;

б) танқидчи ва олимларнинг адабиётшунослар, мунаққидларга бағишланган ижодий портретлари: С.Мамажоновнинг “Воҳид Зоҳидов”, Ў.Шокировнинг “Иззат Султон”, Б.Бойқобиловнинг “Сарвар Азимов”, М.Олимовнинг “Лазиз Қаюмов”, Б.Имомовнинг “Ҳомил Ёқубов”, И.Ғафуров ва А.Исмойловларнинг “Дил кўзгусидаги қиёфа”, А.Расуловнинг “Озод Шарафиддинов”, Й.Солижоновнинг “Олимнинг олами” (С.Мамажонов ҳақида), О.Сафаровнинг “Тўра Мирзаев” ва ҳ.к.

“Ёзувчи ва шоирларнинг ҳаёти, ижодидаги асосий воқеа ва ҳодисаларни қайд этиш, муайян этаплардаги асарларни таҳлил қилиш билангина чегараланиш биздаги портрет жанрида кўзга ташланувчи умумий камчиликлардан биридир”. Б.Назаров 70-йиллардаёқ бу қусурни тўғри кўрсатган эди. Орадан йиллар ўтса-да, бу камчиликни такрорлаш портретнависликда давом этаверди. Фақат мустақиллик йилларига келиб, баъзи асарларда бу нуқсонлар қисман бўлса-да, бартараф этила бошланди.

3. Адабий портретлар – танлаб олинган ёзувчи ёки шоир, олим ёки мунаққиднинг ҳар томонлама – ижодий, илмий, маънавий- рухий, инсоний мукамал қиёфасини, образини яратиш йўлидаги изланишлар маҳсули. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, ўзбек адабиётшунослигида бундай портретлар сони бармоқ билан санарли. Бунинг объектив ва субъектив сабаблари мавжуд: объектив сабаби шуки, давр мафқураси кўпроқ ижодкорнинг биографиясига, шахсий ҳаётига эмас, балки фақат ижодига диққат қаратишни талаб қилар эди. Субъектив сабаби портрет яратувчининг маҳорати, услуби билан боғлиқдир. Шўро мафқураси, даврнинг ҳар хил тайзиқи остида ҳам ёзувчининг бир бутун қиёфасини яратишга интилувчи адабий портретнавислар бўлган. Бундай портретлар силсиласига М.Алиевнинг “Туроб Тўла”, А.Рашидовнинг “Леся Украинка”, М.Қодированинг “Музаяна Алавия”, Б.Имомовнинг “Ҳомил Ёқубов”, С.Мамажоновнинг “Ғайратий”, А.Акбаровнинг “Зульфия”, М.Қўшжоновнинг “Нафосат шайдоси” (Ойбек ҳақида),

“Бахсларда улғайган ижод” (П.Қодиров ҳақида), О.Шарафиддиновнинг Ғ.Ғулом, А.Қаҳҳор ҳақидаги портретлари, А.Расуловнинг “Истеъдод ва эътиқод”, “Ардоқли адиб” (Ўткир Ҳошимов ҳақида) каби асарлари киради. Уларнинг баъзиларини таҳлил қилиш орқали адабий портрет жанрининг белгиларини янада ёрқин очиш мумкин.

М.Қодированинг “Музаяна Алавия” асарининг жанри кўрсатилмаган. “Ҳаёти ва ижодий йўли” деб таглавҳада берилган. Кўпчилик портретларга хос умумий камчиликлардан бири портретнавислар ёзувчининг таржимаи ҳолига эътибор қаратмай, қисқа, умумий фикрлар билдириб ўтадилар. Қолбуки, ҳар бир ижодкорнинг ёзувчи ёки шоир бўлиб етишишида оиланинг, ёшлик йилларининг таъсири жуда катта. М.Қодированинг адабий портретида бу камчилик кўринмайди. Адабий портретнинг хикояга ҳос бадийлик билан бошланиши, Музаянанинг туғилиши, оиласи - онаси ва отаси, зукко бувиси ҳақидаги лавҳаларни ўқир экан, китобхон унинг беҳудага шоира ва фольклоршунос олима бўлиб етишмаганлигини англаб етади. Шу билан бирга портретнинг бошланишидаёқ тўғри ва ҳаққоний далиллар келтирилиши унинг таъсирчанлиги ва жозибадорлигини таъминлай олган: “Ҳа, баҳор фаслининг файзли наврўз кунларида Акмалхон ва Мўътабархонлар оиласида тўнғич фарзанд дунёга келди. Аммо ота киз туғилганлигидан хурсанд эмас эди. Биринчи болам ўғил туғилса, уламоларга ақиқа қилиб бераман, деган ниятда бокиб юрган кўйлари сўйилмай қолди”¹. Бундай очиқ гапириш, ижодкорнинг гўдаклик давридан ҳикоя қилиш (шу орқали олима отасининг характерли белгиларини очиш) ўзбек адабиётшунослигидаги бошқа портретларда учрамайди.

Ўтмишдаги машҳур кишиларнинг жонли образи бизнинг руҳий дунёмизга кириб боради. Бу уларнинг шахсиятида акс этган даврни, улар фаолиятини чуқур ва ҳар томонлама англашга ёрдам беради. Шунинг учун ҳар биримиз адабиёт ва санъатдаги қайсидир бир арбобнинг биографияси ёки ижоди билан танишишда инсон сифатида у ҳақдаги маълумотларни, унинг тирик шахсини ўрганиш билан тўлдириш истагини ҳис этамиз. Демак, адабий портретда М.Алавия ҳақида ўқир эканмиз, унинг

¹ Қодирова М. Музаяна Алавия. Адабий портрет. Т., 1968. 9-бет.

илм олишга кучли истаги, фаоллиги, қийинчиликлардан қўрқмаслиги, фан равнақи йўлида ҳар қандай қаршилиқни енгиб ўтиши орқали - иродали ўзбек аёлининг образи яққол намоён бўлади.

Замондошларнинг жонли образига аниқ ва ўткирлик билан ёндашилганлигини рус адабиётидан ҳам, чет эл адабиётидан ҳам ишончли далиллар орқали кўрсатиш мумкин. “Современник” журналида “Овчининг кундалик дафтаридан” биринчи очерклари пайдо бўлиши билан Гоголь 1847 йил сентябрда Анненковга ёзади: “Менга яна ёш Тургеневнинг портретини тасвирлаб беринг, мен унинг инсонийлиги, ёзувчилиги ҳақида тушунча олай ва қисман уни биламан: у келажакда катта фаолиятни ваъда этадиган ва унда ибратли талант борлигини англадим, бу ҳақда сиз билан баҳслашишим мумкин”¹. Гоголнинг нуктаи назаридан қараганда Тургеневнинг жонли шахси “инсон ҳақидаги тушунча” ёш ёзувчининг ижодини тадқиқ этишда, талантининг майдонини аниқ ажратишда, уни такрорланмас яхлитликда, алоҳида олинган шахсият сифатида англашга ёрдам беради.

Мопассан ҳам Флобернинг аниқ ҳаётий портретини яратишда буни ҳис этган, ўтган юз йилликнинг охирида ўқувчи оммага ва ўқувчиларига ўзининг қалами билан қизгин севадиган ёзувчисини кўрсатишга ҳаракат қилди. У журналистлар унинг шахсини билишмайди, - ҳаммага маълум афсоналар ва тўқималарда Флобернинг номи ҳақиқий қиёфасидан узоқлигидан ташвишланади ва қизгин кайғуради.

Ўзбек танқидчилигида портретнавислик тараққиёти. Ўзбек танқидчилигида 30-йиллардан бошлаб, адабий портрет жанри ривожланиш палласига кирган бўлса-да, аммо 20-йиллар адабий жараёнида портрет характеридаги мақолалар кўп учрашини юкорида қайд этган эдик. Шу битлан бирга ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида 20-йилларда яратилган илк адабий портретнинг намунаси сифатида Лутфулло Олимийнинг «Унутилмас шоир» асарини кўрсатиш мумкин. Бу адабий портрет ижоди тўнтаришдан олдин бошланган маърифатпарвар шоир Сўфизода адабий фаолиятига бағишланган. «Истеъдод, қобилят, талант деган нарса табиатнинг дунёдаги мисоли йўқ

¹ Гоголь Н.В. Полн. Соб. Соч. М., 1952. С.385.

жавҳаридирки, бу «аксири аъзам» жуда оз кишиларгагина муяссар бўладир» жумлалари билан бошланадиган бу адабий портретда шоирнинг узок йиллик ҳаётий ва ижодий йўли кузатилади.

30-йиллардан бошлаб, адабий портретга нисбатан танкидий-биографик очерк яратишга эътибор кучайди. 50-йилларда ижодий портрет жанри тез ривож топа бошлади. 60-80 йилларда адабий портрет жанрида самарали натижаларга эришилди, яратилган адабий портретларнинг савияси бир хил эмас, албатта, улар услуб ва ифода жиҳатидан ҳам бир-биридан фарқ қилади. Шунинг учун танқидчиликдаги мавжуд адабий портретларга назар ташласак, уларда бир қанча камчиликлар борлиги кўзга ташланади: ёзувчи ёки шоир, олим ҳаёти ва ижодидаги асосий воқеа, ҳодисаларни қайд этиш, муайян босқичлардаги асарларни таҳлил этиш билангина чегараланиш. Баъзан эса ёзувчининг барча асарларини ёки ҳеч бўлмаганда нисбатан кўпроғини текширишга ҳаракат қилинади. Бунда ҳар қандай буюк ёзувчининг ижодида ҳам барча асарлари муваффақиятли чиқавермаслиги ҳисобга олинмайди. Адабий портретларда ижодкорнинг шахсига эмас, кўпроқ ижодига диққат қаратиш уларнинг асосий камчилигидир.

Ў.Шокировнинг “Иззат Султон” адабий портретида кўпроқ бадиий асарлар таҳлиliga эътибор қаратилади. Фақат “Назариядан амалияга” деб аталган биринчи қисм олимнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берувчи умумлаштирувчи характерга эга. Қолган қисмларда эса драматурглик фаолияти, умуман ижодкорлиги тадқиқ этилади. Шу жиҳатдан асар жанрини ижодий портрет тарзида белгилаш мақсадга мувофиқ. Мунаққид И.Султон яратган адабий портретларга баҳо берар экан, жанр олдига қўйиладиган талаблардан келиб чиқиб, уни тўғри талқин этади: “Адабий портретда “ёзувчи Абдулла Қодирийнинг кўп қиррали ижодий фаолияти шундай усталик билан кўрсатиб берилганки, гўё кўз ўнгингизда талантли адибнинг ижодий фаолияти ва ёрқин қиёфаси бутун салобати билан қад кўтаргандай бўлади. Умуман, И.Султон ўз адабий портретларида бирор ёзувчининг адабий портретини яратар экан, унинг ижодидаги муҳим моментларни, талантининг ўзига хос характерли хусусиятларини ишончли далилларда кўрсатади ҳамда тилга олинган қалам соҳибининг тўла ва ёрқин ижодий қиёфасини

ўқувчи кўз ўнгида яққол гавдалантиради”¹.

Ёки И.Султоннинг А.Қаҳҳорга бағишланган адабий портрети ҳақида фикр юритар экан, шундай деб ёзади: “...Уни ўқир экансиз, кўз ўнгингизда А.Қаҳҳорнинг бутун ижодий фаолияти тўлалигича қад кўтаради. Унинг ёрқин адабий портрети намоён бўлади”². Келтирилган кўчирмалар мунаққиднинг жанр талабини чуқур билганлигини кўрсатади, аммо унинг ўзи негадир И.Султонга бағишланган адабий портретида олимнинг “ёрқин адабий портретини” намоён эта олмаган. Таҳлиллар И.Султоннинг бадий ижоди доирасида қолиб кетган.

Танқидчи Ў.Ўтаев адабий портретлардаги нуқсонлар ҳақида фикр юритар экан, Қ.Азизовнинг Миртемир, Ў.Шокировнинг И.Султон ҳаёти ва ижодига бағишланган адабий портретларини тилга олади: “Энг муҳими, ўзлари текшираётган ижодкорларнинг ижодий эволюциясини тўла кўрсата билмаслик, ижодининг етакчи жиҳатларини аниқлай олмаслик нуқсони кўзга ташланади. Натижада мазкур портретларнинг кўп қисмида таҳлил ўрнини тавсифлаш эгаллайди”, - дейди³. Шу боис ҳам уларни мукамал адабий портрет деб аташ қийин.

И.Султон ижодига бағишланган яна бир кичик тадқиқот Л.Қаюмовнинг “Замондошлар” китобига киритилган “Иззат Султон” асари бўлиб, у олимнинг 60 йиллик тўйига атаб ёзилган портрет-мақоладир. Унда танқидчининг илмий ва образли тафаккури ёрқин акс этган. Олим И.Султонинг адабиётдаги, адабиётшунослик ва танқидчиликдаги ўрнига тўғри баҳо беради. “Л.Қаюмовнинг портрет яратиш маҳорати шундан кўринадики, у ҳар бир ижодкорнинг ҳаёти ва ижодига оид далилларни қуруқ қайд этишдан кўра уни образли ифодалашга, фикрини илмий, мантиқ тили билан эмас, балки жонли хотиралар орқали содда ва раван услубда ёзишга муваффақ бўлган”, - деб ёзади Ў.Ўтаев. Буни мақоладан олинган қуйидаги парчада кўриш мумкин: “Иззат Султон- ҳам мантикий тафаккурга моҳир, ҳам бадий тафаккурга соҳиб. Яъни илму фан билан бадий ижодни ўзида мужассам

¹ Шокиров Ў. Иззат Султон. Ҳаёти ва ижоди. Т., 1970. 19-бет.

² Шокиров Ў. Танқидчининг ижодий ўзига ҳослиги ва адабий-тарихий жараён. Фил. Фан. док. дис. Т., 1987. 17-бет.

³ Ўтаев Ў. Танқид ва услуб. Т., 1978. 100-бет.

килган сиймо...

Адабий материал тадқиқотчининг эстетик диди шаклланишига катта таъсир кўрсатади. Навоийдек адабиётимизнинг Ҳимолай тоғи мисолида шаклланган олимларимизнинг илмий тушунчалари табиийки, юксак бўлди. Бу фикр Иззат Султонга ҳам тааллуқли¹. Демак, тилга олганимиз, икки ижодий портрет (М.Қўшжонов ва Ў.Шокировларнинг И.Султонга бағишланган тағлавҳасида адабий портрет дейилган) ва адабий портретга чизгиларда, портрет-мақолада етук олим, адабиёт назариясининг пухта билимдони, драматург И.Султоннинг илмий- ижодий киёфаси тўлиқ чизилган. Аммо унинг инсоний, маънавий-руҳий ҳаётига доир чизиклар жуда кам. И.Султон иккала портретда ҳам, портрет-мақолада ҳам олим ва драматург сифатида ўқувчи кўз олдида намоён бўлади, аммо инсон, ота, устоз ёки шогирд сифатида яққол кўзга ташланмайди, инсон сифатида кўринмайди. Бу камчилик ўзбек адабиётшунослигида яратилган адабий портретларнинг деярли кўпчилигига хосдир. "Бундай портретларнинг кўпида танқидчининг ижодкор сифатидаги услуб ва шаклда намоён бўлувчи фантазияси, эрки, ўзига хослиги деярли намоён бўлмайди. Ҳажм имкониятлари чекланганлигидан бўлса керак, бундай адабий портретларда асосан санъаткор ижоди ва қисман ҳаётини ўрганиш билан кифояланиш ҳолларини кўрамиз". Бу мулоҳазаларнинг биринчи қисмида Б.Назаров ҳар қанча ҳақ бўлмасин, иккинчи қисми эътироз уйғотади, негаки, камчиликни ҳажмга боғлаш ўзини оқламайди, қиска портретларда ҳам ижодкорнинг бир бутун киёфасини яратиш мумкинки, бунини А.Моруа портретлари мисолида юқорида кўрсатиб ўтдик.

Кўринадикки, ижодкор шахсияти, унинг инсон ва ижодкор сифатидаги камолоти, ижодий лабораторияси, шахсий, маиший турмуши, ахлоқи асарларининг ёзилиш тарихига эътиборни қаратиш тарихий-биографик усулда битиладиган асарларнинг энг асосий талабларидан биридир. Бу талабга риоя этилмаса, адабий портрет ҳам, эссе ҳам бир ёқлама бўлиб қолаверади, шахс ҳақида яхлит тасаввур туғдира олмайди.

И.Султоннинг ўзи ҳам бир қанча адабий портрет

¹ Қасимов Л. Замондошлар. Т.Адабиёт ва санъат навириёти. Т.1975. 233-бет.

намуналарини яратди. Олим яратган адабий портретлар уни яратишда танкидий —биографик ёндашувнинг яна бошқача йўллари (демак, **тўртинчи йўл-аввал адабий портрет яратиб, кейин уни тўлдириш мақсадида танкидий-биографик очерк яратиш**) ҳам борлигини кўрсатади. Юқорида таъкидланганидек, И.Султоннинг адабий портрет жанрида яратилган асарларидан бири “Ёзувчи Абдулла Қодирий ҳақида”ги асари бўлиб, у икки мақсадни кўзда тутиб ёзилган. Биринчидан, ёзувчи ижодий фаолияти билан ўқувчини яқиндан таништириш бўлса, иккинчидан эса, “уни миллатчи ёзувчи эмас, балки бунга қарама-қарши ўлароқ, ўз асарларида оддий меҳнаткаш халқ ҳаётини катта эҳтирос билан акс эттирган, ўзбек адабиёти тарихида биринчи бўлиб реалистик роман жанрини бошлаб берган талантли ёзувчи эканлигини конкрет фактлар асосида исботлаш ва унинг ўзбек адабиётининг вужудга келиши ҳамда ривожланишига қўшган муҳим ҳиссасини илмий асосда аниқлаб беришдан иборатдир”¹. Бу ўринда учинчи- асосий мақсад ҳам борки, уни айтиш унутилган: яъни ёзувчининг яхлит ва ёрқин кифёсини тўла ҳолда тасвирлаш, унинг образини қайта яратишдир.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, И.Султон адабий портретни тугаллар экан : “Албатта, Абдулла Қодирийнинг адабий меросига ҳар тарафлама баҳо бериш келажакнинг иши”,- деб ёзувчининг ижодий фаолияти ҳақида адабиётшуносликда катта-катта илмий ишлар яратилишига зўр ишонч билан қараган эди. Бунга аввало унинг ўзи амал қилиб, кейинчалик “Абдулла Қодирий” сарлавҳали адабий-танкидий очеркни яратди. Очеркда муаллиф адабий портретдаги фикрларини кенгайтиради ва ёзувчи ижодий фаолиятини кенг диапазонда, чуқур илмий асосда ёритиб беради. Бу бир томондан, И.Султонни Абдулла Қодирийнинг ижодий фаолиятини ташвиқ қилиш ва илмий асосда ёритишдаги самарали меҳнатини кўрсатса, “иккинчидан унинг адабий портрет жанридан илмий очерк яратиш даражасигача ўсишидаги ижодий балоғати, эволюциясидан дарак беради”. И.Султон адабий портретларининг баъзилари қисқалиги ва ихчамлиги (“ Санъаткор”- К.Ёрматовга бағишланган) , баъзилари (А.Қодирий ҳақидаги) бадий ижод

¹ Шокиров Ў. Танкидчининг ижодий ўзига хослиги ва адабий-тарихий жараёни. Д.Д.ис. Т., 1987.17-бет.

хакида айрим назарий фикрларга бойлиги билан ажралиб туради.

Танкидчи О.Шарафиддинов ҳам ўндан ортиқ ёзувчилар ҳақида ижодий портретлар яратган. Ғ.Ғулум, Ойбек, А.Қаҳҳор каби адибларнинг ҳаёти ва ижодий йўли ҳақида кўпгина тадқиқотлар яратилганига қарамай, О.Шарафиддиновнинг улар ижодига оид кузатишлари, муқоясалари, таҳлилларида бошқалар кўрмаган, сезмаган нозик нуқталар тилга олинади. Жумладан, мунаққиднинг А. Қаҳҳор ҳақидаги портрети ҳажман ўртача, бошқа тадқиқотлардан ортиқ ҳам, кам ҳам эмас. Гап салмоқда, маънода. О.Шарафиддинов яратган «Истеъдод жилolari» адабий портретининг қурилмаси мураккаб. «Мен «Истеъдод жилolari» портретидаги ички тузилишни кўришга нисбатан, ундаги бирлик бутунликдан таралаётган оҳангни эшитаётгандай бўламан. Бу оҳанг қалбдан отилиб чиқаётган, тобора авж пардаларига интилаётган кўшикка ўхшайди»¹. Бу-масаланинг бир томони, иккинчи томони шундаки, адабий портретларда адиблар ижодининг бир-бирига ўхшамайдиган кирралари, ҳаётни тасвирлаш тамойиллари тайинланади. Шу орқали адабий жараённинг йўналишлари, қонуниятлари аниқланади. О.Шарафиддинов «хиссий-образли услуб»да ижод қилувчи мунаққид сифатида портретларда ўзининг қайноқ қалби, жўшқин эҳтиросини кўрсата олади, танкиднинг жозиба сирига китобхонни ошро килади. Санъатга кизгин муҳаббат унинг бутун ижодида, жумладан, адабий портретларида ҳамиша яққол кўриниб туради. Бу мунаққид яратган портретларнинг ижобий томонлари, аммо уларда портрет жанри талабларидан бири, яъни ижодкорни инсон сифатида тасвирлаш хусусияти етишмайди. Масалан, М.Шайхзодага бағишланган портретда шоирнинг туғилишидан тортиб, ижодининг бошланиши, эволюцияси, шеърини тўпламлари, «Мирзо Улуғбек» драмаси ҳақида фикр юритилади. Шайхзоданинг инсонийлик киёфаси, ҳаётининг зиддиятларга тўла даври, бу ҳолатнинг асарларига, ижодига таъсири каби масалаларга эътибор қаратилмайди. Эҳтимол, бунга социалистик реализмнинг миллий тафаккурни қолипларга солувчи қучли таъсири деб қараш тўғрироқ бўлар.

Ўзбек адабий портретнавислиги тараққиётини кузатганда, бу

¹ Расулов А. Истеъдод ва эстетика. 73-бет.

соҳада танқидчи П.Шермухаммедовнинг адабий портретлари ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатидан юқори савияда ёзилганлигини таъкидлаб ўтишга тўғри келади. Унинг Ф.Достоевский ҳаёти ва ижодига бағишланган “Руҳий олам сеҳргари” портрети ўқувчини қизиқтириш кучига эгаллиги билан ажралиб туради. Портрет 29 ёшли маҳбус Достоевскийнинг тутқунликдаги ҳаёти ва пейзаж тасвири билан бошланди. Танқидчи даҳо санъаткорнинг мураккаб ҳаёт ва ижод йўли ҳақида қатор янги далил ва бошқаларнинг жонли хотиралари асосида ҳис-ҳаяжон билан ҳикоя қилади. Ана шу фазилатлари учун бу портретни танқидчи Ў.Ўтаев ўзбек танқидчилигидаги адабий портретнинг энг яхши намуналаридан бири деб ҳисоблайдики, бу фикрга қўшилиш мумкин. Унинг Қ.Муҳаммадий, Қ.Ҳикмат, К.Икромов ҳақидаги портретлари хилма-хил шаклларда, ширали ва содда тилда ёзилганлиги, ёзувчилар ҳаёти ва ижоди ҳақидаги нозик кузатишларга бойлиги билан ажралиб туради.

70-йилларда Ғ.Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти қисқа муддат ичида юздан ортиқ ижодий портрет намуналарини эълон қилди. Шуниси аҳамиятлики, бу портретларнинг кўпчилиги авваллари ижоди кенг ёритилган ёзувчиларга бағишланган. Ижодий портретларнинг энг яхшилари ўзбек танқидчилигининг савияси ошиб бораётганлигини кўрсатади. Уларда ўзбек танқидчилари ёзувчилар ижодига теран ҳурмат билан муносабатда бўлиб, бадиий ижоднинг мураккаб ва машаққатли жараён эканлигини ҳисобга олган ҳолда фикр юритганлар. Танқидчилар ёзувчилар ижодига талабчанлик билан ёндошган ҳолда уларнинг асарларидаги энг қимматли томонларини очишга, адабиётнинг бетакрор ролини тасдиқлашга уринганлар. Кўпгина портретларда ёзувчининг бетакрор ижодий қиёфаси, унинг ўзига хос услуби анча дуруст очилган. Бинобарин, бу портретлар китобхонга у ёки бу ёзувчининг қиёфаси ҳақида тасаввур бериш билан чекланмайди, балки ўша давр адабий жараёнига хос қонуниятлардан келиб чиқиб, адабиётнинг ранг-баранглигини, бойлигини ҳам кўрсатади. Гарчанд ҳар бир ижодкорга хос индивидуал хусусиятлар тўлиқ очилмаган бўлса-да, бу портретлар ўзбек адабиётининг мукамал тарихини яратишда ва портретнавислик келгусидаги ривожига ёрдам бериши муқаррардир.

Истиқлол ва адабий портретнавислик. Мустақиллик йилларида портретнависликда бир канча югукларга эришилди. Аммо буни XX асрнинг 70-йиллари билан қиёслайдиган бўлсак, бу даврда адабий портретнавислик тараққиёти анча орқада қолганлигини таъкидлашга тўғри келади. Чунки 70-йиллар ўзбек адабий танқидчилигида портретнавислик юқори даражада ривожланган, кўплаб ижодий портретлар яратилиб, савияси ҳар хил бўлса-да, жанр тараққиётини белгилашда муҳим аҳамият касб этган эди.

80-90 йилларда адабий портретнавислик ривожини бирмунча секинлашди. Бу даврда ёши элликдан ўтган ижодкорлар у ёқда турсин, 60-70 ёшга борган, салмоқли асарлар ёзиб, адабиётда ўз ўрнига эга ижодкорлар ҳақида, уларнинг ҳаёти ва ижодини умумлаштирувчи танқидий-биографик йўсинидаги асарлар ёзишга эътибор қамайди. Ўзбек шеърятининг дарғаларидан бири А.Орипов ҳақида фақатгина 2000 йилга келиб адабий портрет яратилди. Э.Воҳидов, Ш.Холмирзаев, Рауф Парфи—бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин — қабилар ҳақида танқидий-биографик йўналишда асарлар яратиш вақти аллақачон етиб келган эди. Аммо адабий портрет жанрининг кейинги тараққиёти унинг ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатидан мукаммаллик сари интилаётганини кўрсатади. Бу жиҳатдан танқидчи А.Расуловнинг тадқиқотларини алоҳида қайд этиш лозим. Олимнинг адабий портретларида жанрнинг олдинги намуналарида қўзғатилган баъзи нуқсонларнинг такрорланмаслиги (масалан, фақат ижодгагина урғу бериш ҳоллари), жонли хотиралардан унумли фойдаланиш, объект - адиб ёки танқидчининг ўз иқдорлари - барчаси жамланиб, тирик инсоннинг яхлит образи яратилади. Бу образлар индивидуаллиги, бой маънавий қиёфалари билан ўқувчилар қалбида маҳкам ўрнаша оладилар. Олимнинг “Истеъдод ва эътиқод” ҳамда “Ардоқли адиб” адабий портретлари фикримизнинг ёрқин исботидир. “Истеъдод ва эътиқод”да етук адабиётшунос олим О.Шарафиддиновнинг яхлит портретини яратиш асосий мақсад қилиб олинган. Аслида “Озод Шарафиддинов” портрети 1980 йилда яратилган эди. Унда мунаққиднинг илмий-ижодий қиёфасини яратишга урғу берилган эди. Орадан йигирма йил ўтиб, 2000 йилда яратилган бу адабий портрет олдингисидан моҳияти, мазмуни, олим қиёфасини тўлиқ, ҳар тарафлама чизиш

тамойилининг устунлиги билан ажралиб туради. Албатта, у олдинги портретни тўлдиради, бойитади.

Адабий портретнинг югуклари нимада? Энг аввало, сўзбоши эркин, содда ва равон бир услубда ёзилганлиги билан диққатни тортади. Унда О.Шарафиддиновнинг шахси ҳақидаги мулоҳазалар умумлаштирилиб берилади. Асар композициясида умумийликдан хусусийликка қараб бориш хусусияти устувор. Адабий портрет қисмларининг номланишига ҳам эътибор қаратилган. “Шаклланиш”- бунда мунаққид яшаган ва шаклланган адабий муҳит ҳақида сўз боради, О.Шарафиддиновнинг ўз хотираларидан фойдаланилади.

Адабий портрет қурилишидаги ўзига хосликлардан биританқидчининг болалиги, оиласи ҳақида бошқа портретларда қузатилганидек, асарнинг бошида эмас, балки учинчи қисмида фикр юритилади. Ў.Ҳошимовга бағишланган “Ардоқли адиб” адабий портрети эса аниқ табиат тасвиридан кейин адибнинг шажараси тарихига саёҳат билан бошланади. Кўпчилик адабий портретларда энг аввал таржимаи ҳол баъзан жуда қисқа берилади, баъзиларида эса хотиралардан кейин таржимаи ҳол берилади, сўнг ижод таҳлилига ўтилади, таржимаи ҳолга умуман қайтилмайди. Бу усул портретнинг ёркин, тўлақонли чиқишига тўсқинлик қилади.

Шу ўринда бошқа адабий портретларда қузатилмайдиган яна бир хусусиятга эътибор қаратайлик: портретнавис портрети яратилаётган шахснинг ҳаёти ҳақидаги барча тавсилларни, майда деталларни ҳам эътибордан кочирмайди, бор ҳақиқатни ошқора айтиш, жаҳон ва рус адабиётшунослигидаги адабий портретлардаги каби воқеа-ҳодисалар, далилларга реал кўз билан қараш, “майда-чуйда” тафсилотларга эътиборга олишга интилади. Ва улар шахснинг турли қирраларини туташтириб, яхлитлик сари йўналтирилади. Масалан, О.Шарафиддиновнинг отаси билан боғлиқ лавҳалар жонли тарзда берилади, уларнинг жонли ва табиий чиқишига омил бўлган яна бир хусусият - портретнавис ўз кўзи билан кўрган, шохиди бўлган воқеаларни ҳикоя қилиб беради. Мунаққиднинг оиласи, хотини, болалари ҳақида танқидчи илмий усулда эмас, балки ҳикоячилик йўлидан бориб, эркин мулоҳаза юритади. “Ардоқли адиб”да ҳам худди шундай: ёзувчининг бошидан кечган кўпгина воқеаларнинг,

учрашувларнинг гувоҳи бўлган портретнавис баёни ўқувчи диққатини торта олади.

Мунаққид олимнинг олами, у яратган асарлар таҳлили ҳақида фикр юритар экан, танкидчилик назарияси, жанрлари ҳақидаги мулоҳазаларини ҳам ўртага ташлайдики, улар назарий билимларни бойитиш хусусиятига эгаллиги билан қимматлидир. У О.Шарафиддиновнинг шарҳларини таҳлил эта туриб, шарҳ ҳақида, тақризлари ҳақида сўз юрита туриб, тақризнинг жанрий хусусиятлари ҳақидаги илмий-назарий хулосаларини ўртага ташлайди.

О.Шарафиддиновнинг мунаққид сифатида ёзувчилар ижодида доимо юксак ҳурматда бўлиши, улар билан дўстона алоқаси ҳам адабий портретда самимий ёритилган. Айниқса, унинг А.Қаҳҳор билан учрашувлари ҳақидаги лавҳалар тиник тасвири билан эътиборни тортади.

“Портретчи маҳорати”да О.Шарафиддинов яратган портретларнинг мунаққид ижоди ва адабий жараёндаги ўрни кўрсатилади. Танкидчи сўзининг салмоғи, унинг адабиёт учун қайғурувчи ҳассос юраги, асарларидаги ҳис-ҳаяжон ёрқин тасвирланади. Муаллиф О.Шарафиддиновнинг киёфасини яратиш жараёнида, ижоди ҳақида шогирд сифатида юқори пафос, эҳтирос билан сўзласа-да, аммо баъзи ўринларда ўзининг танкидчилик тамойилларига содиқ қолади: мунаққид ижодидаги баъзи қусурлар, етишмовчиликларни оғринтирмай кўрсатади, бунда муаллифнинг миллий анъаналарга эътиборини ҳам қайд этиш лозим.

Олимнинг чўлпоншуносликка қўшган ҳиссаси таҳлиliga алоҳида саҳифа бағишланган. О.Шарафиддинов инсон сифатида ҳақгўй, ҳақиқат учун толмас курашчи, гўзалликни севадиган зукко мунаққид, оилапарвар шахс эди. Шу боис адабий портретда олимнинг илмий, ижодий, маънавий жиҳатдан тўлақонли киёфаси, портретнавис яратган тўлиқ образи ёрқин тасвирланади ва бу тасвир ўқувчига олимнинг шахси ҳақида аниқ, яхлит тасаввур уйғога олади. Адабий портретларни жозибали ва ўқишли қилган фазилатлардан бири муаллифнинг портрети тасвирланаётган шахсни яхши билиши, яқиндан таниши; у билан кўп йиллар бирга бўлганлигидир. Шу боис шундай хусусиятга эга бўлган портретларнинг аксарияти самимий ва жонли чиқади.

Юкороида тилга олганимиз иккала портретда ҳам худди шу хусусият устувор. Уларда эссега хос хусусиятлар ҳам йўқ эмас. “Ардокли адиб” да буни портретнависнинг ўзи эътироф этади: “Ёзувчи қалби- шовқин суронсиз, муттасил ишлайдиган гўзаллик артели, аниқроғи, фабрикаси. Бу ерда рўй бераётган ҳолатларни англаш ниҳоятда мушкул. Мен Ў.Ҳошимов билан кўп жойларда бирга бўлганимни, саёҳат қилганимни, дам олганимни айтдим. Лекин ҳечам ёзувчининг ишлаётган, асар ёзаётган ҳолатини кўрмаганман...

Ёзувчининг ҳар бир асари ўзига хос дунё, бетакрор олам. Лекин ёзувчининг барча асарлари ёзувчи “қалб артели фабрикаси”нинг маҳсули”¹. Шу тариқа танқидчи адиб асарларини чуқур таҳлил қилар экан, кўпинча, тарихий-биографик ёндашув йўлидан боради, унинг асарларидан шахсини, шахсидан асарлари моҳиятини излайди. Бу ўринда “Дунёнинг ишлари” асари ҳақидаги эпизодлар тасвири ўзига хос ҳарорат билан ёзилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу қисса ҳақида танқидчиликда кўп ёзилди, у ўзининг юксак баҳосини олди. М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, Б.Назаров, И.Ғафуров, Н.Шукуров, С.Мирвалиев сингари моҳир мунаққидлар уни юқори баҳоладилар, унинг турли талқинларини бердилар. А.Расулов уларнинг бирортасини такрорламайдик, бу ҳам портретнависнинг ютуқларидан биридир.

Танқидчи адабий портрет талабларини чуқур тушунган ҳолда ўз портретларида бир ўзбек олими, мунаққиди ва халқ севган ёзувчининг баркамол образларини ярата олган. Айтиш мумкинки, танқидчи махсус, ички тартибга эга жанрнинг ўзига хос намуналарини ярата олди. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш зарурки, мунаққид ёзувчи ҳақидаги тадқиқотини “адабий портрет “деб атамаган. Остлавҳада “Ўткир Ҳошимов ҳаёти ва ижодига чизгилар” деган изох бор, аммо унда адабий портрет жанрининг энг характерли белгилари намойён бўлган.

“Портретли умумийлаштириш, яъни биз кузатиш имкониятига эга бўлган реал шахснинг образ даражасига кўтарилиши бошқа адабий жанрлардан фарқли равишда турли хилдаги усуллар билан амалга оширилади. Бадий портретнинг

¹ Расулов А. Ардокли адиб. Т.: Шарқ, 2001., 96-бет.

ягона ва умумий фаркли томони- унинг “сюжетсизлигидадир”. Аниқроқ қилиб айтганда, адабий портретнинг ўзига хос сюжети бир-бирдан келиб чиқадиган воқеаларнинг динамик ривожланишида эмас, балким характерли ҳодисаларнинг мураккаб алоқасидан таркиб топган”¹. Юқоридagi адабий портретларни кузатиш жараёнида танқидчининг портрет объекти бўлган шахслар ҳаёти ва ижодининг барча қирраларини эмас, балки характерлиларини олим, ижодкор, ҳақиқий инсон сифатида кўрсатиш мумкин бўлганларини ва шунга боғлиқ эпизодлар танлаб олиниб ва умумлаштирилганини кўриш мумкин.

Одатда, роман, ҳикоя ёки драмада образнинг очиб берилиши учун қаҳрамонни ҳаракатга ундайдиган, характерининг мантиқийлигини белгилаб берадиган вазиятни тасвирлаб бериш асосий роль ўйнайди. Умунан олганда, сюжетнинг вазифаси хизмат кўрсатишдан иборат бўлса-да, образнинг моҳиятини очиб берувчи воситалар қаторида катта аҳамиятга эга. Адабий портретнинг ўзига хослиги шундаки, пьеса ёки романда образлар характерини ўзгартирадиган ушбу призмадан (яъни сюжетдан) воз кечилган. Бунинг сабаби шундаки, аввало, адабий портретнинг муаллифи ўз қаҳрамони учун энг “қулай” вазиятни ўйлаб топиш имкониятига эга эмаслигидадир. Портретнавислик бевосита далиллар билан боғлиқ. Аммо сабаб фақат бунда эмас. Адабий портрет нафақат сюжетнинг хизматларидан фойдалана олмайди, балки у мазкур “хизматлар”га муҳтож ҳам эмас. Портрет жанрининг ўзига хослиги шахснинг ички, руҳий дунёсини тўлиқ бир ерга тўплаганликда, санъаткор инсонни кўрсатиш учун шундай воситаларни танлайдики, улар характерли фикрларга билвосита эмас, балки очиқ ва ошкора тегишли бўлади. Айтиш мумкинки, адабий портретда сюжетли жанрлар билан қиёслаганда унинг барча қатламларида унга хос барча ижобий кўрсаткичларнинг (солиштирма оғирлиги) улуши анча юқоридир. Ўз вақтида адабий портрет жанрининг бошловчиларидан бири бўлган Плутарх буни кўрсатиб ўтган эди: “ Биз тарих ҳақида эмас, ҳаёт йўли (таржимаи ҳол) ҳақида сўзлаймиз,- деб ёзган эди Ю.Цезарь билан А.Македонскийнинг параллел биографиялари ҳақидаги чиқиш нутқида,- улуғ ишлар доим ҳам жасорат ёки

¹ Тагер Е.Б. Творчество М.Горького. М.: Наука, 1964. С.123.

нуксонни ошкор этишдан узоқда турмайди. Ахамиятсиз бир қилгилик, сўз ёки ҳазил қонли жанглар, буюк юришлар ёки шаҳарлар қуршовидан кўра шахс характери яхшироқ очиб бериши мумкин. Рассомлар алоҳида тана қисмларига эътибор бермасдан юз ва кўзлар, белгилар ўртасидаги ўхшашликни излашга ҳаракат қилганларидек, бизга ҳам уларнинг ёрдамида кўнгил торларига чуқурроқ кириш орқали умр кўринишини тасвирлаш насиб этган”¹.

Сюжет воқеаларига қарама-қарши характернинг тўғридан-тўғри, бевосита кўринишларини таърифлаш адабий портретнинг қатор таркибий белгиларидан биридир. Бунда имо-ишора ўрнига ҳаракатни (жест), -диалог ўрнига ўз фикрини (иборани) бериш, умумий кўриниш ўрнига катталаштирилган кўринишни афзалроқ билиш асосий ўринда туради.

Ҳар қандай ҳаракат – ягона бўлиб, воқеаларнинг махсус оқимидан келиб чиқадиган бетакрор фаолиятдир. Умуман олганда, ҳаракат (хатти- ҳаракат) кенг маънода- бу ўша шахсга доимий хос бўлган инсоннинг моҳиятини аниқлаб бериш ёки кўрсатишга хизмат қиладиган характерли белгидир.

Портретнависнинг вазифаси қаҳрамон ҳаётида бир марта кечган ҳодисани айтиб бериш ёки ўзи шохиди бўлган воқеани кўрсатиш эмас, балки тасвирланаётган шахснинг мустаҳкам кирраларини қайд этиш, ҳаётий табиатининг аниқ типини чизишдан иборат. Масалан, “Ардоқли адиб”да ёзувчи Ў.Ҳошимов характеридаги соддалик, самимийликни кўрсатиш учун мунаққид адибнинг қиз чиқариши маросимидаги лавҳаларни тасвирга киритади.

Персонажларнинг энг зарур хатти-ҳаракатларини қайд этиш билан чуқур боғланган ҳолда адабий портретнинг яна бир таркибий белгиси- диалоглардан кўра “ўз фикрини билдириш”ни афзал кўришда кўринади. Сухбатдош – энг аввало муаллифнинг ўзи, баёнчи образи хиралашади. ”Толстойнинг ўраб берилган мулоҳазаларига ўрин ажратиш учун Гойкий баъзан қаҳрамоннинг гапларини матнда бермайди, изоҳларга кўчиради. Бу яхши чизиқ!”². Энг муҳими, Толстойнинг баҳоси, унинг ўз-ўзини

¹ Тронский И.М. Истории античной литературы. Л., 1947. С.244.

² Тагер Е.Б. Творчество М.Горького. М.: Наука, 1964. С.128.

билиши. Баъзан суҳбатдошнинг жавоблари умуман туширилади. Муаллифнинг баёнчилиги, суҳбатдошнинг сўзлари – булар ҳаммаси фақат бош муаммога- қаҳрамоннинг ўз айтиб беришларига (икрорларига) этадиган сабабдир. Масалан, А.Расуловнинг адабий портретида Ў.Ҳошимовнинг чет элларда кўп бўлганлиги, аммо уни доимо юрт соғинчи ўзига тортиб турганлиги ҳақидаги ўзи айтган мулоҳазалар ўқувчини унга янада яқинлаштиришга кўмак беради¹.

Ниҳоят, адабий портретнинг қурилишидаги учинчи ўзига хослик умумий кўринишни йирик кўриниш билан алмаштиришда кўзга ташланади. Ҳаётдаги аниқ инсон фақат ўзини ўраб олган муҳитда – табиат кўйида ёки ишхонада, умуман бирор жойда, ўзини ўраб олган кишилар билан узлуксиз ва турли-туман алоқаларда намоён бўлади; у кўп шовқинли ҳаётини оқимнинг қисми ҳисобланади. Романда қаҳрамон ва “муҳит” унинг бевосита фаолиятининг доираси, бир-бирдан ажралмаган ҳолда ҳам тенг бўлади. Бунга қарама-қарши ҳолда адабий портрет инсоннинг ички дунёсини чуқурлаштириб қайта ишлаб чиқишга бутунлай йўналтирилган бўлади. Қаҳрамоннинг нутқи, унинг жавоби (реакцияси), баҳоси, ҳаракати йирик кўринишда ажратилиб кўрсатилади. Бу инсонни ўраб олган “муҳит” бутунлай йўқолиб кетади дегани эмас. Баъзан портретнавислар портретдаги образларни сочиб ташлайдилар, аниқ муҳитда-ижтимоий ва маиший муҳитда йириклаштириб кўрсатадилар. Баъзиларида эса бу хусусиятлар кўринмайди. Ж.Жумабоевнинг “Омон Матжон” адабий портретида, гарчи у ҳам мустақиллик йилларида яратилган бўлса-да, портретнависликдаги нуксонлардан айримлари такрорланган. Масалан, адабий портретда кўпроқ О.Матжоннинг ижодий йўли чуқур ва батафсил тадқиқ этилган. Унинг инсоний қиёфаси, шахсининг маънавий-руҳий томонлари унчалик кўзга ташланмайди, қаҳрамонни йирик планда кўрсатишга эътибор қилинмайди. Шу боис уни ижодий портрет ёки яхшиси шоирнинг биографияси таҳлил билан ёнма-ён келмаганлиги сабабли уни монографик илмий тадқиқот деб аташ мақсадга мувофиқдир.

Адабий портретларда ҳажм масаласи асосий ўринни эгалламайди. Чунки портретнавислик тарихида шундай

¹ Расулов А. Ардокли адиб. 66-бет.

портретлар яратилганки, улар қисқа ва лаконизмга бойлиги, шу қисқаликда ҳам образни яхлит тасвирлай олиши жиҳатидан катта аҳамиятга эга. Масалан, К.Паустовскийнинг шу йўналишдаги тадқиқотлари эътиборлидир. Унинг Эдгар Пога бағишланган адабий портрети жуда қисқа, шу билан бирга ўта таъсирчан, бадиияти юқори, худди ҳикоя ўқиётгандек бўласиз. Портрет ёзувчининг ўлими тасвири билан бошланади, ҳатто ўлган кишининг кимлиги айtilмайди. Бу ҳам китобхонни қизиқтирувчи бир усул.

Қисқа адабий портретда Э.Понинг шахси, у яшаган муҳит, яратган асарлари – умуман, ёзувчи ҳақида яхлит маълумот берилади. Шоирнинг севгиси, иккаласининг ҳам қашшоқликда ўлиши таъсирчан лавҳаларда санъаткорона ифодаланади. Портрет шундай сўзлар билан тугалланади:

“Эдгар По шундай яшади, ишлади ва ўлди. Унинг ҳаёти, худди ўлими каби эски жамият доимо катта талант ва буюк руҳиятга нисбатан қаттиқўл ва ноҳақ эканлиги ҳақидаги ўша ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлади”¹. Аммо ҳажман йирик тадқиқотга тенг келадиган адабий портретлар бўладик, уларда шахснинг яхлит образини топиш жуда қийин.

Портрет санъаткорнинг ўйлаб чиқарган, яратган, ҳаёлига келган образ эмас, балки, энг аввало, аниқ шахснинг тасвири, ягона, “ўз номига эга бўлган” шахснинг тасвиридир. Портретнинг тўғридан-тўғри вазифаси замондошнинг аниқ киёфасини аслияти билан ўхшаш ҳақиқий акс эттириш, тасвирлашдан иборат. Адабий портрет ҳар қандай китобхонни ўзининг ҳар томонламалиги билан қамраб ола биладиган тўлиқ ҳаётини ҳужжатни беради, чунки шундай тарихий “портрет” чизилган аниқ қирралар қўшилади, аниқ янги маъно касб этади. Шу ўринда С.Мамажоновнинг “Ғайратий” ҳақидаги портрети муносаба ти билан бир фикрни айгиб ўтиш лозим. Юқорида айтиб ўтганимиздек, бу адабий портрет қурилиши, мунаққиднинг услуби, мавзунинг ёритилиши, жонлилиги, шоир образининг тўлиқ қайта яратилиши жиҳатидан 70-йилларда ёзилган шу хилдаги асарлардан фарқ қилиб туради. Тўғри, асар шўролар мафкураси ҳукмронлиги даврида яратилган,

¹ Паустовский К. Собр соч. в девяти томах. Т.7. М.: Художественная литература. 1983. С.405.

шу боис унда давр руҳи бўртиб кўриниши, табиий. Аммо бизни кўпроқ мунаққиднинг услуби кизиқтиради. Бу портрет бадий асарнинг пайдо бўлишидаги жамият, давр, халқ билан боғлиқ объектив сабаблар билан бир каторда унинг вужудга келишидаги субъектив омилларнинг нозик қирраларини очиб беришга хизмат қилади. Шу билан бирга танқидчининг тадқиқ усули адабий танқидчиликда портретнавислик соҳасининг савияси ўсиб бораётганлигини, кейинги жараёнга таъсирини кўрсатувчи белгилардан бири ҳисобланади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, XX аср ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида адабий портрет жанрининг пайдо бўлиши ва шаклланиши унинг ижобий хусусиятларидан бири бўлиб қолди.

Адабий портрет ижодкорнинг таржимаи ҳолини кенг камровда батафсил ўрганадиган илмий тадқиқот ҳисобланади. Унда ижодкорнинг жисмоний, маънавий ва ижодий жиҳатдан бир бутун қиёфасини яратиш, тасвир этиш ёки унинг ҳаётини қисқа вақт оралиғидаги маъно моҳиятини илмий-эстетик талқин қилинади. Адабий портретда объект- аниқ бир шахснинг жонли қиёфаси, унинг такрорланмас яхлит образи қайта яратилади. Ёзувчи ёки шоирни айнан тасвирлаш унинг моҳиятини ташкил этади.

Жаҳон адабиётшунослигида шу жанрнинг устаси А.Моруа портретлари билан қиёслаш асосида уларнинг ўзига хослиги янада яққол намоён бўлди.

Адабий портретнинг жанрий белгилари сифатида қуйидагиларни кўрса-тиш мумкин: 1. Объектнинг яхлит- илмий, ижодий, маънавий, руҳий, инсоний қиёфасини тўлиқ очиб бериш. 2. Аниқ шахснинг тўлақонли бадий образини яратиш 3. Жонли хотиралардан, иқдорлардан, ўзгаларнинг нуткидан кенг фойдаланиш. 4. Илмий ва образли тафаккурни публицистик руҳга ўраб, мантикий жозибадорлик асосида тасвирлаш усулларини истифода этиш.

Ўзбек танқидчилигида адабий портретлар асосан тўрт хил йўл билан яратилиши кўзга ташланади:

1. Аввал портретга чизгилар берилиб ёки портрет-мақола яратилиб, кейин мукаммал адабий портрет яратиш.

2. Тўғридан-тўғри адабий портрет яратиш.

3. Аввал адабий портрет ёки ижодий портрет яратилиб, кейин уни тўлдириш, аниқроғи бошқа муносабатлар (юбилей, хотира) билан портретга янги чизгилар берилиши.

4. Аввал адабий портрет яратиб, кейин ўша асосда адабий-танқидий очерк яратиш. Адабий портретдаги фикрларни кенгайтириб, ёзувчи ижодий фаолиятини кенг диапазонда, чуқур илмий асосда ёритиб бериш.

Ўзбек портретнавислиги ўз тараққиётини, асосан, XX асрнинг 20-30- йилларидан бошлаган бўлса-да, унинг шаклланиш жараёни 60- йилларга тўғри келади. Бу даврда яъни 60-80 йиллар ўртасида турли савияда бўлса ҳам жанр ривожига юқорида кўтарилди. Истиқлол даврида жанр тараққиётининг янги ўзига бурилганлигини А.Расулов яратган адабий портретлар мисолида яққол кўриш мумкин.

Адабий портретларнинг ёзувчи-объектга муносабат жиҳатидан бир неча хил кўринишлари мавжудки, улар портретга чизгилардан бошланади.

ТАНҚИДИЙ-БИОГРАФИК ОЧЕРК ЖАНРИ. Танқидий-биографик очерк жанри ёзувчи ёки шоирнинг ҳаёти ва ижоди, адабий-ижтимоий муҳити, асарларининг яратилиш тарихи, мазмун-моҳияти, фазилатлари, асарнинг адабий-тарихий жараёндаги ўрни ҳақида маълумот беради. Танқидий-биографик очерк аниқ далиллар ва шулар асосида чиқарилган илмий хулосалар бирлигидан ташкил топади. Мунаққид ёзувчи ҳаёти, ижоди далилларини таҳлиллар, киёслашлар, мунозаралар орқали илмий умумлаштириб, маълум хулосалар чиқаради.

Кўпинча адабий портрет билан танқидий-биографик очерк жанрига хос хусусиятлар ўзаро қўшиб юборилган ҳоллар ҳам учрайди. "Адабиёт ва замон", "Ҳаёт кўзгуси" сингари адабий-танқидий мақолалар тўпламларида "Адабий портретлар", "Адабий портретга чизгилар" рубрикаси остида танқидий-биографик очерклар босилди. М.Қўшжоновнинг "Истеъдод кирралари" китоби адабий портретлардан ташкил топган. Лекин бу портретлар ҳам танқидий-биографик очеркдан унчалик фарқ қилмайди", - деб ёзганида танқидчи А.Расулов ҳақдир.

Уларнинг ҳаммаси моҳиятида бир нарса ётса-да адабиёт ва адабиётшуносликда бу жанр турлича номлар билан юритилади.

Портрет очерк, физиологик очерк, танкидий-биографик очерк, илмий-биографик очерк каби. Очеркларни тасниф қилишдаги чалкашлик ҳар қандай ўқувчини ҳам қийин аҳволга солиб қўяди. Сўз санъати- адабиёт ўқитувчиларининг бир семинари қатнашчилари Горькийнинг мемуар-биографик асарлари жанрини аниқлашга қийналадилар. Улар олдига шундай савол қўйилади: Кенг тарқалган жанрларнинг қайси бири бу асарни, (Горький очеркларини. Ш.А.) айниқса аниқ ажратиб беради? (очерк, хотиралар, адабий портретлар- бу ишқал масала. Уч хилга ажратиш қатнашчиларни уч гуруҳга бўлади, уларнинг ҳар қайсиси қатъият билан, го кимдир Горький асарларида “мемуар, адабий портрет ва очерк элементларининг синтези” мавжудлиги ҳақидаги фикрни айгмагунча, ўз атамаларининг устунлигини ҳимоя қилдилар. Фақатгина узоқ давом этган баҳслардан кейин бу ҳеч қанақа элементларнинг синтези эмаслиги аниқ бўлди, балки “бигта” шахснинг учта акси (ипостаси)и”, улардан иккинчиси ва учинчиси ҳар қандай очерк учун шарт эмас, аммо бу асарда тасодифий эмас. Сарлавҳасида бош қаҳрамоннинг номи берилган очерк портретли бўлмаслиги мумкин эмас. Хотирага асосланган воқеаларни қайта тасвирлаш ва ўтмишнинг манзараси портретли очеркка хотиравийлик бағишлайди.

“Вопросы литературы” (“Адабиёт масалалари”) журнали “бадий- хуж-жатли адабиёт” масаласига бағишланган анкетасининг “Сиз бадий - хужжатли адабиётнинг бугунги аҳволи ва имкониятлари ҳақида қандай ўйлайсиз? Уларнинг оммавийлигига қандай сабаблар бор? Уларнинг хилма –хил кўринишларидан (кундаликлар, йўл қайдлари, очерклар, “...дан хат” ва ҳ.к.) қайсиси Сизга яқин ва нима учун? “деган саволларига хужжатнавис - ёзувчилар турлича жавоб берадилар. Баъзилар хужжатлиликлни ёқлаб чиқадиладар, баъзилар бу атамага қарши чиқадиладар. И.Винниченко анкетадаги жавобида адабиётни “бадий–хужжатлилик” сифатида даражаланишига қўшилмайди. “...Мендан сўрашади: бадий-хужжатли адабиётнинг қайси кўриниши менга яқин – кундалик, йўл қайдлари, очерклар ёки , айтайлик, “...дан хат”? Албатта, очерклар-да!(ахир , мен очеркчиман!), кундаликлар ҳам, йўл қайдлари ҳам, “...дан хат” ҳам бўлиши мумкин, чунки у ёки бошқа ва учинчиси- ахир бу, моҳиятан, бошқа нарса эмас, худди хужжатли очеркнинг турли

кўринишидай. Умуман, мен бадий- хужжатли адабиёт билан очерк орасига тенглик белгисини кўяр эдим, чунки нафақат кундаликлар, йўл қайдлари ва "...дан хатлар", балки хотиралар ҳам, бадий биографиялар ва замондошларнинг адабий портретлари ҳам, хужжатли қиссалар ва бошқаларни одатда "лирик наср" деб аташади ва бадий публицистика- булар ҳаммаси, ишнинг моҳияти бўйича очерклардир ва бир вақтнинг ўзида бадий-хужжатли адабиётнинг хилма-хил кўринишидир"¹.

Винниченко ўзининг "Их не снесет" (ёнлавҳасида "ўйлаб чиқарилмаган беш тарих" деб қўйилган) асарининг жанри ҳақида гапириб, ҳақиқатан ҳам бу нима : хужжатли қисса, замондошларнинг адабий портретлари ёки муаммоли публицистик очеркми? Буни айтишга ҳақиқатан ҳам қийналаман. Ҳаммадан аввал униси ҳам, бошқаси ҳам ва шу вақтнинг ўзида учинчиси ҳам",- дейди. Ҳақиқатан бу асарни муаллифнинг ўз гувоҳлигича, хужжатли, уни муаммоли қисса ёки публицистик деб аташ мумкин. У адабий портрет талабларига ҳам жавоб беради: қиссада мамлакатнинг икки машҳур деҳқонининг образи санъат воситалари билан акс эттирилган. Бу китобни очерк деб ҳисоблайдиган танқидчилар ҳам хато қилмаганлар² . Булардан ташқари портретли очерклар ҳақидаги мулоҳазалар учрайди. "Портретли очеркда машҳур одамнинг хужжатли образи қайта яратилади ёки катта ижтимоий қизиқишни уйғотадиган умумлаштирилган образ - тип "ўйлаб чиқарилади". Глушков қаҳрамоннинг типига кўра портретли очеркни иккига ажратади: 1) аник одам образига асосланган ва 2) "ўйлаб чиқарилган" образ-тип. У портретли-очеркнинг йирик устаси сифатида М.Горькийни кўрсатади. Унинг 30 га яқин хужжатли (эсдаликлар) очерк-портретларини "рус ёзувчилари ҳақидаги очеркларнинг тарихий-адабий аҳамияти баҳосиз" эканлигини қайд этади. Горькийнинг кўпчилик очеркларида образнинг ташқи қиёфасига, табиатига алоҳида эътибор қаратилади. Баъзи олимлар эса бу асарларни адабий портрет жанрига мансуб деб талқин этадилар³, бироқ

¹ Глушков Н.И. Очерковые формы сов-й-лит-ре. Изд-ва Ростовского университета, 1969.С. 162.

² Шу асар. 167-бет.

³ Барахов В. Литературные портреты; Гречнев В. Жанр литературного портрета в творчестве М.Горького. М., 1964; Тагер Е. Творчество Горького. М., 1964.

уларнинг ўзи ҳам атамани айқаш-уйқаш ишлатадилар: очерк, мемуар, адабий портрет ва ҳ.к. Айни шу ҳолат ўзбек адабиётшунослигида ҳам учрайди (танкидий-биографик очерк, илмий биография, танкидий-биографик асар, ижодий портрет, адабий очерк ва ҳ.к.).

Глушковнинг ўзи ҳам баъзида жанрларни қориштириб юборади. “Ҳар хил очерк-портретлар ичида кенг тарқалгани (энг кенг тарқалгани ҳам бўлиши мумкин) ёзувчиларга бағишланган танкидий-биографик эсселар ҳисобланади”. Ҳолбуки, эсселар алоҳида жанр ҳисобланади. У Горькийнинг портрет-очеркларидан ташқари жанрнинг турли-туманлигини кўрсатадиган Паустовскийнинг очерк –эсселари (А.Гриннинг ҳаёти, эртақчи Андерсен ҳақида кабилар)ни, танкидий–биографик очеркларнинг намунаси сифатида Буниннинг Чехов, Шаляпин, Куприн ҳақидаги асарларни кўрсатади.

Замонавий портретли очерклар ичида В.Закруткиннинг “Ҳаворанг гул” асари ажралиб туради. “Китобнинг поэтик сарлавҳасидан кўриниб турибдики, у академик тадқиқот эмас, ёзувчининг ҳаёт ва ижод йўлининг танкидий- биографик обзори эмас, балки у ҳақидаги жонли ҳикоячилик, адабий манзарадир. Худди шундай: “Ҳаворанг гул” – М.Шолоховнинг ҳаёт ва ижод йўлининг муҳим босқичларидаги ёзувчилик, фуқаролик ва оддий инсоний қиёфасининг асосий қирраларини акс эттирувчи ёзма-тавсиф ва манзара-эпизодларнинг занжиридир”¹.

Закруткин Шолохов ҳақида билганларининг ҳаммасини бир бошдан айтиб ўтирмайди. Ёзувчи ҳақида ўзининг эсида қолган энг ёрқин хотираларни тутиб олади, Шолохов ижодининг ўзи учун энг яқин жиҳатлари ҳақида эхтирос билан ёзади. Агар шу жиҳатларини ҳисобга оладиган бўлсак, бу асар портрет–очеркнинг энг яхши намунасидир. Демак, танкидий-биографик очеркда ёзувчининг ҳаёт ва ижодий йўли кўпинча тадрижий изчилликда берилади, унинг ҳаёти ва ижодидаги муҳим жиҳатлар, албатта, қаламга олинади. Портрет-очеркда эса бундай талаб ҳамма вақт ҳам ўзини оқлайвермайди, чунки у биографияни очиб беришни ўз олдига мақсад қилиб қўймайди. Унда инсоний

¹ Глушков Н.И. Очерковые формы советской лиг-ре. Изд-ва Ростовского университета, 1969.С. 178.

характер очерк-миниатюраларга қараганда ҳажм бўйича, уч барабар ёрқин кўринади.

Ўзбек адабиётшунослигидаги биринчи танқидий-биографик очерк Фурқат қаламига мансублиги ҳақидаги Б.Назаровнинг фикрларига қўшилиш қийин. Чунки “ТВГ”нинг бир неча сониди чоп этилган мақолаларни “Фурқат ҳаёти ва ижодининг, ижоди кечган, шаклланган, унга таъсир этган давр, ижтимоий муҳит ва адабий жараённинг қатор муҳим моментларини ҳам очиб бериши”ни назарда тутиб, олим уни “мемуар характеридаги танқидий-биографик очерк деб аташ мумкин дейди¹, сал кейинроқ “танқидий-биографик очерк жанрига яқин” деган хулосага келади. Биринчидан, шоирнинг ўз таржимаи ҳоли ҳақидаги асар автобиографик жанрга мансуб бўлади, иккинчидан, автобиографик жанрдаги асарларда ҳам давр, ижтимоий муҳит ва адабий жараён ҳақида бемалол фикр юритилади. Ана шундан келиб чиқсақ, Фурқатнинг бу асарини танқидий-биографик очерк дейишга асос йўқ.

XX асрнинг 20-йилларидаги адабиётшунослик ва адабий танқидчиликнинг энг асосий хусусиятларидан бири уларнинг қоришиқ ҳолда келиши ҳисобланади. Ҳали янги ўзбек адабиётининг етук вакиллари етишиб чиқмаган бир замонда танқидий асарларнинг аксарияти ўтмиш адабий мероси ва унинг вакиллари ижодига бағишланган эди. Шу сабабли адиб. ва мунаққидлар ҳаёти, ижоди кам ўрганилган ижодкорлар ҳақида танқидий-биографик ёндашув асосида тадқиқотлар яратишга киришдилар. Бу жиҳатдан Фитрат олдинда борди.

Фитратнинг “Машраб” деб номланган тадқиқоти 20-йилларнинг охирида Машраб шахси ва ижоди ҳақида нотўғри тасаввурлар кенгайган бир пайтда яратилди. Асарнинг жанрини белгилашда унинг моҳияти ва мундарижаси асос бўла олади. Тадқиқот уч қисмдан иборат. Аввало, шоирнинг таржимаи ҳоли ойдинлаштирилади, тарихий манбалар асосида маноқибларга таяниб Фитрат томонидан илк марта шоирнинг ҳақиқий биографияси тикланади. Машрабнинг қаландарлиги, у мансуб бўлган оқим ҳақида фикр юритар экан, олим қаландарликнинг моҳиятини ҳам очиб беради. Учинчи қисмда Машраб асарлари

¹ Назаров Б. Ўзбек адабий танқидчилиги. 15-18-бетлар.

тадқиқ этилади, қиёслар асосида унга баҳо берилади. Шоир ижодининг Румий, Бедил билан яқинлиги каби муаммоларга тўхталлинади. Шундай қилиб, билимдон шарқшунос олим ўз ишида шоир шахсиятини аниқлашга, Машраб таржимаи ҳолини илк марта илмий асослаб беришга муваффақ бўлган. Шу аснода у каландарлик маслаги ва унинг мазмунини ҳам ифодалаб берган. У Машрабнинг тарихий шахс эканлигини исбот қилиб, 1657 йилда Андижонда туғилган дея жойни бир қадар ноаниқроқ белгиллаган бўлса-да, ҳар қалай адабиёт тарихида Машраб ижоди мавқеини тўғри белгилаб бера олди. Цемақ, тадқиқотда шоирнинг таржимаи холи, ҳаёти ва ижоди, асарларининг яратилиши, моҳиятига доир далилларнинг умумлаштирилган ҳолда тадқиқ этилиши унинг танкидий-биографик очерк жанрида яратилганлигини кўрсатади.

Фитратнинг “Форс шоири Умар Хайём” асари ҳам танкидий-биографик очерк жанрига мансуб. Фитрат аввало Умар Хайём ҳақида портрет-мақола яратган. Буни ўзи ҳам қайд этади: “Форсларнинг бутун дунёга машҳур бўлган шоирларидан Умар Хайём ҳақида “Қизил қалам” мажмуасида бир мақола ёзган эдим. Унда Оврўпа олимларининг Хайёмнинг таржимайи ҳоли ҳақида қандай маъхазларга мурожаат қилганларини кўрсатган, ўзим ҳам шуларнинг изидан юриб, Хайём таржимаи ҳолини собит шаклга кирғизишга тиришган эдим”¹. Шундан кейин унинг қўлига шоир ҳақида яна бир қимматли манба тушиб қолади. Ва шулар асосида йирик тадқиқот яратилади. У Машраб ҳақидаги очеркдан ҳажми, қўламнинг бир оз кенглиги билан фарқ қилади. Фитрат очерк бошида “Бир-икки сўз” (худди ҳозирги сўзбошилардай) дея шоир шахси ҳақида қисқа маълумот бергандан сўнг, у яшаган давр ва адабий муҳит тасвирига тўхталишни лозим топади. Шоирнинг таржимаи ҳоли аниқ далиллар асосида ифодаланади. Бу Фитрат услубидаги аниқлик, илмий асосланган пухта мулоҳаза юритиш каби фазилатларни кўрсатади.

Фитрат асарнинг “Хайёмнинг асарлари” қисмида шоирнинг Берлинда босилган мероси ҳақидаги жадвални тақдим этаркан, “жаҳон шухратиға сабаб бўлган” рубоийлари ҳақида маълумот беради. “Хайёмнинг маслаги”да шоир ҳақидаги ҳар хил қарашларга муносабат билдиради, шу асосда ўзининг аниқ

¹ Фитрат А. Танланган асарлар. 2-жилд. 134-бет.

хулосаларини ўртага ташлайди¹. Бу қисмда, айниқса, Хайём рубоийларини таҳлил этганда Фигратнинг ижодқорлиги, шоирлиги ёрқин намоён бўлади. Охириги бўлим “Натижа”да (бизнинг ҳозирги тушунишимизча, хулосада) шоир ижоди бўйича умумлаштирувчи хулосаларни ўртага ташлайди. Шу билан бирга олим Хайёмга яқин шоир сифатида Бобур Мирзони кўрсатади ва унинг рубоийларидан намуналар келтириб, ўқувчи диққатига хавола этади.

Бундан шундай хулосага келиш мумкин: 1) танқидий — биографик очеркда шоирнинг таржимаи ҳоли аниқ манбаларга таянилган ҳолда кенг тасвирланадики, Умар Хайём ҳақида етарли маълумотга эга бўлмаган ўша давр ўқувчиси учун бу қимматли манба эди; 2) Хайёмнинг маслағи, асарлари, айниқса, рубоийларини тадқиқ этиш асносида унинг ижодига баҳо берилади, адабиётда тугган ўрни тўғри кўрсатилади; 3) олимнинг Хайём ижоди ҳақидаги мулоҳазалари, “жозиб услуби” (Ойбек) бугунги кун китобхонини ҳам лоқайд қолдирмайди. Унинг синчковлиги, аниқ манбаларга таяниб илмий фикр юритиши, ҳамиша қиёслаш асосида хулосалар чиқариши, ўз фикр-мулоҳазаларини эркин баён этиш усулидан ҳар қанча ўрганса арзийди.

Гарчанд бу тадқиқотлар замонавий адабий жараён билан боғлиқ бўлмаса-да, XX асрнинг 20-йилларида Фигратнинг танқидий-биографик очерк жанрини бошлаб берган ва уларнинг энг яхши намуналарини ярата олган деган хулосаларни яна бир қарра тасдиқлайди.

Ўзбек танқидчилигида XX асрнинг 30-йилларида Олим Шарафиддиновнинг «Алишер Навоий», устод Айнийнинг «Шайхур-раис Абу Али ибн Сино» ва бошқа қатор асарлари яратилди. Булардан баъзилари ҳақида тўхталиб ўтиш уларнинг ўзига хос белгиларини очиш имконини беради. Масалан, буюк комусий олим Абу Али ибн Синонинг ҳаёти ва ижодига бағишланган тадқиқотни яратиб, Садриддин Айний адабиётшуносликка қатта ҳисса қўшди, биографик методни бойитди. “Шайх-ур-раис Абу Али ибн Сино” деб номланган асарнинг жанри ҳақида айнийшунослар кўпинча бир-бирига яқин

¹ Фиграт А. Шу асар. 153-бет.

хулосаларни берадилар. И. Брагинский уни “адабий очерклар” деб атаса¹, Н.Рахимов “илмий-популяр характердаги очерклар” дейди², А.Кахҳор эса бу типдаги асарларни “тарихий - адабий очерклар” сирасига киритади³. Адабий танқидчилик маҳсули бўлган бу асар танқидий – биографик жанрга мансубдир. Унда тарих саҳифаларидан нур сочиб, бугун ҳам ўз асарлари билан ҳаётимизни ёритиб турган буюк инсоннинг мукамал қиёфасини яратиш асосий ўринда туради.

Танқидий - биографик очеркнинг мақсади буюк инсонларнинг, ёзувчи ва шоирларнинг таржимаи ҳоли, илмий-иҷодий ҳаётини ўрганиш ва тадқиқ этиш, уларнинг ҳар томонлама етук тимсолини яратишдан иборат. Шарк адабиётининг улкан билимдони Садриддин Айний жанр талабларини чуқур билган ҳолда Ибн Сино образини яратди. И.Брагинский Айнийнинг бу асари бошқа ҳар хил филологик асарларга ўхшамаслиги ҳақида гапирар экан, “унинг очерки шоир ёки олимнинг, тирик одамнинг ёркин, мукамал тавсифидир” дея асарга юқори баҳо беради. Айний Ибн Сино ижодининг ички мазмунини очиб бериб, унинг яширин нукталаригача кириб борганини тўғри қайд этади.

Адабиётда буюк шахсларнинг ҳаёти ҳақида асар ёзиш ёзувчининг зиммасига жуда катта масъулият юклайди. Бунда адибдан ҳар бир сўзга, ҳар бир лавҳада ниҳоятда синчков бўлишни, тарих ҳақиқатларидан чекинмасликни талаб этади. Илмий ва бадиий тафаккур омухтаси бўлган биографик йўсиндаги асарлар ҳам танқидчини, олимни ана шундай заргарликка ундайди. С.Айний очерки худди шу фазилатлари билан ажралиб туради. Очеркнинг бош ва ягона қаҳрамони Ибн Синодир. Олим бутун дунёга машҳур даҳонинг ҳаёт йўли, шахси, ижоди ҳақида фикр юритар экан, энг аввало, тарихийлик тамойилларига тўла амал қилади. Олимнинг замонаси ва шахси билан алоқадор барча тарихий, адабий манбаларни, халқ ривоятларини синчиклаб ўрганади, уларга таянади, шу билан бирга унинг ўз асарларида учрайдиган айрим маълумотлар ва тафсилотларга диққатини қаратиб, уларни ҳам илмий муомалага жалб этади. Бой ҳаётий ва

¹ Брагинский И. Садриддин Айни. М., 1948.

² Рахимов Н. Садриддин Айний. Т., 1954.

³ Айний замондошлари хотирасида. Т., 1978, 25-бет.

аниқ далилларни чуқур илмий таҳлил этиш асосига қурилган танқидий - биографик очеркда Абу Али ибн Сино образи ўзининг ҳаётийлиги ва ишонарлилиги билан ўқувчи эътиборини тортади. С.Айний асарда гарчанд улуғ даҳо ҳақидаги кўплаб ривоятларни келтирса-да, асосан, аниқ тарихий далилларга суянади. Бу хусусият асарнинг илмий ва бадий тафаккур намунаси эканлигини намоён этиб, композицион жиҳатдан бир бутунлигини таъминлай олган.

Очерк муаллифи ҳаётий далилларни тасвирлар экан, бадий адабиётда бўлганидек ҳар бир санъаткор сингари энг муҳим жиҳатларни, инсон ҳаёти ва фаолиятидаги асосий қирраларни, унинг ҳаётга муносабатини танлаб олади¹.

Айнийшунос И. Брагинский образнинг ҳаётийлиги, кавариқлиги ва ишонарли чиққанидан, баъзан бу очеркларни “аллақачонлар яшаган ва ўлиб кетган ёзувчилар ҳақидаги тадқиқот эмас, балки сўз устасининг худди ўз замондошлари, тенгдошлари, бир-бирини қақираётган, “худди тириклар билан тирикларча гапиргандай” таассурот қолдирадиган эсдаликлар сифатида таърифлайди. Чиндан ҳам асарда ибн Синонинг инсонийлиги ва қомусий олим эканлиги ҳаётий ва ҳаққоний омилларга суянилган ҳолда очиб берилади: қомусий олим ҳаёти ёш авлодга жуда кўп озуқа бера олиши мумкинлигини С.Айний қайта-қайта уқтиради.

Айний улкан салоҳиятга эга бўлган алломанинг инсоний қиёфасини ҳам очиб беришга интилади, бунда халқона ривоятларни келтириш орқали унинг халқпарварлиги, халқнинг ҳаётини яхшилаш учун қурашиши; қўли енгил табиб сифатида одамларни даволаши каби фазилатлар очиб берилади. Танқидий-биографик очеркда Ибн Сино ҳақидаги ривоятларнинг келтирилиши ва уларга муносабатда олим Айнийдан кўра ёзувчи Айний маҳорати ёрқин сезилади. Айний илмий-бадий тафаккурининг кенглиги асарларидаги илмийлик ва ҳаётийликда мужассам бўлганлиги “Шайх ур-раис Абу Али ибн Сино” танқидий – биографик очеркида яққол кўринади.

С.Айнийнинг Абу Али ибн Синога бағишланган, ўз даврида ,

¹ Глушков Н.И. Очерковые формы сов-й лит-ре. Изд-ва Ростовского университета, 1969.С. 29.

бугунги кунда, келажакда ҳам кимматини йўқотмайдиган асари ҳақидаги хулосалар қуйидагилар:

1. Танкидий- биографик очерк далиллар ва илмий хулосалар бирлигидан ташкил топган. Мунаққид инсониятнинг фахрига айланган даҳонинг ҳаёти, ижоди ҳақидаги далиллардан қиёслар, таҳлиллар, ривоятлар орқали илмий умумлашмалар чиқаради.

2. Очеркда ибн Синонинг ҳаёт йўли, ижоди тўғри ва ҳаққоний акс эттирилган. Олим ҳаёти ва ижодининг энг муҳим кирраларини ёритиш асарнинг асосий ютуқларидан бири ҳисобланади.

3. С. Айнийнинг алломанинг ёш авлод учун ўрнак бўладиган фазилатларига урғу бериши, эркин, самимий фикр юритиши, улкан олим шахсига ҳурмат ва муҳаббат билан қараши асарнинг ўқишлилиги ва абадийлигини таъминлай олган.

“Инсон руҳининг барҳаётлиги, - дейди Чингиз Айтматов, - буюк шахс тақдири билан боғлиқдир. Бундай шахс ҳамиша дунёга, ҳақиқатга тик боқади ва жаҳолатга, фикрий қолоқликка нисбатан мурасасиз бўлади”. Шу сабабли буюк зотларнинг таржиман холи, қисмати севиб ўрганилади. Уларнинг тақдири инсон характерини, одамларнинг ҳаётдаги ўрнини яхшироқ тушуниб олишга ёрдам беради”¹. Шу жихатдан қараганда, С. Айнийнинг ибн Синога бағишланган танкидий – биографик очерки йиллар ўтса-да, ўз охорини йўқотмайдиган асарлардан бўлиб қолади.

XX асрнинг 40-йиллари иккинчи ярмидан бошлаб ўзбек адабиётининг улкан намояндалари ижодини монографик йўналишда чуқур ўрганиш, хилма-хил ҳаётий муаммолар бўйича тадқиқотлар яратиш кенг ўрин ола бошлади. Натижада атоқли санъаткорларнинг ижодига бағишланган адабий-биографик очерклар вужудга келди. Ю. Султоннинг «Ҳамза Ҳакимзода ҳаёти ва ижодиёти», И. С. Брагинскийнинг рус тилида С. Айний ҳаёти ва ижодига бағишланган очерклари яратилди. Маъзур асрнинг 50-йилларига келиб, танкидий-биографик очерклар яратишга катта эътибор қаратила бошланди. Масалан, В. Абдуллаевнинг «Хоразм адабий муҳити намояндалари», «Хоксор, Нишотий» очерклари, А. Қасимовнинг «Махмур. Танкидий-биографик очерк ва

¹ Ҳаққул И. Абдиқат фарзандлари. Т., Ёш гвардия. 1990. 87-бет.

асарларидан намуналар», Н.Раҳимовнинг «Султон Жўра», А.Олимжоннинг «Шоира Зулфия», «Амин Умарий», Н.Владимированинг «Зафар Диёр», «Ойдин ижоди», А.Ҳайитметовнинг «Ҳасан Пўлат» каби танкидий-биографик очерклари босилиб чиқди. Шунинг таъкидлаш жоизки, бу асарларнинг жанри аниқ белгиланмаган, гоҳ рисола, гоҳ портрет, гоҳида эса танкидий-биографик очерк номлари билан чоп этилган.

Баъзи танкидий-биографик очеркларда шоирнинг таржимаи ҳоли қисқа, қизгилар ҳолида айтиб ўтилади, асарлар обзор тарзида умумлаштирилган ҳолда ўрганилади. Муаллифлар ўзбек адабий танкидида қолип (шаблон)га айланган бир хил йўналишдан, яъни ёзувчи ҳаёти ва ижодига оид материалларни йиғиш ва шу асосда ижодининг ғоявий-мавзувий йўналишини кўрсатиш, бадиий асарларни эса фақат мавзу жиҳатидан текшириш билан чекланадилар. Ҳолбуки, бундай асарлар шоир ёки ёзувчи ижодининг ўзига хос томонини, асарларининг бадиийлик даражасини очиқ бериши, уларни бадиий жиҳатдан чинакам таҳлил қилиши, санъаткорларимизнинг характерлар яратишдаги сюжет ҳамда композицияни қуришдаги принципларини, асарларда олинган конфликтларни ечиш йўллари, ниҳоят бу йўлда қўлланган бадиий ифода воситаларини кўрсатиб бериши керак. М.Қўшжонов шу муносабат билан матбуотда босилган илк мақоласида бу хилдаги ишлар адабиётшунослигимизнинг аҳволини яхшилаш олмаслигини ачиниш билан қайд этиб, тўлақонли танкидий-биографик очерклар яратиш галдаги зарур вазифалардан эканлигини таъкидлайди¹.

Ҳ.Абдусаматовнинг “Абдулла Қаҳҳор” асари таглавҳада “ҳаёти ва ижоди ҳақида” рукни билан чоп этилган. Аммо унда А.Қаҳҳорнинг асарлари таҳлиliga кенг ўрин берилган, ёзувчининг ҳаёти, таржимаи ҳоли ҳақидаги қисқа маълумотлар ўқувчига ёзувчининг мукамал, тўлиқ қиёфасини тасаввур этиш имконини бера олмайди.

Ўзбек адабиётшунослигида шундай асарлар борки, уларнинг қайси жанрда ёзилганлиги қайд этилмаган, таглавҳада “ижодий ёки адабий портрет” ёки “танкидий-биографик очерк” деб белгиланмаган. Аммо бу асарларнинг мақсади, муаммонинг

¹ Ўтаев Ў. Танкил ва услуб. 140-бет.

қўйилиши, моҳияти, композицион қурилиши, мавзунинг қамраб олиши каби белгиларига кўра танкидий-биографик ёндашув асосида яратилган, шу гуруҳга мансуб асар сифатида баҳолаш мумкин. А.Акрамовнинг “Муҳаммад Солиҳ” асари шу силсилада яратилган. “Муҳаммад Солиҳ ва унинг яшаган даври”, “Муҳаммад Солиҳнинг адабий ва тарихий асарлари” каби икки қисмдан иборат асар жанрини қисқа ижодий портрет ёки очерк деб белгилаш мумкин. Чунки унда шоирнинг таржимаи ҳоли, у яшаган давр ва муҳит, асарларининг қисқача таҳлили умумлаштирилган ҳолда тасвирланган.

Ғ.Мўминовнинг “Оташқалб шоир” асари истеъдодли шоир Султон Жўранинг 60 ёшга тўлиши муносабати билан ёзилган, унда шоирнинг ҳаёт йўлига назар солинади. Асарни танкидий-биографик очерк жанри силсиласига киритиш мумкин. М.Қосимованинг “Муҳаммадниёз Нишотий” асари (таглавҳада “ҳаёти ва ижоди” деб белгиланган) ҳам юқоридаги белгиларга кўра танкидий-биографик очерк намунаси бўла олади.

Ёзувчи ва шоирларнинг ҳаёти, ижодидagi асосий воқеа ва ҳодисаларни қайд этиш, муайян босқичлардаги асарларни таҳлил этиш билан чегараланиш каби камчиликларнинг мустақиллик йилларига келиб тугатилиши, шоир ёки ёзувчи ижодини ҳар хил “изм”лардан ҳоли, соф санъат мезонлари нуқтаи назаридан баҳолаш тамойиллари кучайиб бораётганлиги ижобий ҳодисалардан биридир. Буни биргина Чўлпон ҳаёти ва ижодига бағишланган катор, турли жанрдаги тадқиқотларда кўриш мумкин. Н.Каримовнинг “Чўлпон”, О.Шарафиддиновнинг “Чўлпон” каби асарлари бунга мисол. Чўлпоншунос Д.Қуროновнинг “Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси” асари ҳам танкидий-биографик метод асосида яратилган бўлиб, шоир ҳаёт йўли ва ижодини янгича мезонлар асосида тадқиқ этилиши жиҳатидан аҳамиятга эгадир. Адабиётшунос олим С.Мирвалиевнинг А.Қодирий, Ў.Умарбековга бағишланган тадқиқотлари ҳам шу жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эга эканлигини айтиб ўтиш лозим.

Кўрамизки, танкидий-биографик очерк XX асрда жанр сифатида шаклланиб, турли-туман йўсинда яратилишидан қатъи назар, ёзувчилар ҳаёти ва ижодини ўрганиш, тадқиқ этиш, умумлаштириш каби вазифаларни бажариб келди. Адабий

портретларда бўлгани каби ёзувчилар ҳаёти ва ижоди ҳақида ёзилган танкидий-биографик очеркларнинг ҳам савияси бир хил эмас. Бир қатор танкидий-биографик очеркларда муаян ёзувчи ҳаёти ва ижодига оид материалларни йиғиш ва шу асосда уларнинг ғоявий-мавзувий йўналишини баён қилиш, бадиий асарларни эса кўпроқ мавзу жиҳатидан текшириш устуворлик қилса, маълум қисмида фикр-мулоҳазалар умумий тарзда ифода қилинган.

Ўзбек танқидчилигида танкидий-биографик очерк жанри талабларига жавоб берадиган асарлар сирасига Ҳ.Ёқубовнинг «Ғафур Ғулом» ва «Ойбек», С.Азимовнинг «Ҳамид Олимжон» каби тадқиқотларини киритиш мумкин.

М.Зокировнинг “Мақсуд Шайхзода” адабий-танкидий очеркида асосан, шоирнинг ижод йўли таҳлил этилади. Муқаддимада ижодкор таржимаи ҳолига оид маълумотлар (у ҳам тўлиқ эмас) берилади. Очеркда Шайхзода шеърляти, дostonлари, илмий асарлари, уларнинг ёзилиши, адабий жараёндаги ўрнига баҳо берилиб, ижодининг ўзига хос томонлари очилади. Шу боис уни шоир ҳақидаги мукамал танкидий-биографик очерклар сирасига киритиш мушкул. Ёзувчи ҳаёти ва ижоди ҳақида ёзилган катта-ю кичик ишлар адабий портрет, танкидий-биографик очерк номи билан чоп этилган ва бугунги кунда уларнинг кўпчилиги жанр талабларига мос келмаслиги кўриниб турибди. Тўғри, ёзувчи ҳаёти ва ижодининг зиддиятларини акс эттирган портретлар ҳам яратилди, аммо улар кўп эмас эди.

Хулоса қилиб айтганда, танкидий-биографик очерк ижодкорни китобхонга таништирувчи, асарлари ҳақида маълумот берувчи жанр бўлса, адабий портрет санъаткорни маънавий-руҳий ҳаёти, зиддиятлари билан биргаликда ижодкор ва инсон сифатида ёритади, унинг шахсига ҳам катта эътибор беради. Аслини олганда, танкидий-биографик очеркда ҳам шахснинг мукамал қиёфасини чизиш мумкин, бундай очерклар рус адабиётида кўп учрайди. Бу кўпроқ танқидчининг ижодкорлигига боғлиқ. Танкидий-биографик очеркка нисбатан адабий портретда санъаткорнинг мукамал ва яхлит қиёфаси кенг ва чуқур очиб берилади. Шунингдек, адабий портретда портретнависнинг имкониятлари бир мунча кенгрок бўлади. Бу жанрларни ажратишда мана шу жиҳатларни ҳисобга олиш зарур.

ЭССЕ ЖАНРИ. Эсселар адабий, фалсафий, тарихий, биографик, публицистик, диний, соф беллитеристик ва адабий-танкидий мазмунга эга бўлиб, унда характеридан келиб чиқиб, барча фанлар, табиат ва жамиятнинг турли томонларига тегишли воқелик, шунингдек, адабиёт олами каламга олинади. Эссе ҳозирги замон адабиётида кенг қўлланиладиган фаол жанрга айланиб қолди. Эссеистика алоҳида соҳа сифатида аллақачонлар шаклланиб улгурган, унинг турли кўринишдаги шакллари яратилган бўлса-да, эссенинг илмий-назарий жиҳатларини ўрганишга 90-йиллардан бошлаб киришилди¹, унинг бадий адабиётдаги ўрни, хусусиятлари² ҳақида, қорақалпоқ адабиётида эссе жанрининг пайдо бўлиши ва шаклланиш муаммоларини ўрганишга қаратилган тадқиқот яратилди³. Бироқ иккала тадқиқотда ҳам соф беллитеристик ижод намуналари бўлган эсселар ўрганилганини ҳисобга олсак, адабий-танкидий йўсиндаги эсселарнинг умуман тадқиқ этилмаганлиги яққол кўринади.

Адабий-танкидий мавзуларда ёзилган, адабиётшунослик, эстетика, фалсафа масалалари эркин таҳлил ва талкин қилинадиган адабий танқидчилик жанрларидан бири эседир. Эркин тузилишга эга, шахсий мулоҳаза ва қарашларни ифодаловчи асар эссе ҳисобланади. Эсседа адабиётшуносликнинг турли соҳаларидаги даъво ва ҳулосалардан фойдаланиш орқали муаллиф ўзининг шахсий қарашларини далиллашга интилади. Эсседа адабиётшунослик қонун-қоидаларига тўла-тўқис риоя қилиниши, далилларнинг илмий жиҳатдан ҳар томонлама исботланган бўлиши кўпам талаб қилинавермайди.

Европа адабиётида бу жанрнинг асосчиси француз ёзувчиси-гуманист ва файласуф М.Монтеннинг "Таҷрибалар" асаридан кейин эссе мустақил адабий жанр сифатида шакллана бошлаган. Фаранг олими Френсис Бэкон Монтень кашфиёти ҳақида гапирар экан, эссенинг келиб чиқиши ҳақида шундай дейди: "Эссе бадий маданиятда янги сўз. Аммо пайдо бўлиш илдиэлари бағоят қадимийдир"⁴. Монтеннинг кўпгина эсселари "ҳақида" кўмакчиси билан келадики, бу жанрнинг нуктаи

¹ Раҳимжонов Н. Илмий тафаккур жиҳолари. Т.: Фан, 1991.

² Кўчқорова М. Ҳозирги ўзбек адабиётида эссе жанри. НДА. Т., 2004.

³ Палуанов Б. Қорақалпоқ адабиётида эссе жанри. НДА. Нукус, 2002.

⁴ Краткая литературная энциклопедия. М., 1968. С.961.

назаридан чикиб келадиган ўзига хос формуласи,-деб ёзади Эпнштейн. Бу жиҳатдан Форобий асарлари ҳам эссега яқинлиги кўринади.

Эссенинг бошқа жанрлардан ажралиб турадиган қандай хусусиятлари мавжуд? Инглиз адабиётшунослигида эссе адабий жанр сифатида адабий атамалар луғати ва энциклопедик луғатларга киритилган. Уларда эссе жанрига хос қисқалик, эркин композициялилиқ, махсус фан тармоқларига хос мулоҳазакорлик белгиси, эссенинг чегараси аниқланмаслиги, аниқ бир тўхтами йўқ эканлиги эътироф этилади. Рус адабиётшунослигида эссе жанрига шундай таъриф берилган: “Унчалик катта ҳажмга эга бўлмаган, эркин композицияли, махсус мавзуга бағишланган, шахсий мулоҳазалар ва таассуротлар асосига қурилган беллетеристик жанр”¹. Бу фикрни тасдиқлаб ва қўшимча қилиб, М.Қўчқорова ёзади: “Тўғри, жаҳон эссечилигидаги бир неча лирик, фантастик характерга эга бўлган эсселарни ҳисобга олмаганда, эссе соф насрий ижод намунаси”. Назаримизда, бу фикр эссени бир оз чегаралаб қўйгандек. Чунки эсселарнинг фалсафий, публицистик, сиёсий, адабий-танқидий кўринишларини ҳисобга оладиган бўлсак, улар фақат “соф” бадиий ижод намунаси бўла олмаслиги, уларнинг имкониятлари кенглиги яққол аёнлашади.

Н.Раҳимжонов юқорида тилга олинган асарида эссе(бадиа)га хос жиҳатлар: фикрнинг эркинлиги, табиийлиги, “қалбдаги ҳис-туйғулар жўшганда, фикр пишиб етилганда бир туртки туфайли қоғозга “сочилиши” кабиларни тўғри кўрсатади.

“Эссенинг ҳажми ва шакллари хилма-хил. Икки-уч сатрдан иборат кичкина бир ҳаётий манзарани ёки воқеалар тасвирини ифодалаши, фикрнинг ёки кечинманинг афористик талқинидан то эпик жанрга хос катта ҳажмли асар ҳам бўлиши мумкин”². Бу таърифда жанрнинг ҳажмига диққат қаратилган, холос. Қорақалпоқ тадқиқотчиси Палуанов эса эссенинг жанрий белгилари ҳақида фикр юритганда, уларни аниқ кўрсатмайди. Масалан, эссенинг бошқа жанрлардан фарқ қилувчи хусусиятларидан бири сифатида унда асар мазмунини қисқача

¹ Краткая литературная энциклопедия. М.: 1968. С.961.

² Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. 1-жилд. Т.Фан, 1993. 23-бет.

ифодаловчи, мухтасар ибора ёки гап - эпиграф берилади”,-дейди. Бу хусусият бошқа жанрлардаги кўпчилик асарларда учраши ҳаммага маълум. У яна “Эссе жанрининг яна бир муҳим хусусияти асарда дидактиканинг етакчи ўринга чиқишидир”,-деб ҳисоблайди. Дидактика бадий адабиётдаги кўпчилик жанрларга хос эканлиги ҳам маълум. Шунинг учун бу икки хусусият эссенинг ўзига хос табиатини очиб беролмайди.

Бизнингча, эссега хос хусусиятларни кўпинча эссе ёзувчи адибларнинг ўзлари тўғри белгилаб берганлар. Асқад Мухтор эссени “эркинлик” жанри деб атаган. Ш.Холмирзаев “Бу жанр ҳикоя, очерк жанридан жуда ёш бўлишига карамай, ёзувчига беҳад кенг эркинликлар беради, яъни эссе ёзувчи адиб тасвирлаётган ёхуд баён этаётган воқеа-ҳодисага – яна ўша гап: инсон қисматининг маълум даври бўлагига нисбатан ўз муносабатини (очеркдаги каби) очик-ошкора билдириб туриши баробарида (бу йўруғда) ўз кўнглида туғилган қандайдир ҳис-ҳаяжонини ҳам, ҳатто шахсий мулоҳазаларини ҳам бемалол ёзиш имконига эгадир. Демак, айтиш мумкинки, эссе жанри очерк билан ҳикоя ўртасидан ўсиб чиққан жанр-тасвир усулидирки, у мақола- мақола илмий бўладими, бадийроқ бўладими, барибир,- мақолага хос унсурлардан ҳам фойдаланади, тўғрироғи, уларни-да, ўзиники қилиб олади. (ЎзАС. 2003. 18 апрель).

Бу фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, шундай хулосага келиш мумкин: Эссе турли мавзуларда, турлича мазмунда яратиладиган (лирик, фалсафий, беллетеристик, публицистик, танқидий ва ҳ.к.), эркин фикрлашга, муаллиф ҳис-туйғуларининг чуқурлиги ва теранлигига асосланадиган жанрдир. Ҳажм эсседа асосий ўринни тутмайди.

Эссе адабий- танқидий жанр сифатида адабиёт тарихи ва ҳозирги адабий жараённинг муайян муаммолари тўғрисидаги мушоҳада ва муҳокамалар мажмуи саналади. Адабий-танқидий эсселар илмий ва образли тафаккур намуналари бўлиб, уларда адабиёт муаммолари, ҳаёт ҳақидаги кузатишларнинг эркин ифодаси, ёзувчи ёки шоир ҳаёт йўлининг турли-туман воситалар (хотиралар, афсоналар, икромлар ва ҳ.к.) асосидаги мулоҳазалардан иборатдир. Эссенинг жанрий белгиларидан бири - унда қонун-қоидаларга кўп риоя қилинмаслиги, қолиплардан чиқишидир.

Шунингдек, ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида эссе ва бадиа атамалари турлича ишлатилади. Н.Раҳимжонов эссе ва бадиа истилоҳларини ажратмай алмаштириб қўллайди. М.Кўчқорова эса “эссе бадиага нисбатан кенг тушунча” деб ҳисобласа-да, уларнинг фаркли жиҳатларини чуқур очиб бермайди. Негаки, бадиада ҳам эссега хос барча хусусиятлар мавжуд. Муаллиф таъкидлаган “турли хил фанларга хос мулоҳаза ва таассуротларни акс эттириш” адабий-танқидий эсселарда кўп учрайди. Шу боис эссе-роман, бадиа-роман, эссе-қисса, бадиа-қисса атамалари қоришиқ ҳолда ишлатилаверади. Бизнингча, мумтоз адабиётшуносликда бадиа сўзи эссе маъносида ишлатилмаган. У турли жанрлар таркибида қоришиқ тарзда намоён бўлган. Шунинг учун жаҳон адабиёти ва адабиётшунослик илмида доим аталиб келинган “эссе” атамасини қўллаш жоиз деб ҳисоблаймиз.

Эссе жанрида ифода воситаларининг чегарасизлиги кўзда тутилади: образлилик билан бирга турли фанний-илмий омиллар, статистик рақамлар, тарихий ва биографик маълумотлар, ҳуллас, кўп соҳалардан далил ва мантиқий воситалар келтирилиши мумкин. Шахсий мулоҳаза эсседа муаллиф бадий ҳофизасининг қуввати, савия сажияси ва доираси, ҳаётий тажрибаси, ҳикмат-ғўйлик маҳорати, тафаккур қобилиятини кўрсатиб туради, зеро, бу жанрга кўпинча фалсафага мойил мулоҳазакор носирлар муурожаат қиладилар.

Жанрнинг ўзига хос хусусиятлари. Эсседа инсон ва жамиятнинг маънавий тафаккурини шакллантирувчи эркин мулоҳазалар ифодаланади. Эссенавис мунаққид ўз асарида муайян адабий-бадий ҳодисалар ҳақидаги ўз таассуротлари ва мулоҳазаларига, санъаткорнинг таржимаи ҳоли ва бадий асар қаҳрамонларининг реал ҳаётига доир қизиқ воқеалар тасвирига, табиатнинг дилбар манзараларига, турли шаҳарлар ва қишлоқларнинг бадий пейзажига, таҳлил этилаётган мавзу ва ҳодисалар ҳақида китобхон билан бевосита эркин мулоқотлар қилишга кенг ўрин беради. Эркин, ҳеч қандай тазйиксиз мажбуриятсиз мушоҳада юритиш, мулоҳазакорлик ва фикрлашиш маданиятининг юқорилиги бадиаларнинг асосий хусусиятларидан биридир. Шундай фикр юритиш, суҳбат мазмуни, моҳиятан турли хил илмий, бадий шаклларда (ёзувчи ва танқидчи

диалоги, кайдлар, бадий этюдлар, кундалик) намоён бўлмоқда. Бу ҳақда айтилган Н.Раҳимжоновнинг "Ана шу биргина ходисанинг ўзиёқ адабиёт илмининг янги ривожланиш боскичидан (зеро, бу каби ходиса адабиётшунослигимиз тараққиётининг аввалги боскичларида кузатилмайди), адабиётшунослик фикрлари камолининг янги сифат кўринишларидан шаходат беради" деган қарашлари қанчалик тўғри бўлмасин, бироқ мақола муаллифининг "адабиётшунослигимиз тараққиётининг аввалги боскичларида кузатилмайди" деган фикри эътирозлидир. Негаки, мумтоз адабиётда юқоридаги сингари шакллар мавжуд, қолаверса, бошқа бир хиллари-жумладан, кундалик, кайдлар каби айрим жанрлар таркибида унсурлар сифатида учраб туриши – инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқатдир. Бундай қараш А.Ҳайитметов ва Б.Валихўжаев тадқиқотларида ҳар тарафлама исботланган

Эссе илмий ва бадий тафаккур уйғунлашуви ҳосиласидир. Ёзувчи танкиди кўпинча эссе жанрида ёзилади. Унда ҳаёт ва ижод тажрибасидан келиб чиққан хулосалар, қарашлар, кузатишлар акс этади. Юқорида тилга олинган баъзи тадқиқот ва диссертацияларда кўпроқ ёзувчиларнинг эсселари тадқиқ этилган

Сўнгги йилларда Миртемир, Яшин, Уйғун, Зулфия, Ш.Рашидов, Ҳ.Ғулом, Шукрулло каби атоқли шоир ва ёзувчиларнинг адабий-эстетик қарашларини ўзида мужассамлаштирган эсселари нашр этилмоқда. Бу ҳол адабий танқиднинг янги қамолот палласига қира бошлаганидан, адабий-танқидий ва эстетик тафаккурнинг янги босқичга кўтарилаётганидан дарак беради. Бу туркумдаги асарларда санъаткорларнинг ўз ижоди, шахсияти, табиати хусусидаги, шунингдек, бадий адабиёт, адабий жараён, миллий маданиятимиз хазинасини ижодий бойитган асарларнинг тўғилиши, ёзилиш жараёнига доир фикр-мулоҳазалари кенг ўрин олган. Демак, эсседа санъаткорларнинг ижоди, шахсияти, табиати, асарларининг ёзилиш жараёнига алоқадор фикрлар эркин ифодаланади.

Танқидчиларнинг адабий-танқидий ҳамда эстетик қарашлари турли хил шаклларда, жумладан, бадиаларда акс этса-да, уларга илмий-эстетик бутунлик бахш этувчи нарса - бу санъаткор

"мен"и призмасидан ўтказилган ва эстетик баҳоланган воқелик, ҳаёт ҳодисалари, адабий жараён ҳамда адабий ҳодисаларнинг у ёки бу тарздаги моҳиятининг инъикоси бўлиб, у аввало, санъаткорнинг катъий нуқтаи назари, эстетик баҳоси орқали англашилади.

XVI асрда янги бадий тафаккур кўринишини адабий жараёнга олиб кирган фаранг мутафаккири Мишель Монтень "Эсселар" асарида эссенинг жанр сифатидаги назарий асосларини яратди. Муаллиф асарнинг "Китобхонга" деб номланган муқаддима қисмида шундай эътироф этади: "Китобхон, бу - самимий асар. Мен бу асарни энг яқин жигарбандларимга атаб ёзганман. Қандайдир шон-шухрат орттириш учун эмас, китоб орқали маънавий қиёфамни, феъл-атворимни, сажиямни қайта тиклаб ёшашларини истайман...бу китобнинг мазмуни – мен ўзим..."¹. Ҳақиқатан ҳам ёзувчиларнинг эсселарида энг аввало, уларнинг "мен"и акс этади. Аммо М.Кўчқорованинг "Маҳбуб-ул қулуб"ни, "Бобурнома"ни эссе жанрига мансуб дейишига унчалик қўшилиб бўлмайди, гарчанд уларда эссега хос хусусиятлар учраса-да, "Маҳбуб ул –қулуб" дидактик йўналишда, "Бобурнома" эсдалик усулида ёзилган бадий, тарихий асарлардир.

Эсседа ижод этувчи санъаткорнинг адабий ўйлари, бадиалари адабийлик ва эмоционаллик билан чапишиб кетган фикр-мулоҳазаларининг кўркам синтезини ташкил этади. Бу жиҳатдан, айниқса, П.Қодиров, Асқад Мухтор, Ш.Холмирзаев каби ёзувчиларнинг эсселарини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин. Зотан, эссе жанрининг асосий хусусиятларидан бири-ҳиссий тафаккурнинг теран намоён бўлишидир.

Ёзувчиларнинг бадий ижодий тажрибалари, илмий тадқиқотчилик йўналишидаги самарали фаолиятлари эсселарнинг ўзига хослиги ва муваффақиятини таъминлаган. Ёзувчи эсселарининг ўзига хослиги, аввало, қуйидаги белгиларда кўринади: уларда фақат муаллиф индивидуаллигининг муҳри ҳисобланган ички эмоционал тўлқин кишини ўзига жалб этади, бу нарса адибнинг нозик ижодий табиати, аниқ нуқтаи назари билан характерланади, қолаверса, бундай руҳият манзараларининг

¹ Монтень М. Опыты. 3-книг. Книга I. М-Л., 1958. С.10.

товланишлари эсселарда бадий этюдларни, кайдларни, катра-катра фикр-ўйлар силсиласини ташкил этади.

70-80-йилларда майдонга келган Миртемир, А.Мухтор, Ҳ.Ғулом, П.Кодиров, О.Ёкубов ва бошқа санъаткорларнинг бир-бирларига асло ўхшамаган бадиалари: а) масаланинг танланиши ва ёритилиши; б) услубларнинг ранг-баранглиги; в) маънавий-ахлоқий, фалсафий-эстетик умумлашмаларнинг салмоғи ва характери нуктаи назаридан бир-бирларидан ажралиб турадилар. Уларнинг баъзилари Н.Раҳимжонов, М.Қўчқорова томонларидан қисман ўрганилганлиги боис биз кўпроқ адабий-танқидий йўсиндаги эссе намуналарига тўхталамиз.

"Қўзга ташланган етакчи белгиларига кўра ҳам бадиалар кўпроқ лирик жанрларга яқин туради. Жамият ҳаётини, даврини, воқеликни, одамлар тақдирини, санъаткор "мен"и орқали идрок этиш ва эстетик баҳолаш принципига кўра ҳам ана шундай фикрга келасан киши"¹. Тўғри, эсселарда лирик жанрга хос хусусиятлар бор, аммо улар публицистик рух, ҳужжатли наср, фалсафий ўй-мулоҳазалар, лирик кечинмалар, реал ҳаёт - воқелик далиллари, ҳодисаларнинг органик уйғунлиги ягона бир синкретикликда (қоришиқ) зуҳур топаётир. Шу маънода шеърятда, наср ва драмада кузатилгани каби эсселарда ҳам диффузияланиш (шимилиш, сингиш) ҳодисаси рўй бермоқда. Шу билан баробар, умумлашма характердаги илмий - назарий фикрларнинг устуворлиги эсселар табиятини белгилаб бермоқда ва уни танқидчиликнинг алоҳида бир жанри сифатида қараш имконини кўрсатади.

Эсселарнинг ўзига хос етакчи фазилати - эркин ва бемалол фикр мулоҳаза юритиш тамойилига эга бўла туриб мустақил сюжет йўналиши ва қаҳрамонга эга ички лавҳа-эпизодлар асосида таркиб топишидир.

Эссенинг таснифи. Ўзбек адабиётида яратилган эсселарни тасниф қилиш бу йўналишга эътибор кучайганлигини кўрсатади. М.Қўчқорова эссени мазмун-моҳиятига кўра тасниф этади. Назаримизда, бу таснифда қоришиқлик ҳукмрон. Аслида мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, юқоридагидек, фалсафий, тарихий, публицистик, ижтимоий-сиёсий ва ҳ.к. турларга ажратилса,

¹ Раҳимжонов Н. Илмий тафаккур жилолари. Т.: Фан, 1991. 28-бет.

аниклик кўзга яққол ташланади. Кейин уларнинг ўзини ҳам ички шакллар бўйича тасниф қилиш имконияти туғилади. Масалан, жанрига кўра соф беллетеристик эсселар : эссе-роман, эссе-қисса, эссе-хикоя ва ҳ.к. Ёки адабий-танқидий эсселарнинг ўзи асосан ким томонидан ёзилишига кўра икки хил кўринишда намоён бўлади: 1) Ёзувчи эсселари ; 2) танқидчилар эсселари. Улар ҳам, ўз навбатида, яна ички турларга бўлинаверади. Масалан, жанрига кўра, танқидчиликда ҳам эссе-роман, эссе-қисса яратилади.

Б.Палуанов эссени роман - эссе (“Қорақалпоқнома”), репортаж-эссе (“Қалбим қомуси”), интервью-эссе (“Жавоб”) каби турларга бўлади. Бу бўлинишда ҳам фақат соф бадиий ижод намуналари ҳисобга олинган. Тадқиқотчи яна хотира-эссе каби турни ҳам эслатади.

Н.Раҳимжонов Саид Аҳмаднинг “Назм чорраҳасида” асарини эсдалик-эссе сифатида тилга олиб ўтади.

Илмий-бадиий бадиачилик тараққиётида икки йўналиш алоҳида кўзга ташланади: биринчи йўналишдаги бадиаларда санъаткорларнинг ҳаёт ва воқелик ҳақидаги маънавий-ахлоқий, ижтимоий масалалар хусусидаги фикрлари, ўйлари устувор бўлса; иккинчи йўналишдаги бадиаларда эса бадиий ижод масалалари, бадиий ҳаётнинг халқ ҳаётида, шахснинг ҳар томонлама гармоник ривожланишида тутган ўрни ва роли хусусидаги фикр-мулоҳазалар етакчи мавқедадир¹.

Биринчи йўналишга, бизнингча, ёзувчиларнинг адабий эсселари, иккинчи йўналишга танқидчилар эсселари мансубдир.

Бадиий асарларда ижодкор услуби қанчалик акс этса, эсседа ҳам ёзувчи-танқидчининг бетакрор қиёфаси аниқ акс этиб туради. Мунаққидлар асарларида илмий мантиқ аниқ сезилиб туради. Ёзувчиларнинг эсселарида адабий танқиднинг санъатлик хусусияти ярқ этиб кўзга ташланади.

“Эсселарнинг бошқа жанрларга кўрсатаётган таъсири насрий асарларда эссе, хотира-эсдалик, илмий-бадиий таҳлил унсурларининг кейинги йилларда кўпроқ учраётганида кўзга ташланади. Бу жихатдан А.Мухторнинг “Чинор”, “Бухоронинг жин кўчалари”, П.Қодиоровнинг “Юлдузли тунлар”, “Олмос камар”, “Эрк” каби асарларида эссе унсурлари, хотира-эсдалик,

¹ Раҳимжонов Н. Ўша асар. 18-бет.

тўлик тафаккур юритиш малакалари алоҳида кўриниш берганлигини кузатиш мумкин”.

Адабиётшунослик илмининг бугунги тараққиётини, эстетик тафаккур камолотини эсселарсиз тасаввур қилиш қийин. Шу боис эсселар ҳам мавзу моҳиятига, ифода мақсадига кўра ҳар хил бўлади: 1) Соф бадиий мавзудаги эсселар; 2) соф адабий эсселар ва 3) адабий-танқидий эсселар. Тарихий ёки адабий эсселарда танқидий унсурлар бўлиши мумкин, лекин бу уларнинг адабий-танқидий эссега тенглигини англатмайди. Адабий эсселар кўпинча ҳаёт ходисаларига оид ижтимоий кузатишлар мағзини чақишга йўналтирилган бўлади.

Ўзбек адабиётида эссе намуналари тараққиётига назар ташлар эканмиз, эссенинг адабий, фалсафий, адабий-танқидий, тарихий, биографик, публицистик мазмунга эга турли кўринишлари яратилганлигини кўрамиз. Булар орасида ўзбек танқидчилигида эссенинг турли шакллари учрайди а) адабий ўйлар, б) эссе-роман, в) хотира -эссе.

Миртемирнинг "Тингла, ҳаёт", "Дўстлар даврасида" мажмуалари турли даврларда яратилган бўлса-да, 70-80-йилларда мухтасар бир яхлитликда чоп этилди. Ёзувчиларнинг адабий ўйлари санъаткорлар ижодий лабораториясига йўл кўрсатиши, адабий жараён, адабиёт ҳақидаги умумлашма кузатишлари, улардан илмий-назарий хулосалар чиқариши адабиётшунослик, адабий танқид ривожига катта аҳамиятга эга.

Ўзбек танқидчилигида эссенинг адабий ўйлар деб аталган шакли А.Мухторнинг "Ёш дўстларимга", П.Қодировнинг "Ўйлар", А.Ориповнинг "Эҳтиёж фарзанди", Э.Воҳидовнинг "Шоир ушшоғи", Ў.Ҳошимовнинг "Нотаниш орол" тўпламларидан ўрин олган. Уларни асосан, эсселар ташкил этиши бу жанрнинг тараққиётдан далолат беради. Аммо бу сирадаги асарларда ўйлар, адабий-танқидий қарашлар, адабий кузатишлар қоришиқ ҳолда келади.

Танқидчи И.Ғафуров ilk китобларини адабий ўйлар шаклида китобхонларга тақдим этади. Шуни ҳам қайд этиш керакки, таникли ёзувчилар, шоирларнинг асарлари адабиёт ривожига қанчалик катта ўрин тутса, уларнинг адабий-танқидий мақолалари, адабий ўйлари, қайдлари ҳам адабиётшунослик қамолида шунчалик муҳим ўрин тутди. Зотан, ижодкорлар

ушбу йўналишдаги асарларида адабий- танкидчи, тадқиқотчи сифатида намоён бўладилар. Шунинг учун ёзувчи, шоирлар ижодидаги адабий ўйлар эссенинг ички бир тури сифатида тадқиқ этилса мақсадга мувофиқ келади.

Файласуф адиб Асқад Мухтор «эркинлик жанри» деб атаган эсседа имкониятлар чегара билмайди, «ушлаб бўлмас, чегаралари аниқланмас» (М. Эпштейн) жанрда фикр-туйғулар оқимининг куйилиб келиши, эркин мулоҳазаларнинг устуворлиги эссенавислар учун қулайлик туғдиради. Шу боис эссе А.Мухтор, П.Қодиров, А.Орипов, Э.Воҳидов, Саид Аҳмад, Ш. Холмирзаев каби адиблар, М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, Н. Каримов каби мунаққидлар ижодида кўп учрайди.

Адабий -танкидий эсселар. Адабиётшунос олимлар, мунаққидларнинг ижодкорлар ҳақидаги эсселари XX асрнинг 70-йилларида алоҳида йўналиш ривожлана бошлади. Уларда санъаткорнинг табиатини, ижодининг нозик жиҳатларини, ўзига хос кирраларини илғаб, образли ва илмий тафаккур чиғиригидан ўтказиб бериш тамойили кучли бўлиб, улар, айниқса, эссе-романларда ёркин акс этган.

Илмий тадқиқот билан бадиий асар оралигида шундай бир адабий-танкидий жанр борки, уни эссе -роман деб аташ мумкин. Танкидчи А.Расулов уни "илмий-оммавий, танкидий биографик асар" деб атайди. Роман --бадиий асар, ёзувчининг образли тафаккури ҳосиласи, эссе--роман эса-танкидий асар, тўғрироғи, илмий тадқиқот билан бадиий тадқиқот ўзаро уйғунлашган ораликдаги шаклдир. "Эссе ҳажман чегараланмаган, эркин композицияли, соф ва синкретик жанр"¹. Бу таърифни соф беллетеристик эсселарга нисбатан қўллаш мумкин. Аммо адабий-танкидий мавзуларда ёзиладиган эсселар, айниқса, эссе-романларда кўпинча композиция қатъий бўлади. Танкидчининг барча мулоҳазалари, улар эркин, ҳаёлотга тўйинган бўлса-да, аниқ бир ёзувчининг ҳаёти ва ижоди муаммолари атрофида жипсلاшади.

Европадан фарқли ўлароқ, бизда ҳам анча илгари авлиёлар ҳақидаги маноқиблар шаклида, адиблар ва тарихий шахслар ҳақида ("Макоримул-ахлоқ", "Темурнома") мемуарлар шаклида

¹ Қўчқорова М. Эссе жанри ҳақида. // ЎТА . 2004, 2-сон. 46-бет.

мавжуд бўлган. “Машхур кишилар ҳаёти” туркумининг пайдо бўлди. Аслида маданият арбоби, ижодкор шахс ҳақидаги роман типи Европа адабиётида ўтган асрда шаклланган эди. Унга француз ёзувчиси Андре Моруа асос солди. XX асрнинг 30-йилларида Горький таклифи билан бир қатор ёзувчи ва олимлар шу типдаги адабий тарихий-биографик романлар ижод қила бошладилар. Бугунги кунда рус адабиётида ўсмирлар китобхонлигининг асосини ташкил этувчи бу рукнда мингдан зиёд номда жозибали ва ўқишли асарлар юзага келди. Улар завқ билан ўқилади ва ўсмирларга табиат ва жамият ҳақида, инсон ва унинг жамиятдаги ўрни, касб-кори ҳақида билим бериб, дунёқарашларининг шаклланишига таъсир кўрсатди.

Машхур тарихий шахсларнинг фаолиятдан ҳикоя қилувчи адабий асарлар унга туташ бўлган мемуарларни Горький ва Луначарскийлар бадиий адабиётдан ажратилган ҳолда олиб қарамаганлар, балки унинг шаклланиш ва ривожланиш тамойилларининг бош вазифалари билан мустаҳкам боғлиқликда қараганлар. Улар адабиётшуносликда сабот билан санъат ва адабиёт ҳодисаларининг пайдо бўлишини тушунтириш йўлида социал-тарихий синтез ғояларини ҳимоя қилдилар ва оммалаштирдилар, уларни тарихий-биографик китоблар ва эсдаликларни баҳолашда муваффақият билан қўлладилар.

Ўзбек адабиётида ҳам бундай эссе-романлар XX асрнинг 60-йилларининг охиридан юзага кела бошлади. Уларда илмий-назарий тадқиқотчилик йўналиши билан бирга илмий-оммабоплик ва маърифийлик хусусиятларининг устувор эканлиги кўринади. Шу маънода биргина “Ажойиб кишилар ҳаёти” туркумидаги асарларни назардан ўтказсак, уларда адабиётшунослик ва танқидчилик “фикрлари камолининг ёрқин изларини кўрамиз”. Эссе-романлар силсиласини ташкил этувчи А.Қаюмовнинг “Абу Али ибн Сино”, “Беруний”, “Алишер Навоий”, И.Тимофеевнинг “Беруний”, Ш.Султонов ва К.Султоновларнинг “Умар Хайём”, Радий Фишнинг “Жалолиддин Румий”, Б.Аҳмедовнинг “Улуғбек” ва “Амур Темур”, Н.Каримовнинг “Ҳамид Олимжон”, “Ойбек”, “Чўлпон”, Отаёرنинг “Миртемир”, “Мен қуёшни кўргали келдим”, Л.Қаюмовнинг “Ҳамза”, О.Шарафиддиновнинг “Абдулла Қаҳҳор” ҳамда Ҳ.Каримовнинг “Ўрол Тансиқбоев”,

Ш.Холмирзаевнинг “У кишим-устоз, мен-шоғирд” каби асарлари шу туркумга мансуб. Уларнинг савияси ҳар хил, албатта. А.Қаюмов Алишер Навоий ижоди ҳақида ёш китобхонларга мўлжалланган ҳикоя қилиш йўсинини танлайди, шу сабабли буюк Навоий ҳаётининг зиддиятлари, ижодининг фалсафий-эстетик асосларини ёритишга унчалик эътибор бермайди.

А.Ақбаров Ғ.Ғулом ҳаёти ва ижодини тўла, ҳатто: ошириб-тошириб тасвирлашга интилади. Аммо асарда Ғ.Ғулом ҳаёти руҳий драмаларининг, тўлиқ манзараси етарлича очилмайди. Драматизмнинг етарли даражада эмаслиги китобхонни бирмунча зериктириб қўяди. Бу асарда танқидий-биографик очерк жанрига хос аломатлар устуворроқ.

Бу силсиладаги асарлар орасида Н.Каримов, О.Шарафиддинов, Отаёр ва Ш.Холмирзаевнинг эссе-романларида эссега хос хусусиятлар етакчидир.

Олдинги фасллarda таъкидлаб ўтилганидек, адабиёт-шуносликда XX асрнинг 70-80-йилларигача яратилган танқидий-биографик йўсиндаги асарlarda санъаткорларнинг асарларига кўпроқ эътибор қилинар эди. Асарни яратган ижодкорнинг шахс, инсон сифатидаги, табиатидаги муҳим хусусиятларга, санъаткорнинг шахс ва ижодкор сифатида шаклланишига таъсир кўрсатган муҳитнинг ўзига хослиги, ижодкор руҳияти билан боғлиқ масалаларга кам эътибор берилар эди. Н.Каримов, О.Шарафиддинов, Отаёрларнинг эссе-романларида бу камчиликлар маълум даражада тузатилаётганлигини кўриш мумкин.

Ўзбек мунаққидлари орасида бу жанрни ривожлантиришда Наим Каримовнинг алоҳида ўрни бор. Истеъдодли олимнинг ўзбек ёзувчилари ва шоирлари ҳаёти ва ижоди тадқиқ этилган, китобхонлар севиб ўқийдиган Ойбек, Ҳамид Олимжон, Усмон Носир, Чўлпон, Ҳамза қаба ижодкорларга бағишланган асарларини шу жанрнинг ёрқин намуналари сифатида кўрсатиш мумкин.

Н.Каримовнинг XX аср ўзбек ёзувчилари ҳақидаги эссе – романлари ўзбек танқидчилигида алоҳида ўрин эгаллайди. Маълумки, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом каби ёзувчилар ҳақида олдин ҳам тадқиқотлар, монографиялар ёзилган эди. Масалан, танқидчи Х. Ёкубовнинг Ойбек, Ғафур Ғулом ҳақидаги

китобларини эслаш кифоя. Шунга қарамай, Н.Каримов бу ижодкорлар тўғрисида яна ёзишга журъат этди ва ўз сўзини айтишга муваффақ бўлди. Масалан, у Ҳамид Олимжон маҳоратини зукколик билан тадқиқ этади ва унинг шеърӣ мероси тўғрисида жуда кўп ўринли кузатишлар ҳамда мулоҳазаларни ўртага ташлайди. Олимнинг Ойбек ҳақидаги китоби ҳам илмӣй кузатишларга бойлигидан ташқари, жуда кучли эмоционал кўтаринкиликка эга. Танқидчи бу адибларни жуда яхши кўради ва муҳаббатини китобхондан яширмайди, аксинча, унга ҳам юқтиришга интилади. Улар яратган чинакам асарлардан олган эстетик завқини бошқалар билан баҳам кўришга ошиқади. Н.Каримов ким тўғрисида ёзмасин, китобида, рисоласида ва ҳатто маколаларида, албатта, бирор янги гап айтишга, ёзувчининг ижоди билан боғлиқ бирорта муҳим тафсилотни баён этишга уринади. Ёки олимнинг Усмон Носир ҳақидаги икки асари-эссе-романи ҳам бошдан-оёқ янги материаллар, далиллар асосида ёзилган.

Адабиётшунослик ва танқидчиликда шу вақтга қадар асосан санъаткорларнинг асарларини текшириш билангина кифояланиш, шу асарни яратган шахснинг ҳаётини, табиатидаги ўзига хос хусусиятларини, у ёки бу асарнинг яратилиш тарихи ва сабабларини, санъаткорнинг шахс ва ижодкор сифатида шаклланишига таъсир кўрсатган муҳитнинг ўзига хослигини очишга кам эътибор бериш каби камчилик нафақат эсселарда, балки танқидий-биографик йўсинда яратилган барча асарларга хос муштарак қусур эканлигини юқорида кўрсатиб ўтган эдик. Н.Каримовнинг Ҳ.Олимжон ҳақидаги китоби шу масалаларга алоҳида эътибор берилиб, санъаткор шахси ва ижодини бир бутунликда очишга интилгани билан қимматлидир. Китобнинг бошланишидаёқ ҳассос танқидчининг китобхон эътиборини тортувчи образли фикрларига дуч келамиз.

Китоб уч асосий бобдан иборат. Шоир ҳаёти ва ижодининг баҳорий босқичи, баалоғатга етган даври, ҳаётининг сўнгги йиллари ёритилади. "Н.Каримовнинг барча тадқиқотлари билан бирга мажбур асарини бирлаштириб турувчи етакчи нарса-бу олимнинг текшириш методи, яъни Ҳ.Олимжон асарларига

биографик планда ёндашиш йўсинидир"¹. Бу фикрларга қўшимча қилиб айтмоқчимизки, китобда Н.Каримовнинг танқидий - биографик йўсиндаги барча асарларига хос хусусият илмий ва образли тафаккурнинг ўзаро омукталиги, танқидчи қалбининг - ижодкорга, санъат асарларига кучли муҳаббатининг сезилиб туришидир. Ҳ.Олимжоннинг шоир сифатида камолга етиши, асарларининг халқимиз маънавий мулкига айланиши, ижодининг камолоти уч омил билан боғлиқликда акс эттирилган. Шуниси эътиборлики, Н.Каримов Ҳ.Олимжон асарларининг бадий гўзаллиги ҳақида шоирона илҳом ва завқ билан фикр юритади. Шунга қарамай, китобда баъзи нуқсонлар ҳам йўқ эмас: шоир ижодининг мураккаб, зиддиятли томонлари (м: Фитратга муносабати ва хоказо), шахсий ҳаётидаги нуқталарни кенгайтириш зарурлиги сезилиб турибди, бу аслида эссе жанрининг талабларидан саналади.

«Қаерга ҳақиқат нури тушмаса, ўша ерда уйдирма илони ўрмалаб юради. Усмон Носир ҳаёти ҳақида ҳам ривоятлар кўп. Бу ривоятларнинг аксари тўқима. Аммо улар орасида шундайлари ҳам борки, худо ҳақи, ишонгинг келади, киши!». Ўзбек адабиётида жуда эрта сўнган юлдузлардан бири, халқимизнинг сеvimли шоири Усмон Носир ҳақидаги бу сатрларни ўқиган ўқувчи кўлга олган мўъжаз китобчани бир зумда ўқиб тугатганини сезмай қолади. Илмий ва бадий тафаккурга йўғрилган, мунаққид қалбидан отилиб чиққан қайноқ сўзлар китобхонни Усмон Носир ҳаёти ва ижодига қизиқтириш йўлидан бошлаб боради.

Шоир ҳақидаги ривояту афсоналарнинг кўплиги, уларнинг қайсида ҳақиқат, қайсинисида ёлғон кўп эканлиги мунаққидни кўп ўйлантиради, уни ҳақиқатни ёзишга ундайди, шоир изидан тушиб, узок ўлкаларга сафар бошлайди ва шу тариқа Усмон Носир ҳақидаги эссе-роман дунё юзини кўради. Мунаққид-ижодкорнинг Усмон Носир ҳаёти ва ижодига бағишланган асарлари «Усмон Носир. Ҳаётий лавҳалар. Хужжатлар. Ривоятлар», «Усмон Носирнинг сўнгги кунлари» бу жанрнинг ёрқин намунаси ҳисобланади. Бу асарларда мунаққиднинг ҳаёл олами нақадар кенглигини, навқирон ёшида фожиали ҳалок этилган

¹ Раҳимжонов Н. Илмий тафаккур жилолари. Т.: Фаң, 1991. 21-бет.

Ўзбек шоири ҳаёт ва ижод йўлини илмий ва образли тафаккурга йўғирган ҳолда талқин этиши ва дилдан ардоқлашини кўриш мумкин.

Эссенинг жанрий белгиларидан бири шуки, унда далилларнинг илмий жиҳатдан ҳар томонлама исботланган бўлиши кўпам талаб қилинавермайди. Эсседә, танқидчиликнинг бошқа жанрларидан фарқли равишда: мунаққид ўзини эркин ҳис этади, фикрлар оқимининг чегарасизлиги, ҳис-туйғуларнинг ранг-баранглиги унга катта имконият беради. Ижод эркинлиги деган тушунча, назаримизда, эсседә бош масала ҳисобланади. Шунинг учун ҳам эссенинг биринчи қисмидаёқ мунаққиднинг тафаккури кенгликларни камраб олишга ҳаракат қилади. Ижодкор шоир ҳақидаги ривоятларга ишонган ҳолда эссени ўз ҳаёлотига таяниб бошлайди: «Уч ойлик Усмон Носир бешиги билан йўқолган, ниҳоят 40 кун деганда кўприк тагидан топилган. Бир оқ от ҳимоясида турган гўдакни кўрган кексалар умри узок бўлади, бундан буён Оллоҳнинг паноҳида яшайди деб башорат қилганлар». Ёш Усмоннинг отадан етим қолиб, яхши кишилар қўлида ўсишини Холамбибининг ҳаёли орқали оппоқ ёлли оқ отга боғлайди.

Н.Каримовнинг «Ажойиб кишилар ҳаёти» туркумидаги «Ҳамид Олимжон» китоби ҳақидаги мулоҳазаларида эссе дейилмаса-да, эссенинг жанрий хусусиятлари белгилаб берилган: «Шуниси эътиборлики, муаллиф китобнинг кўпдан-кўп саҳифаларида ўз таҳайюлига, ҳаёлотига эрк беради, бу услуб, ўз навбатида, асарнинг бадиийлигини ошириб, уни янада ўқимишли, сеҳрли, кизиқарли қилади. Олим таҳайюлидан тўйинган шоир ҳаёти ва ижодига доир айрим маълумотларнинг ҳужжатли асоси бўлмаслиги мумкин, лекин уларга биз тўлиқ ишонамиз, чунки улар шоир турмуши, ижоди ва тақдирига доир шарт-шароитлар билан ажралмас уйғунликда содир бўлади». Ҳақиқатан ҳам эсседәги бундай усул китобхон диққатини бир нуқтага жамлайди, асарни жозибали қилишга ёрдам беради. У. Носирга бағишланган эссе-романда ҳам танқидчи шоирнинг ўз отаси, ўғай отаси ва онаси Холамбиби ҳақидаги маълумотларни ҳам ривоятларга ўраган ҳолда беради. Айниқса, отасининг қаҳридан қудуққа

¹ Назаров Б. Теран адабиётшунос // ЎТА. 2002. 6-сон. 5-бет.

боғланган Усмонжон куш бўлиб учиб чиқиб, онанинг елкасига қўниб «дард ва алам билан наво айтиб, сайраб-сайраб» учиб кетганлиги, фарзанд доғига чидолмаган онанинг бу дунё билан хайрлашгани ҳақидаги ривоят жуда таъсирчан чиққан ва рамзий маънога эга бўлиб, ўзбекнинг истеъдодли, ҳаёти эрта сўнган ёш шоирининг қисматига ишорадай бўлиб туюлади китобхонга. Бу эсседа танқидчи ҳаёлотининг чексиз уфқларини кўрсата олган. Унинг биринчи қисмида шоирнинг Тошкентга кўчиб келгунига қадар кечган ҳаёт йўли таҳлил этилади. Иккинчи китобга Усмон Носирнинг кейинги фожиали ҳаёти асос қилиб олинган. Унда Н.Каримовнинг аниқ далиллар, ҳужжатлар билан иш кўриши ўқувчини қизиқтириш билан бирга, шоир ҳаётининг қоронғу нуқталарини ёритишга хизмат қилади.

Эссенавис аниқ далилларга суянса-да, ривоятлар оқимида сузаверади, тахаюлотли кенгликларига парвоз этади. Ёш шоирнинг А.Қодирий, Чўлпон каби устоз санъаткорлар билан учрашувини мароқ билан самимий тасвирлайди. Шоирни «Чўлпон шеърляти дарёсидан ажралиб чиққан бир жилга» деб ҳисоблайди». «Усмоннинг найи» ҳақида сўзлар экан, яна ривоятларга йўл беради. Шоир қиёфасини ўқувчи кўз олдида ёрқинроқ тасаввур этишга ёрдам беради. Эссе-романнинг катта аҳамиятга эга яна бир жиҳати бор: асар Усмон Носирнинг танқидчи қайта яратган мукамал образи билан бирга у яшаган давр, унинг дўстлари, устозлари, рақиблари в.х. ҳақида кенг маълумотларга бой. «Қибрай» деб номланган бўлимда А.Қодирий, Элбек, Ғ.Зафарий каби ижодкорлар қиёфаси очиб берилади. Шу ўринда эссенавис бошқа усулларга ҳам мурожаат этади: шу воқеа хусусида бошқаларнинг, масалан, уни ўз кўзи билан кўрган Ю. Мақсудовнинг хотираларидан мисол келтириш орқали асарнинг ҳаққонийлик кучини оширишга эришади. Умуман, эссенавис китобнинг бу қисмида У.Носирни кўрган, у билан бирга бўлган кишиларнинг хотираларига кўпроқ таянади. Н.Каримов «Зулм дарахти»нинг ўсиб бориб, разолат меваларини бера бошлаганини нафрат билан аниқ далилларга суяниб шунчалик ёрқин ифодалайдики, ўқувчида ҳам Сталин истибдоди, социализмга қарши нафрат туйғуларини уйғота олади. Эсседаги шоир ҳаётининг фожиали тугаши ҳақидаги сатрларни ўқир экан, китобхон кўксидан шундай нидолар отилиб чиқиши табиий. Бу

хам танкидчининг истеъдодли эссенавис эканлигини яна бир бор кўрсатади.

Эссеист учун яхши ҳикоячи, чуқур мушоҳада юритувчи файласуф, чин юракдан дардлашадиган суҳбатдош, ахлоқ ўқитувчиси бўлиш, умумаъ, шарт эмас ва айни замонда бу қобилиятларнинг барчаси унинг учун етарли эмас. Тафаккур кучи билан у файласуфга, тасаввутининг ёрқинлиги билан рассомлар ва ёзувчиларга, икромининг очиқлиги билан икромнома ва кундаликлар муаллифларига ўхшаб кетади. Эссеист учун, энг муҳими, бу қобилиятларнинг барчасининг табиий алоқаси, ўзининг шахсий тажрибаларида билимнинг турли қирраларини марказлаштиришидир¹. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, Н.Каримов У Носир ҳаёти ва ижодига файласуф кўзи билан қараб баҳо беради, рассомлардек афсоналар, ривоятлар дунёсида туриб, шоир образини чизади. Шоирнинг ижтимоий-сиёсий ғоялар дунёсидаги ҳаётини публицист кўзи билан кузатади, У. Носирнинг фожиаи ҳаёти, қисмати ҳақидаги аниқ далилларни ҳам келтиради. Энг муҳими, «энг гуллаган ёшлик чоғида» хазон бўлган талантили ўзбек шоирининг қалбимизга яқин образини яратади. Эссени ўқир экан, китобхон шоирга янада яқин бўлади, унинг яратган мўъжизаларини қалб кўрида авайлашга интилади. Мунаққиднинг эссешуносликдаги ютуғи ҳам мана шунда.

Мустақиллик йилларида Н.Каримов эссе-роман жанрида каламини синаб кўрган, тажрибаси ошган мунаққид сифатида Чўлпон ҳақида йирик тадқиқот яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Олимнинг Чўлпон ҳақидаги мақолалари, рисоалари бу йирик асарнинг яратилишига замин бўлди. Тўғри, Чўлпоннинг ҳаёти ва ижоди ҳақида бошқа чўлпоншунослар ҳам катта тадқиқотлар яратганлар. Бу соҳада О.Шарафиддинов, Н.Владимирова, Д.Куროновлар яратган жиддий тадқиқотларни алоҳида қайд этиш лозим. Аммо Н.Каримовнинг асари ўзига хос фазилатларга бойлиги билан ажралиб туради. “Китобнинг биринчи навбатда кўзга ташланадиган ўзига хос томони шундаки, унда Чўлпон ҳаёти ва ижоди тўғрисида қарийб 80-йил давомида нашр этилган деярли ҳамма мақолалар-у рисоалардаги далиллар, маълумотлар, фикрлар, кузатишлар, қарашлар ҳамда хотиралар

¹ Эпштейн М. Законы свободного жанра // Вопросы литературы. 1987. № 3. С. 129.

умумлаштирилиб, шоир босиб ўтган йўлнинг ниҳоятда кенг, муфассал манзараси чизилган. Чўлпон ҳаёти ва ижодининг имкон борида тўлиқ манзарасини гавдалантиришга интилар экан, муаллиф ўз олдига шоир тўғрисидаги сира ёлгон бўлмаган сохталаштирилмаган, ялтиратилмаган ҳақиқатни юзага чиқариш мақсадини қўяди”¹. Ҳақиқатдан ҳам чўлпоншунос олим ўз олдига а) Чўлпон тўғрисидаги ҳақиқатни тиклаш; б) унинг буюк инсон ва беназир шоирлигини улуғлаш мақсадини қўйган ва унга эриша олган. Н.Каримов бу йўлда, унинг ҳаёти ва ижодининг турли муаммолари, юзасидан кўплаб адабиётшунослар билан баҳсга киришади. Ўзининг асосли мулоҳазаларини ўртага ташлайди. Масалан, олим Чўлпоннинг туғилган йили масаласида баҳсга киришиб, ўзининг янги далилларини шоирнинг 1897 йилда эмас, 1898 йилда туғилгани ҳақидаги қарашларини ўртага ташлайди.

Бу асарнинг жанри ҳақида “Чўлпон”га тақриз ёзган олимлар ҳам. Н.Каримовнинг уни “Маърифий роман” деб аташини ёқламайдилар. Б.Қосимов уни “роман - эссе” ёхуд ҳатто “биографик роман эссе” деб аташ маъқул деб ҳисоблайди. Чунки китоб ижодий-биографик йўналишнинг маҳсулидир. С.Содиқ асарнинг соф адабиётшунослик тадқиқоти эканлигини таъкидлайди. Бунга сабаб: 1) хулоса-ю умумлашмаларнинг кўплиги, уларнинг кўпчилигини хотиралар асосида далилланганлиги; 2) жуда кўп янги қарашлару қўлатишлар ўртага ташланганлиги; 3) ҳақиқатни юзага чиқаришда мунозаралару бадий асарлар таҳлилидан ўринли фойдаланилганлигини асос қилиб олади. Аммо олим асарга роман бўлиш учун бадий тўқима етишмайди деб ҳисоблайди, уни Х.Султоннинг “Бобурийнома” асари билан қиёслаб, унинг ҳақиқий маърифий роман эканлигини очиқ беради. Биз ҳам олимларнинг фикрларига қўшилган ҳолда “Чўлпон” асарини “эссе - роман” жанрида ёзилган деб ҳисоблаймиз. Чунки унинг эссе - роман жанрига мансублигини кўрсатувчи хусусиятлар қуйидагилар:

¹ Содиқ Санжар. Маърифий романи ёки тадқиқот? // : Ижоднинг ўттиз даҳзаси. Т.: Шарк 2005. 186-бет.

1. Эсседа адабиётшуносликнинг турли соҳаларидаги даъво ва хулосалардан фойдаланиш орқали муаллиф ўзининг карашларини далиллашга интилади.

2. Эссе - эркин жанр. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, асарда Н.Каримовнинг кўпинча эркин фикр юритиши, қолипларга риоя қилмаслиги кўринади.

3. Эссе жанрида услуб ифода воситаларининг чегарасизлигини кўзда тутди: образлилик билан бирга турли фанларга оид илмий омиллар, статистик рақамлар тарихий ва биографик маълумотлар, ҳуллас, кўп соҳалардан далил ва мантикий воситалар келтириш мумкин. Н.Каримовнинг Чўлпон ҳақидаги асарида худди шундай белгилар аниқ кўриниб туради.

4. Мунаққид асарда образли ифодалар, тасвирий воситалардан унумли фойдаланади. Китобдаги фаслларнинг номланиши ҳам муаллифнинг образли тафаккури бой, ҳаяжонлари кўпинча драматизмга тўлиқ эканлиги, энг муҳим кайноқ қалби кўриниб туради. Шунинг учун асар эссе-роман жанрига мансублиги яққол кўринади.

Мунаққиднинг “Чўлпон” эссе-романи биринчи навбатда шоир ҳақидаги ҳақиқатларни тўлдириш ва ойдинлаштиришга хизмат қилади. Унда Чўлпон ҳаёти ва ижоди тўғрисида нашр этилган деярли ҳамма мақолалару рисоалардаги далил, маълумот, кузатиш, карашлар ва талқинлар, хотиралар умумлаштирилиб, шоир босиб ўтган йўлнинг ниҳоятда кенг, муфассал манзараси чизилади. Энг муҳими, асарда китобхон кўзи олдида миллатнинг чўнг қояларидан бири Чўлпоннинг кенг, мукамал образи намоён бўлади.

Муаллиф эссе-романда шоир образини яратар экан, у кўз олдимизда қуйидагича намоён бўлади: Чўлпон - қалби ҳиссиётга тўла истеъдодли шоир. Чўлпон – ўзининг лирик шоирлигини насрда намоён қилган носир. Чўлпон – ўз давридан олдинга кетган, танқидчи ва моҳир таржимон. Чўлпон – ўз миллатининг бахти, келажаги учун қайғурадиган миллатпарвар инсон. Чўлпон – инсонпарвар, дўстга садоқатли, хушфەъл, ҳамсухбат, қалби тоза, юрт деб, мустақиллик деб ўзини фидо этган буюк шахс.

Асарда Н.Каримовнинг танқидий-биографик характердаги барча асар ларига хос муштарак хусусият илмий ва образли тафаккурнинг ўзаро омукталиги, танқидчи қалбининг ижодкорга,

санъат асарларига бўлган кучли муҳаббатга лиммо-лим юракнинг эҳтиросга тўлган ҳолда намоён бўлишидир.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, истеъдодли олим, зукко мунаққид Н.Каримовнинг “Чўлпон” эссе-романи ёш авлоднинг эстетик тафаккурини ривожлантиришда, унинг бадиий савиясини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Халқнинг сеvimли шоири ҳақида қалбимизда буюк ҳурмат муҳаббат туйғуларини уйғота олди.

В.Катаевнинг “Хаёл чечаклари”ни ўқиган китобхон адабий танқидга бутунлай янгича кўз билан қарай бошлайди. Чунки асар тағматнида кўзга кўринмас кўшиқ, куй, оҳанг яширинган. Бу оҳанг гоҳ китобхон қалбини ўз йўналишига мос тебрантиради, гоҳ ўзига кўшиб қуйлатади, гоҳ ўз дарёсига оқизиб кетади ва буларнинг бирортаси учун биздан руҳсат сўрамайди. Худди шундай Н. Каримов ҳам ўзининг эссе-романларида Чўлпон, Ойбек, Ҳ.Олимжон, У.Носир каби сеvimли ижодкорларнинг образларини ўзига хос услубда тасвирлайди. Шуниси эътиборлики, эссеист танлаган қаҳрамонлар ўзларининг буюкликлари, адабиётдаги жасоратлари билан ажралиб турадилар. Танқидчи қалбига яқин эссе қаҳрамонлари ўз асарлари билан бизга таниш бўлсалар-да, Н.Каримов қаламининг нуридан тўкилган ҳарорат ила янада қадрдон, янада азиз бўлиб қоладилар. Улар бу эсселарда ҳамиша нур сочиб турувчи, инсониятни эзгуликка чорловчи қаҳрамонлар бўлиб қоладилар.

Мустақиллик йилларига келиб, эссеистиканинг ривожланиши бирмунча тезлашди. Ёзувчи ва танқидчилар эссенинг турли кўринишларини яратишга эътибор қарата бошладилар. Бу жанр, айниқса, Ш.Холмирзаев ижодида ўзига хос ўрин эгаллайди. Эссе, айтиш мумкинки, адиб ижодида юқори босқичга кўтарилди. Умуман, Ш. Холмирзаевнинг бу даврда ҳам ёзувчи, ҳам мунаққид, ҳам оташин публицист, адабиёт жонкуяри сифатида ижодкорлар орасида фаол эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш ишимизга асос бўла олади.

Ш.Холмирзаев академик, йирик мунаққид, адабиётшунос олим М. Қўшжоновга бағишланган эссе-киссасини эълон қилди. Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида ёзувчи ва шоирлар ҳаёти ва ижоди ҳақида адабий портретлар, эссе, эссе-романлар, танқидий-биографик очерклар, монографиялар кўплаб яратилган.

Аммо ўзбек мунаққидлари ижоди ҳақида бу фикрни айтиш кийин. И. Султон, Ҳ.Ёқубов, М.Қўшжонов, О. Шарафиддинов, Н.Каримов, У.Норматов сингари улкан олимларнинг ҳаёти ва ижодига доир турли жанрларда кўплаб асарлар яратилиш имконияти бўлса-да, танқидчилик бу соҳага кам эътибор бериб келди.

М.Қўшжонов ҳақида илгари иккита адабий портрет яратилган эди. Ў.Ўтаевнинг "Танкид ва услуб", И.Ғафуров билан А.Исмоиловларнинг "Дил кўзгусидаги қиёфа" адабий портретларида олимнинг қиёфасини ҳар томонлама чизиб беришга ҳаракат бор эса-да, иккинчи портретдаги камчиликлар ўз вақтида қаттиқ танқид қилинган эди. Аммо эсседа бу муаммо бир мунча кенг, атрофлича, эркин ва ёзувчининг бор маҳорати ишга солинган ҳолда турли усулларни қўллаб ечилади. Ўқувчи кўз олдида олимнинг инсоний ва қисман ижодий қиёфаси, тўлиқ ва бир бутун образи яққол намоён бўлади.

Адиб бошиданок ўз олдига аниқ мақсад қўяди: «У ҳолда, «Бу одамнинг ўзи ким? Қандай шахсу қандай Адабиётшуноски, бунчалар Устозлик қилган бўлса? деган савол туғилмасми? Туғилар-ов... Ниҳоят мени янада чуқурроқ ўйлашга мажбур этган ҳол - Олимнинг Оламга-ю Адабиётга қараши, яъни бу борадаги ақида-ю қаноатларининг ўз ҳаётида - умргузаронлигида намоён қилиши (пироварди, уларнинг бир-бирига чирмашиб бир бутунлик ҳосил қилгани), алқисса, Унинг менга бўлган муносабатларида ҳам, демак, бу ҳолнинг намоён бўлиши тарзида эссе ёзишга қарор қилдим».

Асардаги эссега хос - чегара билмаслик, эркин фикр юритиш каби хусусият унинг сарлавҳасиданок кўзга ташланади. Эсседа бош қаҳрамон М.Қўшжонов ва ёзувчининг ўзи бўлса ҳам, у адибнинг ҳаётдаги бошқа устозлари: Шукур Бурҳондан тортиб, Н.Фозилов, Т.Жалолов, мактабдаги адабиёт ўқитувчиси, отаси, онаси, қалбига яқин кишилар ҳақидаги хотираларга ўралган самимий мулоҳазалар, энг муҳими, Мехр, Устозларга улкан эҳтиромдан битилган.

Эссега ўзига хослик бахш этиб турган фазилатлардан бири ҳаётдаги кишилар билан ёзувчи орасида «кечган-кечирмишлар»нинг табиий тасвири бўлиб, у асарга жозиба бахш этиб туради. Асарнинг композицион тузилиши ҳам ўзгача: 8 қисм ва улар ҳам ўз сарлавҳаларига эга кичик-кичик фасллардан

иборат. Бу усул ўқувчи диққатини ўзига тортиш хусусиятига эга эканлигини биринчи «Ўзбек Белинскийси» деган сарлавҳа билан бошланган фаслдаёқ кўриш мумкин. Бу сарлавҳани ўқиган, буюк рус танқидчиси В.Белинский ким эканлигини билган киши М.Қўшжоновнинг қандай олим эканлиги ва Адабиёт олдидagi хизматлари қай даражада эканлигини дарҳол англаб етади.

Адиб турли-туман: лирик чекиниш, ўз-ўзига мурожаат, ретроспектив тасвир, қаҳрамонлар нутки орқали портрет чизиқларини чизиш каби усулларни моҳирлик билан қўллайди, ўй-хаёллари орқали устозга эхтиром кўрсатиш йўлидан боради, булар бирлашиб Устозининг мукаммал киёфасини яратишга хизмат қилади. Ҳаётда тирик бўлган Устоз ҳақидаги тирик хотиралар юракдан чиққани учун табиий кўринади. Ш.Холмирзаев Устозининг «Бадий маҳорат масалалари» мақоласини ўқигандаги ҳолатини шундай тасвирлайдики, гўё «Ўтган кунлар»ни ўқиб хайратга тушган китобхонни кўргандай бўласиз. Бу «Адабиёт- ҳаёт кўзгуси» деган иборани жўн тушунган талабанинг мунаққид сўзининг сеҳридан хайратлар ва гўзалликларга ошно бўлгандаги қалб ифодасидир.

Эссенинг бошидаёқ М.Қўшжонов портретининг муҳим чизиқлари тортилади. Асарни ўқиган сари олимнинг киёфаси кўз олдингизда юксалаверади. Шогирднинг Устозга муносабати, унга ҳавас қилиши, ҳар бир гапига, қилиғига эътибор бериши каби элиодлар тасвири жуда тиниқ ва табиий чиққан. Шу боис эссе навис қаламидан чиққан сўзлар сеҳри қалбимизга яқин бўлиб қолади. Ш.Холмирзаев Устозининг ҳаётини тасвирлар экан, унинг асарлари, Адабиётга муносабати, ҳақиқий ёзувчилар ижодини кадрлай олиши, истеъдодли ёшларга эътиборини диққатидан қочирмайди. Энг аввало, шогирдни Устозининг шахсияти, қандай одамлиги қизиқтиради. Шунинг учун ҳамма жойда, ҳатто унинг уйига борганда ҳам, иккаловлари овга чиққанда ҳам Устозини синчиклаб кузатишдан чарчамайди. Кузатишлари асосида М.Қўшжоновнинг ташқи портретини ҳам чизади. Устозу шогирд қаерда, қай вазиятда бўлмасинлар ҳамиша ижод ҳақида, Адабиёт ҳақида суҳбатлашишади.

Ёзувчи Ш.Холмирзаев услубига хос бир ажиб хусусият унинг эсселарида ҳам ёрқин кўринади: юқорида айтганимиздек асарда бош қаҳрамон М.Қўшжонов бўлса-да, баъзи қисмларда

адибнинг ўз ҳаёти, севгиси ёки Шукур Бурҳон билан боғлиқ воқеалар, дўстлари билан кечирмишларини ҳам завқ билан ўқиймиз. Айниқса, Саида билан боғлиқ лавҳалар бадий асардагидек ўқувчини ўзига тортадиган даражада жозибали чиққан. Аммо асарнинг барча ўринларида- дарсда, репетицияда, кишлоқда, квартирада-қаерда бўлишидан қатъи назар- ҳамма жойда Шукурнинг-шогирдининг ўй-хаёллари доимо Устози билан, Адабиёт билан боғлиқ ҳолда кечади: репетиция пайтида салобатли, ўз сўзига эга, театр жонкуяри Шукур Бурҳон билан М. Қўшжоновга хос муштарак томонларни қиёслайди; кишлоқда ҳам, қаерда бўлмасин, шунга боғлиқ ҳолда устозининг гапларини эслаб юради, тафаккур чиғирғидан ўтказди. Адабиёт билан бир умрга боғлиқ эканини ҳам ёзувчи сифатида танилмай туриб ҳис этадики, бу ҳам буюк инсон- М.Қўшжоновнинг истеъдодли шогирдига ишончи натижасидир.

Ш. Холмирзаев газетада берилган бир адабий суҳбатида эссе жанрининг «ёзувчига беҳад кенг эркинликлар бериши» ҳақида гапирган эди. Ҳақиқатан адибнинг ўзи ҳам тасвирланаётган воқеа-ҳодиса ҳақида фикр юритар экан, ўз кўнглида туғилган ҳис-ҳаяжонини, шахсий мулоҳазаларини ҳам бемалол баён этиш йўлидан боради: «...Лекин, лекин,- бирдан ҳаяжонланиб кетдим, Матёқуб ака устоз. Устознинг шогирдга муносабати,- ажабо!- қондошлик муносабатларига менгзаб кетар экан-да. Жуда қизиқ...». Ҳис-ҳаяжонга тўла бу сўзлар барча шогирдларнинг сеvimли Устозларига қалб эхтироми сифатида намоён бўлганки, у шогирдлар қалбида Меҳр, Хурмат каби инсоний туйғулар уйғотишга кодир.

Эссенинг китобхонни қизиқтирувчи яна бир томони бор: унда нафақат Устоз М.Қўшжоновнинг портрети яратилади, балки ёзувчи ўзининг ҳам автопортретини чиза боради. «Севги ва Адабиёт», «Давоми..» фаслларида ёзувчининг шоиртабиат, эркинликка интилувчи феъли очила боради. Бу саҳифаларни ўқиб кўз олдингизда халқ севган адиб Ш. Холмирзаевнинг қалбингизга яқин, асарлари каби самимий қиёфаси гавдаланади. Сиз ижодкорга янада яқин бўлиб қолганлигингизни сезмай қоласиз. Асарнинг шу қисмида чегара билмас самимий тасвирлар, эссега хос эркинлик, илмий ва бадий тафаккурнинг уйғунлашуви, муаллифнинг «мен»и, айниқса, бўртиб кўринади. Бироқ шуни ҳам

айтиб ўтиш керакки, баъзида адибнинг хаёллари ҳаддан зиёд чўзилиб кетади.

Эсседа адиб дўстлари А.Орипов, Э.Воҳидов, Н.Худойбергенов, М.Сафаров каби ижодкорларнинг характериға хос чизгилар берадики, бу ҳам китобхон билан ёзувчилар, мунаққидлар орасидаги масофани яқинлаштиришға ёрдам беради. Асар қаҳрамонларининг деярли барчаси адибға таниш, юрагига яқин одамлар, шунинг учун бўлса керак, унинг самимий хотираларида бу кишиларнинг бутун ҳаёти кўз олдимизда яққол гавдаланади.

III. Холмирзаев асарнинг жанрини эссе-кисса деб белгилайди. Назари-мизда, жонли хотиралар асосидаги устозларға бағишланган, Устозлар, Адабиёт улуғланган бу асар жанрини **эссе-роман** деб белгилаш мақсадға мувофиқдир. Чунки образлар олами, қаҳрамонлар галереяси, воқеа-ҳодисаларнинг кенг маконий ва замоний моҳият касб этиши, эссе-романға хос илмий ва бадий тафаккурнинг уйғунлиги, мулоҳазаларнинг эркин ва чексизлиги асар жанрини шундай белгилаш имконини беради. Асарда эссеға хос синтетиклик: бадий, илмий, адабий-танқидий, ижтимоий-фалсафий карашлар омухталлиги устивор. Фикр эркинлиги эса эссе-романға ўзгача жозиба бахш этган. «Бу кишим-устоз, Мен шогирд» эссесининг аҳамияти, энг аввало, устозларни кадрлашни ўргатишида, ҳаётға тийран кўз билан карашға, энг муҳими, Адабиётни чин дилдан ҳис этишға қўмак беришида ёрқин намоён бўлади. Бундай характердаги асарлар бугунги кун учун жуда-жуда зарур. Шунинг учун бу асарни жаҳон адабиётидаги замонавий эсселар қаторига бемалол қўйиш мумкин. III. Холмирзаев эссеси маънавий кадриятларимизнинг замонавий шакли сифатида халқ маънавий дунёсини бойитиб, маданият тараккиётиға хизмат қила олади.

Кейинги йилларда “Ажойиб кишилар ҳаёти” туркумидаги асарлар яратиш анча сусайди. 90-йилларнинг бошларида ҳақли таъкидланганидек, “Ушбу туркумнинг (“Ажойиб кишилар ҳаёти”, “Ёзувчи замондошлари хотирасида” сингари) мавзунни, жуғрофий харитасини янада кенгайтириш, уни классик адабиётимиз ва санъатимиз, маданиятимизнинг улкан сиймолари ҳақидаги хотиралар, илмий-бадий асарлар билан бойитмоқ лозим”¹.

¹ Раҳимжонов Н. Илмий тафаккур жилолари. Т.: Фан, 1991. 23-бет.

Халкимизнинг фахри бўлган мумтоз адабиёт вакиллари, XX асрнинг ёзувчилари ва шоирлари ҳақида бундай туркумдаги асарлар ёзиш пайти етиб келди.

"Ойбек замондошлари хотирасида" китоби чиққандан кейин халкимиз Ойбекнинг ҳаёти ва ижодининг қоронғу нуқталаридан, инсон сифатидаги фазилатларидан хабардор бўлди. Н.Раҳимжонов Ойбек ҳақидаги хотираларни улар қанчалик кўп бўлмасин, мукаммал дейиш кийин деган хулосага келганида ҳақ: "Негаки, хотираларда Ойбекнинг оилавий ҳаёти, фарзандларига бўлган муносабати, ака-укалари, сингиллари, қариндош-уруғлари даврасидаги ҳаёт лавҳалари деярли қоронғулигича қолган. Бу борада Ойбекнинг умр йўлдоши Зарифа Саидносирова ҳамда фарзандларининг эсдаликлари кўп нарсага ойдинлик киритган бўлурди". Бу истаклар амалга ошди. З.Саидносированинг "Ойбегим менинг" китоби Ойбекнинг қиёфасини тўлиқ очиб берувчи қимматли манбага айланди десак ҳато қилмаймиз. Элга таникли олима, устоз Ойбекнинг садо-қатли дўсти, охириги кунларигача ҳамнафаси бўлган Зарифа опа Саидносир қизининг сарлавҳасиданок меҳр ва садокат уфуриб турган хотиралари самимий ҳисларга бойлиги билан ажралиб туради. Асар ичига чуқурроқ кирган сайин кўз олдингизда буюк ёзувчининг мураккаб ҳаёти, илҳоми қайнаган гўзал онлар, фарзандларига муносабати янада ёрқинроқ гавдаланади. Китобда Ойбек ҳақидаги янги маълумотлар анчагина. Унинг китобхонлар диққатини тортувчи яна бир хусусияти шуки, Ойбек ва Зарифанинг гўзал фазилатлари- меҳнатқашлик, қувончли дамларда ҳам, оғир мусибатли кунларда ҳам тушқунлик ва умидсизликка берилмай ижодий меҳнат қилишдир. Китобнинг тили раво, бўёқдор, хотираларнинг таъсирчан баъни, шеърлар насими, хатлар, суратлар бирин-кетин ўрин алмашиб китобхонни маҳлиё қилади.

Кейинги йилларда эссенинг турлича шаклдаги кўринишлари намоён бўлмоқда. Чунончи Хуршид Даврон ўзининг "Самарқанд ҳаёли" китобини тарихий ва маърифий бадиалар деб атайти. Ёки унинг "Бибиҳоним қиссаси ёки тугамаган дoston" асари ҳам бадиа

деб аталган. Баъзан эса матбуот саҳифаларида бирор ижодкор ёки унинг ижоди ҳақида ёзилган кичик бир мақолани бадиҳа деб номлаш, ҳажман жуда кичик қайдларни, этюдларни ҳам бадиҳа деб номлаш ҳоллари учрамоқда. Бунга Х.Давроннинг "Олисларда жи-мирларди бир юлдуз.." (Шайх Нажмиддин Кубро таваллудининг 850 йил олдидан) асари "бадиҳа дейилган (ЎЗАС" 1995 й., 4 август) Ҳолбуки, бу асар кўпроқ ҳикояга ўхшаб кетади. Вафо Файзуллонинг Бедилга бағишланган "Сўз йўли". Бедилга бадиҳа дейилса-да (Ўз.АС 1994.15 июль), онда Бедил ижодидан таъсирланган ёш шоирнинг бидил изҳорлари берилгандай тассурот қолдиради. Шунингдек, журналист З.Рўзиевнинг ўз қайнонасининг меҳру оқибатини хотирлаб ёзган "Дарёминдигиз, осмонминдигиз, Бувижон! ..." деб аталган хотираси ҳам эссе деб берилган. Бу ҳол эссеистикада жанр табиатини янада аниқлаштириш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Демак, эссе жанрига хос белгилар қуйидагиларда кўринади: эссе адабий танқидчиликнинг қўламли ва йирик жанрларидан биридир. Эсседа муаллифнинг ҳис-туйғулари жўшиб, сатрларга сочилади. Жанр қоидаларидан бири – эркинлик, мавзунини максимал даражада кенг миқёсда очиб бериш, ҳеч қандай нуқтага назарни четда қолдирмаслик. Шунинг учун эссеист нафақат танқидчи, балки файласуф, портретнавис, рассом, шоир, психолог, тарихчи сифатида кенг мушоҳада юритишга интилади. У характери ва ким томонидан ёзилганига қараб, икки хил тасниф этилади: ёзувчи эсселари-адабий эсселар ва танқидчи эсселари-адабий-танқидий эсселар. Танқидчи эсселари илмий ва образли тафаккур намуналари бўлиб, кўпинча ижодкорлар образларини яратиш ишига хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, танқидий-биографик ёндашув асосида ёзилган асарлар ёзувчи ҳаёти ва ижодини яхлит ўрганишда катта аҳамиятга эга. Уларнинг характерли белгилари: а) қўйилган муаммоларнинг сертармоқ лилигидан қатъий назар, бир ғоя, бир ўқ, асосий бир катта масала атрофида бирлашадиган яъни ёзувчининг ҳаёти ва ижодини ўрганиш, тадқиқ этишнигина амалга оширади; б) бу силсиладаги асарларда объект-текшириладиган санъаткорнинггина эмас, балки масалани ўрганаётган танқидчининг ҳам ўзига ҳослиги яққол кўриниб

туради, айниқса, адабий портретларда уларнинг ижодкорлиги бўғиб туради; в) санъаткорлар ҳаёти ва ижоди оммабоп услуб ва шаклда ўрганилган бундай тадқиқотлар орқали кенг халқ оммаси ижодкорларнинг тўлиқ ва яхлит кифоаси билан чуқурроқ танишиш имконига эга бўладилар; г) бундай гуруҳга мансуб асарларда бошқа жанрларга нисбатан публицистик рух кўпроқ бўғиб туради, бу, айниқса, адабий портрет жанридаги асарларда ёрқин намоён бўлади.

Адабиётга хизмати синган ёзувчиларнинг ижодини атрофлича текшириш шунинг учун ҳам зарурки, улар ҳар бирининг ижодий йўли, бош мавзуи, образлар тизими, бадиий маҳорати ва услубини тадқиқ этиш орқали адабиётдаги ютуқларни аниқлаш, тажрибаларни умумлаштириш мумкин. Бу эса адабиётимиз босиб ўтган аниқ тарихий босқичларнинг табиатини белгилаш жиҳатидан ҳам, адабиётимизнинг келгуси тараққиётига ёрдамлашиш жиҳатидан ҳам аҳамиятлидир. Шунинг учун тарихий-биографик ёндашув асосида яратиладиган асарлар: портрет-мақолами, адабий портретми, танқидий-биографик очеркми—қандай шаклда бўлишидан қатъий назар адабиётшунослик ва адабий танқидчилик ривож, тараққиёти учун зарур.

Адабий портретлар ижод майдонида ўзини кўрсата олган каламкашлар, улар ҳаёти, ижодидаги ибратли нукталар ҳақида маълумот беришга хизмат қилади. Адабий танқидчиликнинг фаол жанрларидан саналувчи адабий портрет туб моҳияти билан ёзувчининг таржимаи ҳолига ҳам, асарларининг ғоявий-бадиий хусусиятлари, адиб ижодининг маърифий аҳамиятига ҳам дахл қила оладиган жанр. Адабий портрет “инсоннинг инсон ҳақидаги маълумоти” бўлиб, унинг бош мақсади шу инсоннинг бадиий образини куриш ва шу орқали уни абдийлаштиришдир. Адабий портретнинг танқидчиликдаги бошқа жанрлардан фарқи шундаки, унда биринчидан, аниқ инсон шахси объект қилиб олинади ва унга хайрихоҳлик туйғуси кучли бўлади, иккинчидан, жонли хотиралардан фойдаланиш, учинчидан, публицистик рух устуворлик қилади. Адабий портрет муаллифининг тили мутахассислардан кўра кенг халқ оммасига тушунарли бир услубда бўлиши шарт. Бадиий ижод хусусиятларидан фойдаланиш, илмийликдан чекланмаган ҳолда бадиий талқинга

эътибор бериш портрет жанрида ижод килувчиларнинг диққат марказида туради. Шу жиҳатдан ўзбек танқидчилигида яратилган портретларнинг энг яхши намуналари С.Айний, Зулфия, И.Султон, М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, У.Норматов, Н.Каримов, Б.Назаров, М.Алиев, С.Мамажонов, А.Акбаров каби ижодкорлар ва танқидчилар ижодида учрайди.

Танқидий –биографик очеркда ёзувчи ёки шоирнинг ҳаёти ва ижодида доир далиллар умумлаштириб, кенг миқёсда ўрганилади, аммо адабий портретдаги каби объектнинг маънавий, руҳий дунёсига, ички кечинмаларига тўхталинмайди. Кўпроқ улар яратган асарларнинг таҳлилига ўрин берилади.

Эссе адабий танқидчиликнинг йирик ҳажмли, ўзига хос жанрларидан бири бўлиб, унинг бошқа жанрлардан фарқ қилиб турувчи алоҳида белгиси – муаллифнинг эркин мулоҳазаларига асосланиши, турли-туман далилларнинг келтирилиши, танқидчининг бадий ҳаёлотга ва фантазияга бой қарашлари асосида яратилишидир. Н.Каримов, О.Шарафиддинов, Отаёр яратган эссе-романлар эссеистикани ривожлантириш билан бирга ёзувчи, шоир ижодини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиши жиҳатидан алоҳида аҳамиятга эга.

ХУЛОСА

Илғор адабий - эстетик қарашларни ифодаловчи адабий танқид шакл ва мазмун жиҳатидан ўзига хос ижод туридир. Танқиднинг табиати адабий материалга, ижтимоий ривожланишнинг ҳар бир даврига хос хусусиятларга, танқидчи маҳоратига боғлиқ ҳолда тараққий этади, шунга боғлиқ танқиднинг шакли ҳам ўзгаради. Адабий танқид жанрлари пайдо бўлади (тақриз) , янгиланади (мақола), баъзан йўқолиб боради, баъзан эса бир-бирига ўтади, синтезлашади, янги жанрларни юзага келтиради.

Адабий танқид жанрлари ҳар бир халқнинг ўзига хос адабиёти билан боғлиқ ҳолда ривожланади, тараққий этади. Уларда бадий асарга баҳо бериш, унинг адабиётдаги, адабий жараёндаги ва ёзувчи ижодидаги ўрнини белгилаш асосий моҳият касб этади.

Ўзбек адабий танқидчилигидаги жанрларнинг кўпи мумтоз адабиётшунослик бағридан ўсиб чиқди ва янги замоннинг илғор танқидий тафаккури таъсирида ривож топди. Уларнинг генетик илдизлари мумтоз адабиётшунослик ва танқидчиликнинг шаклланиши, тараққиёти билан боғлиқ. Ўтмишдаги жанрлар бадий асарга баҳо бериш ва унга муносабатнинг қадимий анъаналарга эгалигидан далолат беради.

Ўзбек адабий танқидига алоқадор жанрларнинг кўпчилиги ўтмишдаги аждодларимизнинг илмий ва образли тафаккури тараққиёти маҳсули сифатида кўзга ташланади. Уларнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши, тараққий топишида мумтоз шоир ва адиблар, донишмандларнинг адабиётга муносабатлари бадий асарлар бағрида ва алоҳида ҳолда ҳам сақланиб қолган ва анъанавийлик касб этган. Уларда адабиёт ва унга алоқадор ҳолда адабий, ижтимоий сиёсий ҳаётнинг маълум кирралари, ижодкорларнинг ўзига хос услублари, қиёфалари зуҳур топади.

Ўзбек адабий танқидчилиги жанрлари яхлит тизим бўлиб, шаклланиш ва ривожланиш жараёни давом этаётган илмий-адабий ҳодисадир. Адабий танқид жанрларида муаллифнинг – ёзувчи ёки мунаққиднинг хис-туйғулари, адабиётга муносабати, бадий асарга хайрихоҳлиги ёки уни ёқламаслиги каби ҳолатлар ўз ифодасини топган бўлиб, ўзига хос вазифаларни бажариб

келадилар. Улар ўз олдига қўйилган вазифаларига, бадий асарни таҳлил қилиш усули ва унга муносабатига кўра тасниф этилди. Адабий танқиднинг :

* тақриз жанри – янги нашр этилган асарлар ҳақидаги ихчам ва лўнда мулоҳазалар бўлиб, асарни қисқа таҳлил этиш ва унинг адабий жараён, ёзувчи ижодидаги ўрнини кўрсатиш, баҳо бериш, ютуқларни аниқлаш, нуқсонларни кўрсатиш, унинг моҳиятига “разведка” каби вазифаларни бажариб келади, ўзига хос ички кўринишларга эга;

* адабий-танқидий мақола тақризга нисбатан кенг кўлами, қўйилган муаммони ўзига хос йўллар билан ечиши, вазифалари, усуллари нуктаи назаридан алоҳида аҳамият касб этади. Унинг обзор мақола ва муаммоли мақола каби ички шакллари ва уларнинг ҳам бир неча хил кўринишлари учрайди;

* адабий – танқидий суҳбат ёзувчи, шоир билан танқидчи ўртасидаги жонли мулоқот бўлгани учун унда фикр-мулоҳазаларни рўй-рост айтиш, дилдан гаплашиш руҳи устун, ижодкорнинг ижод лабораториясига чуқурроқ кириш имконияти кучлидир;

* адабий-танқидий мактуб аниқ бир кишига – ёзувчи, шоир, танқидчи, китобхонга қаратилиши, мурожаатнинг кўп қўлланиши, хат ёзувчи киёфасининг, қалбининг ёрқин акс этиши жиҳатидан ўзига хос.

* портрет-мақола муаллиф ҳаёти ва ижодини муайян камровда, умумлаштирилган ҳолда ўрганиши, унга баҳо бериши жиҳатидан бошқа мақолалардан фарқ қилиб туради;

* адабий портрет - адабий танқидчиликнинг йирик жанрларидан бўлиб, ёзувчи ёки шоирнинг кенг камровда чизилган дунёси, ижодий ва шахсий, маънавий киёфасини, образини яратиш йўлидаги ҳаракатлари билан ўзига хос ўрин эгаллайди;

* танқидий-биографик очерк ижодкорнинг ҳаёти ва ижодини умумлаштириб, батафсил ўрганадиган, кўпроқ ижод маҳсулларининг сабаб ва оқибатларига диққат қаратади;

* эссе адабий танқидчиликнинг эркин мулоҳазаларга асосланадиган, қолипларга буйсунмайдиган, муаллифнинг ҳис-ҳаяжони бўртиб турадиган жанри бўлиб, ҳаёлот ва фантазияга кенг ўрин беради;

Адабий танқид жанрларининг мазмун-моҳияти фақат бадий

асарга баҳо бериш, ютуқ ва камчиликларини кўрсатишдан иборат бўлиб қолмай, унинг асосида бадий адабиётнинг юксаклиги учун кураш гоёси туради. Бу орқали комил инсонни тарбиялаш, унинг эстетик онгини, тафаккурини ривожлантиришдек олий мақсадлар ётади. Адабий танқид жанрлари ҳам илмий ва образли тафаккур намуналари сифатида китобхонга эстетик таъсир кўрсатади. Уларда адабиётдаги эстетик кечинмалар ифодасининг талқинлари, моҳияти ёрқин акс этади.

Ўзбек адабий танқидчилиги жанрлари адабиётга таъсир ўтказди, шу билан бирга адабиётдан таъсирланиб, янги жанрларни бойитиб боради. Масалан, эссе, адабий-танқидий суҳбат, мактуб кабиларни кўрсатиш мумкин.

Танқидчилик жанрларини ривожлантиришда XX асрда танқидчилар билан бир қаторда ёзувчилар ҳам фаол бўлганларини алоҳида уқтириш лозим. Бу жараён, айникса, XX аср бошлари адабий танқидчилигида- Фитрат, Чўлпон, А.Қодирий, кейинроқ С.Айний, Ойбек, М.Шайхзода, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом каби ёзувчилар ижодида яққол намоён бўлган. Улар адабий танқид жанрларининг юзага келиши ва ривож топишида катта хисса қўшганлар. Шу билан бирга ўзбек адабиётшунослари ва мунаққидлари жанрларнинг мустақкам қарор топиши ва кейинги тараққиётида илмий - образли тафаккур намуналари, бадий асарни баҳолашдаги ўзига хос услублари билан алоҳида ўрин эгалладилар.

Ўзбек адабий танқидчилиги жанрлари илмий ва эстетик тафаккур маҳсули сифатида жуда бой ва ранг-баранг бўлиб, публицистик руҳга эгаллиги, оммабоп услубга, содда ва ифодали тилга эгаллиги билан ажралиб туради. Адабий танқидчилик жанрларининг ҳар бири ўзига хос композицион бутунликка эга, уларнинг баъзилари қатъий қолипларга, баъзилари эркин тузилишга, ифодага асосланади.

Адабий танқид жанрлари танқидчиликни янги ўйлар, кузатишлар, мушоадалар билан бойитишда алоҳида ўрин тутмоқда; шунингдек, уларда адабий ҳодисаларнинг чуқур таҳлили, адабий жараён муайян санъаткор ижодининг гоёвий-эстетик йўналишини кенг кузатишга эришилмоқда. Бунда санъаткорлар ҳам, танқидчиларнинг ҳам ҳаёт, адабиёт, ижодий жараён, адабий ҳодисалар хусусидаги ўй-мушоадалари,

кузатишлари омухталашиб, яхлит бир силсилани ташкил этмоқда.

Адабий танкид жанрлари мазмунининг таъсирчанлиги куйидаги икки хусусият билан белгиланади: биринчидан, ҳар қандай танкидий асар ички зарурият билан ёзилмоғи шарт. Иккинчидан эса, танкидчи фикрлари эхтиросга бой ва ҳис-ҳаяжон билан суғорилган ҳолда изчил мантикка эга бўлмоғи керак. Ҳар бир мунаққид ўз асарида янги фикр айта олиши, адабий жараёндаги ёхуд у ёки бу жанрда яратилган асардаги янгиликни тезда сеза биладиган, асарнинг номаълум томонларини кўра ва китобхонга кўрсата олиши, ёзувчининг ўзига хослигини очиб бериши лозим.

Адабий танкид-, аввало, фан. Ҳамма фанлар каби унинг ҳам предмети, объекти, ўзига хос тили - иборалар, истилоҳлари бор. Унинг бошқа фанлардан фарқи шундаки, у энг аввало ижод тури ҳам, иккинчидан, унинг тили кенг халқ оммаси учун тушунарли бўлиши керак. Бунинг устига танкиднинг объекти бадиий адабиёт, у бадиий адабиёт ва унинг яратувчиси билан ҳам иш олиб боради, бинобарин, у образиликка ҳам дахлдор. Сўзда сеҳр мавжуд. Гап бу сеҳрдан қандай фойдалана олишда, “жаҳон гулшанида бу тоза гул худди куёш гулидек, таърифдан ташқарида” деб васф этилган сўзга нисбатан масъулият англаш - ўз олдига қўйилган мақсадга тезроқ етишишни таъминлайди. Шунинг учун адабий танкиднинг барча жанрларидаги ҳар бир сўз қудратга эга бўлиши, танкидчи такризи, мақоласи, эссе ёки мактуби ва улар орқали билдирган мулоҳазалари билан орқали ўзининг адабий-бадиий, илмий-фалсафий дунёсини яратиши керак. Бу мулоҳазалар танкиднинг барча жанрларига тегишлидир.

Танкидчи танкидий жанрда қалам тебратувчи ёзувчи экан, қайси жанрда ёзишидан қатъий назар, унинг ёзганлари санъат асари бўлиши, унда ҳам, бадиий асарда бўлгани каби мазмун ва шаклнинг диалектик уйғунлиги таъминланиши зарурлиги ҳақидаги фикрлар адабий танкиднинг барча жанрларига тааллуқлидир. Бу жанрлар адабиётга бевосита алоқадорлиги, унга боғлиқ тарзда тараққий этиши, ўзига хос усуллари ва вазифаларига эгаллиги билан эътиборлидир.

МУНДАРИЖА

КИРИШ-----	3-8
Ўзбек адабий танқидчилиги жанрлари таркиби ва генезиси-----	9- 29
Тезкорликка асосланган танқидчилик жанрлари-----	30-68
Тарихий-биографик ёндашув характеридаги адабий танқид жанрлари-----	69-171
ХУЛОСА-----	172-175

ШОИРА АҲМЕДОВА

**ЎЗБЕК АДАБИЙ
ТАНҚИДЧИЛИГИ ЖАНРЛАРИ**

Бухоро давлат университети Илмий кенгаши томонидан
нашрга тавсия этилган.

Мухаррир : М. Содикова

*Нашириёт рақами: 3-103 Босишга рухсат этилди : 29.02.07.
Офсет босма. Офсет қозғоз. Ҳисоб нашириёт т. 10.0. Шартли
босма т. 11,25. 184 – буюртма. 500 нусхада. Келишилган нархда.*

*ЎЗР ФА “Фан” нашириёти : 100170, Тошкент,
И.Мўминов кўчаси, 9-уй.*

*Ўзбекистон Республикаси
Кўзи оғизлар босмахонасида чоп этилди.
700027, Тошкент, Ўзгарииш кўчаси Қирки тор кўчаси, 32*

